

РҶҶОМ

# ШАРҶ ҶАДҶУДИ



4  
2013



## *Абдулла Авлоний*


*Эмди очуқ маълум бўлдики,  
тарбияни тугилган кундан бош-  
ламак, вужудимизни қувватлан-  
дурмак, фикримизни нурлан-  
дурмак, ахлоқимизни гўзаллан-  
дурмак, зеҳнимизни равшанлан-  
дурмак лозим экан.*



# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али	Абдуваҳоб Нурматов
Эркин Воҳидов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Кенгесбой Каримов	Абдулла Орипов
Наим Каримов	Тўра Саидов
Тўра Мирзаев	Сирожиқдин Саййид
Иқбол Мирзо	Энаҳон Сиддиқова
Минхожиқдин Мирзо	Йўлдош Солиқонов
Ғулом Мирзо	Хайриқдин Султонов
Сувон Нажбиқдинов	Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам  
Назм бўлими мудири — Иқром Отамурод  
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш  
Адабиётшунослик бўлими мудири — Олим Тўлабоев  
Масъул котиб — Саъдулло Қуронов



## УШБУ СОНДА:

Наср

Муҳаммад АЛИ



### ШОҲРУХ МИРЗО

(“Улуғ салтанат” роман-тетралогия-нинг тўртинчи китоби)

Улуғбек Мирзо ҳали ҳам хаёлга ботган ҳолда бир нуқтадан кўз олмай тикилиб турарди. “Амирзодам бошқачалар... – ўйлади Сароймулкхоним. – Иншооллоҳ, ундан илму зиёга интилгувчи аллома чиқаду... Жуда хаёлчан, босиқ. Худди шу ёшданоқ дунёнинг паст-балаңдига назар солаётгондек, жумбоқларига жавоблар излаётгондек...



*Йўл*

*Шуфқур*

*Йўл узок – сабрсиз етмоқлик маҳол,  
Йўл оғир, меҳрдан олайлик кўпроқ.  
Бизга хайрихоҳдир йўловчи шамол,  
Қалбимизда иймон –  
Яратган ҳамроҳ!*

Шеърят

Иқбол МИРЗО



Драматургия

Кўчқор НОРҚОБИЛ



### БИЗ ҲАМ ОДАММИЗ

ПЬЕСА

**Сора:** Нима қиламиз, дейсизми? Билмайман... Йигирма йилдан бери нима қиларимни билмайман. Шу кунимга ҳам розийдим. Сизни ондасонда кўриб турганимга розийдим. Энди иложим қолмади. Бу ерлардан бош олиб кетмасам ўзга чорам йўқ... Ўлсам ўламан... Отам тенги Омон партияга хотин бўлмайман. Мендан рози бўлинг, Бутунвой. Мен қишлоқдан кетаман.

**Бутунвой:** Қ...қ...қаёқ...а? Қаёқ...қ?



Тарихимизни ўрганамиз

Қаҳрамон РАЖАБОВ

### АЛП ЭР ТўНГА – ТУРОН ХОҚОНИ

Биз Алп Эр Тўнга (Афросиёб) шахсиятига мурожаат қилиш орқали, аслида, ўзлигимизга, ҳали ўзбек номи билан юритилмай, бироқ жаҳон тарихида тур, турк, суғд, сак, массагет ва бошқа номлар билан аталган, “Туркнинг бош бўғини” (Амир Темур) бўлган бугунги ўзбек халқининг азим ва қадим тарихига мурожаат қилган бўламыз.





### Халқ достонлари генезисига доир

Бинобарин, халқ достонларининг вужудга келиш жараёнида муайян ҳаёт тақозоси билан рўй берган юрт мустақиллиги учун кураш, мамлакатда давлат тизимининг ривожини, фавқулудда пайдо бўлган халқ қаҳрамонларининг ҳаётидаги мардлик лавҳалари уйғунлашиб достонларнинг яратилишида туртки вазифасини ўтаганини алоҳида кўрсатиш мумкин бўлади.



### Бир дарахт новдалари

Кенгесбой КАРИМОВ

#### *Чимбой сўқмоқлари*

Туркум

*Умр ўтаёттир бир ширин тушдек,  
Кўнглимда орзулар ўсди барқ уриб.  
Хаёлим мисоли безовта қушдек  
Ниманидир излаб, учди чарх уриб.*



### Шеърят

Замира РЎЗИЕВА

#### *Юрагимнинг қўлларин сенга тўптай*

Шеърлар

*Ардоқдаги озодликнинг исми – сен,  
Омонликда ободликнинг хусни – сен,  
Довругининг давомчиси бўлиблар,  
Жонда асрай Ватан деган ҳисни мен.*



Унутмас мени боғим

Йўлдош СУЛАЙМОН

#### *Йўлдоша тансану Йўлдоша жонсан*

Шеърлар

*Қаерларда кезмай, ширин ўйимсан,  
Соғиниб-соғиниб қайтган ўйимсан.  
Таъриф-тавсифингда йўқдир нигоҳим,  
Фарғонам, волидам, жонуну жаҳоним!*



## МУНДАРИЖА

### ПУБЛИЦИСТИКА

Аҳмаджон Мелибоев. Маънавий юксалиш йиллари. .... 5

### НАСР

Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. Роман. .... 9  
Ислом Ёқубов. Мулоҳаза, мушоҳада ва маъно уйғунлиги. ....9  
Биби Робия. Қуз ёлғири. Ҳикоя. ....151

### ШЕЪРИЯТ

Иқбол Мирзо. Йўл. Туркум. .... 41  
Нодир Жонузоқ. Томчимиз. Тўртликлар. .... 56  
Замира Рўзиева. Юрагимнинг гуллари сенга тугай. Шеърлар. .... 58  
Алишер Нарзулло. Тун қалбимга кириб келдинг. Шеърлар. ....60  
Дилором Исмоилова. Атрофда рангларнинг яшил жаранги. Шеърлар. .... 77  
Абдуразоқ Обрўй. Юртни оевган енгилмас кучдир. Шеърлар. .... 79  
Нодира Баротова. Дарахт ялғорига мактублар битдим. Шеърлар. ....82  
Ғайрат Маъжид. Кўзимнинг қафтида олиб юрганим. Шеърлар. .... 84

### МУАЗЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

Жалолоддин Румий. Маъжолиси сабъа. 2-3-мажлислар. .... 44

### ДРАМАТУРГИЯ

Қўчқор Норқобил. Биз ҳам одаммиз. Пьеса. .... 62

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Қашқадарё ёшлари ижодидан. Шеърлар. .... 98

### ЖАРАЁН

Янги авлод овози. Абдуқайом Йўлдош, Рисолат Ҳайдарова. .... 86

### ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Қахрамон Ражабов. Алп Эр Тунга – Турон хоқони. .... 107

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдулла Шер. Ойбек, ой ва коинот ёхуд дарвешлик рутбаси. ....122  
Омонулла Мадаев. Халқ дostonлари генезисига доир. .... 130  
Машхура Шералиева. Ёзувчи ижодий тадрижида киноя. .... 136  
Олим Олтинбек. "Бир қўшна сайрайди менинг руҳимда". ....143  
Барно Ҳасанова. "Фано ва бақо" ҳикоясида фалсафий-психологик тасвир теранлиги. .... 146

### БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Кенгесбой Каримов. Чимбой сўқмоқлари. Туркум. .... 149

### ҲИҚМАТЛАР

Тилаб Маҳмудов. "Ҳиқмат излаганга ҳиқматдир дунё". .... 157

### НАВОИЙХОНЛИК

Дилором Салоҳий. Хубоб тақдири. .... 161

### БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Содиқжон Иноятов. Ўйнагани жўнади, коптогани кўчоқлаб. Шеърлар. ...164

### ЁДДА ҚОЛГАН СИЙМОЛАР

Берди Раҳмат. Шеърят байрамлари. .... 166

### УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Йўлдош Сулаймон. Йўлдошга тансану  
Йўлдошга жонсан. Шеърлар. .... 171

### ГУЛҚАЙЧИ

Муродбой Низанов. Ота ҳурмати. Ҳажвия. ....173

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2013

4-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.

Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

\* Обунага монелик кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
"Амир Темур" тор кўчаси, 2. Республика  
"Мағбуот таркатувчи"  
акциядорлик  
компаниясига мурожаат қилинсин.

Обуна индекси – 911

### Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
"Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Боснига рўхсат этилди  
12.06.2013 йил.

Қозғ бичими 70x108 1/16.

Оффсет босма усулида тип.

№ 1-қозғотга босилди.

Босма тобоғи 11.

Шартли босма тобоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.

Адади 2179 нусха.

Буюртма № 218-13

Журнал Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.

"Ўқитувчи" НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:

*Ҳушид Иброҳимов*

Мусаххилар:

*Дилфуза Маҳмудова,*

*Раъно Ҳакимжонова*

Copyright © "Шарқ юлдузи"



## Маънавий юксалиш йиллари

Дунё мамлакатлари тарихидан яхши маълумки, истиқлол, миллий озодлик ягона мақсад йўлида узоқ давом этган курашлар, оғир йўқотишлар натижасида қўлга киритилади. Аммо уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий мураккабликларига дош бериш янада қийин кечади. Тарихда хотиржамликка берилиб, ўз эркини қўлдан бой бериб қўйган давлатлар ҳам бўлган. Шу боисдан ҳам истиқлолимининг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз раҳбарлигида бу улғу ва азиз неъматни асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, янги жамиятнинг бошқарув тизимини шакллантириш, таълим-тарбияни замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва бошқа кўплаб муаммолар ечими юзасидан кенг қўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди, "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун" деган шиор ўртага ташланди. Миллий истиқлол гоёси, келажак насларга Озод ва Обод Ватан қолдириш нияти, озодлик йўлида жонларини қурбон қилган ота-боболар, улғу аждодларнинг муқаддас оруларини рўёбга чиқариш, собиқ тузум шароитида юз берган адолатсизликларга барҳам бериш, халқимиз учун дунёдаги ҳеч бир халқниқидан кам бўлмаган муносиб турмуш тарзини яратиш нияти онг-шууримизни эгаллади, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилдик. Оғир синовларни енгиб ўтдик, қутилган ва қутилмаган муаммоларга дуч келдик, аммо танлаган йўлимиздан қайтмадик. Халқимизга хос бардошлилик, сабр-қаноат, қатъият ва шижоат ўз самарасини берди.

Тарих учун йигирма икки йил кўп вақт эмас. Аммо биз шу йилларнинг ҳар бирини Юртбошимиз раҳбарлигида тамомилан янги тамойил ва қадриятларга асосланган эркин, демократик жамият барпо этиш, ижтимоий адолатни, миллий ғурур ва ифтихорни тиклаш, тинчлик-тотувликка эришиш, дунёга чиқиш, дунё ҳамжамияти эътирофини қозониш йилларига айланттирдик. Ҳар бир йил миллий истиқлол солномасида муносиб из қолдирди.

Неча минг йилликлар давомида кўрмаган, гувоҳи бўлмаган нарсаси қолмаган бу жафокаш дунёни ҳайратга солиш осон иш эмас. Аммо кейинги йигирма икки йил ичида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислоҳотчилигида, халқнинг қатъий азму қарори, ғайрат-шижоати, фаровон келажакка ишонч туйғуси, ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги билан амалга оширилган ишлар чиндан ҳам ҳайратланарли десак, муболаға бўлмайди. Бу — юртимизда ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманлар иштирокчилари, нуфузли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар, иқтисодчи олимлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш халқаро марказлари мутахассисларининг фикри. Содда қилиб айт-



**Аҳмаджон  
МЕЛИБОЕВ**

1946 йилида туғилган.  
Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаган. "Бир заминда яшаймиз", "Умидли дунё", "Ёлғиз яшаб бўлмайди", "Ҳуштанки ким чалади?", "Умр учар юлдуз", "Торнинг чўмичдан фарқи", "Сувора соғинчи", "Қирқ бешинчи бекат", "Қабоҳат тўри" публицистик тўпламлари муаллифи.  
Ўзбекистон Миллий университети доцент, Ёзувчилар уюшмаси Бадий публицистика кенгашининг раиси.

ганда, Ўзбекистонда кейинги йигирма икки йил ичида қандай ютуққа эришилган бўлса, уларнинг барчаси халқимизники, ўзимизники, келажагимизники.

Мустақиллик арафасида ва истиқлолимизнинг дастлабки кезларида бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий муаммолар қамраб олгани, таъминотдаги узилишлар, собиқ марказдан келаётган таҳдидлар жамиятдаги танглики янада жиддийлаштирагани, бунинг устига, ўз умрини яшаб бўлган сохта тузум тарафдорларининг турли фитна-найранглари, узоқ-яқиндан келаётган хуружлар кўпчилигининг ёдида, албатта. Аҳволни ўнглаш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, одамларнинг истиқлолимизга бўлган ишончини сусайтирмаслик учун кескин, аммо пишиқ-пухта, халқимиз манфаатлариغا ҳар жиҳатдан мос чоралар кўриш, адолатли қарорлар қабул қилиш, бунинг учун эса бутун масъулиятни зиммага олиш зарур бўлди. Не бахтки, биз бу оғир синовдан, тарихий бурилиш палласидаги ҳаёт-мамот имтиҳонидан омон-эсон ўтдик.

Биргина мисол. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ғоят мураккаб шароитда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган, моддий жиҳатдан қийналиб қолган, очигини айтганда, бир умр далада меҳнат қилиб, пешонаси офтоб, қозони ёғ кўрмаган, ҳафсаласи пир бўлган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида икки ярим миллион оилага жами 700 минг гектар суғориладиган ерни томорқа сифатида бериш тўғрисидаги Фармони юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда жуда катта, айтиш мумкинки, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу қарор янги жамият адолат устивор бўлишини, мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ ва эркинлик сифатида ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун беқиёс ва бебаҳо неъмат эканининг дастлабки нишонаси эди. Ерга эга бўлган одамлар қалбида умид, ишонч учқунлари пайдо бўлди. Аммо ўшанда кўплар давлатимиз раҳбарининг ушбу жасоратли Фармони моҳиятини тўғри англамай, узоқни кўра олмай, пана-пасткам жойларда давлат мулки талон-тарож қилина бошлангани, бу нарса яхши оқибатларга олиб келмаслиги тўғрисида шивир-шивирни бошлаб юборишгани, айримлар ҳатто икчиланиб қолгани ҳам ёдимизда. Президентимизнинг “Ўзбек халқи ўзи танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмайди”, деган сўзлари истиқлолнинг залворли қадамларига янада шиддат ва қатъият бахш этди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакат олдида мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, одамлар онг-шуурига янги жамиятнинг янги ғояларини сингдириш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, ор-номусини жой-жойига қўйиш, яқин ва олис тарихимизни собиқ тузум мафқураси таъсиридан тазалашдек муҳим вазифа турар эди. Шу мақсадда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида миллий тараққиётнинг Ўзбекистонга, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига мос модели, миллий истиқлол мафқурасининг асосий тамойиллари, жамият ҳаётининг олис келажакка мўлжалланган бош мақсад-режаси ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар давомида ўзини тўла оқлаган, дунё миқёсида тан олинган бу модел, аввало, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг янги принциплари, халқимизнинг куч-қудрати ва интеллектуал салоҳиятига асосланганди. Бу тамойилларнинг моҳияти ўтиш даврида давлат ўз зиммасига бош ислохотчи деган масъулиятни олиши, қонун устиворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўта мураккаб шароитда, асосан, ўз кучи ва имкониятига таяниб иш кўрди. Давлатимиз раҳбарининг “Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз”, деган шиори, маълум шартлар ҳисобига бошқалардан қарз кўтармаслик принципи, сохта обрў қозониш учун енгил-елпи қарорлар қабул қилмаслик, ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга ошириш фаолиятимизнинг бош йўналишини ташкил этди.

Истиқлол йилларида жамиятимизда амалга оширилган ишларнинг ҳар бири ўзига ҳос тарихга, маъно-мазмунга эга. Қисқа вақт ичида янги демократик тизимнинг шаклланиши, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб олинди, бу муносабатларнинг мутаносиблиги таъминланди, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кўппартиявийликнинг юзага келиши, сиёсий партиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши, улар орасида соғлом рақобатнинг юзага келиши чиндан ҳам, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Яна бир муҳим ютуқ — мамлакатимизда мулк ва мулкдорларга нисбатан муносабат тамомила ўзгарди, жамиятда янги мулкдорлар синфи пайдо бўлди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясига олинди. Собиқ тузум шароитида хусусий мулк тўғрисида, ҳалол пешона тери, узоқ йиллик машаққатли меҳнат ҳисобига маълум бойликка эга бўлиш ҳақида ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик расман таъқиқлаб қўйилган, бунинг учун жазо муқаррар эди. Бугун салоҳиятли ишбилармон ва тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим нуқталарида ғоят масъулиятли ва-

зифаларни зиммаларига олиб, ҳаётимизнинг янада фаровон, турмушимизнинг сермазмун бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари, хусусан, "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мамлакатимизда ишчанлик, ташаббускорлик муҳитини янада яхшилади. Чунончи, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувни янада демократлаштириш, халқимизнинг эркин ҳаётини таъминлаш, жамият ҳаётида фикрлар хилма-хиллигига эришиш борасида муҳим ислоҳот ва изланишлар амалга оширилаётганининг юксак далолатидир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, оғир синовлар пайтида тўплаган тажриба, миллий тараққиётнинг "ўзбек модели" дунё ҳамжамятининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлди, бу тажрибани ўрганишга қизиқиш кучайди. Истиқлолимизнинг дастлабки қадамларида бизнинг халқимиз учун муносиб ҳаёт тарзи яратиш, ҳеч қимдан кам бўлмай яшаш, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу ниятларимизга белсандлик билан қараганлар бугун мустақил Ватанимизнинг қатъий ва шахдам қадамларини кўриб ҳавас қилмоқдалар.

Биз бугун эмин-эркинликда кечаётган умримизнинг йигирма иккинчи доволанда туриб, босиб ўтган йўлимизга, эришган муваффақиятларимизга, ҳаётимизда, онг-шууримизда юз берган ўзгаришларга ва, айниқса, истиқлол шароитида ўсиб улғайган ёшлар фаолиятига назар ташлаб, фикру мулоҳазаларига қўлоқ тутар эканмиз, қалбимизда фахрийфитҳор туйғуларни жўш уради, дунёнинг бугунги шиддатига ҳар жиҳатдан мос янги баркамол авлод камолга етаётганига, ўтган йилларнинг ҳеч бири, ҳеч оғир исзис, самарасиз кетмаганига амин бўламиз. Бу йилларни истиқлол солномасининг энг мураккаб, аммо бениҳоя сермазмун ва шарафли саҳифалари десак, муболага бўлмайди.

Жамият тараққиёт сари юз тутар экан, ижтимоий-маънавий юксалиш, турмуш фаровонлигига эришиш имкониятлари халқнинг орзу-умидлари билан мутаносиб равишда ошиб боради. Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллигига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, энг аввало, одамлар қалбида фуқаролик масъулиятини, жамият ҳаётида кечаётган жараёнларга бевосита дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Тинч-тотув яшаш, фаровон турмуш кечириш учун кураш, бу жараёнда иштирок этиш, ҳисса қўшиш унинг учун маънавий бурча айланади. Бу бурч уни янада фаол бўлишга, ташаббус кўрсатишга, жамият, миллат манфаатларини шахсий хоҳиш-истакдан баланд қўйишга, ҳамиша ва ҳар ҳолатда ҳам виждон амрига қўлоқ тутишга, инсоф-диённатда давлат этади.

Инсон ҳамиша яхши кунларни орзу қилади, роҳат-фароғатда умргузаронлик қилишни ўйлайди, у бунга ҳақли, албатта. Аммо бунга эришиш кўп жиҳатдан унинг ўзига, меҳнатига, изланишига, бурч ва масъулиятини нечоғли англашига боғлиқ. Бугун ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йилларида одамларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маданияти, хабардорлик даражаси ошди, дунёқарашида, фикрлаш тарзида муҳим ўзгаришлар юз берди. Собиқ тузум давридаги ҳаммага тенг миқдорда меҳнат ҳақи тўлашдек номақбул принципнинг барҳам топиши, эндиликда ҳар бир киши ўз меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлишга, мулкка эгалик қилишга ва уни тасарруф этишга, фарзандларига мерос қилиб қолдиришга ҳақли экани ва бу ҳуқуқнинг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши мамлакатда ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатини юзага келтирди ва бу ҳаракат кўп ўтмай моддий манфаатдорлик мақоми билан бирга ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлиб, мамлакат миқёсидаги умум ҳаракатга, миллий иқтисодийётимиз ривожининг етакчи омилига айланди. Бугун далаларимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келади. Президентимизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари меҳнаткашлари билан учрашувларида шу нарса аён бўлдики, бугунги фермер хўжаликлари аста-секин кўптармоқли хўжаликларга айланиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Кейинги икки ўн йилликда шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, одамларнинг яшаш шароити, ижтимоий инфратузилма тубдан ўзгарди. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари молиивий-иқтисодий таназзул боис, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келиб турган, ишсизлик муаммоси ўта кескинлашаётган бир пайтда, Ўзбекистонда махсус дав-

лат дастурлари қабул қилиниб, қишлоқларимизда намунали лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан асло кам бўлмаган уй-жой массивлари қурилаётгани, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилаётгани чиндан ҳам ифтихорга молик ютуқ ҳисобланади. Қишлоқ жойларида янги типдаги уй-жой қуриш бўйича махсус дастурда кўзда тутилган режаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари ҳам иштирок этаётгани айни мuddао бўлмоқда. Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ишончли ҳамкорга айланаётгани, мамлакатимизда демократик ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани, халқ фаровонлигини оширишнинг истиқболли режалари пишиқ-пухта ишлаб чиқилгани натижаси десак, тўғри бўлади. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки директорлар кенгаши жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кўп траншли молиялаш дастурини Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш лойиҳаси учун маъқуллаган эди. Ўтган йили ана шу маблағнинг 160 миллион долларлик биринчи, ушбу йилда эса 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда йўл қурилиши мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Хусусан, темирйўл транспорти ва унинг мураккаб инфратузилмасини ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Натижада, минглаб километрлик янги темир йўллари қуриб, фойдаланишга топширилди, Самарқанд, Бухоро, Қарши йўналишларида "Регистон", Шарқ, "Насаф" тезорар поездлари қатнови йўлга қўйилди. Бундан икки йил аввал "Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди қатновининг амалга оширилгани Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора ошаётганидан далолатдир. Йўловчиларга жаҳон андозаларига мос равишда хизмат кўрсатиладиган бундай поездлар юртимизда туризм соҳасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунини ҳисобга олиб, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компаниясига қарашли Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи мутахассислари сайёҳларга мўлжалланган энг замонавий вагонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Тошкент марказий вокзалдан "Тошкент — Самарқанд", "Қарши-Бухоро-Урганч" йўналишлари бўйлаб йўлга чиқаётган "Афсона" поездидagi кулайликлар, чиндан ҳам афсонага ўхшайди. Ҳар бир купеда ювиниш хонаси, телевизор, радио, иситиш ва совутиш имкониятлари мавжуд. Поезд состави 8 вагондан иборат, ташкилотлар, меҳнат жамоаларининг буюртмасига биноан, улар сонини қўпайтириш, янги йўналишлар очиш, қўшимча хизматларни амалга ошириш ҳам мумкин. Бу лойиҳаларни истиқлол йилларида эришган энг муҳим ютуқларимиз қаторига киритсак бўлади.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон фуқароларининг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳақ-ҳуқуққа эгаллиги қатъий белгилаб қўйилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар, авваламбор, унинг манфаати, оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бунинг учун ҳар бири киши бугунги тезкор ва талабчан замондан ортда қолмай, ўзининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва хабардорлик даражасини, ислохотлар самараси учун ижтимоий масъуллик туйғусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда, ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва тўғри ҳулоса чиқариши лозим бўлади.

Қувончлиси шундаки, ортимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод — ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётир. Тажрибадан маълумки, мустақил фикрга эга бўлган бундай ёшларни тўғри йўлдан чалғитиб бўлмайди. Улар жамиятнинг фидойи, куюнчак аъзолари, ўз Ватани, улуғ аجدодлари билан фахрланадиган, зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этадиган ёшлар сифатида ҳар қандай баҳс-мунозарада ўз қарашларини ҳимоя қилишга қодирдирлар. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда, "янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир. Бундай авлод билан, ҳақиқатан ҳам, фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин".



## ШОҲРУХ МИРЗО

(“Улуғ салтанат” роман-тетралогиянинг  
тўртинчи китоби)

Биринчи боб

Йигирма икки ёшли Шоҳрух Мирзо билан йигирмага қадам қўйган келинчак Гавҳаршод бегимлар бугун эрталабдан шаҳар ке-зишга чиқишди. Улар Ҳиротда бўлаётган қурилишларни кузатиш-лари, янги жойларда нималар бунёд этиш борасида бир қарорга келишлари лозим эди. Барча мулозимлар кузатувида кўчани тўлдириб боришаётган оқ отдаги ҳукмдор билан маликанинг би-нафшаранг тахтиравонига қарашади. Аввал Мусалло, Масаррах мавзеларига ўтишди. Гозургоҳ қадамжоси зиёратидан кейин Арк-ка қайтдилар ва файзиёб кўринишхонага кирдилар. Шаҳарнинг шимолидаги Малик ва Қилчоқ дарвозалари ўртасида жойлашган ҳашаматли Арк биноси шаҳарга кўрку салобат бағишларди.

Ез жазирамаси нафас олишга қўймай борлиқни энтиктиради. Катта деразадан бутун шаҳар манзараси намоеён, қалъа дево-рида ҳар жой-ҳар жойда барпо этилган муҳташам Ҳориқ, Али Асад, Хокистар, Шомониён миноралари гўёки салтанатнинг мустаҳкам қурчлигини кўз-кўзлаб кўкка буй чўзгандай туюла-ди. Жануб тарафда катта, йигирма саккиз равоққа қўндирилган бежамали Малан кўприги аққол кўзга ташланади. Иккиси ҳам ўша ёққа қараб қолдилар...

Хуросон ҳукмдори этиб тайинланган Шоҳрух Мирзо бундан икки йил аввал Ҳиротга илк қадам қўйиб, ишни ана шу, юз йиллар олдин малик Фахриддин Карт қурдирган Аркни янги-дан бунёд этишдан бошлади. Ушанда Шоҳрух Мирзо Арк би-



### Муҳаммад АЛИ

1942 йилда туғилган.  
Ўттиздан ортиқ шеъ-рий, насрий асарлар, эсселар, публицистик мақолалар ва таржи-ма китоблари эълон қилинган. “Машираб”, “Гумбаздаги нур” каби дostonлар, “Боқий дунё” шеърий романи, “Сарбадорлар” та-рихий дилогия ҳамда “Улуғ салтанат” ном-ли роман-тетралогия муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюми маси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

### МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА ВА МАЪНО УЙГУНЛИГИ

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али қаламига мансуб “Улуғ салтанат” роман-тетралогиясининг “Шоҳрух Мирзо” номли сўнги китоби ёзиб тугалланди ва илмий-адабий жамоатчилик муҳокамасида илиқ қаршиланди.

Роман-тетралогиянинг ушбу китобида 1399-1409 йилларда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Хусусан, Миср ва Шам юришлари ва теуриязодадар ўртасида тож тухт курашишнинг бошланиши, Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзонинг Мовароуннахрни ўз тасарруфига киритиб, тинчлик ўрнатгани ва ўн беш ёшли Улуғбекни ҳукмдор сифатида эълон қилишигача бўлган ўн-ўн бир йиллик давр қамраб олинган.

Роман сюжет линиясида муҳим ўрин тутувчи тафсилотлардан бири Анқара жангидир. Тарихий манбалардан биламизки, Амир Темур ва усмонли турк султони Боязид I Йилдирым қўшинлари ўртасида 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида мислсиз улкан жанг бўлиб ўтган. Бу жанг Амир Темур ғалабаси билан якун топган.

<sup>1</sup> Журнал варианты

лан кейинроқ шуғулланишни дилига тукканди, бироқ малика Гавҳаршод бегим бунга рози бўлмай туриб олди:

– Ҳазратим! Подшоҳнинг салобати, энг аввало, унинг саройи, Арки билан ўлчангай. Келгонлар шунга қарайдур, – деди шаҳло кўзларини майин табассум ила безаб малика. – Подшо саройи саройга ўхшамаги лозим. Аввал ҳашаматли саройни тикласунлар, ки кўргон кўзлар қувонсун!

Аслида, Шоҳрух Мирзонинг ўзи ҳам Хуросон давлатининг юраги ҳисобланадиган, аммо кимлардандир қолган, ис босган кўҳна Арка ирим қилиб қадам қўймоқчи эмасди. Арк янгидан қурилсин, ҳар қандай ғуборлардан холи, ораста бўлсин, маликанинг айтганича бор...

Гавҳаршод бегим олдига тушган бўлиқ бир ўрим сочини оҳиста орқасига ташлаб, давом этди:

– Валинеъмат Соҳибқирон Самарқанди фирдавсмонандда Боғи Шимолдаги базмда ҳамма амирзодалар, маликалар кўз олдига ўзларига атаб Ҳиротда бир боғ барпо этишни буюрдилар, ёдингиздаму? Номини ҳам “Боғи Шаҳр” деб қўйиб бердилар...

– Фақат бизга эрмас, демакки, сизга ҳам атадилар-да, маликам! – жилмайди Шоҳрух Мирзо.

– Оллоҳга шукр, қуллуқ! – таъзим қилди малика. – Ҳатто муҳандислару номдор боғбонларни юбортдилар, харажатини салтанат хазинасидан ажратилишини алоҳида таъкидлаб қўйдилар...

– Шундоғ, шундоғ!.. – тасдиқлади ҳукмдор бош тебратиб.

Шоҳрух Мирзо баланд бўйли, кўзлари катта-катта, қуюқ қошли, мулоҳазалари ёшига қараганда теран йигит эди. Эғнидаги оқ матодан тикилган ҳирқанамо авра тўн, бошидаги оқ саллада ловиллаб ёнган йирик руммоний ёқут хушбичим йигитнинг чиройини яна ҳам очиб юборганди.

Подшо келини деб эъзозланадиган ақл-идрокли, туйгунгина Гавҳаршод бегим ҳам ҳусну малохатда тенгсиз, кўрку чиройда беназир... Орқасини эгаллаган тим қора сочлари нақ офатнинг ўзи, шаҳло кўзларида ажабтовур шижоат, ғайрат учкунлари чақнайди. Ҳамма нарса – ул нозик адонинг қадди-қомати, тип-тиқиқ чехраси, узун киприқлари, бежирим бурни, хиёл қалин дудоқлари, оқ-оппоқ томоғи, соҳир сийналари, икки чеккасидаги чиройли қайрилган гажаклари – бари-бари унга ярашган, ортиқча бирон нимарса учрамайди... Фалак нақшоҳи қош эмас, балки ўз қаламини эҳтиёткорона икки бор юритиб, икки қилолни ҳада этган. Қиз ҳамиша тақимини ўпадиган бўлиқ сочларини икки ўрим қилиб ташлаб юришни ёқтираб, ўтирганда олдига йиғиштириб олиб ўтирарди. Шоҳрух Мирзонинг диққатини тортган нарса ҳам айни Гавҳаршод бегимнинг ўша илондай тўлганган сеҳрли икки ўрим сочи эди...

Соҳибқирон беш йиллиқ юришга отланаётган йили Наврўзга ўн кун қолганда малика Туман оқа Сароймулкхонимдан Боғи Беҳиштда сумалак сайли ўтказишни ўтинди. Сайиллар, кўпинча, Боғи Чинор “насиба”си бўларди. Маҳди улё мамнунлик билан розилик билдирди.

*Пайгамбар ёшига етган Соҳибқирон Амир Темури елдек ўтиб бораётган вақтни жиловлади, Яратган ўз қалбига жо этган ниятларни амалга оширишга шошилаётганини ҳис этар эканмиз, кўнглимизда маъно бир кайфият ҳам уйғона бошлайди. Чунки “Шоҳрух Мирзо” тетралогиянинг охириги романи экани, унда бош қаҳрамон ҳаётига сўнги нуқта қўйилиши табиий экани бизга сир эмас. Бунга ички бир туйғу билан идрок этиб турсак-да, ўша жараён қандай вазият-ҳолатда кечиши, Муҳаммад Али ифода асносида бизга қанчалар нозик тотилларлар тақдим эта олиши мумкинлиги ҳақидаги иштибоҳлар шууримизнинг бир буржини банд этиб тураверади. Норасо дунёда одамларни ётпасига бахтиёр, оламни тинч ва обод қилиш имконсизлиги ҳақида ўйлар эканмиз, секин-аста кўнглимиздаги хавотир ва безовталиқ руҳи ҳам кучая боради. Дунёнинг ярмидан кўтини фатҳ этиб, не-не гарданкаши шоҳларни бўйин эгдирган қудратли ҳукмдор ҳам бундай ичкин руҳий тебранишлардан хорижда эмас.*

*Адиб Муҳаммад Султон ва унга суянчиқ бўлиши лозим бўлган Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон ва Байсунгур Мирзолар образларига алоҳида урғу беради. Бу бежиз эмас. Зотан, Амир Темури ўз ушаламаган орзу-армонлари рўёбин айнан уларнинг истиқболда кўрган. Ёруғ дунёнинг манзу қонунига кўра набиралар ота-боболар ўзининг давомчиларидир.*

*Амир Темури буюк саркарда ва султон бўлиш баробарида аксар ҳолатларда, оддий бир инсонга хос талай қирралари билан намоён бўлади. Масалан, Аштаргага жўнатилагани боис соҳибган суоқли набираси Муҳаммад Султон ўз ҳузурига ташириф буюрганида унинг бўй-басти, борлигига гуркираган йиғишлик заботио чақноқ кўзларига тишқисиз меҳр-муҳаббат билан термилирган, муаллиф: “Соҳибқироннинг юраги қалқинди, набирасини қайта-қайта бағрига босгиси келди... Муҳаммад Султон ногаҳон бобосининг бир томчи ёши соқолига думалаб тушигганини илғади”, деб ёзади. Бизнингча, қутлуғ ёшни қоралаган, ўн йиллаб умри от устида, сафарларда кечган кекса бобонинг*

Туман оқа Наврӯз деса, дарҳол сумалакни кӯз олдига келтиради. У барча мулозимларию канизакларига боғни саранжом-сарипталашни буюрди, боғбонларга алоҳида топшириқлар берди. Бир неча канизакни юбориб, турли боғлардаги маликаларни, салтанатнинг ашроф-ақобирлари ва оқсуяларнинг хотинларию қизларини, аслзода оймиларни Наврӯзга айтдириб қўйди. Холдона бибини чорлатиб, сумалақдан сўз очди. Бугдойни уч кун ивтидилар, сўнғ ундиришга қўйдилар. Иккиси ҳар куни қасрнинг ёнидаги қоронғи хонага кириб, игна-игна бўлиб шиддат билан унаётган бугдойларга қараб завқланишар, реза-реза сув сепиб чиқишарди.

Бир куни Сароймулкхоним ҳам келиб кўрди ва кетар экан, Туман оқага тайинлади:

– Самарқанддаги ҳамма амирзодалар, набираларни ҳам сумалақ сайлига чорласунлар, таниқ таомга оғизлари тегсун, бошқа қариндош-уруғлар билан танишсунлар, дийдорлашсунлар...

– Бош устига, хонимойим жаноби олиялари!

Маҳди улё ҳамма йигинларда ҳам шундай йўл тутди, теурийзодаларни тез-тез бир жойга йиғиб туради. Соғинган барча ўғлонларни қариб, дийдорларига тўйиб олмоқдан умидворлигини Туман оқа яхши англайди.

Наврӯз куни Боғи Беҳишт аста-секин гавжумлаша бошлади. Ҳаво ёқимли, осмон тиниқ, офтоб чарақлаб чиқиб келарди. Бир пасда боғ саҳни байрамона либослардаги амирзодалар билан тўлди. Шохрух Мирзо, Соҳибқироннинг набиралари Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзолар кўғирчоқдай кийинган суюмли тўрт яшар Аҳмад Мирзо ибн Умаршайхни ўртага олишганча, у ёқдан-бу ёққа юришарди.

Холдона биби амирзодалар бўй-бастига қараб ич-ичидан қувонар, булар ўсиб вояга етишса, салтанатнинг устунлари бўлишади, деб кўярди ичида. Қарийб ҳамма тўйларда кай-вонилкини, янгалкини кўлдан бермаган Холдона биби барча амирзодаларга ўзини дахлдор сезар, яқин оларди. Унга, айниқса, саккиз ёшли Халил Султон жуда ёқарди. Бағоят чиройли, ширин бола-да. “Келишган йигит бўлади, бахти қулган қизга буюради, илоҳо, тўйларини кўриш насиб этсин, ўзим белни боғлаб хизмат қилай!” – дерди ичида. Амирзода ҳам илиқ сўзлар гапиргани учунми, ўзини Холдона бибига яқин оларди. Ҳали бугдой унаётган вақтда, бир куни амирзода мулозими кузатувида Боғи Беҳиштга кириб келди.

– Момо, – деди Холдона бибига. – Кўкларнинг қандай ўсаётганини кўрсам майлиму?

– Майлингиз, жоним гиргиттон сизга, амирзодам! – юзларига табассум ёйилди Холдона бибининг. – Юрингиз!

Амирзода кўм-кўк нафис майсаларга қаради, завқини босолмай, кафтчасини оҳиста тегизди, улар санчилгудай қаттиқ эди.

– Яқинда сумалақ пиширамиз, маза қилиб ейсиз, а, амирзодам? Сумалақ Оллоҳнинг суюмли неъматларидан, чучундигизми? Ўзлари ҳам ўчоққа ўтин ташлайдилар, а? Кони савоб-да.

Халил Султон жилмайганча бош тебратди.

*тўнғичи Жаҳонгир Мирзодан ёдгор бўлган набира қаршисидаги мазкур ҳолат-кечинмалари эртадан умидвор ҳар бир бандаса хослиги билан табиийдир. Дарҳақиқат, бандаси учун дунё – ганимат, дийдор – ширин.*

*Миронишоҳ Мирзонинг тутумлари (учинчи китобда соҳибқирон Амир Темурга йўлланган мактуб назарда тутилмоқда)нинг ақлга мувофиқ эмаслиги Аҳий Жабборни минг бир андиша кўчасига олиб киради. Чунки биринчидан, бу “дуои саломнома” (аслида, “дуои баднома”)ни ўз соҳибига етказиши ҳазилакам куч ва шижоатталаб юмуш эмас. Иккинчидан, шу эҳсон туюлган ҳаракат туйғайли нафақат Аҳий Жаббор ва Миронишоҳ Мирзо, балки Султония тақдири ҳам узил-кесил ҳал қилиниши мумкин. Учунчидан, Миронишоҳга титот этмоқ – гуноҳга ботмоқ билан баробар. Доим ардоқли бўлиб келган Аҳий Жаббор Амир Темурга нисбатан оқибатсизлик қилмоғи дуввор. Тўртинчидан, Аҳий Жаббор учун ўз елкасини эзиб келаётган бу заворли юкни отиб юборишининг ҳам имкони йўқ. Шу босқдан у уч-қўйруқсиз ўйлар исканжасида бетаабдир қолган. Қизиги шундаки, романда бу мушкулани осон қилишининг гўзал поэтик воситаси топилган. Дарҳақиқат, Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий хонақоҳида содир бўлган гайритабиий воқеа билан танишар эканмиз, Соҳибқирон иқтидо қилган пириинг улуғ хислатлари туғи воситасида аён бўлишига гувоҳ бўламиз. Аҳий Жаббор қўйнидаги мактубни ваҳшатли илон деб билиб, бурдалаб ташлаши самовий гаройибот эпкинидан мутлақо холи тарзда содир бўлмайди. Зотан, сир-синаотнинг хонақоҳда, Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий шираси воситаси-ла юз бериши ҳам бежиз эмас.*

*Подишо аму фармонида зид бориб, инкор йўлини тутмоқ ақлга мувофиқ эмас. Қолаверса, аҳий (жавонмард)лар одами бўйича бировнинг амонатига хиёнат қилиш улкан гуноҳ. Ҳудойим бандасининг гарданига мушқул вазибалар юклар синагувчи ҳам, раҳмдил тадбиркору чевар баъзогардон эканлиги ҳам кишини ҳайратга солади. Шайх руҳининг безовталиги, унинг минадан ҳам*

Боғи Чинорда ўсиб вояга етган Шоҳрух Мирзо Боғи Беҳиштни ҳам жуда ёқтирарди. Боғнинг ложувард ва тилла билан безатилган нақшин дарвозаси бағоят салобатли. Серсоя ва мевали дарахтлари кўп. Ёғоч панжаралар билан ўралган хиёбонлар жуда сўлим, боғнинг ўртасида муҳташам кўшк намоеъ, унда ипак кўрпачалар тўшалган тахт бор. Соҳибқирон ташриф буюрганда ўша тахтда ўлтиради.

Кўшк рўпарасида катта қозон осилган ўчоқ атрофида юмшоқ тўшакларда салтанатнинг нуфузли ва эътиборли аёллари тиз чўкишган. Маҳди улё Сароймулкхоним дастасига нақшинкор ўқлоғ боғлиқ узун каптир билан қозон тагини олмасин учун ташланган майда силлиқ тошлару ёнғоқ ва қаттиқ бодомларни шалдиратиб қовлаб-қовлаб кўяди. Катта малика ёнида малика Чўлпон Мулк оқа, канизақлар Дурсултон оқа, Нигор оқа, "момоқиз" Орзумулк оқа, Холдона биби, Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг ҳарामी Олпоғойим, Амир Сайфиддин некўз, Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик, Муҳаммад Жалд, Мубашшир баҳодирларнинг хотинлари ҳамроҳ эдилар.

– Ҳа. Наврўзнинг хосиятлари кўп. Айтсанг, тугамайдур... – маликалардан қай биринингдир саволига жавоб бераркан, деди Сароймулкхоним. – Еру осмон баробар байрам қиладурғон, қувонадурғон айём-да бу! Оллоҳга шукр, улуғ кунга етиб келдик. Нақл айлайдиларки, саҳобалардан бири Наврўз айёмида Расулulloҳ алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом тухфа этибдур. Шунда пайғамбаримиз сўрабдурлар: "Бу нима-дур?" "Наврўз инъоми". Расулulloҳ яна сўрабдурлар: "Наврўз нима дегани?". "Ажамликларнинг улуғ ҳайити". Шундан сўнг Оллоҳнинг расули ҳолвани тановул айлабдилар ва: "Биз учун ҳар кун Наврўз бўлса кошкийди!.." дебдилар.

"Кошкийди! Кошкийди!.." деган сўзлар ёғилди.

– Баҳорнинг биринчи кунини, – сўзга қўшилди Орзумулк оқа, – бор жонзот, ер уйғонаркан, айиқлар қиш уйқусини тарк этаркан, ер остида ухлаган илонлар ҳам бир ағдарилиб оларкан... Ҳа, ҳа...

– Лола сайлига чиқиш қандай яхши-я! – деб кўйди Олпоғойим.

– Кониғилда лолалар кўп, лолақизгалдоқлар беҳисоб!.. Оҳ, қанийди, даста-даста териб олсанг!.. – Соҳибқирон канизағи Дурсултон оқанинг ўшандай сайилларни кўмсагани билинди.

Атрофни сумалакнинг монанди йўқ хиди тутиб кетди. Ёш қизалоқлар ўчоққа яқин келишиб: "Сумалак беринг! Сумалак беринг!" дея Сароймулкхонимга ялина бошлади. "Олақол, ма!..", дейди кулиб катта малика ва лагандан ёғоч қошиқ олади-да, дам-бадам қозоннинг ҳошиясига сақичдай қотиб қолган сумалакни сидириб-сидириб қизалоқларга узатади... Уларни кўриб Аҳмад Мирзо билан Халил Султонлар ҳам қозон томонга талпинадилар.

– Майда тошларни тушундир... Нима сабабдан энди ёнғоқ билан бодомларни қозонга ташладилар, хонимойим жаноби олиялари? – сўради Султон Бахт бегим.

– Ҳаммаларингизга биттадан инъом этамен... – кулди маҳди улё. – Чақиб, мағзини

*Тангри алқаган табаррук зот экани нишонаси. Илло, аржуманд муриди Амир Темурга отилиши мўлжалланган тошга ўз кўксини қалқон этган руҳий қувват асрорини дабдурустдан англаш маҳол. Барча ҳаддан ошишлари ношукурликлар, аламзадалиғу иддаолар, шаккоккигу тугёнлар абас эканки, улар бир зумда бурда-бурда бўлмағи, ёинки ёниб қулга дўнмоғи мумкин. Не ажабки, ўша бир чуқум қул кичкинагина чуқурчани тўлдиршига-да қодир эмас. Ҳа, юқорида саналган тўрт устундан лоқал бири қулса ҳам, муқаррар шаккоклик содир бўлғай.*

*Кўринадикки, Муҳаммад Али тушга инсон шахси, ахлоқи, руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса деб қарайди.*

*Шоҳрух Мирзо мўътабар хонадоннинг фарзанди аржуманди "манглайи давлат нишонаси билан безалган" кишидир. Унинг валинеъматини истаклари йўлида: "Жонимни белимга камар қилгонмен, белимни ўшал камар ила қаттиқ боғлагонмен!" дейишининг ўзиёқ шахс сифатида Мирношоҳ Мирзодан кескин фарқланишини кўрсатади. Турон лашкари Биҳишти қалъасини ишғол этишида Шоҳрух Мирзо ишжоеати, қаъба аҳли гуноҳини надарин бузрукворидан сўраб олишида инсонпарварлик фазилати ёрқин намоеъ бўлади. Хуросон волийсининг азму ишжоеатию бағрикенглиги, оқибатли инсон эканини ўз жонини қафил қилиб бўлса-да, адашган жияни – йиғирма уч ёшида хазон бўлган Оқа бегим зурёди Султон Ҳусайн Мирзо гуноҳларини такрор-такрор ўтиниб тилаб олганида ҳам кўриши мумкин. Дарҳақиқат, Шоҳрух Мирзо суякки ўғил, Амир Темурнинг ишонган таянчи ва дилбанди эди.*

*Адиб аламини умумий тизим сифатида англайди, яъни космологик жиҳатдан идрок этади. Унинг намоеъ бўлиши шакллари (моддий, маънавий, долзарб, потенциал, реал, виртуал, конкрет, абстракт, ижтимоий, индивидуал) хилма-хиллигини инкор этмайди.*

*Романда муттасил ўз-ўзини тафтиш этиб, мутакаббирликдан парҳез қилиб юрадиган Муҳаммад*

қошларингизга қўясизлар, ундай бўёқ атторнинг қутиси тугул жаннатдаям йўқ! Олту варақ бўёғи ҳам бунга етолмайди!

– Менга-а-а!

– Менга ҳам! – дея чошиб келишди бир давра ёш маликалар, зодагонларнинг қизлари. Уларнинг ичида Умаршайх Мирзонинг қизи Насаб Султон бегим, Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг қизи Соғинч бика, Шайх Нуриддиннинг қизи Зубайдабону, Давлатшоҳ бахши уйғурнинг қизи Билқис бегим, Амир Шоҳмаликнинг ожизаси Робия бегим, Ғиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршод бегимлар бўлиб, бари тўққиз-ўн уч ёш орасидаги ерга урсанг, кўкка сап-чийдиган шўх қизлар эди.

– Сумалак пишганда келингизлар! – деб жавоб берди маҳди уле барини тинчлантириб.

Энди чап томонда катта дарахтга осилган гулдор аргимчоқли ҳалинчакка навбат етди.

– Ким учаман деса, иримини бажариб, “Ҳалинчак” кўшигини айтиши лозим! – деди Робия бегим. Бундай иримни ким ўйлаб чиқарган, қаердан келган – бу ҳақда ҳеч ким сўрамасди.

– Вой! Мен учмоқчидим... – Зубайдабону лабларини бурганча, интилган жойида тўхтаб қолди. – Кўшигини билмайман-ку...

– Билмасанг, жим ўтир! Ким биладир? – сўради яна Робия бегим.

“Иримни ҳам бор эканми? Робия ўлгур, бундай иримни қайдан топган экан... Ичидан тўқиб чиқарган, шекилли. Ҳалинчакка эга чиқиб олганини қаранг! Шундоқ шумлиги бор. Нима, кўшиқ билмаган одам учолмайдируму?... Шуюм гап бўлди-ю...” – деган сўзлар кечди Билқис бегимнинг кўнглидан.

Талабгорлар топилавермади. Робия бегим ҳаммага бир-бир қараб чиқди:

– Ичимизда бир қиз биладир... – майин жилмайди у Соғинч бикага маъноли қараб ниманидир эслатгандек. – Яхши кўшиқ айтадир... Ўзим эшитганиман...

– Мен ҳам эсладим: Гавҳаршод бегим-да! Овози бирам тиниқки!.. – тасдиқлади Соғинч бика. – Менга жуда ёқади!

Ҳамма: “Айтиб бер! Айтиб бер!” дея ўн уч яшар Гавҳаршод бегимга тикилди.

Гавҳаршод бегим азалдан ҳалинчак учини яхши кўрарди. Ҳали боққа киргандаёқ, дарҳол кўзи гулдор ҳалинчакка тушдию ширин хўрсиниб қўйди. Робия бегим сўзларини эшитиб, ичида завқи жўшиб турганди, одамларни куттирмай, аста ҳалинчакка яқинлашди. Чаққонгина ўтирганидан, унинг хийла бу иш ҳавосини олгани яққол кўринди. Қизлар чувиллашиб ҳимо бердилар, ҳалинчак у ёқдан бу ёққа уча бошлади. Қиз хорикуллодда титроқ майин овозда кўшиқ айтар, барчанинг диққатини тортар, атрофга ёқимли оҳанглар тараларди. Қозон атрофида ўлтирган аслзода ойимлар ҳам: “Ким экан кўшиқ айтаётган?” дегандай шу томонга ўрилдилар. Кимдир шунчаки қизиқиб қарайди, кимдир эса ўзича келин танлайди.

*Султон тақдир ҳукмига ризо ва эртадан умидвор кимса сифатида инкишоф этилади. Бунда адиб “Қуръони карим” нинг “Луқмон” сурасига мурожаат этади. Зотан, бу сурада қоинотдаги энг кичик заррадан тортиб энг катта сайёраларгача барча мавжудот Яратган томонидан белгиланган тартиб-интизомга бўйсунинчи уқтирилади. Адиб инсон ўз ҳаётини яхши амаллар билан ўтказиши муҳим экани ҳақидаги исломий қарашларни бежиз келтирмайди. Бу билан қиёмат кунинда бола-чақа ва мол-дунё эмас, балки иймон бутлиги муҳим эканини тасдиқлайди. Яъни қаҳрамон бахтининг бекамлиги фониий дунё ўлчовларига хос. Аслида, Муҳаммад Султон сиырати бут иймон, тақдирга ризолик, балоларга сабр ва неъматларга шукроналик фазилатлари билан ўлчанмоғи лозим демоқчи бўлади. Бошқачароқ айтганда, валиаҳд шаҳзодаи ҳидоят ва нажотга лойиқ инсон сифатида очади. Дарҳақиқат, шаҳзода ҳаёти дунё ўткинчи неъматларига маҳлиё бўлмай, чиройли амаллар қилган ҳалда, ўзини беқийёс қудрат ва ҳикматлар эгаси ҳукмига топиради. Бундай каломий теран маънолар китобхон қалбида ҳаёт ва яшаш нечоғлиқ мураккаб синов экани ҳақидаги иқдорларни мустаҳкамлайди. Рухиятига таскин бахши этади.*

*Дарҳақиқат, раман босиқ мулоҳаза, ўткир мушоҳада ва теран маъно асосига қурилган. Аксарият ҳолларда юзага тепчиб турувчи теран мантқиққа эргашмаслик имконсиз. Чунки чуқур ўйлаб айтилган ҳар бир калом залворди, кўнгишларга етиб боради.*

**Исламжон ЁҚУБОВ,**  
филология фанлари номзоди

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
 Ҳалинчакда келинчак,  
 Келинчак, ҳо, келинчак!  
 Суйганини согинган  
 Келинчак бир куйинчак,  
 Куйинчак, ҳо, куйинчак...

Гавҳаршод бегим ҳалинчак учар экан, ўзини вазнсиз, пардек енгил сезар, тим қора бўлиқ икки ўрим сочи худди уни қувиб етолмаган илонлардек тўлғонар, орта қайтганда эса, муроди ҳосил бўлганига шукрлар қилгандек қизнинг куймичию оёқларига бош қўяр, ўралиб-ўралиб жон нисор айларди. Гоҳида эса, сочларнинг учи интиқ турган ерга тегай-тегай дер, лекин шу палла ошурфта шамол бунга йўл қўймай, уларни оғушига олиб қочарди-да, ерни тақроқ доғда қолдирарди. Ҳалинчак эса парвозда давом этарди...

– Бу ожиза кимдур, оға? – беихтиёр сўради ажойиб манзарадан қаттиқ мутаассир Шоҳрух Мирзо ёнидаги ўзидан бир ёш катта Пир Муҳаммад Жаҳонгирдан. Ногаҳонда “Ҳалинчакда келинчак...” сўзларининг нозик-нафис талаффузи, қўшиқ сеҳри кўнглининг аллақеригадир тегиб кетганини сезди. – Сочлари узун қиз экан...

– Ҳа, ана буми? Ғиёсиддин Тархоннинг ожизаси Гавҳаршод бегим дейдилар, амирзо-дам! – бепарвогина жавоб берди Пир Муҳаммад Жаҳонгир ва нари кетди.

Ўша-ўша, амирзода сочлари узун қизни ўйлайдиган одат чиқарди...

Икки ёш дилнинг етти кунга қўзилган тўйи Боғи Чинорни чунон файзиёб этди. Бир йилдан кейин Улуғбек Мирзо дунёга келди, ҳозир Сароймулкхоним кўлида тарбияланмоқда, укаси Бойсунгур Мирзо эса икки ёшда, унга Дурсултон оқа қарайди. Шоҳрух Мирзо ёлғиз қолган паллалар Гавҳаршод бегимга: “Сеҳрли сочларингиз билан нозик қалбимни боғлаб олғонсиз!” дейишни яхши кўради, ҳазиллашиб: “Ҳалинчакдаги келинчак” деб атайди. Малика эса бошини эгганча хожасига нозли табассум ҳадя қилади...

Шоҳрух Мирзонинг эсида: малика рост айтди, саккиз юзинчи ҳижрий<sup>1</sup> йил баҳорида Соҳибқирон чиндан Самарқанднинг шимолида саҳни мармар тош, томлари олтин билан ложуварддан нақшланган Боғи Шимол қасри қурилиб битганидан кейин тўй берди. Олийқадр шахзодалар ва нуфузли беклар келишиб янги оламоро боғни музайян айладилар. Ҳамма хурсанд, кишилар ноз-неъматлардан орасталанган тўкин-сочин дастурхонлар атрофида дилкаш гурунларга машғул, фароғатли дамлар ҳукмрон. Кўнгилларни яйратиб хушбахт наволар жаранглайди.

Лекин ҳаммадан кўпроқ Шоҳрух Мирзонинг кайфияти аъло. Тўй шуқуҳига малика Гавҳаршод бегим эслатган боғдан ҳам олдин айтилган бебаҳо мурда қувончи қўшилиб кетди. Қутилмаганда Амир Темур ўйлаб юрган ниятларидан бирини адо этди. Подшоҳнинг қутлуг раъйи тўртинчи иқлимда жойлашган Хуросон вилояти ҳукмдорлигига Шоҳрух Мирзо номзодини муносиб кўрганини эълон қилди!

Амир Темур фарзандларига бир-бир назар ташлар экан, кенжа ўғли Шоҳрух Мирзо манглайи давлат нишонаси билан безалганини туяра эди. Ўғли отасига тортган, бўй-баста ҳам, кенг пешоналиги ҳам. Ақли тўлишиб бораётган пайти. Айниқса, ёш бўла туриб, ўзини кадуҳдолардай босиқ тутиши Соҳибқиронга ёқарди. У фарзандларга юрт бериш, бирон музофотга ҳоким этиб тайинлашда шошилмасди. Чунки ёш амирзодалар баъзан теварак атрофга қараб-қарамай қадам босишар, “етти ўлчаб бир кесиш”нинг уҳдасидан чиқишолмас, шошқалоқликка йўл қўйишарди. Тан олмоқ керак, бу нарса Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирда ҳам, Шероз ҳокими Пир Муҳаммад ибн Умаршайхда ҳам, ҳатто Хулоқухон тахти топирилган Мироншоҳ Мирзода ҳам бор. Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султонлар эса ҳали ёш...

– Хуросон, Сеистон, Мозандарон ва Рай, то Ферузқўҳғача барча музофотларни нек-бахт амирзода Шоҳрух Мирзога бахшида этдук! – деди Соҳибқирон. – Амир Сулаймоншоҳ, Амир Мизроб Жоку... жаъми йигирмага яқин нуфузли беклар хона кўчлари бирлан амирзодага ҳамроҳ бўлсунлар. Хазинадан етти минг отлиқ аскарга улуфа тайинлансун. Фармон келтурулсун, Мамат!

Барча муборакбодга шошилди:

– Муносиб! Муносиб!

– Давлатлари зиёда бўлсин!

– Омадларини берсун! – қабилида табрик сўзлари янгради теварақдан.

Шоҳрух Мирзо дарҳол ўрнидан туриб валинеъмат бузрукворига таъзим бажо этди ва бориб тиз чўкканча Соҳибқироннинг оқ авра тўни этагини ўпиб қўзларига суртди.

Мамнун Соҳибқирон кузатаётганда Шоҳрух Мирзога кўп насихатлар қилди, қулоғини ҳикматлар жавҳари ила ораста айлаб, бамисли жондай бағрига босди, икки юзидан ўпиб ижозат берди.

<sup>1</sup>Милодий 1397 йил.

Кувончли сўзлар боғнинг бошқа бурчагида маликалар ичида ўтирган, Бойсунғур Мирзодан бўшганидан сўнг навниҳолдай бўлиб қолган, подшонинг ўн саккиз ёшли келини Гавҳаршод бегим кулоқларига ҳам етди. Барча унинг бошига қутлов каломларини нисор айлади...

### Иккинчи боб

1

Бир неча кундирки, Турон салтанати пойтахти Самарқанди фирдавсмонанднинг шимолидаги Оҳанин дарвозаси томонда Бибиҳоним мадрасаси билан Туман оқа хонақоси рўпарасида, кўчанинг нариги бетида гала-ғовур, шовқин-сурон тинмайди. Майдонга бутун шаҳар кўчиб чиққанми, дер эди қараган одам.

– Ҳой! Тупроқни чиқар!  
 – Хандақ таги топ-тоза бўлсин!  
 – Ҳой, анқов! Арқонни туширсанг-чи!  
 – Челақни торт! Челақни!  
 – Чуқурроқ кавла!  
 – Пў-ўшт! Пў-ўшт деяпман! В-ей, аробани кўрмаяпсанму? Йўлдан қоч! Босиб кетади! Пачогингни чиқаради!

Бундай хитобларга ҳеч ким ҳайрон қолмайди.

Суронларга тўла улкан хандақ худди чумоли уясини эслатади: мингга яқин одам хандақ ичида ивирсисб юради, худди уясига кириб-чиқаётган чумолилар каби тартибли, ораста, шунча одамнинг тор жойда қандай қилиб биров бировига халал бермай, эмин-эркин юрганлари ҳайратланарли эди. Яна бир кўп одамлар челақларни аравачаларга ағдаришар, ғизиллаганча йўл четида қатор турган филлардаги хуржунсифат қанор қопларга солишарди. Шимол ёққа назар ташланса, Кониғил томонга лапанглаб бораётган тупроқ ташиётган филларни илғаш мумкин. Чапда четроқда бир неча тоштарош усталар харсангларни йўниш билан банд. Тўрт томонда хандақ четига қўйилган нарвонларга чиқиб олишган, ишнинг рафт-омадини кузатишаётган усталарнинг гоҳо огоҳлантирувчи, гоҳо кўлловчи овозлари кулоққа чалинади.

Ҳаммада қандайдир тараддуд сезиларди. Сабаби, ҳали замон хонақоҳ ёнидаги Бибиҳоним мадрасасидан Соҳибқирон ҳар кунги одати бўйича бўлажак жоме масжиди қурилишини кўргани чиқишлари керак.

– Оға, ёдингиздаму, яқинда Кониғилда ош бердилару Амир Соҳибқирон? – деди паҳлавонкелбат йигит ёнидаги ўрта ёшлардаги ғўлабирдай одамга пишиллаганча челақни тупроққа тўлдириб узатар экан.

– Нима-нима?.. Ош дейсанму? Қайси ош? – бепарвогина сўради шериги, жавоб ҳам кутмай апил-тапил челаққа арқонни боғларкан, юқорига қараб қичқирди: – Анқайма! Торт!

Улар хандақнинг кунчиқиш ёқдаги бурчагида ишлашарди.

– Амир Соҳибқирон пайғамбар ёшига тўлдилар-ку! Ўшанда юрта ош тортдилар... Ошмисан ош бўлди-да ўзиям! Ана ошу мана ош! Тўйга айланиб кетди!

– Ҳа-ҳа, шундай демайсанми! Ҳа, ош зўр эди... Мен эсам, манави ўн газ ерни тезроқ қазиб, тупроғини чиқариш ҳақида ўйлаяпман-да. Кеча усталарнинг суҳбатлари устидан чиқиб қолдим, дегин. Гапиришди-да, масжиднинг тўрт юз саксонга оқ мрамор устунни бўлар эмиш, тўрт юз саксонга! Уч қатор енгил равоқли айвонлар томида тўрт юзта гум-базча қуриларкан... Барини Соҳибқирон айтган эмишлар. Шундай деб эшитдим. Қойил!..

– Биласизми, умримда бунақа ошни кўрмаганман! Бирам ширин бўпти-ки!.. Вой-вой! Қўл узатсанг, гуручлар қўлингга ўрмалаб кетади-я! Гуруч ҳам Ўзганнинг девзирасими дейман. Мазза қилиб едим-да! Нақ ўнта дошқозонга ош дамланди-да ўзиям! Бориб санадим. Ана шунисига беш кетдим!

– Рост айтдинг, полвон! Менам мазза қилдим, – ўйланиб қолди ғўлабир киши. – Во-о... Ҳазилмас, устуннинг ўзидан тўрт юз саксонга-я...

– Шу, дейман-да, оға, Соҳибқироннинг ҳам армонлари бормикин? Худо бериб қўйганда! – Полвон навбатдаги челаққа тупроқ ташларкан, бир лаҳза шеригига яқинлашди-да, пичирлаганча узун бармоқларини буқиб санай кетди: – Ҳамма нарса муҳайё: боғлар – бир, базмлар – икки, маликалар – уч, хурмат, иззат – тўрт... Дунёни кездилар – беш, мағрибу машриқ мамлакатлари унга бош эгади – олти, эл тинч – етти...

– Нимага буни сўраб қолдинг?

Полвон ишшайди:

– Сабаби, бундай оёқни узатиб айш-ишратларда даврон суриб, ширин-ширин таомлардан еб ётмайдиларми бу ўладиган дунёда, дейман-да... Биз-ку, жоме масжидини қурапмиз, иш боряпти... Тўқсонга занжирланган фил Ургутдан харсангтош ташияпти. Амир Соҳибқирон ҳам, ўн кундирки шу ердалар, анови мадрасада турадилар. Азиз жонларини

койитиб бизлар билан бирга иссиқ демай, совуқ демай оворалар... Амирзодалар, беклар бор-ку ишга қараб турадиган? Туришибдиям. Ана Халил Султон, Амир Сулаймоншоҳ, Султон Ҳусайн Мирзо, Амир Сайфиддин неқўз, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик... Шайх Нуриддин баҳодир-ку, таңда кўйиб шу ерда ётиб олган. Ана шунга ҳайронман-да...

– Ўн кун дейсан. Жа-а ўн кун эмас-ов, етти кун холос, етти кун...

– Боринг, ана, етти кун. Ҳар куни хандақ атрофини бир айланиб чиқадилар. Кун иссиқ, Бундай, жон ҳам керак-да! Узларини уринтиришга не хожат, демоқчиман. Тушунмайман-да. Шунни доим сиздан сўрайман деб юраман... Оҳ, доғланган ёнинг иси кеб кетди! Туш-лика ош пишяпти-да!

Ғулабирдай одам томоқ қириб, "Ҳм-м..." – деди-да, қад ростлади:

– Энди, ука, гап бундай-да...

Аммо у сўз айтиб улгурмади.

– Амир Соҳибқирон мадрасадан чиқдилар!

– Ана, келяптила-а-ар!

– Келдила-а-ар! – деган овозлар борлиқни тутди. Ҳамма сергакланиб Хоним мадрасаси томонга қаради.

Ятак-иштон устидан оқ авра тўн ташлаган Турон султони Амир Темур шошилмай, шоҳона ҳассасини дўкиллашиб, ерга озор бермай дегандай, оҳиста-оҳиста қадам ташлаб, йўлни кесиб ўтарди. Бошидаги оппоқ тожга қадалган йирик ҳиндий ёқут офтоб нурида лаҳча чўғдай ёниб кўзни оларди. Ортада пири муршид Мир Саййид Барака, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, шайхулислом Хожа Абдулмалик Самарқандий, Муҳаммад Жалд, амирлар, вазиралар, салтанат аъёнлари кузатиб келардилар.

...Соҳибқирон Ҳиндистонда юрган пайтида ҳашаматли ибодатхоналарни кезиб чиқди, Деҳлидаги Қувват ул-Ислом масжидида жума намозини адо этаятиб, кўнглида фавқуллоҳда: "Фирдавсмонанд Самарқандда муҳташам масжиди жомеъ солғаймен! Токи у садди Искандардай устивор, Қуббаи Ҳарамондек улуғвор бўлсун, Хисрави Нўширвон тоқидан ҳам баланд қурилсун!" – деган кутлуғ ният туғилди. Юртга қайтар экан, нияти тобора тиниқлашди. Самарқандга киргач, даставвал Қусам ибн Аббос мазорини, кейин Чокардиза қабристонини зиёрат қилди, хайру садақалар улашгач, Боғи Чинорга бориб тушди.

Йўл чарчоғи чиқмай, маҳди улё Сароймулкхонимнинг: "Бир оз ҳордиқ олсунлар, ҳазратим! Узоқ йўлдан келдилар, ахир..." – деган илтижоларига қарамай, эртасигаёқ икки юзга яқин усталар – муҳандису меъмор, сангтарошу гилкор, нақшошу дурадгорларни Туман оқа хонақоси олдидаги майдонга чорлашни буюрди.

– Масжид маҳобатли чиқсун, жойи мана шу Хоним мадрасаси рўбарўсидан белгилансун. "Оллоҳнинг масжидларини фақат Оллоҳга ва охират кунига иймон келтурадурдон кишигина қурсун"<sup>2</sup>, дейилгон. Қурьони каримда, – деди Амир Темур. – Кимда-ким Оллоҳ йўлига масжид қурса, гарчи у масжид ўрдак уясидек бўлса ҳам, Оллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қиладур, деб таъкидлагонлар рисолатпаноҳ расуллуллоҳ жаноблари. Шаҳримизда жумла мўмин-муслмонлар йиғилиб намоз ўқийдургон жума масжиди йўқ ҳисоби. Токи Самарқандгина эмас, балки унинг атрофидаги Султония, ҳа, ўша биз бир пайтлар пойтахтимизга тумор янглиғ беақдай тақилсун, деб ўйлагон ва қургон обод Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония каби гўзал шаҳарчалардан, Хартанг, Қоратела, Кумушкент, Совгончи, Қундузак, Хожа Ғунжора каби қишлоқлардан, йироқ-йироқлардан ҳам кишилар намозга келадургон бўлсун...

– Офарин! Офарин! – деб юзборди пири муршид Мир Саййид Барака. – Жомеъ масжидига ҳижрий 801 да, товушқон йили рамазон ойининг тўртида<sup>3</sup> пойдевор қўйилди. Ушмундоқ савоб ишнинг муборак ойда бошланмаги бағоят хайрлидур, Амир Соҳибқирон!

Атрофдан олқиш садолари янгради:

– Самарқанди фирдавсмонандга ҳам кўрк, ҳам хусндир!

– Оллоҳ умрларини зиёда этсун!

– Салтанатлари абадиятга улансун, илоҳо!

– Тарҳи солинсун! Қилни қирқ ёрадургон устою меъморларимизга айтмакчимен, – давом этди Амир Темур. – Масжиди жомеъ узунлиги юз газ, эни ҳам шунча олinsун. Тўрт томони баланд равоқ ва пештоқлар билан ўралсун. Тўрт бурчақда тўртта муҳташам минора бўй чўзсун. Пойдеворини Ургут тоғларидан ушатиғон харсангтошлардан тикла-гайсизлар. Қудратли филларда ташигайсизлар. Деворлари пишиқ фишдан тиклансун, қалинлиги етти газдан кам бўлмасун...

Соҳибқирон узоқ сўзлади ўшанда. Одатда, у қуриладиган иморат, сарой, кўприк ё боғ, мадраса ҳақида гапирганда, жўшиб кетар, қурувчиларни руҳлантириб юборар, ҳали қуриладиган эмас, балки худди аллақачон битган бинони кўриб тургандай таърифлар, ҳаммининг кўз олдига келтириб қўярди.

<sup>2</sup>Қурьони карим. "Тавба" сураси, 18-оят

<sup>3</sup>Милодий 10 май 1399 йил

## II

Амир Темур хандаққа яқинлаша экан, уймалашиб ётган одамларнинг қаттиқ ҳаракатга тушиб қолганларини кўрди. Кимдир нарвондан юқорига чиқиб тушмоқда, икки киши зил-замбил замбарни кўтарганча филлар сари бормоқда, яна бири чўки билан ер қазияпти. Ана, қаттиқ урилганидан, тошга тегдими, чўкичнинг "жони оғриб" инграб юборди. Пешоналарини тангиган ўнтача одам катта сим тўрға солинган, пишиқ иплар билан боғланган икки ботмонча тошни дам-бадам ерга уриб пойдевор заминини обдан шиббалашмоқда. Эрта-индин тамал тошлари кўйилиши керак...

Нариги томонда аллаканинингдир жаҳд билан кетмон ураётгани, тупроқни юқорига отаётгани Амир Темур диққатини ўзига тортди. Соқоли селкиллаган бир киши ҳеч қийналмай тупроқни қулочкашлаб хандақдан тепага отганда ҳамма ҳайрон қоларди. "Бели бақувват!", "Бели бақувват экан!" – дейишарди одамлар. "Паҳлавонлар авлодидан экан-ку!" – ўйлади ичида Соҳибқирон. Ажабланарлиси, бу эллик бешларга борган мошбиринч соқоли кўксига тушган оқ яқтақдаги қария... эди!

Ишоратдан сўнг, уни Амир Темур ёнига чорладилар. Кўпларнинг, Соҳибқирон назарига тушди, деб чолга ҳаваси келгани кўзларидан билиниб турарди.

– Қаердансен, полвон? – сўради Амир Темур.

– Асли Банокатдан...

– Қани, бери кел-чи...

Чол ёшига номуносиб дадил қадамлар билан яқинлаша бошлади. Ҳамма бирдан Соҳибқироннинг ёнидан бамайлихотир ҳашамдор ханжарини суғураётганини кўрди, ҳеч нарсага тушунмай, нохуш ҳодиса юз бермасин-да, деган ҳаяжонда қотиб қолди.

– Яктагингнинг савоғини еч!

"Яланғочлаб ханжар солмоқчиларми?.." – деган ўй кечди кўпларнинг хаёлидан. Чол эса хотиржам эди.

Амир Темур яктақнинг барини очиб, осилиб турган дирҳам тўла чўнтак халтасини ханжар солиб шарт кесиб олди.

– Сенга ижозат! Бориб тупроғингни тортабер! – амр этди кейин жиддий.

Ҳолсизгина ортига қайрилган чолнинг сал букчайиброқ қолгани сезилди. Қадамларида илгариги шиддатдан асар йўқ. У индамай хандаққа тушди. Отган тупроғини, ажабо, икки газдан ҳам оширолмади! Ҳамманинг ҳайрати ортгандан ортди.

– Чолнинг халтасига бир ҳамён дирҳам қўшиб қайтиб берилсун! Бу унинг шижоати мукофоти бўлур! – буюрди Амир Темур. Кейин аъёнларга ўғирилди: – Англадингизму, шижоат қаерда?..

"Англадик, англадик!" деган овозлар эшитилди.

– Вазири аъзам!

– Жоним омода, Амир Соҳибқирон! – сўлқиллоқ кўлларини кўксига қўйиб таъзим бажо этди қанама бўйи яна ҳам кичрайиб кетгандай Муҳаммад Жалд, қисик кўзларини ерга тикканча.

– Масжид қурилишида ишловчиларнинг барига хазинадан дирҳамлар улашилсун!

Хандақдан шодмон дуо овозлари эшитилди. Вазири аъзам таъзимда фармонни дарҳол ижро этгани йўналди.

Амир Темур чап томонда хандақ яққол кўриниб турадиган безатилган супага қараб юрди ва катта соябон соясидаги тахтага ўтирди. Хаёлида бир лаҳза ўтган кунлар жонланди. Худого шуқр, қарийб ўттиз йилдирки, Турон салтанатида бир найзанинг шувиллаб учган овозини кимса эшитмайди, отлар майдонларни чангитиб елмайди, уруш наъралари янграмайди. Қаерлардадир балки жанг ҳайқириқлари осмонларни тутиб ётгандир, аммо Турон юртида ҳамма жойда қурилиш ишлари тинмайди. Соҳибқироннинг Оллоҳдан тиллагани ҳам шу эди-да ўзи. Мана, кейинги икки йил ичида Ясси шаҳрида Шайх Аҳмад Яссавий мазори устида иморати олий – мақбара тикланди. Кешда муҳташам Оқсаройда ишлар тўхтагани йўқ. Келаётиб барини назардан ўтказди. Уста Хоразмий билан гаплашди... Ҳа, Оқсарой дунёда ўхшаши йўқ бир бемисл сарой бўлмоқдаки, таърифлаш мушкул. Унга боқиб, фақат томоша айламоқ, Оллоҳ бандасининг қўли чиндан-да гул эканига такрор-такрор иймон келтирмоқ мумкин, холос.

Қурилиш деса, Амир Темурнинг мудом ғайрати жўшиб, рағбати ҳаволанади. Айниқса, бирон ерда айқириб ётган сувни кўрса қараб туролмайди, дарҳол боғ ёки қаср қуришга буйроқ беради. Уч йил аввал Эрон юришидан қайтаётиб, Кешдан ўтгач, Тахти Қорача до-нонида нафас ростлашга тўхтади. Иттифоқо, қараса, бир тегирмон бўлоқ суви шарқираб оқиб ётибди, ундан майса-гиёҳлару тоғу тошлардан бошқа ҳеч ким наф кўрмайди. Мамлакатда бир қатра сув ҳам беҳуда кетмаслиги, бир қарич ер ҳам бекор ётмаслиги ке-

рак! Дарҳол Амир Сайфиддин некўзга: "Шу ерда бир боғ солинсун!" – деб юборди Соҳибқирон! Бугун тоғ ёнбағирларида ястанган ана шу улкан Тахти Қорача боғи, ундаги улкан қаср таърифи эл оғзида, бутун мамлакатни тутган...

Ҳиндистон юришига кетаётганда Соҳибқирон, Амир Сулаймоншоҳга Ҳиндикуш тепасидаги Нағар қалъасини ўраш ва орасталашни топширганди. Аммо қайтишда адо этилган ишдан кўнгли тўлмади.

– Қалъани ўрабсизлар... Маъқул. Лекин нега ана бу яқингинада айқириб оқаётган катта булоқ ташқарида қолиб кетди? – қовоғи уюлди Соҳибқироннинг. – Энди шунча сув бекорга оқиб ётадур, кимса нафлана олмайдур. Одатда, барча бино тарҳини ўзим назардан ўтказгачгина иш бошланарди, афсуски, Нағар қалъасиникини кўришга фурсат йўқ эди ўшанда. Мана, оқибати.

Амир Сулаймоншоҳ худди нотўғри қадам ташлаб қўйиб, дакки еган боладай хижолат тортиди.

Фарзандларини қаттиқ соғинган ва маликалар дийдорига ташна Соҳибқирон юртга тезроқ етай, деб ошиқар, отига бот-бот қамчи уришни истарди. Унинг устига, қўл-оёғи зирқираб, эски касали азоб бера бошлаганидан отга минолмай тахтиравонга чиқди. Шуларга ҳам қарамай, Нағарда тўхташга қарор қилди.

– Қалъа деворини кенгайтириб, булоқни ичкарига олсунлар! – буюрди у. – Токи бундаги эл ундан эмин-эркин баҳраманд бўлсун!

Соҳибқирон тепаликада ўтириб олди. Барча – каттадан-кичик ўзини ишга урди. Беклар ва аскарлар уруш майдонида ёвларга аёвсиз жангчилардир, лекин буюрилса, шу ондаёқ қалқонни бир четга қўйиб, найза билан қилични ташлаб, ўрнига сафархалтадан арраю тешани оладилару қурувчига айланадилар. Ҳеч ким тин билмади, аскарлар қолиб, бекларнинг ўзлари ҳам замбар кўтариб, ғишту лой ташидилар. Иш қизигандан қизиди.

– Балли, азаматлар!

– Оллоҳ мадад берсин!

– Кучингизга куч қўшилсин! – қабилида сўзлар янгарди.

Завқ-шавқ барчани шу қадар қамраб олдики, кўриб Амир Темурнинг ҳам ўтирган ерида ғайрат томирлари кўзғалди, агар жони оғриб турмаганида аллақачон қурувчиларга қўшилиб кетарди.

Уч кунда қалъанинг тош девори кенгайтирилиб тикланди, булоқнинг зилол сувлари ариқ-ариқ бўлиб қалъа ичига оқди.

– Қалъа аҳли нафлансин деб куйиндилар, уларни ўйлаб булоқни ичкарига олдирдилар. Хушманзара булоқ олдида энди бундоқ бирор кун оёқни узатиб истироҳат этсунлар, жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон! – деди Муҳаммад Чурога додхоҳ. – Жуда зебои латиф кулинг ўргилсин жойга айланди-да, ҳавоси бебаҳо! Атроф манзара ҳам ажойиб экан...

– Нағар қалъаси аҳли ҳам Турон салтанати фуқаролари ҳисобланурлар. Пайқадимки, сувдан тақчил жойлар экан, Мамат, сувсиз қалъа эли қандоқ кун кечирадур? Ҳиндга бораётиб буни илғагон эрдим. Энди кўнглим ўрнига тушди. Истироҳатни, майли, фақир мискинлар қилсунлар, токи савоби бизларга тегсун. Борини фуқарога тасаддуқ айладук... – Иншооллоҳ, савоби тегадур!

– Ростини айтсам, бир лаҳза бунда тургим йўқ, Мамат. Тезроқ фарзандларни кўрсам, Самарқандимнинг ҳавосидан нафас олсам дейман... – кўшиб қўйди шимол тарафга тикиларкан Соҳибқирон ва дарҳол, шу куниёқ юртга жўнашга буюрди. Қалъа халқи Соҳибқироннинг инсофу адолатига тан бериб, дуолар айлаб қолди.

Хуросон томонларда-чи? Кобул атрофларида, Мурғоб бўйларида, Озарбайжоннинг Муғон чўлларида сой-ариқлар қазиб сув чиқаришни буюрди. Ҳиротда Шохрух Мирзо учун Боғи Шаҳр қасрини барпо этишни тайинлади. Самарқанд шимолида, яқинда Кониғил ёнида офатижон кичик малика Тўкал хонимга аталган гул-гул яшнаган Боғи Дилкушонинг нақшин дарвозалари ланг очилди. Мана, энди Самарқандда жомеъ масжиди қурилиши бошланди...

"Ошиқмак керак! Ошиқмак! Вақтинг елдек ўтмақда! Умр ўтмақда! – деди бирдан ўзига ўзи маъно ва юраги суст кетди. – Пайғамбар ёшига етдинг, беадад шукр, бандасининг бу ёқдаги умри – Оллоҳнинг инъоми. Шошилмак жоиз. Оллоҳ кўнглига жойлагон ниятларни адо этмак лозим. Ниятни ҳам Ўзи ардоқлагон бандаларига раво кўрадур... Неча йиллардики, Хитойга сафар қилмак ниятидасен. Валиаҳд шахзода Муҳаммад Султонни атай Мўғулистон сарҳадига юбордингки, токи қалъани мустаҳкамласун, деб. Сарҳад чеккаларида бинолар қурмак лозим, зироату экин тикиб, ғалла ғамласун. Қўшин борганда аскарга ҳам озиқ бўлур, отларга ҳам ем... Ҳа, шахзодани Ашпарага бекорга жўнатмадинг, у Хитой йўллари ни обдан ўрганиб олсун, бари Хитой сафарига албатта қўл келадур... Икки йил аввал шундай фармонни эшитиб, кўплар арзанда шахзодани мамлакатнинг узоқдан аёқ чеккасига юбормоқларига сабаб нима экан, деб таажубларини яширмадилар, ҳатто ўзимлар ўзаро суҳбатларда, шахзодадан бирон эҳтиётсизлик рўй берибди шекилли, сургун-

га учрабдур, деб гапириб юришгон ҳам эмиш. Шахзодага ёмонликни тиламасмен, фақат истиқболда улуғ юртни бошқаришдек катта вазифа унинг зиммасига юкланадур, шунга яраша оқ-қорани танисун, кўзи пишсун, ақли теранлашсун, дейман-да...”

Соҳибқирон беихтиёр ўрнидан турганини билмай қолди. Назарида, у ҳаракатсиз, вақтни бекор ўтказиб ўтиргандай туюлди, бу ҳамиятига тегди. Нимани кутади у? Эҳ!.. Иложи топилса, қанот қоқиб қайларгадир баланд-балаңд учгиси, ҳамма ишни бирдан адо этиб ташлагиси, одамларни бахтли, дунёни тинч, обод кўргиси келиб кетди. Лекин оламнинг ярмидан кўпини фатҳ этган, дасти узун, не-не гарданкаш подшолар бўйин эккан қудратли ҳукмдор эрса ҳам, норасо дунёда бунинг чораси йўқлиги юрагини сиқди, ўз-ўзидан торикди.

Амир Темурнинг безовталанганини сезган пири муршид Мир Саййид Барака Соҳибқироннинг даст ўрнидан туриб узоқ-узоқларга тикилиб қолганини кўрди. Кўрдию шу палла унинг сўзлари Соҳибқиронга жуда кераклигини, унинг ёнида бўлиши лозимлигини дилдан теран туйди, ўз-ўзидан шитоб хандақ ёқдан супага қараб юрди.

– Амир Соҳибқирон! Илоҳий русум шундайки, ўзининг суйгон бандасига олами ғайбдан гоҳ-гоҳ хабарлар юбориб турадур, токи унга тобшурилгон вазифалар ижросида иккиланиб қолмасун, – дабдурдустдан сўз бошлади пири муршид. – Ёдлариде борму, ҳазрат Расулulloҳ воқеаси? Олийжаноб элчи, малак Жаброилнинг пайгамбаримизга намоён бўлишдан аввал ҳам Парвардигор ғайбий хотиф-хабарчилар орқали унинг дилига қувватлар бериб турғонди...

Соҳибқирон Мир Саййид Бараканинг жуда зийрак, зукко, тез фаҳмлагувчи эканига яна тан берди. Лекин унинг ҳозир юраги сиқилганини пир қайдан билибди? Бу ёлғиз Оллоҳга аён. Рост, пири муршид – пир, дўст, муҳиб... Соҳибқирон дилидаги тебранишларни дарров илғайди. Эсида, Тўхтамишхон муҳорабасида Амир Темур қўшини парокандалиқдан туғи йиқилиб, енгилишига оз қолганди. Пири муршид машъум вазиятни фаҳм этди, дарҳол ердан бир сиқим тупроқ олди, қайта отига миниб кўрқинчли вазоҳатда душман сари сочиб юбораркан: “Ёғий қочди!!!” дея қичқирди ва ўзи душман сари от қўйди. Рухланган жангчилар шу ондаёқ сурон солиб шиддат билан ёв томонга юзландилар ва уни мағлуб этдилар...

– Бандасининг умри баайни “фоний сарой” деган баҳрда юрган бир кема: унда ўтиргон одам кеманинг қандай юзаётганини ҳам, ўткнчи саройдаги ҳаётнинг лаҳза-лаҳза битиб бораётганини ҳам билмас, беғамликдан ташвишини ҳам чекиб ўлтирмас... Аммо, Оллоҳга шукрки, жанобларининг йуриқлари мутлақо ўзгачадур. Оре, рост. Теран ақли идрокингизни бамисли ойинаи гитинамо дейишни ёқтирамен, зеро унга яхши боққанлар дунёи дун манзараларини бемалол илғай олғайлар, – давом этди пири муршид. – Муборак кўнгилларида бандасига хос ташвиш аломатларини пайқадим. Асло ғам чекмасунлар, кўнгилни чўктирмасунлар. Тангри таоло ўзининг ердаги соясини фаромуш этмағай, ўзларига зафарлару хуш хабарлар иноят қилғай! Ал-ҳамду лиллаҳир-раббил оламин!

Пири муршиднинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Нечун у бу сўзларни айтди, қайдан топиб айтди, унга қандай зарурат туғилди – ажабо, пири муршид бу ёғни билмади. Фақат худо дилига солганини англади, холос. Фавқуллода раббоний илҳомдан қуйилган каломларни шарҳлашга ҳамиша ҳам бандаси ожиз-да.

Амир Темур лом-мим демас, дилга ёқар сўзлар мағзини чақишга уринарди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ этшидию пири муршиднинг айтганлари ўз тасдиғини топгандай бўлди: чиндан-да хушхабар келди!

– Валиаҳд шахзода Муҳаммад Султон жаноблари мўғул сарҳадидан Самарқанди фирдавсмонандга қайтаётган эмишлар! – таъзим бажо этди додхоҳ.

Амир Темурнинг назарида кўзлари ярқ этиб очилиб, олам ёришиб кетди. Валиаҳд шахзодадан қанчалар суюшини, ардоқлашини, соғинганини ҳис этди! Қайтсун, деб ўзи буюрди. Ҳиндистонга жўнашдан олдинги машваратга қатнашишга Ашпарадаги вазият йўл бермади, ўшандан буён гарчи чопарлар қатнови тинмаган эса-да, набираси дийдорини кўрмади, мириқиб суҳбатлар кўрмади.

– Халлоқи безаволга салламно! – деб юборди Амир Темур, пири муршиднинг сўзлари ҳам, додхоҳнинг хушхабари ҳам ғойибдан иноят қилинганини ич-ичидан туйди.

Амир Темур пири муршидга қаради. Пири муршид Соҳибқиронга тикилди. Кўзлар кўзларга тушганда, юраклар бирдай тепаётганини иккиси ҳам сезди.

### Учинчи боб

#### I

Маҳди улё Сароймулкхоним ҳар йили рабиул-аввал ойининг ўн иккинчи куни мавлуди шариф айёмида пайгамбар саллоллоҳи алайҳи васалламнинг тавааллудига Боғи Чинорда аёллар мажлисини ўтказади. Барча маликалар, бегимлар, келинлар, муш-кин хатлик оху кўз гўзаллар, аслзода оймилар, нуфузли беклар, амирларнинг хотин-

лари йиғилиб келишади. Мажлисда Расулulloҳга бағишланган “Мавлуд ун-набий” қасидасини мутолаа қилишади, шаънига ғазаллар ўқишади, муборак ҳадислардан тинглашади, фақир мискинларга хайру садақалар беришади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа, “кичик малика” рутбасини олган, ўн саккизга кирган, ўн саккиз минг олам тароватини ўзида мужассам этган соҳибжамол Тўқал хоним, Султон Бахт бегим, кўнглининг бир четида жигаргўшалари беш яшар Улуғбек Мирзо, Дурсултон оқа кўлида тарбияланаётган икки яшар Бойсунғур Мирзоларни қўриб кетишдан умидвор, Ҳиротдан елиб чоғлан Гавҳаршод бегим, бошқа келинлар, оқбилал оймилар, канизаклар давра қурдилар. “Фақат Хонзода хоним узоқдалар, муштипар келинми!” – хаёлидан кечирди катта малика...

Авалло кутлуғ айём шарофати, қолаверса, Соҳибқирон ҳазратларининг Ҳиндистондан зафар билан қайтганлари шукронасига ҳамду санолар айтилди. Аёл кўнгли хамиша туғик. Аммо бир-бирларининг дийдорларидан кўнгилларнинг чигили ёзилди. Мамнуну масрур боғни айландилар, кейин атроф маҳаллаларга чиқдилар. Бева-бечораларга хайру садақа улашиб қайтган эдиларки, ҳуמוюн ўрдудан ажойиб хабар етди: валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Ашларадан қайтаётган эмишлар!

Сароймулкхоним севинчини ичига сиғдириолмай қолди, қаттиқ қувонишдан кўрқиб, ўзини тийди. Ахир, у валиаҳдни туққандан ҳам ортиқ ардоқлайди – ўз кўлида ўстирди, воёга етказди, топган қайлиқларини шаҳзодага маъқул этолмай қийналди, ниҳоят, тўйини ўтказди. Сўнги марта учрашганларига ҳам бир йилдан ошиб кетди, яна қачон кўраман, деб интиқ.

У, аввало, муждани маликаларга суюнчилади. Кейин дарҳол мулозим Сафарберганни хузурига чорлатди. Боғи Чинор қасри олдидаги сўрида опа-сингилдай бўлиб кетган уч кундоши билан ўлтирар экан, мулозимни кутиб тоқатсизланаётгани сезиларди.

– Малика Соғинч хоним ҳам келгондурлар? – сўради Туман оқа. – Бирам соғиндимки!

Чўлпон Мулк оқа билан Тўқал хонимлар: “Бизлар-чи? Биз ҳам!” дегандай, бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди. Энди Соғинч бикани “Соғинч хоним” деб атай бошлаган эдилар.

– Соғинч хоним ҳам бирга қайтадурлар, албатта...

Сароймулкхоним шундай дедию сабри чидамай ўрнидан турди, эрталаб уқтирганига қарамай, қаср рўпарасидаги тағи феруза лаппакчалар билан қолланган ҳовуз ёнида куймаланиб юришган боғбону хизматкорлардан тағин хабар олмоққа чоғланди. Бориб ҳовузни бир айланиб чиқди, нималаргадир ишора қилди. Сўзлири маликаларга эшитилиб турарди:

– Обдан қуритиб, лаппакчаларнинг ҳар бирини ярақлатиб артиб чиқингиз, ҳар анови синиқларини алмаштириш лозим, сув очиб қўйишни унутмангиз.

Катта малика дарвоза томонга қараб-қараб қўярди. Қасрнинг ўнг тарафидаги тарвақайлаган забардаст чинор шабадада майин шитирлар, худди қасрнинг чалида воёга етолмай қуриб қолган “бола-чинор”ни кўмсаётгандай ўша ёққа эгиларди... Боқаркан, нечундир Сароймулкхоним кўнгли увушди, бир лаҳза чинорларнинг “ота-бола”дай ўсган паллалари ёдига тушдию хаёлларини нари қувишга тиришди:

– Чорчаманларни саришталангиз, йўлқалар эътиборсиз қолиб кетмасун, – ўнг чеккасидаги қора гажагини силаб қўяр экан тайинлади маҳди улё.

– Меҳмонларни кутиб олғаймиз...

Бу палла мулозим дарвозадан кириб яқинлашиб келар, Сароймулкхоним сўзлари аниқ қулоғига чалинарди.

Ҳамиша жиддий кўринадиган Сафарберган эғнига яшил дебо кийган катта маликанинг худди ёш қизлардай чаққон-чаққон ҳаракатларига, сўзларининг кескин-кескин чиқаётганига олоҳида эътибор берди. “Хайрият, – деди ичиди, – яхшиликка чақирганлар, шекилли. Кўнглисизликларми, деб кўрқиб туради киши. Одатда, Амир Соҳибқиронни кутишга чиқсалар ёки кутлуғ малика Хонзода хоним, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон, ёш бекач Соғинч хоним, амирзода Халил Султонлар билан дийдорлашишга ошқасалар шундай ҳолга тушадилар, серҳаракат бўлиб қоладилар, кўнгиллари ҳам яшнаб кетади...”

– Амрингизга мунтазирман, хонимойим ҳазрати олиялари! – бош эгди мулозим.

– Келдингму?.. Дарҳол Муҳаммад Чурога додхоҳ жанобларига йўлиқасен. Боғи Нақши жаҳонни орасталамак жоиз. Меҳмонхона, хобхоналар саранжом-саришта қилинсун. Барини кўздан қочирма!

– Бош устига, улуғ маликам! – таъзим бажо келтирди мулозим. – Ёдингизда бор, ўзлари тобшурганлар, қасрни бир ой аввал таъмир этганмиз....

– Биламен, биламен... Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон билан малика Соғинч хонимлар Самарқандга таширф буюрмақдалар!.. Арқ маҳалласида данғиллама ховлилари борлигига қарамай, доим Боғи Нақши жаҳонга тушишни ёқтирадилар, оталаридан ёдгорлик-да бу, ўзларининг боғлари. Бориб бирма-бир назардан ўтказаман. Ариқлар, ҳовуз сувларини янгилаксунлар, хоналарни бир-бир қараб чиқсунлар, йўлақлар чиннидай тоза бўлсун. Шаҳзодамнинг кўнгиллари нозик...

– Бош устига, улуғ маликам!

– Тагин. Шаҳзодамнинг ўзлари қурдираётган мадраса билан хонақоҳни бориб назардан ўтказгил! – давом этди катта малика. – Ўн кун аввал кўргонимда ишларнинг кўпи поёнига етиб қолувди, қўлим тегиб боролмадим... Шаҳзодам кўнгиллари таскин топмай, ранжимасунлар тагин!

– Рост дедилар, хонимойим ҳазрати олиялари! – тасдиқлади мулозим. – Ишлар поёнига етган. Шаҳзодамнинг фатволари керак, холос. Мадраса толиби илмлар қадамига мунтазирдур...

– Ҳа, бир гапни айтиб қўяй: жомеъ масжидига ва шаҳзодам мадрасасига Кирмондан тоза гиламлар буюртирасен! Ёдингда борму, уч йил аввал шаҳзодам ва келиндин малика Соғин ҳонимлар Хурмуздан қайтгонларида оловдай ловиллаган ажойиб гиламларни пешкаш қилдилар. Кўйиб қолмасун деб, оёқ кўйишдан кўрқади киши... Ана, масжидимизда турибди. Намозхоналарга ана ўшалардан тўшайсен.

– Бош устига!

Шу палла, қасрдан беш ёшлардаги икки болакай югуриб чиқишди, сўридаги маликаларнинг: “Тўхтангиз, ўзим ўргилай! Тўхтангиз, қоқиндиқ! Бир кўришиб олай, гиргиттон!...” – дейишганига ҳам қарамай, Сароймулкхоним томонга қараб чолишди. Маликалар сўридан турдилар-да, амирзодалар изидан юрдилар. Болакайлар Шоҳрух Мирзонинг ўғиллари: Улуғбек Мирзо ва Туман оқа қўлида вояга етаётган Иброҳим Султонлар эди. Ҳали фарзанд кўриш насиб этмаган Чўлпон Мулк оқа ва Тўкал хонимлар болакайларга парвона бўлишар, ҳамиша уларни эркалашга, суйиб юзларидан ўпишга интиқ турардилар. Айниқса, Чўлпон Мулк оқа суюмли Улуғбек Мирзони ҳеч ким йўғида учратди дегунча, бағрига босиб-босиб оларди.

– Ҳа, сайисга айтгил, кўрамдан беш юзта сара отни танлаб берсун, бозорга солғайсизлар, нақдинасига гиламлар сотиб олғайсизлар! Англадингму?

– Англадим, хонимойим жаноблари.

Сафарберган бошқа ҳеч нарса демай, аста ортага чекинди.

– Вой, амирзодаларим келдим, суянчиқларим? Улуғ Кўрагон салтанати суянчиқлари! – чехрасига табассум ёйилди Сароймулкхонимнинг. Маҳди улё чўнкайиб ўтирди-да, амирзодаларни елкаларидан кучиб ўзига тортиди, яшил дебонинг кенг этаклари ёйилиб майингина ерни сугурди. Катта-катта тийрак кўзлари салтанатнинг нуфузли зодагонларидан Гиёсиддин тархоннинг соҳибжамол қизи Гавҳаршод бегимни, чўзинчоқ юзлари Шоҳрух Мирзони эслатадиган Улуғбек Мирзо ҳам, ундан бўйи хиёл пастроқ, ғайратини ўзига сигдиrolмайдиган, бир жойда туролмайдиган даражада питрак, шўх Иброҳим Султон ҳам бир хил кийимда эдилар: оқ ятак-иштонда, бошларида мимит ёқут қадалган митти тож, оёқларида қимматбаҳо тошлар қадалган қизил сахтиён этикчалар...

Улуғбек Мирзо худди катталардай сипо кўринар, бу сиполик унга фавқулодда ярашиб турар, баъзан кўзларини бир нуқтага тикканча узоқ тикилиб қолар, ҳатто чақирсалар ҳам киприк қоқмасди.

– Нимани ўйлаяптилар, амирзодам, ўзим ўргилай? – сўради Чўлпон Мулк оқа.

– Каттиқ хаёлга ботибдурлар... – сўз қўшди Тўкал хоним чиройли кўзлари лим-лим нурга тўлиб... – Ташвишлари кўп, шекилли... Вой, бирам кўпки...

– Темурийлар хонадонининг ташвиши кам бўладурму? – мийиғида жилмайди гўзал ва хушқомат Туман оқа. – Салтанатни ўйлаш, фарзандларни ўстириш, юртни обод қилиш ғамини чекмақдлар амирзодам ҳозирданоқ... Иброҳим Султон ҳам тинмайдулар...

Мириқиб кулдилар.

– Жаҳонгашта амирзодалар! – деди ғурурланиб Сароймулкхоним. – Чақалоқлик вақтларидаёқ Соҳибқирон ҳазратларини зиёрат этгани ризвон боғларидай дилтортар Қорабоғ мавзеига боргондилар... Самарқанди фирдавсонанда ҳам амирзодалар икки ёшга тўлгонларида қадам қўйдилар, холос.

– Ҳа, ҳа, шундоқ... – кўзларида табассум, тасдиқлашди баркамол хонимлар.

Соҳибқирон Ҳиндистон сафарига отланганида маҳди улё Улуғбек Мирзо билан Кобулгача кузатиб борганларини эслади. Уша ерда Амир Темур амирзодадан ажралгиси келмай иккиланиб қолди: бирига олиб кетай деса, ёт ўлканинг иссиқ ҳавоси унинг сиҳатига ёмон таъсир этишидан кўрқди, хайрлашай деса, кўзи қиймасди. Охири, қайтгонимда Термизда кутиб олмасизлар, дея Самарқандга жўнатди...

У доим ўғил ва бабирларини ўз ёнида жамулжам кўришни, йироқлашмасликларини истарди. Аммо начора, кечаги палапон қўшлар қанот чиқаргач, уни ҳеч ким, ҳатто қудратда дасти узун подшо ҳам тутиб қололмас экан, бири у ёққа кетади, бири бу ёққа... Соғинса, тўй ёки байрам бахона ҳаммасини ҳузурига чорлайди, бир жойга йиғади, дийдорларига тўйиб олади.

Улуғбек Мирзо ҳали ҳам хаёлга ботган ҳолда бир нуқтадан кўз олмай тикилиб турар-

ди. "Амирзодам бошқачалар... – ўйлади Сароймулкхоним. – Иншооллоҳ, ундан илму зиёга интилгучи аллома чиқаду... Жуда хаёлчан, босиқ. Худди шу ёшданок дунёнинг паст-баландига назар солаётгондек, жумбоқларига жавоблар излаётгондек... Ҳа, ҳа, бизлардан кейин шахзода Муҳаммад Султонга таянчу суянчиқ бўладургон амирзодалар мана шу Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султонлар билан Бойсунғур Мирзолар-да!.. Умрларини берсун, илоҳи..."

## II

Бир ҳафтадан кейин Кўксаройнинг кўш минорали нақшин дарвозаси олди эрта-лабдан гавжумлаша бошлади. Узоқдан миноралардаги, кеч кирганда қоровул ёқиб тушадиган (ҳар бирида саккизтадан) фонусларнинг ялтироқ тунука соябонлари эрталабки офтоб нурида ярақлаб кўринарди.

Нихоят, шахзодалар, салтанатнинг нуфузли ва ҳурматли кишилари саройга кираётганда доим тантанавор чалинадиган ногоранинг таниш залворли садолари янгради. Бу палла икки юз қадамлар олисда Муҳаммад Султон мадрасасидан чиққан шахзоданинг мулозимлар ўртасида оқ тулпорга минаятгани элас-элас кўзга ташланди...

Пири муршид Мир Саййид Барака, мамлакат хони Султон Махмудхон, шайхулислом Хожа Абдулмалик Самарқандийлар дарвоза олдида кутишга қарор қилдилар, бошқалар шахзода истиқболга пешвоз чиқиш тараддудиди ўша томонга қараб юрдилар.

Пойтахтга қайтганидан кейин иккинчи кунiek Муҳаммад Султон фурсатни бой бермай, ўзи барпо этдираётган мадраса билан хонақоҳда ҳали тугамаган қурилиш ишларини кўришга келганди. Бу ер Кўксаройдан узоқ эмасди.

Шахзода кезаркан, йигирма икки хужра билан ўралган мадраса ҳовлисининг шинамлигидан бағоят кўнгли ёришди. Хужралар шинам ва файзли, тепа туйнукдан тушиб турган ғира-шира ёруғлик, одатда, бундай гўшаларга хос сукунат кирган кишини илм олишга, Оллоҳга ибодат қилишга чорлаётгондек туюлади.

Шахзода хужралардан бирига қадам кўйдю негадир оҳиста энтиқди. Кошкийди, шундай бир хужра бўлса, унда истикомат айласа, Парвардигор фурсат берса, кўнглига рағбат солса, салтанат ишларидан чекинсаю буюк орзуси – Куръони каримдан нусха кўчириб, китобат айлаш ишларини ниҳоясига етказиб, валинеъмат Соҳибқиронга туҳфа айласа, дуоларини олса!.. Ашпарада бу қутлуг ўмушини давом этдиришга, хайрият, фурсат топилди, йигирма учинчи – "Мўминлар" сурасига келди. Бир юз ўн саккиз оятдан иборат экан. Саҳифаларга меҳр билан назар ташлаб, ичида қувонди, ҳа, насх ёзуви чиндан чиroyли, бежирим, кўзни қувнатади. Лекин ҳали устози Мавлоно Убайдга кўрсатишга улгурмади.

Унда фавуқлодда бир фикр ўйғонди: оятларга тафсирлар битса-чи, уларнинг чуқур мазмунини содда қилиб таърифлаб берса-чи?.. Сира алломалик даъво қилмайди, биров учунмас, ўзи учун, бебаҳо ҳикматлар магзини чуқурроқ тагига етиш учун ёзади. Яхшиси, хотира дафтарига тушириб боради.

"Мўминлар" сурасининг маъноси жуда теран эди. Рост, беҳуда сўзларни гапирмайдиган, ёмон амалларга қўл урмайдиган мўминлар, тағларида дарёлар оқадиган жаннат боғларининг ворислари ҳисобланурлар. Мўминнинг фоний дунёдаги умри унинг боқий ҳаётида бир қадам, балки бир нафас, ҳолос. У охиратда мангу ҳаёт лаззатларини тотмоқ учун қайта тирилмоғи шубҳасиз... Жумла мўминлар бахтли ва бадбахтларга ажраладиган, фақат иймон, яхши амалгина фойда берадиган киёмат кунининг келиши ҳам муҳаққаку муқаррардир...

Ғолибо, сурани кўчирган куну шахзода йигирма уч ёшга кирибди! Ё раббий! Бундан бағоят таажубланди, албатта. Шу палла фавуқлодда икки йил аввал Кўксаройда Соҳибқироннинг хос мунший мавлоно Ҳайбатуллоҳга қандайдир тузукни дафтарга туширишни буюраётгани ёдига тушди. Хос мунший қалин кўк дафтарни очиб ўхшатиб ёзиб кўйган эди ўшанда. Шахзода тикилиб тураркан, илгаридан кўнглида асраб юрган, лекин ҳалигача айтишга журъат этмаган яна бир ниятини беихтиёр ошкор этиб кўйди:

– Дурдона тузуқлар бебаҳо, бағоят латиф, теран ҳикматларга бой экан. Валинеъмат Соҳибқирон, агар изн берсалар, изн берсалар... Оллоҳ буюрса, тузуқларни ўзим китобат айлаюймен!

Муҳаммад Султон хаёлида "Тузуқлар" рисоласини кўз олдига келтирди: у зарҳал муқовага ўралади, қопқоғи босма, ўйма ва қадама нақшлар солинган кумушдан ясалади, ҳар бир тузуқ заррин гардишга олиниб, лавҳалар, "шамс", "зарварақ", "хотима" нақшлари билан зийнатланади, насхда ёки тавқеъ ёзувида алоҳида саҳифага Самарқанд қоғозига туширилади... Кўксарой кутубхонасида салжуқийлар вазири Низомумулк қаламига мансуб "Сийёсатнома" рисоласининг нафосат ила китобат этилганини кўриб, қаттиқ ҳавас қилганди.

– Бешак-шубҳа, ўзлари бу ишни рўёбга чиқарғойлар! – хурсандлигини яширмади

Амир Темур, шаҳзоданинг манглайдан ўйиб қўяркан. – Аввал Қуръони мажид китобатини итмомига еткурсунлар, сўнг бу ишга қўл урғойлар... Тузукларни Турон султони иншо этмакда. Китобатини Турон салтанати валиаҳди амалга оширса, Худога ҳам, бандасига ҳам хуш ёқадурғон қадам бўлур, иншооллоҳ! Бобонинг ишини набира давом этдургай. Ёруғ дунёнинг ўзгармас мангулик қонуни. Оллоҳ ўша кунларга етказсун!

Хужраларни бирма-бир қўриб ҳовлига чиқиб турган эди, Ҳумоюн ўрдудан чопар мухташам Кўксарой остонаси валиаҳд шаҳзоданинг муборак қадамларига мунтазир экани ҳақидаги хабарни етказди.

– Амир Соҳибқирон жаноби олийлари бугун эрталаб Боғи Чинордан Кўксаройга йўл олдилар ва валиаҳд шаҳзодани тезроқ дийдорлашишга рағбатларини билдурдилар, – деди чопар. – Жаҳон шаҳзодасини чорлашни, унинг шарафига олий машварат чақиришни буюрдилар!

– Қуллуқ! Қуллуқ!

Шаҳзода қувониб кетди, лоп этиб Ҳиндистон юриши арафасидаги икки йил олдинги машварат эсига тушди. Ашпарада эканидан қатнаша олмади, гапнинг сираси, келишини қаттиқроқ тиламадилар ҳам. Бу нарса озроқ иззат-нафсига теғди, аммо ҳеч кимга сездирмади. Буни уни аяганларига, шаҳзодага юклатилган вазифани машваратда қатнашишдан кўра муҳимроқ деб ҳисоблашларига йўйиб қўяқолди. Кейин тафсилотини унга айтиб бердилар.

Соҳибқирон ўшанда фарзандлар ва беку амирларни Кўксаройга йиғди-да, сафар ҳақида кенгаш солди.

– Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтину зари билан бутун ер юзини эгаллаймиз! – деди амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир, Кобул, Қандаҳор, Ғазни ва Балх музофотлари ҳокими. Унинг кўпдан шу мамлакатга кўз тикиб юргани маълум эди.

– Ҳиндистонни олишда тўғаноқлар мавжуд... – сўзга аралашди ўн тўрт ёшли амирзода Халил Султон сиполик кўргизиб. – Биринчиси, ўтиб бўлмас дарёлар, иккинчиси, одам кирса адашадиган ўрмону чангалзорлар, учинчиси, ваҳшатли филлар. Эшитган эрдимки, филлар хартуми билан одамлар бошини чавгон тўпидай йўнаб, узиб ташлай-вераркан...

– Дарёларидан кечиб ўтгаймиз, ўрмонларидан йўллар очгаймиз, филларини от қилиб минғоймиз, кўрқмангиз, амирзодам! – орага суқилди Султон Ҳусайн Мирзо. – Ҳиндистонни олсак-чи, нақ тўрт иқлимга эга бўлгаймиз!

– Нега кўрқар эканмен? – жаҳлланганини яширмади Халил Султон чиройли қошлари чимирилиб. – Кўрқоқлардан узоқроқда туғилгонмен, буни билиб қўйсунлар!

Шоҳрух Мирзо амирзодалар тутумидан Соҳибқирон олдида ўзини бир оз хижолат сезди ва ичида “Ҳали буларга эс кирмади-да... Фурсат топди дегунча, ўзаро жанжал қурадур”, – деб қўйди, дарҳол мавзуну ўзгартириб, босиқ деди:

– Амир Соҳибқирон! Мен турк қонунларида ўқиғон эрдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бор экан. Уларнинг номларини айтишмайди, балки улуғлигини ҳурматлаб ҳар бирига бир сифат келтурадурлар. Чунончи, подшони Ҳиндистонда роӣ, Румда қайсар, Туркистонда хоқон, Эронда шаханшоҳ, Чину Мочинда фағфур дейдилар. Эрону Ироқни, Жўчи улусини фатҳ айладики. Ҳиндистон бир четда қоладурму? Уни ҳам олмоғимиз лозим. Гарчанд у томонларда дирҳаму динорларга тавҳид калимаси зарб этилгон эса-да, ҳали кўп кофирлар вужуди куфру залолатга ботгондур...

– Ҳиндни ҳам олсалар Амир Соҳибқиронни жаҳонгири замон, яъни ҳамма замонлар жаҳонгири деб атағайлар! – мақтов сўзларини аямади вазири аъзам Муҳаммад Жалд.

– Амирзодам мени кечирсунлар, – эътироз билдирди қошлари қуюқлигидан қовоқлари йўқолиб кетгандай қўринадиган андишали Амир Шоҳмалик. – Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик, у ерда турғун яшаб қолмасмиканмиз? У ҳолда наслимиз йўқолиб, ўз аслидан ажраб, тиллари ҳам хиндчага айланиб кетмасмиканми?..

– Бундан чиқди, Ҳиндистонга бормаслик жоиз, демоқчимилар?... Шундайми? – қисқ кўзлари беихтиёр чакнаб сўзни кесди Шайх Нуриддин баҳодир. – Ҳиндистон мамлакатининг баъзи вилоятларида, Деҳлида дини ислом байроғи балқиб турибди, аммо юртни кофирлар ва бутпарастлар ўзиники қилиб олган. Амир Соҳибқироннинг улуғ ниятлари доимо кофирлар устига ғазот этмақдир. Наҳотки, буни фаромуш айладилар?..

Амир Шоҳмаликнинг гаши келди, баҳодирга бошлаб жавоб бермоқчийди, бироқ ҳозир қадр талашиш вақти эмаслигини идрок этганидан, тили қичиб турса ҳам, ўзини тийиб индамади.

Машварат қизиди. Айримлар у деди, бошқалар – бу. Борамиз, деганлар ичида Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султоннинг овозлари тез-тез жаранглаб турарди. Амир Соҳибқирон хаёлга чўмди, унинг иккилангани билинди. Чунки олдинда Хитой сафари кутмоқда, аслида-ку, Эрон юришидан кейиноқ ўша ёққа отланиш мўлжалда бор эди. Хитой

сафари – катта маърака. Катта маъракалар арафасида кичиклари кетга сурилади.

Охири Амир Темур барчага қараб деди:

– Эй, бахти бекам амирзодалар, олиёқадр беклар, муртазо амирлар! Яхши сўзлар айтдингиз. Рух жондур, сўз унинг қолипи. Рухингизни ҳис этдум. Барчангиз ҳам туққан юртимиз Турон салтанати шаъни учун қилич кўтаришга тайёрдурсизлар! Оллоҳ куч-қувват берсун! Тангри таолога юз бурайлик, саваш қуриш, қурмаслик борасинда Қуръони мажиддан фол очайлик. Энг тўғри йўлни Оллоҳнинг ўзи кўрсатгай. Оллоҳ буюронига амал қилгайбиз.

“Маъқул!”, “Маъқул!” деган овозлар эшитилди. “Фол тўғри чиқсин-да! – ирғиб чиққан кўзларини қисганча пичирлади Султон Ҳусайн Мирзо Халил Султонга. – Валинеъмат Соҳибқирон ҳеч қачон Қуръон сўзига қарши бормайдурлар...”

Соҳибқирон “Бисмиллаҳир роҳмонир роҳим!” – деди-да, Қуръондан фол очди: Таҳрим сурасидан куйидаги оят чиқди: “Эй пайғамбар, сиз кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг!”

Ҳамма “Оҳ!..” деб юборди. Айниқса, Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султон иккиннинг хурсандликдан чапак чалиб юборганлари эшитилди.

...Мана энди шаҳзоданинг шаънига машварат қақирилмоқда. Буни малика Соғинч хоним эшитсалар ҳам бағоят сунонда. Оҳ, бобосини шунчалар кўргиси келдики! Аллақачон бориб тавоф этарди, бироқ таомил бўйича Соҳибқирон хузурига бир ҳафтадан кейин кирилади, меҳмон яхши ҳордиқ олиб, истироҳат қилиб, тиникиб ундан сўнг олиймақом Ҳумоюн ўрдуга ташриф буюриши лозим. Лекин бу сафар анъанадан чекилинибди. Бобоси валиаҳд набирасини жуда соғинибдилар шекилли, эртароқ қақиршмоқда.

Шундай ҳаёлларга ғарқ, шоҳона либосга бурканган шаҳзода кўлларида туғ тутган мулозимлар кузатувида Кўксаройга қараб эллик қадамлар чамаси юрган эди:

– Хуш келибдилар! Хуш келибдилар!

– Умрлари узоқ бўлсун!

– Камолга етсунлар, илоҳо! – қабилида марҳабо сўзлари жаранглади шаҳзодага пешвоз чиққанлар сафидан.

Муҳаммад Чурога додхоҳ бошлиқ издиҳом йўлни тўлдириб келар, улар орасида қайин отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, вазири аъзам Муҳаммад Жалд, қозикалон, доруға ва салтанатнинг бошқа ашраф ақобирлари бор эди. Муҳаммад Султон отдан тушиб қайин отаси ва бошқалар билан кўришмоқчийди, Жаҳоншоҳ ибн Жоку қўймади:

– Фурсат кетмасун, шаҳзодам! Бизлар ризодурмиз. Шитоб айласунлар, Амир Соҳибқирон кутиб қолмасунлар!

– Ҳа-ҳа, кўришдик ҳисоб...

– Тезроқ борсунлар! Кутиб қолмасунлар!

Аммо, барибир, барча гулга ёприлган асаларилардай шаҳзода томон интилди. Биров отнинг жиловидан тутди, кимдир омади чопиб шаҳзода кўлларини қисди, бошқалари узангини ушлади, от ёлини силади, мақтов сўзларини айтди, хуллас, одамлар шу тахлит ўз меҳру эҳтиромларини изҳор айладилар. Бахти кулган шаҳзодани ўраб олган издиҳом Кўксарой томон йўналди.

Сарой эшиги олдида шаҳзодалар кириб чиқадиган пайтларда чалинадиган тантанавор ногора ва сурнай садолари борлиқни тутиб кетди. Тўпланган одамлар Муҳаммад Султонга ҳавас билан қарашар: “Валиаҳд шаҳзодамиз, яшасин!”, “Худо асрасун!” деб қичқирашарди.

Амир Темур маҳобатли тахтда ўлтираркан, ташқаридаги сурон овозларини бемалол эшитиб турарди. Кўксаройнинг чиройли кўринишхонаси бугун яна ҳам файли туюлди. Ҳеч ким йўқ, машваратга тўпланганлар ташқарида, ичкарига таклиф қилишларини кутшмоқда. Ҳиндистондан қайтганидан кейинги илк машварат бу. Уни валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон иштирокида ўтказишни Соҳибқирон асли Кашмирдалигидаёқ кўнглига тугиб қўйганди.

– Подшолик чаманининг гули, жаҳон шаҳзодаси валиаҳд Муҳаммад Султон ташриф буюрадила-а-ар! – эшикоғанинг чертиб-чертиб айтган сўзлари хонани жаранглаптиб юборди. Амир Темур беихтиёр ўрнидан турмоққа тараддудланди.

– Кўзғолмасунлар, кўзғолмасунлар!

Биланд бўйли валиаҳд шаҳзода эшиқдан кириб оқ югуриб келди-да:

– Ассалому алайкум! – дея таъзим қилди, кейин тиз чўкиб Соҳибқироннинг заррин авра тўни пешини уч бор ўлиб кўзларига суртди. – Табаррук пайғамбар ёшига етгонлари бирлан юрак-юрагимиздан муборакбод этғоймиз, валинеъмат Соҳибқирон!

Амир Темур набирасининг кўлтигидан олди, турғизиб, аллақандай таважжуҳда бағрига босди:

– Суюкли набирам!.. Кўнглимнинг сурури, кўзимнинг нури!.. Паҳлавоним!..

Кейин бағридан бўшатди-да, елкасидан тутиб катта-катта кўзларига тийқисиз меҳру муҳаббат билан тикилди. Шаҳзода буй тортибди, борлиғида гуркираган йигитлик заботи аломатлари ярқ этиб кўзга ташланади. Чақнаб турибди... Аллақандай ғурурдан Соҳибқироннинг юраги қалқинди, набирасини қайта-қайта бағрига босгиси келди.

Бобо билан набира шу алпозда анча вақт бир-бирларидан кўз узолмадилар.

– Узларига ҳам шундоғ қутлуғ ёш насиб айласун, шаҳзодам! Кўриб юрайлик! Оллоҳдан умидим бор, иншооллоҳ, насиб айлағай!

– Қуллуқ, қуллуқ!

Валиаҳд катта бўлиб қолганини бўрттириш учун ўзини бепарвороқ, вазминроқ тутишга тиришар, Соҳибқироннинг эса томоғига нимадир тикилиб келар, душманлар лашкарларини титратган саркарда қувонч туйғулари кўшини олдида ожиз эди. Амир Темур, сафар чарчоғлари ҳали чиқмаган шекилли, ҳорғинроқ кўринди Муҳаммад Султон кўзига. Ногоҳон бобосининг бир томчи кўз ёши соқолига юмалаб тушганини илғади:

– Бобожон! Бобожон!.. – талпинди шаҳзода юзларини Амир Темурнинг юзларига босиб юпатмоқчидай, кейин бошини оҳиста елкасига қўйди ва негадир тўлиқиб, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Шу рўбарўсида турган азизу мукаррам инсон ўзининг улуғ бобоси эканини, у эса фоний дунёнинг юмушлари деб қўл-оёғи боғланиб юрганини англади, икки йил ичида лоақал бир марта ҳам вақт толиб зиёратга келмаганидан уялиб кетди. Ичида ўз-ўзини қаттиқ койиди. Такрор бундай йўл тутмасликни кўнглига тугди. Амир Соҳибқирон ҳам бир ёшга бормоқдалар ахир, шаҳзодадай ёш эмаслар. Яқинда ҳисоблаб чиқди: улуғ бобоси олтмиш уч ёшга кирган бўлсалар, шундан ўн йилдан ортиқ умри от устида сафарларда кечибди! Бунга Туронни бирлаштирай деб гоҳ Тошкандга, Яссига, Термизга, Бухорога, Хоразмга (ахир, Хоразмнинг ўзига беш марта юриш қилинди-ку!), Андижонга, Хўжандга борган паллаларини кўшса, ўн беш йилдан ошади. Дунё ғанимат, дийдор азиз...

Бирдан унинг вужуди титрагандан титраб кетди! Агар... агар... бирор кун бобоси – у ҳам худонинг бандаси! – дунёдан ўтса... унда шаҳзода бошини қайларга уради? Бошқаларни билмайди, аммо у... ўзини... Йўқ, йўқ! Муҳаммад Султон ҳеч қачон дунёни Амир Темур бобосисиз тасаввур этолмайди, хаёлга ҳам сиғдирилмайди! Худо ундай кунларни, бошга солмасин, илоҳо!

– Бобожон! Бобожоним!.. – деди яна шаҳзода ва бобосининг юзларидан ютоқиб ўпа бошлади.

– Бас, бас... Роса соғиниб қолибдилар-ку! Йироққа юбориб қўйиб, бобонгиз ҳам хўп таъзирини еди, бировга билдирмай дарди ичида юрди. Бас, шукр этайлик, шаҳзодам...

– Худого шукр! Худого шукр, валинеъмат Соҳибқирон! Худого шукр... – деди ўзини йўнлаб олган валиаҳд.

Машваратга таклиф этилганлар Кўксарой далонини тўлдириб, у ёқдан бу ёққа юришар, йиғиндан сўз очишар, овозни кўтармай нималарнидир муҳокама қилишар, гўёки бўлажак машварат тақдир айнан уларга боғлиқдай ўзларини сипо туттишар, виқор билан баҳслашишарди. Машваратда, тахминга кўра, Ҳиндистон сафари ҳамда валиаҳд шаҳзоданинг Ашпарадаги қутлуғ қадамлари ҳақида сўз бориши, лекин, асосан, Хитой муаммоси кўрилиши кутилди. Ҳамма қандай қарорга келинишидан қатъи назар, ўз кўнглида кузга ҳам қолмай ёруғ ёздаёқ Хитой сафарига жўнаб кетилишига қаттиқ ишонарди.

– Зафарлари муборак, валинеъмат Соҳибқирон! Турон салтанати қудратини такрор намойиш этиб қўйдилар! Ҳиндистондай мамлакатдан фатҳу нусрат ила қайтдилар! Бошимиз кўкларга етди!

– Узларига ҳам сийлов, шаҳзодам!

– Ашпарада эканимиздан ушбу қутлуғ муҳорабага ўз улушимизни қўша олмай хижолатда қолдик...

– Ундоғ демасунлар, шаҳзодам! Ҳиндистон муҳорабасига қатнашмағон эрсалар-да, ундан-да юқироқ юмушни уҳдаладилар. Ишониб тобшурғон эрдик, – жилмайди Амир Темур. – Мўғул сарҳадида мустаҳкам қалъа бунёд этиб, ҳали жаҳон кўрмағон буюк муҳорабага замин ҳозирладилар. Тарих гувоҳ бўлғай, бу салтанат учун Ҳиндистондан кўра муҳимроқ қадамдур!

– Қуллуқ, қуллуқ! Валинеъмат Соҳибқирон! Олий фармонларининг ҳар бир каломини эъзозлаб кўзимиз устига қўйдуқ ва ҳар сонияда меҳрингиз нурини дилимизда сезиб турдуқ. Бугун Яссидан Ашпарагача ёйилган ям-яшил бугдойзор, арпазорлар шовиллаб ётибди. Ғалла учун ҳар бири эни-бўйи юз газдан йигирма бешта сарой ҳозирлатдуқ. Бештаси Ашпарада, арпага мўлжалланганлари Тарозда, Чаманкентда ҳам бир нечта бор, қолган саккизтаси Ясси билан Исфижобда. Барчаси бугдойга тўлғон. Жиянимиз Мирзо

Алибек жаноблари Сайхун бўйларида зироат қилдилар, тоғамиз Амир Сулаймоншоҳ жаноблари Тарознинг шимолидаги бўлиқ ерларни обод этдилар. Ашпаранинг икки ёни, дарёнинг чап қирғоғи то мўғул сарҳадигача катта майдонлар ҳам экинзорларга айланган. Дарёга кўприк боғладук... Қалин девор билан ўралган Ашпара қалъаси салтанатнинг машириқдаги метин кўрғонидур, валинеъмат Соҳибқирон! – кўлини кўксига қўйиб таъзим этди шаҳзода. – Деворининг устида тўрт отлиқ бемалол юрмоғи мумкин...

– Халлоқи безаволга салламо! Соғ-саломат келдилар, шунинг ўзи бизга улғу саодат-дур, шаҳзодам... – Набирасининг елкасига уриб-уриб қўяркан, Амир Темурнинг кўзлари ёшларникидай чақнади. – Барини сўзлаб берғойсиз. Қани, ўнг томонимга ўлтурсунлар. Соҳибқирон уч марта қарсак чалди. Энди машварат бошланади.

### Тўртинчи боб

Гарчи Хонзода хонимнинг мулозими, ўнбошиси эса-да, ўзини Ҳулоқухон мулкининг соҳиби Мироншоҳ Мирзонинг навқари деб ҳисоблаган Ахий Жаббор баҳодир қирқ аскарни ияртиб, Султониядан Ҳирот орқали Қандаҳорга етиб келди, энди Лаҳоварга жўнайман деб турганда, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон лашкарининг Ҳиндистон юришидан голибона қайтаётганини, у ерлардан аллақачон ўтиб кетганини, шундалларда Жамму ноҳиясини кесиб, Кашмир вилоятидан ўтиб, Кобулда бўлиши эҳтимоли борлиғи ҳақида эшитди. Бир хил гапларга қараганда, Ҳиндистон буткул забт этилганидан сўнг от бошини ортага бурибдилар, яна бу мамлакатнинг намхуш об-ҳавоси Соҳибқиронга ёқмаган эмиш, ҳам дейдилар. Лекин Ахий Жаббор баҳодир фикрича, Турон султони юртини соғинганлар, ўша соғинчи қўймаганидан тезроқ қайтишни истаганлар...

Султониядан қандай аҳволда чиқганини ҳам билмайди. Мироншоҳ Мирзонинг шак-кокларча – ҳа, Ахий Жаббор баҳодир бу қадамни ўзгача баҳолай олмайди, – тутуми уни батамом лол қолдирди. Агар бировга айтса ҳеч ким ишонмайди. Амирзодада восвос касали йўқ, ақли-идроқи жойида. Тўғри, овда юрганда отдан йиқилиб мияси чайқалган, деган гаплар юради. Афсуски, Ахий Жаббор баҳодир бу ҳодисани ўз кўзи билан кўрмаган. Муолажадаги хато сабабидан димоғида халали воқе бўлганимиш. Ростдан ҳам, қаттиқ лат еганмикин?.. Лекин падари бузрукворига нисбатан шунча заҳар-заққумни ичида сақлаб юргани, охири чидай олмай ошқора мактубга тўкиб солгани, лоақал ёздирётганда мушшидан изо тортмагани унга қаттиқ ботди.

"Вожаб! – деди ўзига ўзи. – Бир қатрадан пайдо одам уялмай-нетмай ўзига уммонни тилайверар экан-да? Бир коса сувдан тўясан-ку, дарёни ҳавас қиласан? Ҳа, бу тўймаслик, кўзи очликдан... Йўқ, йўқ, аксинча, тўйиб кетгандан, тўқликка шўхликдан! Дарҳақиқат, каломуллода айтиб қўйибди-я: инна-л-инсанала-йатта ан йаъаху истиағна!<sup>1</sup>, яъни инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар, ҳақдидан ошар... деб! Бу қадамга қайси томондан ёндашса ҳам, зинҳор оқлаш мумкин эмас!

Чамаси, амирзода ўткир тигнинг дамига мушт урмоқни хаёл этган кўринади, бу шубҳасиз, ақлдан эмас... Муштилар Хонзода хоним эшитиб қандай ҳолга тушдилар экан? Бечора, малика! Оққиз, маликамга бу машъум хабарни билдирмайман, аяшим керак, сирни яширишим лозим, ўзларини бир нарса қилиб қўядилар, деганди. Лекин, аёл киши-да, кўнгли юмшоқ, оғзи бўш, айтмаслик қўлидан келармикин?.."

Ахий Жаббор баҳодир Султониядан узоқлашиб кўзланган манзилга яқинлашгани сари дарди енгиллашмас, балки оғирлашиб борарди. Сабаби, унинг қўйнида ўша зилдай юк – "мактуб"! У ухлаганда ҳам, турганда ҳам уни доим ёнида сақлаши, соҳибига етказиши керак, у – подшо мактуби! Йўқотиб-нетиб қўймасин тагин. Уни... Амир Темурга қандай топширар экан? Тутқазишга унда куч, шижоат топилармикан?.. Аммо ҳар қанча ўйласа ҳам, тадбир ойнасида бирон ёруғлик кўринмас эди.

Одатда, фарзандлардан, маликалардан келган мактубларни ўзлари очадилар, чунки улардан соғинган дилга малҳам излайдилар, тинчлик-омонлик, яшиликлардан хабар кутадилар. Лекин... бу, султон қоғозига битилган найчасимон "дуои саломнома" – аслида, дуои баднома дегулик! – ичи турфа хил иддаою дашномлар, кина-кудуратларга тўлиб-тошган мактуб-чи? У кўз олдида келтирди: Амир Соҳибқирон ўқигач, доим жилоблаб юрадиган қаҳр-ғазоби оловланади, дарҳол йўлни Султонияга буради, шаҳар кулини кўкка совуради, Мироншоҳ Мирзони тутдириб қатл этдиради, гуноҳкорларнинг жазосини беради... Йўқ, йўқ, Соҳибқироннинг, агар фарзандларимдан қайси бири салтанат даъвосида бош кўтарса, уни ўлдиришга йўл қўймасунлар, деган сўзлари бор.

<sup>1</sup>Қуръони карим. "Алақ" сураси, 6-оят.

Эҳтимол, Мироншоҳ Мирзо ўшанга ишониб бундай номақбул йўлга қадам қўйгандир? Билгучи – Оллоҳнинг ўзи.

Бошқа томондан, мактубни ўқигач, Соҳибқирон Ахий Жабборга: “Ҳали сен шунча йўлдан шундай тавқи ланъатни кўтариб келдингму? Уялмадингму? Мактубни ёзгон заҳоти ул бетавфиқнинг юзига отиб юбормадингму?.. Махлуққа итоат қиламан деб, Холиқ олдида гуноҳга ботдингму? Ҳали кўрқоқлар тоифасиданмусен? Сени доим ардоқда тутардим-ку, оқибатинг шул экан-да?.. Суф сенга!” – демайдириларму? Унда Соҳибқирон кўзига қандай қарайдир, ер ёрилса ерга кириб кетмайдирму? Йўқ, йўқ, бунга чидаш қийин, қийин!

Бу ҳам унга Оллоҳнинг бир жазоси, начора, бошга тушганин кўз кўради. От бошига иш тушса, сувлиги билан сув ичар, эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар, деганлар-ку. Хайриятки, бу мактуб бегонанинг қўлидамас, йўқса, мактуб дунёга достон бўларди. Ахий Жаббор баҳодир эса бошқача йўл тутайди...

Шоҳрух Мирзо салтанати пойтахти Ҳиротга тўрт-беш фарсах масофа қолган эди. Одамлар оғзида Соҳибқирон Амир Темурнинг кенжа ўғли, амирзода Шоҳрух Мирзо васфи баланд экан, Ахий Жаббор бунга ҳайрон қолмади. Унинг амирзодага эътимоди баланд, ҳурмат қилади, чунки Шоҳрух Мирзони камтар, босиқ, узоқни ўйлаб қадам босадиган, одамларни авайлайдиган ҳукмдор, деб билади. Амирзода Ҳиротнинг ўзида катта қурилишларни бошлаб юборган эмишлар. Малик ва Қипчоқ дарвозалари ораллиғидаги бундан юз йиллар муқаддам Ҳирот малиги Фахриддин Курт бунёд этган Арк бир йилдаёқ янгитдан тикланиб, маҳобатли тус олганмиш, ҳукмдор ўша ерга жойлашибди.

Ҳиротдан бериқоқдаги Тайобод қишлоғига етиб келганда, уни маҳалланинг барвас-та серсоқол имоми кутиб олди. Иттифоқо, баҳор бошланган паллалар, қурбон ҳайити куни эди.

– Қадамларига ҳасанот, эй меҳмон! Пиримиз, Амир Темур Кўрагоннинг улуғ пирлари қуддиса сирруху Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий хонақоҳида бугун худойи. Эл ўша ерда. Қани шу ёққа кетдик – деди чорпахил эканига қарамай ҳаракатлари чакқон маҳалла имоми.

– Қуллуқ! Қуллуқ! Улуғ айёмда Амир Соҳибқироннинг пирлари қадамжоларини зиёрат этишни кўнгилга тукқандик, айни муддао! – мамнунлигини яширмади Ахий Жаббор баҳодир. Ажабо, унга имомнинг нимасидир таниш туюлди. Қаердадир учратган, аммо эсполмай турибди. Жуда таниш-да...

Шопмўйлов, соқоли калта қирқилган аскарлар бошлиғи ҳам маҳалла имомига истараса иссиқ кўриңди. У беихтиёр хотирасини титкилаб кетди ва... бирдан:

– *Таваккал ту алоллони деган эр,*

*На толқону на қалқоннинг ғамин ер!* – деб қачонлардир Самарқандда

Ахий Жаббор тўқиган, Тун салтанати фуқаролари ичида ёйилиб кетган мисраларни ўқиб юборди!

– Ие! Ие! Буни қайдан биладурлар? – имомдан сўради Ахий Жаббор ҳайратда, ҳали ҳам шеригининг кимлигини эслашга тиришиб.

– Шеър ҳам зўр-да, тўқиб қўйган-да ўзиям, дастингдан кетай! – сўз қўшди Учқора.

– Ол-а! – анграйди Йаналтекин.

– Сиз... сиз... айттайму кимлигингизни? Ахий Жабборсиз, ҳа! Самарқанддаги Тун салтанати фуқароси Ахий Жаббор! Бу аниқ! – деди бирдан имом.

– Ие!.. Толди-ку! Ё қудратингдан, Оллоҳ!

– Э, биродар-е! Тоғ тоғ билан учрашмас экан. Лекин бандасининг йўриғи бошқа. Каминани танидингизму? – баҳодир кўзларига синовчан тикилди маҳалла имоми.

– Танидим, шекилли... отингиз ҳам тилимининг учида турибди...

– Ўша Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Калтатойман!

– Ана! Калтатойман, дедиларму? Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми? А?.. Ўзимизнинг Калтатой, а?

– Ҳа-да, ўша! Раҳматли Мавлонозодалар, Худобандалар билан бирга сабоқлар олган Калтатойман!

– Наҳотки?.. – қаттиқ тикилди Ахий Жаббор баҳодир – Э... Э... Машхур фақиҳ Шайх Бурхониддин Марғинойий наслдан, наслданмас аслиданман, денг!

– Худди ўшаман! Ўша яхши кўрган гапимни ҳозир ҳам тақорлаб юраман! Йигитда гап битта бўлади!

Қаттиқ ҳоҳлаб кулиб юбордилар.

– Ёпирай! Худди ўзлари-ку чиндан ҳам! Ўттиз йиллар ўтиб кетди. Вой, жигарим-ей!

– Парвардигорнинг карами кенг-да, дастингдан кетай-я!

– Шунча йилдан кейин учрашиб қолишганини! Вой, отангни арвои!..

Йигитлар тақдирнинг бундай синоатидан танг қолдилар.

Ахий Жаббор баҳодир билан Калтаёт атрофдагиларни таажубга солиб қучоқлашиб кетишди. Соғинишдан кишилардай бир-бирларини бағирларига маҳкам босганча туриб қолишди. Самарқанддаги ёшлик дамлари, Садр Сулаймон мадрасаси, Тун салтанати, сарбадорлар, мўғулларни қувгандан кейин Самарқандда уч кун давом этган машҳур сайил, сайилдаги тўполон, Кониғилдаги машҳум дор ва тагин алланималар уларнинг хаёлидан яқин мисоли ўтар, юракларини сирқиратарди.

– Кўришмаганимизга ҳам ўттиз йилдан ошибди, – деди кўзлари қувончдан ёшланган Ахий Жаббор баҳодир. – Ғаройиб даврларни бошдан кечирдик-а...

– Раҳматли Мавлонозодани эслайсизму? Жуда билими ўткир, закий, зўр, тилла йигит эди, афсуски, умри вафо қилмади...

– Ҳа, тилла йигит, йигитларнинг тилласийди. Оллоҳнинг буюргани шу экан-да, жаннатдан жой ато этсин! – Ахий Жабборнинг дили увишди. У Мавлонозодани ўйларкан, унинг ёнида... ҳамиша суйгани, дилида асраган қамиёи гавҳари Жаҳон бикани кўрар, ўзида бир олам муаттар бўйни нихон этган, аммо очилмай ҳазонга айланган ғунчадай муҳаббатини ҳали ҳануз унутолмаганини сезарди. Унута оладими ўзи?

– Ёдингиздаму, – унинг хаёлини бўлди Калтаёт, – Асирларни мўғуллардан қўтқарамиз деб, ўзимиз ҳам асир тутиб қолганимиз?... Сарбадорлар пошросининг ожизаси Жаҳон бикани ёмонлар чанғалидан қутқарганларимиз-чи? – Калтаёт Ахий Жабборнинг оғриб турган ярасига тегиб кетганини сезмай давом этди. – Хонқали кўчасида сирли дарвозаларни очиб кирганларимиз... Кумарнинг соқов-гунлар билан суҳбатлашгани... Биласизми, бир-бирини қаттиқ севишган Мавлонозода ва Жаҳон бикалар бор-ку, етишай деганда оламдан ўтибдилар...

– Ўҳ-ҳў... ҳаммаси ёдингизда экан, қойил! – баъзўр жилмайишга тиришди Ахий Жаббор баҳодир. “Баридан хабарим бор, жигарим. Иккиси ҳам қўлимда жон берди-ку!” – дейишига оз қолди ва тезроқ мавзуни ўзгартирмас, Калтаёт анча ўтлаб кетиши мумкинлигини пайқайди. – Ўзларидан сўрасак, Калтаёт жаноблари... Нега Марғинон қолиб, Тайободда адашиб юрибдилар?

– Йўғ-е, жаноб эмас, сиз учун Калтаётиман, ўша Калтаёт. Калтаёт деяверингиз! – хижолатомуз деди имом қулиб. – Тақдир экан, биродар. Бандаси нон-насибаси қаерга сочилмас, ўшани териб ер экан. Эҳ-хе... – хўрсинди Калтаёт. – Бу ёкларда юрганимнинг қиссаси узун. Амир Соҳибқироннинг илк бор Эронга сафарлари пайтида камина Амир Сайфиддин некўз фавқида ўнбоши эдим. Узим шоҳидман, Тайободда пирларини зиёрат этдилар Шайх Зайниддин Абу Бақр Тайободий чиндан зоти бо баракот эканлар. Амир Темур Кўрагондай подшо азиз тутадиган шайхни улуғлар улуғи деса арзийди-да! Худо менинг кўнглимга ҳам меҳрини солди. Негадир, кошқийди, шундай табаррук дошизманд хизматини адо этсам, деган ўй келди хаёлимга. Ҳирот урушининг бошидаёқ қаттиқ шикастландим. Сурон ичиди қалъа деворига чиқаётганим, палакат босиб, нарвондан пастга йиқилиб кетдим-ку! Худо бир сақлади. Ёнбош тушган эканман, чап оёғим, қовургаларим синиб кетибди, синикчи айтди. Ҳиротда ётиб қолдим, соғайгунимча бир йил ўтди. Соғайганимда, пирга хизмат қилсам, деган ниятимни эсладим. Худо ниятимга етказди, пиримнинг вафотларигача ёнларидан жилмадим, эшикларини супурдим, боғда тер тўқдим, елиб-югурдим, иссиқ-совуқларига қарадим, дуоларини олдим. Ул зот, мендан ризо бўлдилар, оламдан ўтгонимдан сўнг ҳам Тайободда яшагил, хонақоҳни обод этгил, боққа қарагил, ташлаб кетмагил, деб қаттиқ тайинладилар...

– Ўҳ-ҳў, ўзлари ҳам табаррук зотга айланиб қолибдилар! – қулди Ахий Жаббор баҳодир, аста боққа назар солар экан, Калтаётнинг яхшигина боғбон эканини пайқайди.

– Қуллуқ! – қўлини кўксига қўйиб бош эгди маҳалла имоми. – Айтганларида жон бор. Ахир, пиримнинг муборак учта мактубларини Амир Соҳибқиронга элтиб ул валиеъмат қўлларидан зар чопон кийган одамман! Ҳатто Амир Соҳибқирон пиримнинг бир мактубларини олганларида ўпиб, уч бор кўзларига суртгач, ўзинг очиб ўқи, деб буюрганлар. Кўксаройнинг ичкисонасини гумбурлатиб ўқиб берганман ўшанда...

– Қутлуғ бўлсин! Қутлуғ бўлсин! – деди Ахий Жаббор баҳодир, хаёлидан: “Калтаёт мактуб элтиб, мукофотига чопонлар кийибди, сен ҳам мактуб билан бораяпсен, қандай мукофот кутиб турибди экан, балки эшакка тескари миндирадидларми ёки соқол-мўйлабнинг қириб, аёл либосига буркаб-чулғаб сазойи қилдирадидларму, у ёгини худо билкади...” – деган сўзлар ўтди ва эти ёқимсиз жунжиқди.

– Амир Соҳибқироннинг жавоб хатларини, тўққиз-тўққиз совға-саломларини заррача хиёнат йўлини тутмай, ўз эгасига топширган кишиман, ҳа! – мақтанишда давом этди Калтаёт.

– Офарин! Машҳури офоқ Шайх Бурҳониддин наслидан, наслиданмас аслидан эканларини тақдор исбот этибдурлар! – лутф қилди Ахий Жаббор баҳодир, аммо ичиди: “Сен қандай совға-саломлар билан қайтар экансан ҳали, баҳодир, фақат худого аён...” – деди мазасингандай ўзига ўзи аламда.

Улар пири комилнинг қабрини зиёрат этиб, тиловат туширдилар ва боққа қайтдилар.

Имом яна Қуръон ўқиди, унинг ширали ва ёқимли овози тириклигидаёқ донғи дунёга кетган Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайюбодийдай одам эквиб ўстирган, парваришлаган хушманзара боғнинг пучмоқ-пучмоқларигача етиб борди. Боғнинг четида қийғос гуллаган катта ўрик тагида тиз чўккан қирқ аскар пирни ёдлаб, баб-баравар дуога қўл кўтарди.

Худойидан кейин икки дўстнинг гурунги хийла давом этди. Калтатой пирнинг хислатларидан сўз очдию суҳбат қизиди. "Ростию русту" каломлари ўйиб ёзилган узукни номи чиққан машхур заргарга ясаттиргани, Амир Темурга туҳфа айлагани, зиёратлардан биринда пирнинг ардоқли муриди кураклари устига икки қўлини қўйганида Амир Темур назарида худди осмон узилиб тушгандай, тариқдай майда-майда бўлиб кетгандай туюлгани ва ҳоказолар ҳақида гаплашиб ўтирдилар.

Ахий Жаббор баҳодир тишининг оқини кўрсатарди-ю, ичини ит тимдаларди, залворли юк елкасидан эзиб келар, уни даст отиб юборишнинг эса ҳеч имкони топилмасди. Хуфтон намозидан сўнг кўзгалдилар. Учқора билан Ианалтекинлар ўз олачуқларига қайтишдан олдин кузатиб қўйдилар-да:

– Яхши тушлар кўриб ётсунлар, баҳодир жаноблари! Истироҳатларига фаровонлик тилаймиз! – дея хайрлашдилар.

Қаттиқ ҳориб-чарчаган эса-да, Ахий Жаббор баҳодирнинг уйкуси қочган, у ёнидан бу ёнига ағдарилар, кўзлари юмиллини истамасди. Охири, туриб ўтирди. Эҳтиёт қилгандай, қўйнидаги номани яна ҳам чуқурроқ жойлаб қўйди. Бир оз тинчландию ўринга чўзилди. Тенгсиз изтироб унинг тинкасини курутган, нима қилишни, қайси томонга юриш мақбул эканини билмас, уч-қуйруқсиз ўйлар исканжасида қолган, йўлида ихтиёрсиз кетиб бораётганини туйрди. Шартта ортига қайтса-чи? Мироншоҳ Мирзога нима деб жавоб беради?

Балки амирзода Мироншоҳ Мирзо қизиқ устида мактуб ёзиб ўзи пушаймон еб ўтиргандир, Ахий Жаббор баҳодирни жўнатиб қўйиб хижолатга тушиб ётгандир? Тутумини чакки эканини англагач, дарҳол изма-из чопар елдилар ва Ахий Жаббор баҳодирни ортига қайтарар? Уша мактубни бу ёққа чўз, уялмай олиб кетабердингму ҳали, адашибмен, шайтоннинг восвосига учибмен, дер ва ҳамманинг кўз олдида парчалаб йиртиб ташлар?..

Баҳодир Султонияга қайта чақириб олинишига, Қазинга етиб бормаёқ чопар ортидан етиб келишига қаттиқ ишонарди. Кейин Рей, Сабзавор, Машҳадларда ҳам сас-садоларга кулоқ тутди, йўл қаради. Наҳотки, амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳамон ўз фикрида қатъий турган эрса?

Баҳодирнинг боши қотгандан қотди. Хўш... мактубни бориб Соҳибқиронга топширди ҳам дейлик. Амир Соҳибқирон мактубни ўқиганларидан кейин, чиндан ҳам йўлни Султонияга бурсалар керак. Ғазабланишлари аниқ! Бунга, асло, шубҳа йўқ! Кейин... кейин... У ёғини, яхшиси, ўйламаган маъқул... Олам остин-устун бўлади, тамом, вассалом!

Қишлоқнинг кунчиқш томонида биринчи хўроз (адашиб қолганми?) журъатсизгина қичқирганда, баҳодирни туйқусдан уйку босиб келди, одатдаги: "Ётдим, ё Оллоҳ, тургайман, иншооллоҳ! Турдим, турдим, турмасам – ла илоҳо иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ!" – сўзларини аранг айтишга улгурди, кўзлари ўз-ўзидан юмилди...

Учқора билан Ианалтекинларнинг тилаклари ижобатга ўтибди: ростдан ҳам баҳодир туш кўрибди. Ғаройиб туш! Бир савам ҳам булут йўқ тил-тиник бепоеён осмон эмиш, чўққиди, тубсиз жар устида самовий эпкинда оҳиста тебранаётган муаллақ шоҳона беланчақда роҳату фароғатда ётганмиш. Беланчакнинг нимага осиб қўйилганини дабдурустдан илғаб бўлмасмиш. Аммо уни тутиб турган тўрт бурчагидаги арқонларда ёзиб қўйилган, биринда "Иймон", иккинчисида "Инсоф", учинчисида "Шукр", тўртинчисида "Сабр" каломларини аниқ ўқиш мумкин экан. Ахий Жаббор баҳодир ғаройиб сир-синоатлардан сира таажжубга тушмас эмиш, бу қанақа арқонлар, нега беланчак битта, бордию тушиб кетса-чи – булар ҳақида ўйламасмиш ҳам. Пастда эса жарлик, жар бағрига ўйиб кириб кетган дарё биланглаб чипор пўстли аждаҳодай қўрқинчли ялтирармиш...

Бирдан, қараса... ўз қўйнидан катта бир илон вишиллаганча ўрмалаб чиқиб келаётганмиш! Мана, таҳдид ҳам қила бошлабди! У осмони фалақда ваҳшатли илоннинг қандай пайдо бўлганига, қаёқдан ҳам қўйнига кириб олганига тушунолмасмиш. Ўқилонга ўншармиш, дам ўтмай қўзойнақли илонга айланиб қолармиш. Ё фалак! Бу қандай бало-офат?..

Илон ҳай-ҳайга қарамай, ўзининг ирганч тумшуғи, тили билан баҳодирнинг томоғини шошилмай ялаб-юлқаб, иягига чиқиб, оғзига киришга интилиб қолибди! Шу палла, худонинг қудрати билан, пирни комил Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайюбодий қандайдир гулдор гилам устида қаёққадир елдай учиб бораётган эканлар. Ахий Жабборга қараб илонни кўрсатиб: "Қўйнингдагини йўқот! Йўқот! Бурдалаб юбор!" – деб қичқиршига улгурибди холос, гилам шувиллаганча ўтиб кетибди. Ҳайратланадиган жойи, пирни комил гиламнинг чеккасида омонатгина ўлтирармиш, йиқилиб кетишдан ҳам қўрқмасмиш. Анкайган баҳодир дарҳол эс-ҳушини ўнглаб, жон ҳолатда чангақдай қўллари билан илонга ёпишибди, бошидан бўғиб олиб мажақлаб ташлабди ва тезроқ бу ҳўл балони сугуриб улоқтирмақчи экан. Сугургани

сари, ажабо, лаънати илон қўнидан чиқаверармиш, сира тугамасмиш. Охири сабри чидамай, илонни тутган жойидан чангаллаб, эзиб, узиб-узиб, бурдалаб ташлайверибди, бурдалаб ташлайверибди...

Ахий Жаббор баҳодир бирдан уйғониб кетди! У жиққа терга ботган, ҳаво етишмай нафаси қисилиб ҳансирар, ҳали туш ҳавосатидан қутилолмаганди.

– Босинқираб қолибман... Лоҳавла вала қуввата, илла биллаҳ! Менга нима бўлмақда ўзи, э худо! – дедию, кўкрагига туфлади. – Ўзинг асра! Ўзинг асра!

Хайратидан ёқа тутган, ваҳимага тушган баҳодир тимирскиланиб у ёқ-бу ёққа қаради, ҳеч нарса кўринмади, ҳали қоронғи эди. Асосий мўъжиза олдинда эканидан беҳабар, алламаҳалгача тушни қандай таъбирлашни ўйлаб ётаркан, яна уйку элитганини билмай қолди.

Чодир ичи оқ ипни қорасидан ажратадиган даражада ёриша бошлади. Ахий Жаббор баҳодир уйғондию таҳоратга чоғланди. Бирдан... атрофга бетартиб сочилиб ётган султон қоғози парчаларига кўзи тушди! Шошилиб биттасини олганди, унда: “Хайҳот, Нуҳ умри қаёққаю Хизру Луқмонлар...” (давоми йўқ) жумлаларини ўқиди, бошқасида: “Дунёга хирс қўймоқ кибрга берилмоқ хатарлиқдур...”, учинчисида Мироншоҳ Мирзо яхши кўрадиган: “Ана энди келдик мақсудга...” сўзлари ёзилганди. Водариғо! Мақтубни ким йиртди? Ким сочиб юборди? Уни қўнида авайлаб асрар эди-ку? “Ҳа, ана энди, чиндан ҳам, келдик мақсудга...” – кимгадир қаратилган киноя сўзлари илинди Баҳодирнинг тилига.

Ногаҳон унинг шуури тиниқ тортиди! У тушида илонни бурдалаяпман деб, қўнидаги Мироншоҳ Мирзонинг Амир Темурга ёзган, ўша Султониянинг Боғи Эрамидаги зиёфатда қалта соқолли мунший ҳорғин овозда ўқиб берган, ҳаммини лол этиб қўйган найчасимон мақтубни йиртиб-йиртиб ташлаган экан...

Ахий Жаббор баҳодир, балки умрида биринчи марта, ўз тутумидан ўзи қаттиқ кўрқиб кетди! Подшоҳнинг амрига, фармонига қарши бориш, инкор йўлини тутиш, мақтубини пора-пора айлаш... ақлга сигмайдиган ҳодиса! У бировнинг омонати, омонатга хиёнат эса ахийлар ва жавонмардларнинг одатларидан эмас... Боши қотган баҳодир, сал фурсатдан кейин: “Зинҳор ҳеч ким кўрмасин буни!” – деди ўзига ўзи ва апил-тапил қоғоз парчаларини битта ҳам қўймай, териб олишга ошиқди.

Шу палла чодир эшигида қўлида офтоба кўтарган мулозимнинг шарпаси сезилди. У хожасининг овозини эшитиб, таҳоратга сув сўраятдилар, деб ўйлади.

– Офтобани эшик тагига қўй! – буюрди баҳодир. Жойига ўтираркан, ўзини худди ўн арава юкни бир ўзи туширгандай ҳорғину афтода сездди, қўл-оёқлари бўшашди. Кейин таҳорат олиб хотиржам бомдод намозини ўқишга киришди, жойнамоздан турмай кўзларини юмганча “Ёсин” сурасини узоқ тиловат қилди, дуоларини пурмазмун тақбирлар билан безади...

– Шунчалар қилганингга шуқр, эй парвардигор! – худого ёлворди у. – Ўзинг чеварсан. Балолардан ҳамиша ўзинг асрагайсан! Аввали Мироншоҳ Мирзони ваҳҳидан, зиммамга оғир вазифа юкладинг, кейин банданга раҳм айлаб, чорасини ўзинг топдинг, машўум мақтубни Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак назарларидан бадар қилдинг, аядинг, пир Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий безовта руҳларини фақирга намоён айладиң. Билдим, Мироншоҳ Мирзонинг тутуми сенга ҳам хуш келмади, оқибатда, ул ноҳўя мақтуб ўз-ўзидан гумдон бўлди... Ўзингга шуқр, худойим, ўзингга!..

Воқеанинг айнан Тайободда юз бериши худо алқаган табаррук зот Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийнинг ўз аржуманд муриди Амир Темурга отиладиган нанки тош, балки бир хасни ҳам раво кўрмаслигини, унга ҳамиша балогаardonлигини исботлагандай эди. Бу – теран сир, унинг тагига етиш мумкин эмаслигини баҳодир яхши англайди.

Машўум юкдан қутилганига ишонмаган баҳодир, чўнтагида ҳали парчаларга айланган ўша мақтуб турганини эслади. Дарҳол боғнинг хилват ерига қараб юрди.

Барча эрталабки ибодат билан машғул чамаси, кимса кўринмайди. У чаман-чотир гуллаган бодом панасига ўтди, қулай жой топиб, чуқурча қовлади ва парчаларни солди, ёнидан гугурди аҳмар<sup>2</sup>ни олди-да, барини битта ҳам қолдирмай ёндириб юборди. Фурсат ҳам ўтмади, нақ дунёни тўлдириб-тоширадиган, ёндираман деган заҳар-заққумлар, ношўқрчиликлар, аламзадаликлар, иддаолар, шаккокликлардан кичкина чуқурчани ҳам тўлдирилмаган бир чуқумгина кул қолди, холос. Баҳодир ўзини баланд осмонда чаппар уриб учаётган ҳов анови сўфитўрғайдай хориқуллодда енгил сездди. У қувончли ҳодисани йигитларга билдирмай, ичида сақлади. Султонияга қайтганидан сўнг Мироншоҳ Мирзога қандай жавоб беришини эса ўйламасликка тиришди. Асли, мақтубни эгасига топиширининг иложи топилмаганига Мироншоҳ Мирзо шуқр қилса ҳам керак, ҳатто баҳодирни бу тутуми учун тўққиз-тўққиз моллар бериб сийлаши мумкин.

...Қандаҳордан Қобулга етиб келганларида Соҳибқироннинг ўн кун аввал Самангонга жўнаб кетгани, Жайхуннинг Паттакесар гузаридан ўтиб, Термиз орқали аллақачон Кешга етиб борганидан хабар топдилар.

<sup>2</sup>Гугуртнинг бир хили, қизил гугурт.

– Султониядан чопар етди, баҳодир жаноблари! – хабар берди Учқора суюнчилаб, кейин хотиржам қаттиқ қувонганда ёки қайғуга ботганда айтадиган суюмли кўшиғини бошлади:

Ер тўймайди ёмғирга,  
Хотин эрга... тўймайди-и-и...

– Чопар етди? Ол-а!.. – қувониб кетди Йаналтекин.

– Нима-нима? Нималар деяпсан? Наҳотки, инсонлар инсофга келишган бўлса? Мумкин экан-ку! – деб юборди ҳайратда қувонишни ҳам, қайғуришни ҳам билмай бўғимлари бўшашган Ахий Жаббор баҳодир.

“Амирзодам, ўйлай-ўйлай тавбасига таянибдурлар-да, энди чопар юборибдурлар, хайрият. Ёмон фикрларидан қайтибдилар-ку, ҳарнечук! Худога шукр! Бироқ... мактубни қайтариб бер, десалар на чора тоғайман? Қандай англагайман? Шундай-шундай... тушимда рўй берди... билмай қолибман, десам ишонармикинлар? – ўзини тигларди Ахий Жаббор баҳодир. – Мактуб қани, деб сўрайдилар-ку! Салтанат васиқасини йўқотдинг, деб, аввал бутун элга сазойи этдиради, тириклай теримни шилдиради, кейин лошимни Султония бозори дарвозасига осиб қўяди! У ҳолда... Оққиз бегим шармандаю шармисорликдан ўзини адоий тамом қилади-ку!..”

Аммо... мутлақо қутилмаган воқеа рўй берди. Чопарни амирзода жўнатмабди, зинҳор Мироншоҳ Мирзога тегишли эмас экан! Водариди! Агар шаккок амирзоданинг ўз хатосини тан олганини эшитса, баҳодир, майли, ҳамма жазога, шармисорликларга чидашга, тавқиланъатларни ўз бўйнига олишга рози эди!

Чопар Ахий Жаббор баҳодир завжаси Оққиз бегимнинг йиғлаб-йиғлаб ёзган номасини тутқаздию ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

## II

Шаҳзода Муҳаммад Султон билан малика Соғинч хонимлар ўзларини рўёлар ичида яшаётгандек ҳис этишарди. Гўё ҳарир пардалар билан ўралган осмонни фалақда парвоз қилиб юрадилар, ҳеч қандай булут йўқ, осмон замин каби нотекис эмас, йўллар равон, атроф тиниқ, бепоён мовий фазо бағрини кенг очган... Лекин уларнинг туйғулари шу кенг осмонларга ҳам сифмайди. Ҳатто коинот ҳам торлик қилса, ажаб эмас. Аслида, ишқ-муҳаббат бобида улардай бахти чопган ошқлар учрамаса керак. Бордию дунёга донг таратган Вомиқу Узролар, Тоҳир-Зухролар, Лайли-Мажнунлар уларнинг саргузаштларини, бир-бирининг висолига етишишлари йўлидаги шижоату матонатларини кўрганларига ҳайратдан ёқа тутмоқлари муқаррардир. Ўхшаши йўқ завқу сурур, суюмли дилдорнинг ёнгинасида экани, маҳбубанинг баркамоллиги, бахт-толеннинг тўқислиги, умрнинг бепоёнлиги, салтанатнинг улуғворлиги, дунёнинг гўзаллиги, тағин алланима-алланималар – бари-бари шаҳзодага ҳаво берар, йиғинларда, кўча-кўйда ҳамманинг ҳавасларини яширмай, уларга қарашларини сезарди.

Моҳичехра рафиқаси Соғинч хоним билан яна она шаҳри Самарқанд бағрида, ота боғи Боғи Нақши жаҳонда истиқомат қилаётганларидан шаҳзода Муҳаммад Султон ўзини чунонам бахтиёр туяди. Ашпарада юрган пайтларида “Самарқанд, Самарқанд!” деб эси кетарди.

– Энг яхши кўрган шаҳрингиз қайси? – деб сўради малика Соғинч хоним бир куни.

– Самарқандни яхши кўрамен, фақат Самарқандни! – хотиржам деди шаҳзода ва бу оддий сўзлар кейин анчагина нохушликлар келтириб чиқаришини сира ўйламасди.

– Султония-чи?

– Фақат Самарқанд!

– Шероз-чи?

– Йў-ў-ўқ, Самарқанд!

– Табриз-чи?

– Фақат Самарқандни яхши кўрамен! – жўшиб кетди шаҳзода. – Унинг тенги йўқ! Шаҳарнинг улуғворлигига боқингиз! Маҳобатли Кўксарой, кечалари тўқсон тўққизта фонус ёниб атрофини чарақлатиб турадурган Бўстонсарой, ҳар икки тарафи дўкон расталари билан безалган, кечаю кундуз гавжум Тошканд томонга тушган тахтиравон йўл, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Баланд, Боғи Дилқушо... Шаҳарни худди авайлаб ўраб олгондай теварақда ястаниб бир-бирига уланиб кетган боғлар шо-даси, бепоён ва сўлим Кониғил... Бари кўз ўнгимда, бари юрагимга нақш бўлиб ўрнашган! Эҳ-ҳе!...

– Нуқул Самарқанд, Самарқанд, фақат Самарқандни яхши кўрамен, деганлари деган..

Юракларида ёлғиз Самарқанд, шекилли... Боғлар, йўллар, бинолар, дўконлар... Нима, бошқага жой йўқму?.. – ўпқалагандай ер тагидан қаради Соғинч хоним, нигоҳида ўзига ярашган ноз-карашмаси яширин эди.

Шаҳзода она шахри мақтовига берилиб кетиб, ёнида турган маликасини фаромуш этгандай ҳолга тушди. Ҳа, махлиқолар ҳамиша иззатталабдурлар, ширин сўзга интиқлар, иззат-нафслари нозик, тез лат еб қолади, уларнинг олдида бошқа аёл эмас, ҳатто жонсиз нарсаларни ҳам алқаб гапириб бўлмайди, рашк ўти ҳамма нарсани куйдириб кулга айлантириши мумкин. Улар меҳринг иккига бўлиниб қолишини ёки ким биландир баҳам кўришни тасаввурга ҳам сиғдиролмайдилар. Муҳаммад Султон буни фаҳмлади, тезда вазиятни сипоришлашга тушди.

– Фақат Самарқандни яхши кўрамен! – такрорлади жиддий.

– Фақат-а? Фақат-а?.. – ғунчадай лабларини чўччайтирди Соғинч хоним, унинг чўзинчоқ юзлари оқарди, нимадир демоққа чоғлангани, лекин керакли сўзни топа олмаётгани билинди.

– Фақат! – деди яна зимдан маликани кузатаркан, ўзини кулгидан баъзўр тутиб. У суюкли ёрига тегажоқлик қилиб, жаҳлини чиқаришни ёқтирарди. Жаҳли чиққанда Соғинч хоним фавқулодда гўзаллашиб кетар, хиёл чўзинчоқ юзлари оқариб, чиройли қошлари чимирилар, кўзларидан ғазаб учкунлари сачрар, худди мана шу ҳолат шаҳзодага ёқарди.

Малика шаҳзоданинг одатини биларди, аммо ҳозир унинг айтганлари сира ҳазилга ўхшамайди. У бетоқатланди.

– Ҳали сиз... сиз... шунақамен, денг? Хўпам "фақат"ни ўрганиб олибдилар-да! "Фақат" эмас, эмас!.. Юрагингизда ҳаммага жой бор, Хоника бонуга ҳам, Тотлибига ҳам, Хон Султон оқага ҳам, Давлат Султонга ҳам! Фақат менга жой йўқ. Ана, яқинда канизак Нигор оқани ҳам чорлатдилар. Самарқандда тураверса бўларди. Йўқ, Ашпарага етиб келди... Ўзларига амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни ҳадя қилди-да... Ҳурмати баланд...

Муҳаммад Султон ортик чиқолмади, жавоб ўрнига қаттиқ ҳоҳолаб кулиб юборди. Бундан маликанинг баттар аччиғи чиқди.

– Нега куладилар? Устимдан куляптиларму? Куладурғон сўз айтилдиму?.. Кулсунлар, ҳа, кулсунлар!

– Ўзимнинг тентаккинам! Тентаккинагинам! – шаҳзода маликани эркалаб бағрига тортди. – Сизга бирон ерда завжа ва канизакларимни ортик кўрамен, ардоқлаймен, дедимму ўзи? Қаерда эшитдингиз?.. Нечун Самарқандни ёқтирамен, ахир! Сабабини айттайму? А, айттайму? Нимага бошқа шаҳарлардан баланд кўйишимни тушунтирайму? Билиб олсунлар: Самарқандни, унда умримнинг меҳвари, гўзаллардан гўзалроқ, дилдорлардан дилдорроқ, маҳбубалардан ҳам маҳбуброқ жаҳон маликаси Соғинч хоним туғилгонлари учун юрагимга нақш этгонмен!

– Шундайму?.. Ростму, а?

Соғинч хонимнинг кўзлари чарақлади.

– Асло ёлғони йўқ!

Маликанинг чеҳраси очилди, хиёл жилмайган эди, бир текис оппоқ тишлари кўриниб кетди, икки юзидаги кулгичи шаҳзодага ёқадиған ўймоқчалар ҳосил қилди.

– Не азобларда сизни топгонмен, ахир... – ўпқалангандай деди шаҳзода. – Эҳ-ҳе...

– Ҳо-о-о!.. Кимни ким топгон эркан?.. Буни аниқлаш керақдур... – Тавозею таманно ила кулиб қўйди Соғинч хоним.

– Рост, рост... Ёдимдан қақибдур... – тан олди Муҳаммад Султон. – Оҳ, яқини, салтанат осмонининг Зухросини мафтунлик тахтига ўтқазиб, саодат Муштарийиси сифат атрофингизда парвона бўлмак ёлғиз толеимдур! Боқсам, ёрқин жамолингиздан кўз ололмаймен. Юз минг ниёз нисор этармен, сиздин фақат тилармен бир ноз...

Шаҳзода қайлиғининг пушти гул япроғидай нафис юзларига меҳр билан тикилди.

– Шумликлари ҳеч қолмади-қолмади-да!.. – кулиб юборди малика Соғинч хоним Муҳаммад Султоннинг сўзлари юракдан чиқаётганини ҳис этди, ноз-карашмаси шунчалар ёқимли чиқдики, шаҳзоданинг кўзига олам чароғон туюлиб кетди.

Чиндан ҳам шаҳзода Самарқандни соғиниб қолган экан, шахарни айланди, Кўксарой, Бўстонсарой атрофларини кезди. Кониғилга ҳам малика билан бирга сайрга чиқишди. Кейинги ҳафтада Кешга бориб боболар ва азиз-авлиелар қадамжоларини зиёрат этишмоқчи. Буни эшитган Соҳибқирон набирасининг қарорини маъқуллаб: "Баракалла!" деди ва малика Туман оқага ҳамроҳ бўлиб боришни тайинлади.

Бугун эрталабдан хотира дафтарига Самарқанд таассуротларини туширмоқчи эди. Бироқ ҳаяжоннинг кўплигиданми, ҳадеганда тилга сўз келавермади, у қандай бошлашни билмай қийналарди. Охири, ёзиш фикридан воз кечиб, дафтарни қўлга олди ва аввалги саҳифаларни бир-бир варақлай бошлади.

"Ҳижрий 800 йил<sup>6</sup>, кўклам ўртаси.

...Ашпарага етиб келдик. Амир Соҳибқироннинг ўн йиллар аввал Жетага юриш қилгонларида шу ердан ўтгонларини, то Юлдуз яйловиғача боргонларини эшитгонмен. Мўъжазгина шаҳарча экан. Ёнидан дарё оқиб ўтади. Шимол томони уфқ этағиғача чўл... Кунчиқишда мўғул сарҳади кўриниб туради. Ундан уёғи Чин-Мочин мамлакати. Ҳали у томонларга қадам босмак каминага насиб этмади.

Келгон куннинг эртасига машварат қақирилди. Амир Сайфиддин некўз, Худойдод Ҳусайний, Усмон Аббос, Амир Аллоҳдод каби атақли беклар, бошқа амирлар йиғилдик... Мўғул сарҳадиға қоровул кўйишларини, ҳамиша ғаним тарафни кузатиб туришларини, агар бирон шарпа сезсалар, дарҳол билдиришларини буюрдим..."

"Ҳижрий 800 йил, ёз охири.

Ёз иссиқ келди. Ёғин кам бўлди. Экинларга зарари етмасайди, деб кўркамэн. Қовжиратиб юборади, ҳосил тўкилиб кетади..." (Кейин экин далаларининг аҳволи, жойлашиши, қандай ўриб олингани, катта хирмон уюлгани, қанор қолларнинг етмай қолгани, қоп учун Чаманкента одам жўнатгани ва ҳоказолар ҳақида ёзилган).

"Ҳижрий 801 йил, сунбула ойи.

Волидайи меҳрибонимдан мактуб олдим. Ўзларининг тинчликларини билдириб, менинг сиҳҳатим ҳақида қайғураётгонларини ёзибдурлар. Қаттиқ соғингонларини, иложи топилса, қанот боғлаб Ашпарага учсалару, бирров суюкли ўғлини бағрига босиб, дийдорига тўйиб, ортига қайтишга рози эканларини билдирибдурлар.

Тагин Султония ва шаҳар атрофлари ҳақида ёзибдурлар. Ҳулоқуийлар пойтахти Султония табиати ажойиб эмиш. Бир қизиқ воқеадан хабар берибдурлар. Султониянинг ўнг тарафида тоғларда баланд чўққилар бор, энг баландини "Қиз сийнаси" деб атайдурлар. Шаҳар бино бўлибдики, ҳали ҳеч ким бу чўққини қорсиз кўрмагон, ҳамиша худди жаннатдан ёғилгандай оплоқ қорларга бурканиб ётарди. Аммо бу йил... бир чимдим ҳам қор ёғмабди! Қоқ суякдай қуруқ қоялар очилиб қолибди, кўзга хунук, қарасангиз... Одамлар буни ўзларича охирзамон аломатиға йўйишмоқда эмиш. Гўёки яъжуж-маъжужлар ерга тушармиш ёки қайдандир чиқишармиш... Қиёмат қочим бўлармиш. Ҳамма ваҳимада...

Аммо аввалги мактубларидағидек, ўзларининг кемиши, сарой ҳаёти, Мироншоҳ Мирзо тўғрисида лом-мим демайдулар. "Тинчмен, сиҳҳатим аъло..." "дан бошқа бирон жўяли сўз йўқ.

Биламен, онаизоримнинг аҳволларини тушунамен. Ёрдам бермакка ожизмен. Ўн беш йилдан бери рухий азобларга кун кечирадурлар. Етти яшарлигимда онами амирзода ўғай отамизга узатаётгонларида юз бергон воқеа эсимда турибди. Келинлик либосларига чулгангон онам мени йўғлай-йўғлай бағрига босиб, манглаймдан ўпиб хайрлашдилар ва хонимойим Сароймулкхонимға дедилар: "Рухим Самарқандда қолғай, хонимойим! Мен Жаҳонгир Мирзо хасмимен! Султонияға фақат қуруқ оғочга айлангон вужудим борадир, холос!" Ҳа, дунё маликаси қуруқ оғочга айланди... Онаизоримнинг гуноҳи недурки, уни шу кўйларга солдинг, эй парвардигор?..

Бориб, ўша ўғай отам билан яккама-якка, эракчасига бир гаплашмак истаги мени тинч кўймайдур. Аммо валинеъмат Соҳибқирондан ўтиб сўз дейиш номуносиб ишдур. Фурсат етур, етур, бу ишга албатта киришурмен... Йўқ. Самарқандга қайтгач, валинеъмат Соҳибқирондан ижозат олиб, албатта Султонияға бориб келурмен..."

"Ҳижрий 801 йил, қавс ойи.

Биринчи марта қор қалин ёғди. Яхшиямки, экинларга қавс сувини беришга улгурдилар, қор ёққани айни муддао бўлди. Ер тўйиб олади. Ташқарида изғирин, совуқ. Бундай паллаларда ростдан ҳам танчага оёқ узатиб, кўрпага бурканиб ўлтирмоқдан ортиқ фароғат йўқ... Малика Соғинч хоним билан шикорга чиқдик. Овингиз ёнингизда, аллақачон отиб олгонлар-ку, дейди ҳазиллашиб маликам! Бу гаплар кўнглимни жуда ҳам яйратиб юборади...

Маликам заифа ва ожизалардан бир лашкар йиғмоқчилар. Бизлар заифа, ожиза эмасдурмиз, бизлар ҳам салтанат учун жон куйдирадурмиз, дейди. Ҳарбийчасига кийинишни ёқтирадулар. Аммо дубулға кийиб, совутга ўралиб олсалар, бирам ярашадикки, кўзимга ўтдай кўриниб кетадулар...

Кишилар тавсифиға ҳам навбат етди.

Амир Сулаймоншоҳ. Амман раҳматли Қутлуғ Туркон оқанинги ўғли. Дўриллоқ овозли, елкадор. Худди Амир Довуд дуғлатдан қолип олгондай. Аммо яқинда учрашгонимизда қараб, унинг елкалари чиқиб қолгонини пайқадим.

Шоҳруҳ Мирзо. Дуркундан келгон, қадди-қомати расо, кенг пешонали, кўзлари катта-

<sup>6</sup>Милодий 1397 йил.

катта, қошлари қуққ Қабоқлари қалинлигидан доим солиққа ўхшаб, жиддий кўринадур. Росмана йигитлик мақомига эришгон, мулоҳазалари ҳам шунга яраша теран. Кўнгли тоза...

Халил Султон. Ўгай укам, жуда кўркам йигитча. Кўрқмас, ботир. Бежирим мўйлаби ўзига ярашгон. Ҳиндистон муҳорабасида Соҳибқирон хузурига филни жиловлаб олиб келибди! Ҳамма олқишлабди. Ишқилиб, бу унга ортиқча ҳаво бермаса, бас...

Искандар Мирзо. Отаси Умаршайх Мирзога ўхшармиш. Ўн учда. Унда иззатталаблик кучли. Бироз ўзбошимчалик хислатлари ҳам йўқ эмас...

Улуғбек Мирзо. Беш ёшда, лекин катталардай сипо, босиқ. Анжуманларда гапларга синқовлик билан қулоқ солиб ўтирадур. Худа-беҳуда орага сўз қўшмайдур.

Иброҳим Султон. Питрак. Бир жойда муқим туrolмайди. Кучи ичига сифмайди, шўх.

Султон Ҳусайн Мирзо. Аммачам раҳматли Оқа бегим зурёди. Мўъжаз жуссали йигит, ирғиб чиққан кўзлари чақноқ, салга қизишиб кетади-ю, дарҳол муросага келади. Шижоатли, жавлон уришга мойил, лекин энгилтабиат, кам ақлли, ховлиқма, қиладиган иши сўзидан аввал юради. Доим нимадандир норизо... Мен Соҳибқироннинг қизидан туғилгон набирамен, ўғиллардан эмас... шу сабабдан кўп нарсалардан бебаҳра қоламен, деб ошкор такрорлармиш доимо. Ҳарнечук, кўришгонларида ҳеч қобоғи очилмайди. Орзумулк оқа кўлида тарбиялангон. Айтишларича, бир куни Орзумулк оқа Боғи Чинорга дугонаси маҳди улё хонимойимни зиёрат айлаб келибди. Кўлида тўрт яшар Султон Ҳусайн Мирзо экан. Икки дугона гаплашиб тургонларида Султон Ҳусайн Мирзо нимадандир жаҳли чиқиб хонимойим кўтариб олган Халил Султоннинг юзига чанг солиб, чирқиратиб кўйибди. Ҳали-ҳали буни эслашиб кулишади. Ичида фитнаси бор... Қилдан қийиқ ахтариш унинг одати. Аслзодалик мақомига муносиб қадам ташласа, мақбул бўлишини унга айтмоғим керак...

Худойод Ҳусайний. Кўзлари чақчайгон, эҳтиёткор, захира оқиб туради, турқи ҳам совуқ, ғалир, шафқатсиз одам. Ундан кўрқулик.

Муҳаммад Жалд. Пакана бўйли, паканалардан фитначилар кўп чиқади, дейишади. Орқаваратдан бурни катталигига ишора қилишиб, "Бурун" деб ҳам аташади, ўзи ҳам буни билса керак.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Амир Сайфиддин некўз, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Аллоҳдод... Амир Соҳибқироннинг ишонгон кишилари...

Кейинроқ амирзодалар Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир, Пир Муҳаммад ибн Умаршайх, Абу Бакр Мирзо, Рустам Мирзо, Умар Мирзо ва бошқалар ҳақида ҳам иншо этмак ниятим бор..."

Шу ерда мулозим кириб, Чиндан элчилар ташриф буюргани сабабли Ҳумоюн ўрдуга таклиф этилаётганини билдирди. Валиаҳд шаҳзода хотира дафтарини ёпиб, Кўксаройга боришга чоғланди.

## Бешинчи боб

1

Интиқиб қутилган Кешга жўнаш онлари ҳам етиб келди. Валиаҳд шаҳзоданинг амрига биноан аъёнлар, хизматкорлар аллақачон сафар тадоригини бошлаб юборган эдилар. Чоршанбаи муродбахш куни эрталаб шаҳзоданинг қарвони Боғи Нақши жаҳондан Кешга қараб йўлга чиқди. Олдинги пуштиранг тахтиравон малика Туман оқаники эди, изма-из Соҳибқироннинг набира келини Согинч хонимнинг қирмизиранг баҳмал билан ўралган маофаси борарди. Малика, ярим йил олдин Худойод Ҳусайнийнинг ўғлига узатилган дугонаси ёш келинчак Зубайдабонуни ҳам Кешга таклиф қилди. "Бойингдан ижозат бўлурми?" деб сўради. "Вой! Бойимдан рухсат керакми?" – дейди кулдириб. Маофада икки дугона мамнун суҳбатлашиб боришарди.

Ҳар жойда кутиб олгувчилар чиқсн, шаҳзода атрофида парвоналар кўп эди. Аммо Қоратепа қишлоғида ҳам, Боғи Жаҳоннамодда ҳам тўхтамадилар, йўлни давом этдирдилар.

Борлиқ атроф жуда чиройли манзаралар билан безанган, кишига завқ берадиган, кўнгилларга нур улашадиган мусаффо осмон уларнинг бошларида соябондай турарди. Кунчиқришдаги кўкка бўй чўзган тоғлар, тоғларга суйқалиб борган қишлоқлар, фалак тоқида порлаган қуёш, Кеш томонда тоғнинг чўққисига суяниб турган каттагина момиқ оқоппоқ булут... Ҳа, бари-барини қодир худо чеварлик билан ўзларига муносиб жойларига бежиримгина ўрнатиб қўйгани, шаҳзода назарида.

Йўлда ўнг қўлда бир-бирига калла тираб уришаётган икки кўчқорни эслатувчи қоя тош олдидан бир оз нафас ростладилар. Қоя кўп воқеаларни валиаҳд шаҳзоданинг эсига солди. Эҳ, не-не кўчқорлар мана шундай калла қўйишиб, бир-бирларини нобуд этганлар. Афсус! Уларга бундай иззатталабликларнинг охири завол билан тугагини тушунтириш

иложи топилармикин? Кўчқорлар ўзаро калла тирашмасликлари лозим, балки бирлашишлари зарурдир.

Зарафшон тизмаси довоғига чиққанларида кун пешиндан оққан эди. Салқин тоғ ҳавосида шаҳзоданинг жони ором олди. Одатда, Самарқанддан Кешга отланар экан, ҳар сафар хушманзара довоғига етгунча интиқ бўлади. Довон тепасида нафас ростлаб роҳатланади, тоғнинг бағридан отилиб чиқаётган сувга назар ташлайди, кўшк олдида туриб атроф оламга суқланиб боқади. Жануб томонда олис-олисларда баланд тоғлар тортинмай ошқора осмон билан ўпишади, у тоғларгача эса қулоч ёзган, сарғайиб бораётган поёнсиз кенгликлар ястаниб ётади...

Чап томонда баланд тош девор билан ўралган ям-яшил боғ кўзга ташланди. Бу боғни шаҳзода ҳали кўрмаганди.

– Вой-буй! – деб юборди атрофга тўймай назар ташлар экан, завқланиб кетган Соғинч хоним... – Мана бу тоғни кўрингиз! Қояларнинг улуғворлигига қарангиз! Тип-тиниқ осмонга боқингиз! Бирам гўзал! Бирам гўзал! Қани қанот боғласагу хў-ў ана бу осмоннинг кўксига бир ажойиб тарзда тақиб кўйилгондай тургон оқ булутнинг олдига учи-и-ибгина кетсак!

– Албатта учамиз, маликам! Албатта учамиз. Ҳатто ерда турсак ҳам, парвозлар кўлимиздан келиши мумкинлигини, парвозларни бағоят ёқтиришимизни билмайдиларму?... – Соғинч хоним қўлоғига маъноли яна нималарнидир шивирлади шаҳзода. Унинг кўзларида шўхлик учқунлари чақнарди...

Малика қизарганча ярилиб ерга қаради. Хайрият, Зубайдабону сал нарироқда эди, эшитмади. Келин-куёв ўртасидаги бундай ширин тегажоқликлар ҳар иккисига ҳам хуш ёқарди. Тегажоқликлар ошиқ-маъшуклар ўртасида бамисли кўнгилларни ийтадиган, боғлайдиган тансиқ неъмат, кўзга кўринмас занжирдай бир нарсаси. Занжирнинг ҳам бебаҳоси.

– Боғ ростдан-да гўзал экан, маликам! – мавзуни ўзгартиришга тиришди шаҳзода, ҳеч нарсани сезмагандай.

– Ростдан ҳам ораста боғ экан! – кўшилди малика. – Бир айланайлик!

– Вой, иккита боққа тушмай ўтдик, бунисига кириб ўтайли-ик! – деди маликага яқинлашган Зубайдабону.

– Айланамиз, сайр этамиз!

– Ўзим гувоҳмен. Икки йил аввал Соҳибқирон ўрамида Кешга ўтиб борардик, – ҳикоя қилди Туман оқа маофадан тушар экан. – Қарасалар, ҳов анови ердан бир тегирмон сув пастга шарқираб оқиб ётгон экан. Ҳазратимнинг шамлари ёнди! Уларнинг бир одатлари бор: қаердаки бинога, боққа муносиб ер топилса, у ерни албатта обод этишни буюрадурлар. Дарҳол: "Боғ солсунларким, бу сув анда борсун! – деб буюрдилар. – Боғнинг ичинда муҳташам қаср бунёд этсунлар ва Тахти Қароча деб от кўйсунлар!"

Боғдан гоҳ-гоҳда олифта пўрим товусларнинг зорли қичқириқлари эшитилар, рангбаранг дарахтлар, ҳовулар, сўлим хиёбонлар, гулзорлар, йўлақларда хиромон айлаб юрган майдақадам кийиклар, какликлар кўзга ташланарди. Нариди катта узумзор ястаниб ётарди. Аммо боғнинг кўрки ўртадаги баландликда қад кўтарган ложувард кошинлар билан қопланган маҳобатли қасрда мужассам эди.

Шу палла валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонни қаршилагани Кешдан келган Амир Аллоҳод бошлиқ бир гуруҳ аъёнлар, хос кишилар боғдан чиқишиб, меҳмонларни ўраб олишди. Карнай-сурнайлар чалинди. Тўй бўлиб кетди.

– Қадамларига ҳасанот, шаҳзодам! – таъзим бажо этди калта қирқилган соқол-мўйлабни, бировга боққанда ҳамиси жаҳли чиққандек қуюқ қошлари чимирилиб кетадиган Амир Аллоҳод. – Ўзимиз ҳам соғиниб қолгон эрдик...

– Ташақкур! – деди шаҳзода. – Ашпарадан қайтғонингизга ҳам ярим йилдан ошдимму?

– Ўзлари гувоҳлар, Амир Соҳибқирон Кешга боришни буюргондилар...

Орқароқда турган малика Соғинч хоним Амир Аллоҳодга қўл қовуштириб саломлашди ва сўради:

– Сихат-соғлиқлари тузукму, устод?

– Оллоҳга тасанно, тузук! – жилмайди Амир Аллоҳод. – Ўзлари яхшимулар?

Меҳмонларни боққа, икки ҳовуз ўртасидаги сўрига таклиф этдилар. Маликалар чапдаги гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган супага йўналдилар.

Ҳали хотиржам ўлтириб, ҳол-аҳвол сўрашга ҳам улгуришмаганди, боғбонлардан бири келиб бундай деди:

– Йўлда узокдан, чамаси, Хуросон томонлардан нуфузли бир карвон келмоқда.

– Қандоқ карвон экан? Суриштирмадингизму? – ажабланди Амир Аллоҳод. – Агар нуфузли бўлса, бизга хабар берилғой эрди. Тижорат карвонидур балки. Румдан Хўтанга мол ташувчи карвонлар кўп ўтади бу йўлдан... Кеча ҳам бир карвонни кўргондим, Ҳиндистондан Хўтанга йўл олган экан.

– Қоровулнинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг муҳтарам келинлари Хонзода хоним уғруқи эмиш! Олдиндаги туя бошига ана шундай туғро осиб қўйилибди, ўшандан билганимиш.

– Нима-нима?! – ўрnidан туриб кетди Муҳаммад Султон қазодай кутилмаган хабарни эшитиб. – Нима дейдир, амир жаноблари?... Соҳибқироннинг муҳтарам келинлари дейдирму? Онаизорим-му? Ақл бовар қилмайди...

Барча эрқағу аёл жойидан қўзғалди. Муҳаммад Султон шиддат билан йўл бошига отилди. У шундай тез юрардики, Амир Аллоҳод ҳаллослаб, унга етолмасди.

Ҳамма кўчага чиқди.

Ростдан ҳам, юз қадамлар масофадан қия йўлда бир карвон кўринди, ичида таниш ҳаворанг маофа яққол кўзга ташланарди. Ҳаяжонини босиб ололмаган ҳайрону лол шаҳзода қандай карвонга етганини билмади. “Онажоним! Онажоним!...” – сўзлари тушмасди тилидан. “Юрагим сезгон эди... сезгон эди яқин орада онажоним билан дийдорлашиммиш!...” – дерди ичида.

Туянинг бир маромда лўкиллашига андармон Хонзода хоним йўлга қаради: олтиш қадамлар нарида кимдир югуриб келарди. Яқинлашганда яхшироқ тикиларкан, юраги увалиб:

– Вой, шаҳзодамму?... Кўзим жимирлашиб кетмакда... Ҳой, Оқ, қара-чи!... – деб юборди.

– Шаҳзодам Ашпарадалар-ку, маликам! Кошқийди, шаҳзодам бўлсалар! – жавоб берди Оққиз бегим, кейин бирдан қичқирди: – Вой! Рост, рост айтибдурсиз, маликам! Севинчи берингиз! Шаҳзодам эканлар! Шаҳзодам эканлар!

– Сорбонга айт, туяни чўқтирсун! – буюрди Хонзода хоним. – Ё, Оллоҳ, бундай синовларинг ҳам бормиди?... Наҳот, ўғлим мендан хабар топиб, кутиб олишга шошилибди? Сезгон-да, нозик кўнгли сезгон...

Ерга тушишга улгурар-улгурмас, Муҳаммад Султон етиб келди. Тиз чўкиб малика этакларини ўпиб уч бор кўзларига суртди, кейин волидасининг бағрига отилди! Она-боланинг дийдорлашуви шу қадар ҳаяжонли кечдики, ҳатто ғаройиб учрашувдан ҳайратга тушган атрофдаги одамларнинг кўзларида ҳам ёшлар пайдо бўлди.

– Азиз болажоним! Дийдамнинг нури! Дилбандим! Шаҳзодам!... – деди Хонзода хоним. Кўзларида ёш борми йўқми, билмайди, аммо овози титраб чиқди.

– Меҳрибоним! Онажоним! Онаизорим! – ўртанарди шаҳзода бошини онасининг кўксига қўйиб унсиз ўкраганча...

Узун оппоқ қўйлагининг этакларини уч канизак тутиб олишган малика Соғинч хоним ҳам тавозе билан таъзим бажо айлади ва Хонзода хонимни тавоф этди, кейин унинг кучоғига ўзини отди. Улар шу алпозда бир муддат туриб қолдилар.

– Йиғламангиз, маликам! – юпатарди Оққиз бегим – Худойимнинг ўзи кўриштириб турибди-ю!.. Оллоҳнинг бунчалар илтифотига беадад шукрлар қилайлик!

– Ҳа, худога шукр, худога шукр! – дерди Хонзода хоним, кўзларидаги ёшни яширишга қурби етмай.

– Онажон! Онажоним, нечун олдиндан хабар бердирмадингиз? Чопар юбормадингиз? – ўпқаланди Муҳаммад Султон. – Буёғи қандоғ бўлди? Мен билмадим, мутлақо беҳабармен. Назаримда, Амир Соҳибқирон ҳам бундан воқиф эрмаслар... Менга айтмаклари аниқ эрди. Салтанатнинг нуфузли маликаси ўз ҳолича келсалар... Ҳали Амир Соҳибқирондан дашномлар эшитсак ҳайрон қолмаймен. Ахир, кутиб олардик...

– Мана, кутиб оляпсиз-ку, шаҳзодам! Шунинг ўзи етарли эрмасму? – жилмайишга уринди Хонзода хоним. – Бўталоғим, ўзим шундоғ йўл тутдим. Бировни безовта этгим йўқ... Ҳеч қаерда билдирмадим. Ҳар шаҳарга қадам босгонда бун овози этмасликларини буюрдим, болажоним. Сизни Ашпарада деб ўйладим, шундан хабар беролмадим...

– Гуноҳкор ўғлингизни кечирингиз... Оҳ, онажоним-ей! Йўлларда қийналмадингизму? Азият чекмадингизму?

– Йўқ, йўқ, болагинам. Қийин бўлмади. Канизаклар, мулозимлар бор, Ахий Жаббор баҳодир бошлик сипоҳлар ёнимизда. Уғруқ катта... Зинҳор азият тортмадим.

– Жуда соз, жуда соз!.. Худога шукрим, сизни шу тоғнинг тепасида, Амир Соҳибқирон ўзлари барпо айлагон Тахти Қароча боғи ёнида қарши олиш каминига насиб этди... – Муҳаммад Султон мамнун эди. – Хайриятки, бугун йўлга чиқгон эканмиз, мана, кутиб олдик. Чиндан ҳам, карвон жуда катта-ку! Бу... кўчиб келябдиларму дейман, онажон?

Шаҳзода маофалар қўндирилган йигирмадан ортиқ туя, сандиқлар ортилган қирққа яқин хачиру отларга бепарво кўз ташлади.

Бирдан берилган бу саволдан Хонзода хонимнинг эти жунжикди. “Ҳа... бахтсиз онагизнинг бошига ташвиш тушди... Менинг нима айбим бор, нима айбим бор? Худонинг олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам тонгги нурдек поку бегуноҳмен!...” – деди ичида ўзига ўзи малика. Унинг ўғли Муҳаммад Султонни маҳкам кучоқлаб олиб, ичидаги дардини ай-

тиб, ўкраб-ўкраб йиғлагиси, нола қилгиси, дод солгиси келди. Аммо шу лаҳзадаёқ, унинг тутумини ҳозир ҳеч ким, ҳатто шаҳзоданинг ўзи ҳам дабдурустанд англай олмаслиги, бошқача тушунишлари мумкинлигини идрок этди, ўзини босди:

– Ҳа, бўталоғим... Кўчиб келялмен... Кўчиб...

– Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, дейдилар-ку... – жилмайди Муҳаммад Султон, ҳазил деб ўйлаганидан онасининг сўзларига унча эътибор бериб ўтирмади. Хонзода хоним, ўғлининг эжиклаб сўраб-суриштирмаганидан суюнди, ҳали битмаган яранинг очилиб кетишини истамасди. Лекин айна пайтда шаҳзоданинг бепарволигидан бир оз ўкинди. Фарзандинг эса-да, танаси бошқа, сенинг ичингдагини қаёқдан билади, кўчиб келялмасми, деб сўради-ю, нега, деб сўрамади...

Шуларни ўйларкан, кўнгли бўшашиб бораётганини сезди, қараса, йиғлаб юборадиган. У дарҳол мавзуни ўзгартиришга уринди.

– Малика Соғинч хоним, келиним, қизим... Катта бўлиб юрибсизму? Сизларни соғиниб қолдим-да. Бир кўраин дедим...

– Оллоҳга шукр, муҳтарама ойижоним! – қўлини кўксига қўйди Соғинч хоним.

– Ҳамиша ўзларини эслаб тургоймиз, ҳамиша хаёлимиздадурлар, биз бирлан биргадурлар, онажоним... Ҳар дам ҳаққингизга дуолар қиладурмиз, соғинадурмиз...

– Раҳмат, раҳмат! Ишонамен, ишонамен. Сизлар менинг суянчиғимсизлар. Сизлардан умидим катта, иншооллоҳ.

Барча боққа йўналди.

## II

Шу палла эгника кўк ҳарир матодан кўйлак кийган, кўрки-хусни камолига етган, ўттиз ёшли аёлларнинг нурли тимсолига айланган шахло кўзли малика Туман оқа етиб келди.

– Оҳ, дийдорлашадургон кун ҳам бор экан-ку, маликам! – қувониб кетди у қуюқ сўрашаркан. – Осмондан тушдиларму, ердан чикдиларму? Ё раббий! Султониялар тинчму? Амирзода Мироншоҳ Мирзо басаломатмулар?.. Бошқа маликалар ҳам юришибдими?..

"Подшонинг келини олдиндан хабар бермай, яширинча келиши бежиз бўлмаса керак..." – кечирди хаёлидан Туман оқа.

– Султония тинч, шукр, раҳмат... юришибди...

– Аммо Амир Соҳибқирон ҳазратлари буни эшитиб жуда хурсанд бўладилар-да!

– Шундаймикин?.. – Хонзода хоним ичида: "Ҳазратларига ғирт ташвишмен-ку, хурсанд бўладилармукин?.." – деб қўйди.

Карвоннинг орқароғида турган Ахий Жаббор баҳодир тез юриб келди-да, Муҳаммад Султонга тиз чўкиб таъзим қилди, шаҳзоданинг юпқа оқ тўни пешини уч бор ўпиб, ёшланган кўзларига суртди. У шаҳзодани жуда эъозлар, эҳтиром кўрсатганидан ғойибона ғурурланиб юрарди.

– Ие! Баҳодир жаноблари? Падали бузрукворимнинг навқари, ўнбошиси? – қувониб кетди шаҳзода Ахий Жаббор баҳодир билан кўришаркан. Лоп этиб тўрт йил аввал Қофқоз жанглирида, Тифлисда бетоб ётган чоғида унинг захмат чекиб, атрофида парвона бўлганлари ёдига тушди. Ушанда шаҳзода баҳодирга: "Аҳволимни сир сақлангиз, кимса билмасун!", деб тайинлади. Баҳодирнинг оғзи қаттиқ экан. Кейин, ҳарқалай, бирон жойда ҳам ҳеч ким шаҳзодага унинг бетоблиги ҳақида гапиргани йўқ.

– Шундай кунлар насиб этганидан бағоят шодумондурман, шаҳзодам! Ҳамиша хизматларида белим боғлиқдур!

Ахий Жаббор баҳодир Оққиз бегим мактубидан Хонзода хонимнинг қатъий қарор бергани ва бутунлай Самарқандга жўнаганлари ҳақида хабарни билгач, Султонияга қайтишда ҳеч қандай маъни қолмаганини англади. Энди қандай йўл тутмоқ керак? Ўйлаб-ўйлаб, охири, Термиз томонга қараб от бошини бурди, чунки Хоразм маликаси карвони ўша ердан ўтади, отига боз-боз камчи урсин, ўша ерда кутиб турсин... У Жайхун бўйида Пат-тақесар гузарига Хонзода хонимни таажубга солиб, Оққиз бегимни бағоят қувонтириб Хоразм маликаси уғруқига қўшилиб олди.

Барча боққа қараб юрди.

– Онажоним, икки йил йироқларда юриб, азиз авлиёларни зиёрат этолмадик... – ўзини хижолат сезди шаҳзода. – Боболаримиз, падали бузрукворимиз хоки покларини тавоф айлаб келишга отланғон эрдик...

– Катта савоб ишдур бу, ўғилжоним... Бундан жуда хурсандмен. Раҳмат. Бизлар ҳам барча ўтгонлар ҳақига тиловатлар туширдик...

Хонзода хоним шундай деди-ю, беихтиёр Кешда Жаҳонгир Мирзо қабрини зиёрат этганини эслади.

Одатдагидек, у мақбарага ёлғиз кирди. Сағананинг совуқ тошларига лаб босар экан, оҳиста кўллари билан бир-бир силаб чиқди. Жаҳонгир Мирзонинг руҳи қаердандир, тепадан унга қараб тургандай туюларди. Вафот этганига йигирма уч йил бўлибди. Қабр ўша-ўша, нақшинланган деворлар ҳам. Ногаҳон шифтга қаради. Шифтдаги ёзув ҳам ўша-ўша: "Ал-оқилу яътаמידу ала амалиҳи, Вал-жоҳилу яътаמידу ала амалиҳи..." Ҳа, жуда рост айтилган экан. Бу дунёда ақлли одам ўзининг куч-қувватига ишониб яшайди, фақат нодон кишигина ҳою-ҳаваслар этагидан тутайди... Хўш, Хонзода хоним ақллими, нодонми? Лекин шу савол кўйилишининг ўзи ақллиликдан нишондир, маликанинг фикрича. Аммо у куч-қуввати тобора кумакин бўраётганини сезарди.

"Тинч, хотиржам ётибдиларму, шаҳзодам! – йигламсиради қабрни кучоқлаган малика. – Жаннатда хуру гулмонлар билан сайр этиб юрибдиларму? Менга ҳам ёнингиздан жой берингиз, тўйиб кетдим бу дунёдан, шаҳзодам!..."

Хонзода хоним сағананинг оёқ томонига чўнкайди ва кўзларини юмганча шаҳзода руҳини шод этмоқ, балки кўпроқ ўз қалбида ёнаётган ҳижрон оловини учирмоқ учун "Ёсин" сурасини ўқий бошлади...

– Агар ижозат берсалар, момонгиз бир сўз айтмоқчийди, шаҳзодам!.. – мурожаат қилди Туман оқа зиёратдан кейин Муҳаммад Султонга.

– Айтсунлар, моможон!

– Агар ижозат берсалар, – такрорлади яна Туман оқа. – Мен сафаримни шу ерда тугатиб, муҳтарама малика Хонзода хоним жаноби олияларини Самарқанди фирдавсмонандга олиб қайтсам...

– Хижолат чекмасунлар, маликам! Шунча жойдан келдук. Энди яқин қолди-ку. Ўзимиз етиб олгаймиз. Сизларни катта зиёрат кутиб турибди ахир, – эътироз билдирди Хонзода хоним.

– Йўқ, йўқ, ўзим ҳамроҳ бўлиб боргоймен, маликам! – кўймади Туман оқа.

– Шундай шижоатлари учун муҳтарама малика Туман оқа жаноби олияларига салланолар айтايлик, маликам! – кўли кўксида сўзга кўшилди Оққиз бегим.

– Ижозат берилур! – деди Муҳаммад Султон. – Ўзим ҳам Кешни кейинга қолдириб, онаизорим билан пойтахтга қайтсаммикин, деб турғондим...

– Шаҳзодам! – ўтинди Хонзода хоним. – Зинҳор қутлуғ йўлдан қолмасунлар! Мана, муҳтарама малика Туман оқа борлар энди... Ёлғиз эмасмиз. Қайтғонингиздан сўнг дийдорлашишга, иншооллоҳ, кўп фурсатлар топилгай ҳали...

Муҳаммад Султон бир мулозимни чорлатди:

– Зудлик билан жаҳон маликаси ташрифлари хусусинда Кўксаройга бориб, Амир Соҳибқиронга хабар етказурсен!

– Қуллуқ!

– Шаҳзодам! – деди дарҳол Хонзода хоним. – Хабар бергонлари тузук. Бироқ валинеъмат Соҳибқиронни безовта этмасунлар. Энг яхшиси, маҳди улё Сароймулкхонимга бориб айтмак лозим. Тагин. Мулозим эмас, балки бизнинг элчимиз сифатида Ахий Жаббор баҳодир жаноблари борсунлар.

– Ҳа, ҳа, хонимойимга учрасунлар! – қўллаб-қувватлади Туман оқа ҳам. Кўнглидан: "Қутилмаган ташрифда бир сир борга ўхшайди, нохуш бир сир... Мироншоҳ Мирзодан ҳар нимарса кутиш мумкин. Ҳар нечук аввал хонимойим билгонлари тузук..." – деган сўзлар кечди.

– Маъқул! Баҳодир жаноблари! Ўзингиз Боғи Чинорга бориб, хонимойимга, жаҳон маликасининг Самарқандга қадам ранжида айлаётгонлари ҳақидаги қувончли муждани еткургойсиз!

– Бош устига! – қуллуқ қилди Ахий Жаббор баҳодир.

Хайрлашиш онлари етди. Хонзода хоним уғруки Самарқандга, Муҳаммад Султон карвони Кешга йўл олди.

Тахти Қароча довонидан тушиб келар экан, шаҳзода кўз ўнгида она юртнинг ажойиб, дилтортар манзараси намоён бўлди. Пастда ястанган воҳа кўзни қувнатар даражада гўзал ва фусункор! Хув ана, ўртада бўйи юз газ, ложувард гумбазли Оқсарой савлат тўкиб турибди, салобатли иморати офтобда ярақлайди, яшил дўппи кийиб олгандай икки банд минораси кўзга ташланади.

– Жаннатнинг нақ ўзи! – деб юборди шаҳзода Амир Аллоҳоддога, воҳани кўрсатиб.

– Асло қолишмайди, шаҳзодам!

Оқсарой олдида уларни меъмор Уста Хоразмий кутиб олди. Бу бургутбурун, юлиб ташлангандай сийрак соқоли оппоқ оқарган қисик кўзли, камсуқум киши эди. Қарийб ўн тўққиз йилдан бери Оқсарой қурилишида банд, Оқсарой билан бирга ётиб, бирга туради. Шаҳзода бинога қараб ҳайрати ортди ва фавқуллодда жўшиб кетди:

– Чиндан ўз номига муносиб қошона! Кимки, Оқсарой дарвозаси олдида туриб тепага

қарайман, деса, орқасига йиқилиб кетиши аниқ. Чунки бошни шундай кўтариб қарамаса, сарой тепаси тўлиқ кўринмайди... — Шаҳзода қасрнинг улуғворлигидан ичида ғурур туйди. — Ҳа, бу улуғ бобомизнинг шаън-шавкатини бутун жаҳонга кўз-кўзлайдургон иморат! Турон салтанатининг буюклигини дунёларга, инсонларга намоиш эта оладургон маҳобатли саройдур!

Шаҳзода ҳайратини яширмай, берилиб чиройли сўзларди. Уста Хоразмий, худди фарзанди ҳақида мақтовлар зшитаетган отадай мамнун, камтарлик билан жилмаяр, гоҳ-гоҳда "Ҳовва!" деб тасдиқларди, холос. Сўз кўшмас, кўшса, маржонга тиркалган ортиқча дурдай бузиб кўйшдан кўрқар, бамисли битган иморатга лузумсиз устун тиклагандай бўлишдан тортинарди.

— Томга чиқсак... мумкинму? — сўраб қолди шаҳзода.  
— Ҳовва! Шаҳзодам билан маликам жаҳонни томоша қилмакчи эрсалар, — деди Уста Хоразмий — Оқсаройнинг тоmidан атрофга боқсунлар! Аммо хушёрлик лозимдур. Бир юз эллик зина босиб чиқадурлар!

— Томга, томга! — ҳаприқди Соғинч хоним. — Зубайда, юр!  
— Вой! Чиқсам бошим айланиб кетади! Ўзинг чиқа қол! — рад этди Зубайдабону.

Малика билан шаҳзода сарой ичидаги буралма зиналардан аста кўтарилла бошладилар. Бир оз вақт ўтгач, Муҳаммад Султон билан Соғинч хонимлар сарой томида ўрнатилган кучли панжара ортида пайдо бўлдилар. Соғинч хоним панжарага яқинлашмоқчийди, кўзи тиниб товонигача зириллаб кетди ва дарҳол орта чекинди:

— Войбўй! Ернинг пастлигини!.. Туф-туф!

Пастга ҳамма нараса одамлар эмас, худди қушлар юргандек, кичкинариб кўринди. Ерда осмонпардай баланд туюлган рўпарадаги қасрнинг ҳам чоққина экани шундоқ билинди.

— Кўрқмангиз, маликам! Ёнингиздамен-ку! — жилмайди шаҳзода. Малика кўрққанидан шаҳзодага суяниб, кўзларини юмиб олди.

Муҳаммад Султон атрофга назар солди. Дунё шу қадар бепоён эдики... Олислар... Йироқлар... кўз илғамайди. Кунботишда, ҳов анови, осмон билан ер қовушган жой ортида Бухоро, ундаги буй чўзиб турган Арслонхон минорасини хаёл қилди шаҳзода. Шимол ёқдаги довонни демаса, Самарқандни ҳам аниқ кўрса бўларди. Жануб ёқда катта чўлда уюр-уюр бўлиб ўйноқлаб юрган отлар кўзга ташланади.

Пастга тушганларида шаҳзоданинг ҳам, маликанинг ҳам тиззалари оғриётганлиги сезилди.

Сарой ҳовлиси кенг, қасргача уч юз қадамлар чиқадиган каттагина майдон иборат. Ўнг тарафда тубида зангори қошинлар ётқизилган ҳовузда, бир қараганда йўқдай туюладиган зилол сув лиммо-лим жимирлайди. Малика Соғинч хоним ва бошқа канизаклар ёприлишиб ҳовуз бўйига келдилар. Унда чиройли гулмоҳилар сузиб юришарди.

— Вой! Ановиси бирам ширин эканки! — эгилиб балиқларни яқиндан томоша қила бошлади Зубайдабону.

— Худонинг суйғон махлуқларидан-да бу хонбалиқ, шу сабабдан уни кўркли яратгон, гўзал либос ато этгон... — деди Соғинч хоним.

— Хонбалиқ дегин унинг отини? — сўради Зубайдабону. — Вой! Балиқларнинг ҳам хонлари борми?

— Чиройли, суюмли эканидан шундай аташгон-да!

— Вой! Анови таннози уларнинг маликаси — Соғинч хоними, шекилли?.. — тегажоглик қилди Зубайдабону бир балиқни кўрсатиб. — Тавозе билин юзиб юришини! Бирам ўзига бино кўйибдики!..

Соғинч хоним ҳам қараб турмади:  
— Хў-ў, четда тумшайиб турган дўмбоғи бор-ку? Ана, айиққа ўхшаб тайпанглаб сузиб кетяпти-ку! У уларнинг Зубайдаси!

Иккиси бирданига қаҳ-қаҳ отиб юбордилар.

— Вой! Мен шундоғ бўлқолдимми? Адашдинг, у менмас, Билқис-ку!

Яна беғубор кулги янгради.

Бошқа канизаклар ҳам чувиллашиб ҳовуз атрофини ўраб олишганди.

Муҳаммад Султон аста, "Бу ёққа юрингиз!", дегандай Соғинч хонимни имлади. Улар ҳовлини кесиб ўтиб, рўпарадаги қасрга йўналдилар. Пештоқда уч ҳалқа тасвири кўзга ташланарди. Шаҳзода орқароққа чекиниб, энг тепада, пештоқда йирик ҳарфлар билан куйида ёзилган: "Қудратимизга шубҳа қилгонлар биз кўрғон биноларга боқсунлар!" деган сўзларга кўзи тушди. "Боқсунлар! Боқсунлар!" — тақрорлади ичида мамнун шаҳзода.

Қасрнинг ичида ажаойиб бир тарзда нақшинланган хоналар, турли бўлмалар мавжуд эди. Иккинчи ошёнадаги катта кўринишхона томонга ўтаётганларида ҳовлининг чапидоги дарахтар тагида сўрида ўлтирган машшоқлар меҳмонлар шарафига "Ушшоқ"ни бошлаб юбордилар. Иккисини ҳам дилларни аллаловчи мусиқа сеҳрлаб олди.

– Биласизми, шаҳзодам, – деди Соғинч хоним. – Турон эли мусиқани бир ам ёқтирадики! Ҳзимнинг ҳам жони дилим. Бир китобда ўқигондим – Туронзаминда, агар чақалоқ йиғлаб “оҳ” деса, унда “Сегоҳ” ёки “Чоргоҳ” оҳанги қоришиқ бўлу эмиш...

Муҳаммад Султон маликанинг юкли эканини назарда тутиб, айёрон жилмайди:

– Шундоғму? Ҳм-м... Ҳали чақалоғимиз йўқ... Ҳудо хоҳласа, эшитиб кўрғойбиз...

– Вой, шум акамнинг гапни буришларини! – нозланди ерга қараганча Соғинч хоним. – Бир нарсани айтиб ҳам бўлмайди, дарҳол нимадир ўйлаб топадилар.

Беғубор кулгу садолари жаранглаб, саройнинг пучмоқ-пучмоқларини тўлдиргандай туюлди.

Кўринишхона жуда ҳашаматли эди. Бу ерда элчилар қабул этиларди. Чап томонда подшонинг хос хонаси, маликалар яшайдиган бўлмалар, иккинчи томонда машваратлар хонаси, азиз меҳмонларни кутиб олиш учун орасталанган меҳмонхоналар...

Малика Соғинч хоним ажабтовур зарҳал деворларни кафти билан силар, қатма-қат ўймали, қабарик шаклларга, гўзал куббали нақшларга ҳайрат-ла боқар, шифта – бежамали тоқи муқарнасга тикилар, тилига сўз келмас, фақат: “О...”, “О...” дерди. Бу хоналарнинг саноғи йўқ. Шаҳзода қизиқиб санашга киришди, малика Соғинч хоним унга ёрдам бера бошлади. Элликкача санаб бордилар, уёғига адашиб кетдилар.

Машваратлар хонасига кирганларида, шаҳзода ўнг деворга ўзининг катта сурати солинганини кўриб хижолат тортиди. Соғинч хоним эса лол қолди:

– Ёпирай! Шаҳзодамнинг ўзлариму?

– Сира буни кутмагондим, маликам! – деди ўнғайсизланган шаҳзода... – Валинеъ-мат соҳибқироннинг сиймоларини акс этдирсалар кифоя эрди. Мусаввир бизга рангни куюкроқ бериб юборибдур...

Сурат бутун деворни қоплаб турарди. Олтин Ёрда хони Тўхтамишхон билан Қундузча дарёси бўйида юз берган жанг манзаралари экан. Ана, зирҳу совутга чулганган, душманга отилишга чоғланган шаҳзода Муҳаммад Султон кўшин манг-лайида бормоқда. Ҳамма томонда осмонга санчилган найзалар, қўлларда ўйнаган қиличлар, елкага осилган камонлар, белларга боғланган садоқлар... Олисларда душман қораси, қочаётган ғанимларнинг пароканда аскарлари кўринади. Чап ёқда эса баланд тепалиқда Амир Темур валиаҳд набираси Муҳаммад Султондан кўз узмай, муҳораба майдонини кузатмоқда...

...Шаҳзода Шамсиддин Кулол, Амир Тарағай баҳодир ва Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо қабрларини зиёрат этди. Келганларининг учинчи куни ўтганлар ҳақида жонлик сўйилиб элга ош тортилди. Дор ус-сиёдат ҳовлисида дуои фотиҳалар янгради. Пешингача одамларнинг оёғи узилмади.

Шаҳзода тезроқ Самарқандга қайтишга ошиқарди...

### Давоми бор



## Шеърят

ИҶЛ

Шуфқум

I

Асотирда келар: найза кўтариб,  
 Ерни тешиб чиқар митти паҳлавон.  
 Бу арпа-бугдойга қадимги таъриф,  
 Эзгулик лашқари, демак, галла-дон.

Дейдилар: камтирнинг дарди гозада,<sup>1</sup>  
 Олимлар минг ўйда қазиб-чопдилар.  
 Сополитепадан сирли кўзада  
 Бир ҳовуч қайроқи бугдой топдилар.

Ўттиз беш асрлик капсан бу бизга,  
 Уч ярим минг йиллик меҳр тафти бор.  
 Тупроққа яқинлик мерос улусга:  
 Кенг феъл, юмшоқ кўнгил, қадоқ кафти бор.

Тупкай ёйғунича бир дона бугдой,  
 Яшил бошоқчалар бойлагунча сут,  
 Ўрогини чархлаб ўтаверар ой,  
 Деҳқонга уйку йўқ, ҳаловат унут.

Бир замон кандикдан бугдой ағдариб,  
 Эғалик қилолмай ўтганинг ҳаққи,  
 Ўзинг пахта экиб, оқлик ахтариб,  
 Хирмонбеги кунни кутганинг ҳаққи,

Уйларинг бугдойга тўлиб турибди,  
 Олтинтўс товланар дала-туз, адир.  
 Кўёшинг нон тутиб кулиб турибди,  
 Қадрдон ерингда топмишсан қадр.

Ким энгимдан тортар мўъжиза десам,  
 Майсаси – сумалак, сомони – емиш.  
 Нон ушатти билан тўй-маърака ҳам,  
 Қани, патир синдир, катта тўй келмиш.

Ҳовурин босолмай ёнар саратон,  
 Ҳавода қовуриб олади донни.  
 Минг қуллуқ, ташаккур, ҳазрати деҳқон,  
 Кўзларимга сурай беминнат нонни.



## Иқбол МИРЗО

1967 йилда туғилган.

Ўзбекистон халқ  
 шоири. “Юракнинг  
 шакли”, “Кўнгил”,  
 “Сени соғинаман”,  
 “Мени эслайсанми”,  
 “Танланган шеърлар”,  
 “Кўшиқларим”, “Сени  
 бугун кўрмасам  
 бўлмас”, “Сизни қуй-  
 лайман” (Сайланма),  
 “Агар жаннат кўжда  
 бўлса” номли шеърый  
 китоблари нашрдан  
 чиққан.

<sup>1</sup> Юзга суриладиган, қизил рангли пардоз буюми.

## II

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,  
Кўз билан кўрганни ҳаёт деб ўйлар.  
Тирсакка ёнбошлаб, беғам чой хўплар,  
Ўздан кўпайиб ётибди кўйлар.

Қорин тўйса, қайтиб очмайдигандек,  
Очқаб қолса, тўйиши маҳалдек зўё.  
Кун ботса, қайта нур сочмайдигандек,  
Кун ўтса, толега камалдек зўё.

Кўплар хурофотнинг тўрқовоғида  
Масала ташилайди даққиюнусдан:  
Чувалчангга қанот битган чоғида  
Ҳеббимдан фойдами ёки даюсдан?

Носвойни қадрият деб билар мулло,  
Паловхонтўра деб улуглар ошини.  
Дуоси – қадаҳсўз,  
Майсўзи – дуо,  
Азада эслайди қавм-қариношини.

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,  
Оламда нима гап, қилмайди парво.  
Кимдир қалам йўниб, ясайди чўплар,  
Кимдир ихлос билан сочади игво.

Кўздек кўлиниман деб, кўролмаслар бор,  
Оғалик даъвосин қилганлар қанча.  
Этакка шлашган кўйतिकан бисёр,  
Тикан сочиб мамнун кулганлар қанча.

Шайтон ва фаришта омиктаси у,  
Тангри ва иблиснинг эрмак-овунчи.  
Бир томирда ваҳшат солади қутқу,  
Бир томирда урар жаннат согинчи.

Тош давридан мерос хунхор худбинлик,  
Қулдорликдан қолган эғалик ҳисси.  
Ўзга маҳлиёлик,  
Ўзга мафтунлик,  
Қоршиққ исирик ва ўлим исси...

## III

“Оқбўйранинг суви тезроқ оқиб кетсин”,  
Қатронларни ювиб кетсин, қатронларни.  
Қурбонларнинг фарёдига Худо етсин,  
Юрагимга кўмдим барча қурбонларни.

Мана, фитна, мана, нифоқ, найранг сизга,  
Олтибетли дунё ўйин кўрсатади.  
Одамзодга қирғин келса, байрам сизга,  
Бу байрамлар кўз бўяшни ўргатади.

Зиёратга боролмайман, Сулаймон тоғ,  
Жон ўрганар экан ситам – азиятга.  
Ўқ теккандек юрагимда чандигу доғ,  
Ҳар бир сатрим айланяпти васиятга.

Муганнийлар сози синган, ранги сомон,  
Шу пайтда ҳам мен ўзимнинг гамим ейман.  
Қиёматда қўл узатса Шавкат Раҳмон,  
Қай юз билан қўл чўзаман, нима дейман?

## IV

Зўрники тегирмон юргизар, дерлар,  
Хоҳласа, тегирмон тўхтатар эмиш.  
Ким бугдой, ким низо уруғин сепар,  
Кимга арпа пону кимга жон емиш.

Ғалла ўрими авж Жалақудуқда,  
Хандалак ҳидига тўлган Ерқишлоқ.  
Бугдойзор шовиллар сокин шуқуҳда,  
Хирмон тоғ бўлғуси,  
Кўнғиллар ҳам чоғ.

Ерни сизлаб, ўзин сенлаган халқим,  
Кўёшни далада кутиб турғувчи.  
Саховатинг ҳеч ким эталмас талқин,  
Миннатни қошида тутиб турғувчи.

Мутлақ ҳақиқат ҳам сенинг қалбингда,  
Сўзинг – сўз, ҳукмдир бугун ҳукминг ҳам.  
Фақат теранроқ боқ,  
Англагил,  
Тингла,  
Халқим, сенинг ўзинг энг буюк ҳакам!

Инсон деган шонга лойиқми шулар –  
Пулни пулга уриб кўйлаги таранг.  
Ким дон сепса, шунинг тилида кўйлар,  
Ўз отасин исмин эслайди аранг.

Инсонми, инсоннинг гўшитин чайнаган,  
Инсонми, лаблари қон ила қасмоқ,  
Уруғ айниган,  
Онги айтиган,  
Манқурт деб айтгани шудир, бўл огоҳ!..

...Ғалла ўрими авж Жалақудуқда,  
Хандалак ҳидига тўлган Ерқишлоқ,

Ажал ўроғи бор ёв тиккан тугда  
Инсонни ўради,  
Экади нифоқ,

Тонг ва тун сарҳадин кўрдим шу ерда,  
Кўрдим бир улусни бағри дард билан.  
Бир ҳикмат чақнади онгу шуурда:  
“Жаҳолатга қарши маърифат билан!”

Эзгу хирмонини кўтарар деҳқон,  
Сабо сочин олтин бошоқ тарайди.  
Бу эл қочоқни ҳам атайди меҳмон,  
Бу эл кўнгишларга шундай қарайди.

Ҳовлида мусича потраса ногоҳ,  
Истиффор келтириб, чапак урган эл.  
Шоҳлари шоиру шоирлари шоҳ,  
Хуржунда гишит ташиб, работ қурган эл,

Шу элнинг кафтида аёнدير олам,  
Гарчи, у одмидир, гарчи, у— деҳқон.  
Охиратни ўйлаб қадам бос, одам,  
Ҳаммамиз – меҳмонмиз,  
Ҳаммамиз – меҳмон!

## V

Ҳудудни билмайди озод турналар,  
Шамоллар ошади чегара – ҳаддан.  
Баҳор на ҳужжат, на муҳрни билар,  
Чегара билмайди, аслида, Ватан!

Зобитлик ғарази ҳавасимда йўқ,  
Юртимдан ўзга ер этмасман даъво.  
Фақат кенгроқ бўлгин, дейман, тасаддуқ,  
Қаҳрингни юмшатгин, дейман, эй, дунё!

Эй, одам, барчага етади олам,  
Эй, инсон, барчадан қалар бу жаҳон.  
Нечун қисматингда бунча гам-алам,  
Нега пешонангда нолаю афгон?

Худодан кўрқмаган ботир саналмас,  
Ўйласам, жонимдан қочар дармоним.  
Мен ҳам Навоидан мудам олдим дарс,  
Бобур қайда бўлса, андадир жоним.

Келгин, эътиқодинг берай чегалаб,  
Иблисни қувайлик, қардош, қайтадан.  
Ваҳшийлар йўлини тўссин чегара  
Ва ер юзи бўлсин инсонга Ватан!

## VI

Осмон залворини тоғлар кўтарар,  
Тепада нима гап, билмаймиз бизлар.  
Икир-чикир билан кунимиз ўтар,  
Кўп нарсага парво қилмаймиз бизлар.

Боши берк саволга учраган чоғда,  
Э, Худо билади деймиз, силтаб қўл.  
Мабодо, онгимиз қолса қийноқда,  
Юртбоши бор деймиз, ўзи топар йўл!

Ёшлар-ку, янгича, ўктам, жарангдор,  
Юракда ёли бор – маълум кўзидан.  
Шу боис, улардан ҳамма умидвор,  
Йигит сўзиданми, арслон изидан.

Сиз энди ортиқча қилманг даҳмаза,  
Сиз ҳам катта йўлга ўзни чоғланг, дўст!  
Офтоб кўрмаса гар – қовун бемаза,  
Қовгани ўрмаклар белни боғланг, дўст!

## VII

Халқаро иегогар сизга ҳам ғаним,  
У ҳаромхўр инсоф топса қанийди.  
Ҳар бир бармоғидек билар ҳаммани,  
У сизни ҳаммадан яхши танийди.

Чунки сиз – меҳнаткаш, содда, тўпори,  
Барчани ўзидек оққўнғил билган.  
Тарих далолати: аблаҳлар бари  
Самимий одамнинг терисин шилган.

Ҳали жанг олдинда – тинҳон, ошқора,  
Зўрлигу зорликни йўрғаклаган жанг.  
Не-не беғуноҳга чапланар қора,  
Қаловини топар устаси фаранг.

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,  
Англаб етмаганлар озодлик йўли.  
Ким суғурги миниб булутни тўғлар,  
Ўтли чақмоқ тутган кимнингдир қўли.

Йўл узоқ – сабрсиз етмоқлик маҳол,  
Йўл оғир, меҳрдан алайлик кўпроқ.  
Бизга хайрихоҳдир йўловчи шамол,  
Қалбимизда иймон –  
Яратган ҳамроҳ!

## Муаззам Шарқ хазинасидан

**Жалолiddин  
РУМИЙ**

*Машхур мутасаввиф олим 1207 йил Балх шаҳрида таваллуд топган. Ҳалаб ва Шам мадрасаларида таҳсил олган. Унинг “Маънавийи маснавий”, “Девони Кабир” каби назмий, “Мажолиси сабъа”, “Ичиндаги ичиндадир”, “Мактубот” каби насрий асарлари бор. 1273 йил Туркиянинг Кўнё шаҳрида вафот этган.*

**Мажолиси сабъа**

(Етти мажлис)\*

**Иккинчи мажлис**

Умар ибн Хаттобдан (Оллоҳ ундан рози бўлгай!) ривоят қилишларича, Расулulloҳ (Оллоҳнинг саломи ёғилгай!): “Кимки гуноҳ, исён исканжасидан қутилиб, Ҳақдан ҳайиқиш шоҳсупасига эришса, Оллоҳ уни мол-мулксиз давлатманд қилади, ҳеш-акрабою авлоди бўлмагани ҳолда, устунликка эриштиради. Оллоҳ Ўзи ато этган оз ризққа қаноат қилганининг камтарона қуллигидан рози бўлади”, дея буюрди. Мўминларнинг амири, шариат шаҳрининг ҳар ҳисобидан воқиф, тариқат пойдевори тахтида адолат зиёси бўлмиш Умар ибн Хаттоб, “Ҳақиқатдан ҳам шайтон Умарнинг соясидан қочади” ҳукмида айтилганидек, адолат қамчинини ақл ихтиёрига топшираркан, Иблис қандай қилиб васваса бозорида киссавурлик билан унинг кўнгил чўнтагини ўмарсин? Умар Пайғамбарга шу қадар ошиқ эдики, мунофиқлик уни итоат йўлидан зинҳор ва зинҳор ура олмади. Шунчалар ихлосу собитлик билан унинг хизматини қилардики, иккиюзламачилик кенг ёйилган маҳаллар ҳам диндорлик бошини хиёнат ёғи билан асло булғамади.

**Байт:** Табиатдан туғилган ҳодисаларнинг бизнинг кўшимимиз кўтарган тўзонга яқинлашиб, у тўзон атрофида юрак ютиб айланмоққа қандай ҳадди сизсин? Биз нақ самони кўзлаб учмоқдамиз. Чунки яратилишимизнинг асли, моҳияти аршидир.<sup>1</sup>

**Рубоий:** Оллоҳ сирларининг хазинаси – бизмиз. Сон-саноксиз дурлар денгизи – бизмиз. Подшоҳлик тахтида ўтган – бизмиз. Ойдан тортиб балиққача ҳукм қилган – бизмиз.<sup>2</sup>

Мустафо буюрдик: “Ҳали борлиқ оламига келгувчилар кўриниш бозорига кирмагандилар. Ҳали на малак хархашасию на фалак машъаласи бўлиб, денгизда балиқ ҳам сузмаётган маҳал. Кўк юзида юлдуз порлашидан бирон асар йўқ. Ҳали тақдир рассоми осмон юзасининг оҳак-ла сувалган курсисига ложувард пардани осмаганди. Қазо устаси тўрт унсур шийпонини ҳануз мавжудлик майдонига қурмаган ҳам эди. Шундай бир пайтда кўриниш ва кўриш сабоҳи бўлмиш борлиғим нури: “Биз сизни юбордик”<sup>3</sup> машриғидан бош кўтариб, “Бўл!” буйруғи ила йўқдан бор бўлгандим. “Сўзла” шаробидан сармаст эдим. Менга пайғамбарлик келгунича, қазою қадар навбатчилари ҳануз Одамнинг чодирини эшигини қоқмагандилар. Малакларда

\* Муаллифи номаълум.

<sup>2</sup> Жалолiddин Румий.<sup>3</sup> “Бақара” сураси, 119-оят.

бундай куч-қувват қаёқданам бўлсинки, бориб Одамнинг тахти равони пойини кўзларига суртсалар?"

**Байт:** *Оламдан мурод инсондир. Инсондан мурод эса ўша нафасдир.<sup>4</sup>*

Замон хабарчилари мавжудлик оламига ҳол-аҳвол сўрашга келишди.

**Шеър:** *Эй, макони самолардан ҳам ташқарида бўлган! Сенинг қадринг қаёқдаю бир сиқим тупроқ қаёқда? Сенинг улуглик тугроинг "Ҳаётингизга қасамки"<sup>5</sup> оятидир. Сенинг вилоятинг фармонида "Сен бўлмасайдинг" сўзи ёзилган. Тўққиз суваҳдону етти муҳр қошингда бўлгани билан, сенинг қўлинг ҳам, этагинг ҳам улардан муназзаҳ. Байрогинг юзига "Сен бўлмасайдинг, самоларни яратмас эдим" ёзуви битиб қўйилган.<sup>6</sup>*

**Рубоий:** *Оқилнинг борлиқ кемаси мавжудиятига ажабланса бўлар, кўзи кўриб турган одамнинг қудуққа тушиб кетиши ҳам ажабланарли ҳол. Денгизда сузиб юрган кемага ҳайрон бўлмагин, бир кеманинг ўзида юз минглаб денгиз нишонасининг борлигига эса ажабланмаслик мумкин эмас.<sup>7</sup>*

"Ё Муҳаммад, нима иш қилгани келдинг?" дея сўрашди. Айтдики: "Қуфр маҳалласидаги ринду оташпарастларга одобдан сабоқ бергани, мушриклар майхонасидаги саркашларга эса ҳаддини танитгани келдим". Дарҳақиқат, кун келиб ўшал ҳақиқатлару ўзаро сўзлашганлари ҳолда сукут сақлаган кишилар ҳамда кўнгилларини ҳар недан беҳожат Тангри таоло меҳробига бахшида этган зотлар – ғайб олами Анқосининг "Сўзла!" калимаси билан сўзни бошламоғинию ул маърифат гулистони булбулининг гул бутоғига қўниб ошиқона хониш-ла сайрамоғини ҳамда дину дунё муродини қўлга киритилмоғини интизор бўлиб кутаётгандилар: "Кимки гуноҳ, исён исканжасидан қутилиб, Ҳақдан ҳайиқиш шохсупасига эришса", яъниким, риё, тухматдан нари юриш, гафлатда қолмаслик ҳидоятни билан гуноҳу исён тўридан халос бўлиб, ҳар қадамини ҳайиқиш, кўркиш уясига ташласа, Ҳақдан ҳаё қилиш кимёсини, маънога талабгорлик қўли билан олсаю афсунгар, ғаддор, ёмонликка чорловчи нафсга суртса, курашмоқ, тиришмоқлик оёғини ҳақиқатни кўра олиш манзили сари буриб, у жойга йўл олса: "Оллоҳ уни мол-мулкисиз давлатманд қилади". Ҳақ меҳробининг камолоти, қул хом экан, уни пиштириб етиштириш лутфи ила мол-мулкисиз давлатманд этгай!

**Қасида:** *Руму Чин мамлакатлари ҳақда қўл эшитганинг етар! Энди ўрнингдан тургин-да, бир Санойи диёрини кўриб қўй! Салтанатини томоша қил! Бошдан-оёқ сайр этаркан, шаҳвату нокасликдан асар ҳам қолмаган кўнгилга боқ, кибру адоватсиз жонни кўр! Одмингани отгинки, арш оёқларинг остига тўшалсин! Қўлингни узатгинки, салтанат узугингга тобе бўлсин! Кимки уни эран деб атаса, эрандир у! Кимки уни ғаним деб билса, ғанимдир у. Бироқ у буларнинг баридан ташқаридадир – ҳур, озоддир у! Гулдир у, райҳондир у, ёсумандир у!<sup>8</sup>*

Парвардигордан ҳайиқиш қулнинг пардози бўлса, шубҳаю гумондан озодалиги сармоясидир. Тужжорлар эса, ақчаю мол-мулкларини давлат деб ўйлайдилар.

**Байт:** *Чучук сув нималигини билмаган қуш умр бўйи пойқа сувга тумшугини суқиб тураверади.<sup>9</sup>*

Аmmo янгилашадилар. Чунки оламларнинг улуғи Мустафо: "Асл давлат, кўнгил бойлигидир, мол-мулк бойлиги эмас", дея буюргандир. Улар бир-ики кумушу олтинни йўқ бўлиб кетажак қондан қазиб олиб, қўлма-қўл, шаҳарма-шаҳар тарқатишга одатланиб қолишган. Ул меҳробнинг ишқ ўйинига қўшилганларга – ғайрату шижоати зиёси бўлмиш подшоҳларга шу иш ярашадими?

**Рубоий:** *Ой кечаси саройига келди-да, ётоғига кирди. Рашк қилдим уни. Ойни оёғим остига олволиб, бошини ззаман, оёқларини эса сундираман ҳали, дедим. Ой ким бўлибдики, сен билан бир жойда ётсин? У, бор йўғи, кечалари оламни айланиб, дунёни томоша қилиб юрган, бармоқ билан кўрсатилган нарсадир, холос.<sup>10</sup>*

**Байт:** *Замона инсонни алдагучи ўйиндир, ўйинчоқдир. Яхшилаб қарасан кўрасан, одамга ташна одамхўрдир у!<sup>11</sup>*

<sup>4</sup> Жалолоддин Румий мактубларидан.

<sup>5</sup> "Ҳижр" сураси, 72-оят.

<sup>6</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>7</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>8</sup> Санойи.

<sup>9</sup> Саййид Бурҳонидин. "Маориф".

<sup>10</sup> Фаридиддин Аттор.

<sup>11</sup> Фаридиддин Аттор.

Ҳикоя қилишларича, бир тулки ўрмонга бориб, у ердаги бир дарахт шохига осилиб турган, унда ором олаётган довулга<sup>12</sup> кўзи тушди. Шамол туриб дарахт шохлари солланаркан, довул ҳам бунга уйғун чайқалар, жарангдор оҳанг эса тулкининг қулоғига чалинарди. Тулки довулнинг ҳайбатини кўрди. Ундан чиқаётган баланд овозни ҳам эшитди. Этию териси ҳам жуссаю овозига яраша бўлса керак, деган ҳаёлга борди. Кун бўйи бошқа нарсаларга чалғимай, шу ишнинг кетига тушди. Довул тиконлар ўровида эди. Бир амаллаб уларни кечиб ўтиб, довулга яқинлашди ва қорнини ёрди. Қараса, ичида ҳаводан бўлак ҳеч вақо йўқ. Шунга ўхшаб, дунёга кўнгил боғланганлар ҳам кеч кириб, ўлим эшик қоққачгина йиғи-сиғига тушиб қоладилар:

**Байт:** Ўлжам кўлдан чиқди. Солган тўрими йиртиб кетди. Бу яхшилиқ аломати эмас. Шароб тўкилиб, қадаҳ синди. Бу яхшилиқ аломати эмас. Юрагим сиқилди, иш пишмайин хом қолди. Бу яхшилиқ аломати эмас. Динни унутдик, дунё ҳам охирига етмади. Бу яхшилиқ аломати эмас.<sup>13</sup>

Аммо маърифат кўзлари басийрат кишилару Оллоҳ меҳроби сурмасини кўзларига сурган зотлар тулки айланиб юрган бу ўрмонда довул оҳангига учмай, абадий ов ҳақида ўйлайдилар, уни ахтардилар.

Қулоғида "Сўзла!" ваҳийининг оҳанги айланган киши ҳеч замонда довул садосига қулоқ осармиди?

**Байт:** Минг жонинг қурбон бўлган тўйда, пулсиз ноғорачиларга нима бор?<sup>14</sup>

**Рубоий:** Ҳимматда она каби бўл, журъатда қоллон. Овланишда гўзал каби бўл, курашда мужоҳид. Булбулу товусга ўхшаган қушлар билан кўп ўралашма, чунки у ёқда бутундан офат бор, бу ёқда эса бутун рангдан роҳат.<sup>15</sup>

Ҳақиқатлар кўнгил мойнасини ҳақиқат маъданидан излайдилар ва мустаҳкам ихлос олтинини шу ерда кўлга киритадилар ҳамда кўриш зарбини унинг устига босадилар. Мансур Халлождек бошлари билан ўйин ўйнайдилар. Боязид каби: "Ўзимни нуқсон сифатлардан поклайман. Нақадар буюк мазҳарман!" зарбини ишқнинг қўли билан урдирадилар. Ҳамма ҳам ул олтинни кўролмайдди. Ҳар кўнгил ҳам бу дардни чеколмайди. Муҳаммадга эргашган киши "Чиндан ҳам мен Раҳмон бўйини Яман томонлардан туймоқдаман" дея буюрилгани сингари бу гулни бориб Яман боғларидан терсин. Бу рамзнинг тағига етиш учун бизга чинакам Мажнун керак:

**Байт:** Маъшуқининг қабрини ошиқдан беркитмоқчи бўлдилар. Аммо қабрнинг хушбўйи ундан хабар опа келди.<sup>16</sup>

Эй, дўстим, йўл ғоят яқин, бироқ йўловчимиз ниҳоятда танбал чиқиб қолди!

**Шеър:** Қачон қарасанг, бу ям-яшил гулистондан эски-туски нарсаларни ташқарига чиқариб ташлаётган бўламан. Ваҳдат оламидан бир оламни ҳовучимга олмоқдаман. На бир тахтим бор, на бир узугим. Фақатгина "Ё Роббим, менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳада этгин"<sup>17</sup> дея илҳақман. Тур тоғи ҳам йўқ, олов ҳам. Бироқ "Мен – Оллоҳман"<sup>18</sup> юксаклигида парвоз қилмоқдаман. Ниманики жон суви билсам – денгизга, ниманики жон пули билсам – оловга отмоқдаман. Мен тўтиқуш кабиман. Дунё эса олдимда турган кўзгуга ўхшайди. Менга бағрикенглик билан боқ – ўзимдан бошқани кўролмаяман. Ақлим кўзгу ортидан ниманики сўзлатса, мен фақат ўша сўз, ўша маънони тилга оляман. Айланб юрган ва кўнгил ёзаётган маконим меҳмонлик мамлакатига ўхшаган табиатимнинг ташқарисидадир. Кўзим тушган жойни томоша қилгин-да, кўк юзи шийпонидан ҳам нарироқда эканлигини кўриб қўй! Кўнглимни кўзгу ҳолига келтирганымдан ҳаёт сувини топдим. Ишонмаётган бўлсанг, яхшилаб разм сол: Мен ҳам Хизрман, ҳам Искандар. Шу чоққача тилимдан "Мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин"<sup>19</sup> зикрини туширмадим. Пирим эса: "Ботиб

<sup>12</sup> Ҳарбийлар учун мўлжалланган, тери ёки пўлатдан ясалган махсус ноғора.

<sup>13</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>14</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>15</sup> Жалолоддин Румий.

<sup>16</sup> Мажнунга нисбат берилган мазкур байт Муслим ибн ал-Волидга тегишли.

<sup>17</sup> "Сод" сураси, 35-оят.

<sup>18</sup> "Намл" сураси, 9-оят.

<sup>19</sup> "Иброҳим" сураси, 35-оят.

кетгувчиларни суймайман"<sup>20</sup> оятидир. Аммо кўппак яратилишли кишиларнинг бўйида қадри йўқ занжирман. Арслон эрларнинг сандиғида-чи, ноёб, бебаҳо жавоҳирман мен.<sup>21</sup>

Эй, ҳар макондан бегона, ҳар йўғу бордан бебаҳра! Иш деган нарса бажарилиши лозимлигини биласанми? Иш – сўз билан битмайди. Иброҳим Адҳам (Оллоҳ раҳматига олсин!) Ҳақ йўлига ошно бўлди. Кўнгил кўзи бу дунёнинг айбу нуқсонини кўра бошлади. Бор-йўғини ўйнаб, ютиб юборди. "Эй, Иброҳим! Бошинга қандай ҳол тушдики, жисмингни ёқиб кул қилдинг эриб кетдинг?" Гармдорининг ловуллаши тилинг, томогингни зирқиратгани каби борлигингни ҳам ловуллайтиб юборди. Бир-бирига уланиб, ҳалқа-ҳалқа жамалак ўсган дин зулфининг бир толасига айландинг. Сабр ила Балх ўлкасию унинг салтанати билан ўйин ўйнаб кўлдан чиқардинг?" деб сўрадилар.

**Шеър:** У тубанлашса, бу йўқсилликдан эмас. Фам қиличи юзлаб подшоҳларнинг бошини учуриб кетди. Бир кун Иброҳим Адҳам жайронинг ортидан қора учқир отини тонг насимдек елдириб борарди. Унга бир шарбат тутгандинг, бўйидаги хуш иффор боис сархуш бўлдию боши айланиб отдан йиқилди. Ҳамма ҳайрон бўлиб: "Бечора Адҳам ўгли тож-тахт камарини отди", деди. Сулаймон Сенинг номинг ила Билқийс салтанатини вайрон қилиб, дийрени забт этди. Муҳаммад Сени ёд эта бармоғи ила ишора қилганди, ой иккига бўлина қолди, дунёда ғалаён кўтарилди.<sup>22</sup>

Иброҳим Адҳам: "Бир зиндон кўрдим, куч-қувватим йўқ Адolat куёши бўлмиш қози кўрдим, далил-ҳужжатим йўқ, "Абадий салтанат талабгори бўлсанг, кел! Маҳбубнинг висолига етай десанг, жондан воз кеч! Неъмат ато этгувчига орзуманд эсанг, ошиқ бўл! Неъматнинг ўзини истасанг, қўллик қил! Худхуд бўлгинки, Сулаймон Билқийсга ёзган мактубини сенга берсин. Шамол бўлгинки, Ёқуб Юсуфнинг вуслат хабарини сендан сўрасин. Тустовуқ каби турфа рангларга бўяниб олишни кўй!" деган овозни эшитдим", дея жавоб қайтарди.

Худхуд бир неча кун Сулаймон даргоҳида кўринмай қолди. Дунё иқлимларига йўлчилик этиб, замонаси давронини томоша қилди. Қутилмаганда Билқийс салтанатининг довуғи хабарини келтирди. Сулаймон ўз тахтида ўтирар, қўшини тўпланганди. Қуёш ҳар куни самонинг ўтиш чегараси ойнасидан бош кўтарар, безанмиш қиличини Шарқ қинидан суғуриб тупроққа – замин аҳлига нурдан либос кийдиради. У пайтда жинлару инсонлар Сулаймон тахти атрофида бирдай саф тортиб, "Арслонимиз, амрингизга мунтазиримиз!" дея бош эгишарди. Қашқир "нима дейсан?" деб кўй билан дўст-биродар тутинар, шунқор "буйруғинг надир?" дея тумшугини панжасига теккизар, тустовуққа ташланмасди. Сағир қоя ичида елиб-югурган бир чумолининг дарду ташвиши сўзланса, Сулаймон унинг ҳам овозини эшитар, ғамига шерик бўларди.

Кўнлардан бир кун шамол саркашлик билан қаттиқ эсиб, бир тул кампирнинг ун тўла тоғорасини тўкиб юборди. Кампир шамолнинг одобсизлигидан шикоят қилиб, Сулаймон ҳузурига бориб деди: "Эй, Ҳақ амрларини адо этувчи! Эй, халқнинг қимматли, муҳим ҳожатларини ўз вақтию ўрнида бароридан келтирган! Мен бир йўқсил кампирман. "Биз унга шамолни бўйинсундирдик"<sup>23</sup> ҳукмидаги сингари сенинг қўл остингда бўлган, "Шамолларни юборур"<sup>24</sup> ояти каби эсаётган ел одатдагидай хабар бермай, тўсатдан эсиб тоғорамни ағдариб, унимни сочиб юборди. Ё унимга елдан бадал ол, ё унинг таъзирини бериб кўй. Токи, зинҳор тул хотинларнинг молларига ҳужум қилмасин!" Сулаймон: "Ҳам уни тарбиялайман, ҳам сенинг зиёнингни ўтайман. Боринглр, замбил ясаб жамфарган пулимдан кампирнинг уни қийматида келтириб беринг! Шамолни эса тутиб, зиндонга ташланг! Энди шуни яхшилаб билиб кўйингки, шамолга ҳеч нима тақлиф қилинмайди, ҳатто бир калимага сўхбатдош бўлишдан маҳрум қилинади", дея амр этди. Бир кампирнинг ҳаққини олиш учун Сулаймон шамолларни зиндонбанд этгани ҳолда, "Бу КҮНда подшоҳлик кимникидир?"<sup>25</sup> дея буюрмиш Ҳақ таолонинг адолати ёшу қарининг кўнгилларини ёқиб, тилка-пора қилган золимларни ҳеч замонда ўз ҳолига қўйиб қўядими?! "Оллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан гофил" деб ўйламанг!"<sup>26</sup>

<sup>20</sup> "Анъом" сураси, 76-оят.

<sup>21</sup> Санойи. "Ҳадийка".

<sup>22</sup> Ўша асар.

<sup>23</sup> "Сод" сураси, 36-оят

<sup>24</sup> "Аъроф" сураси, 57-оят.

<sup>25</sup> "Ғофир" сураси, 16-оят.

<sup>26</sup> "Иброҳим" сураси, 42-оят.

**Шеър:** Котиблари буйруқ ҳарорати ила хоинлик этиб, ер юзида ҳукм чиқариб юрган қози ҳам, билиб туриб нотўғри ҳукм қилғудай бўлса, буюқдан буюқ асл ҳукм соҳиби — Ҳақ таолодан келажак қандай балоларга гирифтор бўлади-я! Ундайларнинг ҳолларига вой, ҳолларига вой, бисёр ҳолларига вой!

**Шеър:** Сен билан ширинлашсам, нима қилади? Зотан, яшамок — ўзи аччиқ. Сен мендан рози бўлсайдинг, қолган барча менга дарғазаб боқса ҳам, майлига. Сен билан илиқ муносабатда бўлсайдим, бутун олам билан орам очиқ бўлса ҳам, майлига. Сен мен севиб қолсанг, мол-дўненинг қадри қолармиди? Зеро, тупроқ устида нимаики бор эса, улар ҳам тупроқ-да!

**Шеър:** Кунларнинг бирида бир сўфий Ҳишомга деди: “Эй, бизнинг қонимизни сундай ичган! Қишлоқ сенинг бузғунчилигингдан бева-бечоралар билан тўлди. Масжидларимиз сени деб тиланчиларга кон бўлди. Қонимиз сен туфайли тун каби қорайди. Ўзинг эса ширмой нон еб ўтирибсан. Нега бу ҳол сени хавотирга солмаяпти?” Куфали сўфий Ҳишомга арзини айтиб хўн-хўнғ йиғларди. Ҳишом унинг совуқдан-совуқ заҳарханда гапларидан газаби тошди, аммо сўфийга озор бермади. Ҳалимлиги боис ҳилм қадаҳини симириб деди: “Мавақелари пастроқ кимсалар инсоф сўраяптилар. Бу истаклари билимсизлик ва гофилликдан эмас. Сени эшитиб туриб, кўрганларимни кўрмасликка олдим. Сенинг бу аччиқ дашномларинг баҳрдан ўтдим. Билимли деб, таҳлиқани олдиндан сезган ва буни тушуниб етган кишини айтадилар. Бу тоифа кишилар подшоҳнинг озорига шайланиб, уни бошларига тож этадилар. Билимсиз, хом кишилар эса жабр-ситам эшикларини қоқиб турса ҳам унинг ҳадиғини сезмайдилар. Бу тоифа кишиларнинг сохтакорликлари одобга даъват эканлигини қоши тушуниб етсалар! Дунёни кезиб юрган қуёш кўршапалакнинг хотири учун яшириниб олганини кўрдингми ҳеч? Кўршапалак гарчи ундан заҳмат чекса ҳам, қуёш самонинг асли, хазинасидир”.<sup>27</sup>

Улуғлик зиёси Оллоҳ зотига қасамки, инсонлар қиёматда уч саволга жавоб бермоқликдан бир қадам ҳам қочолмайдилар. Зотан, Мустафо шундай марҳамат қилади: “Қулдан уч савол сўралмай туриб, у бир одим ҳам отолмайди. Умрини нимага сарф этдию йўқ қилди, ёшлигини қандай ўтказдию мол-мулкни қаердан олиб, қаерга харжлади?” Эртага қиёматда мана шу уч саволдан ҳеч ким қочиб қутилолмас.

Ҳар ким дунёда бир даъво ортидан қувади. Андак шошмай тур, ҳали бу овоз даъвога тушиб қолганлару бутун олам аҳлининг қулоқларигача бориб кирсин: “У КУНда барча яширин нарсалар фош қилинур”.<sup>28</sup> Бу кун шундай кундирки, пардаларни бўларамиз, ҳаммани тап-тақир текисликка ҳайдаймиз ва дилларини муҳрлаймиз. “Бу (КУН) улар сўзлай олмайдиган КУНдир”.<sup>29</sup>

**Шеър:** Эй, шаҳват оташида ёниб-ёқилганлар! Эй, таҳлиқалар уммонига гарқ бўлганлар! Токайгача ҳирс, токайгача шаҳват? Токайгача розолат, токайгача жаҳолат? Токайгача хийла, токайгача найранг? Токайгача урф, токайгача одат? Қочинг, инсонни алдовчи манзилга боғланишдан. Офатларга ботган бу юртдан қочинг! Ҳаёт баҳоридан ҳуш нафас йўланг, шу чириб йўқ бўлиб кетишга юз тутган эту суюларга! Бугун давлат довулини чалинг! Кўнгул нивзидан байроқлар ясанг! Умид косаларини бутланг! Чунки бу он, лутфга инорат, афе онидир. Эй, Танграм! Раҳматинг ою йил эҳсонлар улашмоқда. Сенинг зарарлик санъатинг вақт ортидан тўп мисоли зийнат мунчоғини ясамиш. Эй, қуллик жилосидан беҳожат! Бизларнинг ҳам узр мунчоғимизни қабул айла!<sup>30</sup>

Излашда — шамол каби ел. Унинг заҳмат захрини шакар каби е, бол шарбатидек ич. Кўнгулга айтгин, иштаҳага қараб: “Яхши қол!” десин. Баданга айт, эсонликка душман бўлсин. Чунки денгиз соҳилига уй қурган киши турфа тўлқинларни кўради. Севги даъвосини қилган эса, балою меҳнат захрини ютади.

**Рубоий:** Бор-будингни оловга отмагунингча, вақтингга сира ҳузур қўнмайди.<sup>31</sup>

Ҳофиз Қуръон ўқий бошлади. Ўқи, эй, Ҳофиз! Ошиқлар жисмидаги занжирлар зилларини Қалом нағмалари ила уйнатиб: “Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи бўлар” де.

<sup>27</sup> Мазкур байтлар Санойининг “Хадийқа” асаридан олинган.

<sup>28</sup> “Ториқ” сураси, 9-оят.

<sup>29</sup> “Вал-мурсалот” сураси, 35 оят.

<sup>30</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>31</sup> Мавлоно Румий.

**Шеър:** *Сабабларни майдонга келтирган Оллоҳ номи ила! Қулларига эшикларни очган Оллоҳ номи ила! Раҳмондан розиман. У шундай Раҳмонки, беадад афв-карамидан улашгани-улашган. Ўзидан мадад кутиладиган, раҳмати охиратга иймон келтирганларга ато этиладиган Тангри таолонинг гуноҳ қилганим замон ёрлақаб, тавбамни қабул қилишидан умидворман.*

**Шеър:** *Эй, умрини кўкка соғурган, ҳушинг ўзингдами? Қачонгача, бу ҳою ҳавасга топинасан? Барча жафо эшикларини очганинг ҳолда, вафо эшикларини ёпасан? Ахир, Ҳақнинг сөн билан қилган аҳди паймони бор эди. Сен Ҳақ аҳдини буздинг – поймоқ қилдинг. Қайси юз билан меҳнату машаққат, қўли калталикдан шикоят этмоқдасан? Нима деб ҳасрат чекаяпсан? Бундан сенга бирон наф йўқ-ку! Сен заҳматдан йўқ бўлсанггина, бор бўласан.<sup>32</sup>*

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила сўзи Ул подшоҳнинг исми бўлиб, қулларнинг халос бўлишлари Унинг ризолиги биладир. Кимда устунликдан бир нишона бўлса, Ҳақ адолатнинг тажаллиси туфайлидир. Олам аҳлининг барҳаётлиги Унинг хоҳиш-иродасининг асари бўлса, инсоният ҳалокати Унинг амри ила воқеидир. Қаерда шариф киши бўлса, Унинг карам либосини кийиб, ясаниб олганлиги боис шарафланган. Қаерда тубан киши бор эса, Унинг қаҳрига учрагани сабаб шу кўйга тушган. Мағрибликларнинг белларига боғлаб олган инжа зуннор тутамлари орасидан: "Удир устун бўлган, ҳар нега қодир Зот"<sup>33</sup> садоси янграпти. Орифлар елкаларига осиб олган бўрк тутамларидан эса: "У меҳрибон ва ҳар нарсадан хабардор Зотдир"<sup>34</sup> сўзи садоланаяпти. "Оллоҳ номи билан" жумласидаги исм шундай исмики, Сулаймон замонида Билқийси Иблис васвасаси шаъридан қутқарган шу исм эди. Сулаймон Билқийснинг Сабаъ шаҳри халқини йўлдан узоқлатиб, ўзига ишонтирганидан хабар топди. Унга бир мактуб йўллади. Мактубда шундай битилганди: "Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила"<sup>35</sup>. Худҳудга мактубни топшириб, уни йўлдан адашганлар мамлакатига элчи қилиб юборди. Сулаймон ўша тухмат саҳросини ошиб ўтаётганларни тўғри йўлни кўрсатиш машъаласи ила бузуқлик зулматидан халос этишниқо Билқийси шубҳа солувчи Иблис васвасаси домидан чинакам муқаддас адир томон бошламоқни истар эди. У ориқ қўшча азим, нури қанотлари билан юксакларда парвоз эта-эта, ниҳоят, залолатга ботганлар ўлкасига етди. Билқийс саройининг бир куббасига қўнди. Билқийс қароргоҳига бормоқ учун йўл ахтара бошлади. Қараса, Билқийс хобгоҳида ялангликка очилган бир ойнак бор экан. Дарҳол ойнакка қўниб, Билқийснинг ухлаётганини кўрди. Хонага учиб кириб, даъват мактубини унинг ёнига ташлади. Тумшуғи билан Билқийс кўксини чўқиб яралади. Сўнгра соғинч камарининг бир чеккасига қўнди. Билқийс чўчиб уйғонганча: "Бу келган ким бўлди эканки, канизагу соқилардан кечиб ўтиб хонамга кириб, инсофсизларча кўксимни яралайди? Ғоят мустаҳкам темир эшиклардан ошиб, хобгоҳимгача кира олган ва яна уни ҳеч кимса кўрмай қолган ганимимнинг менда жуда катта қасди бор экан" деди. Ўз-ўзига бу сўзларни айтар экан, дир-дир титрар, хавотирланарди. Бирдан Сулаймоннинг даъват мактуби ён бошига тушиб қолганини кўриб қолди. Кўзи "Бисмиллоҳ"нинг "б"сига тушди. Кўнгли "мим"нинг кўксидеги кўнглидан шу қадар порлаб чароғон бўлиб кетдики, оқибат кўнгли каклиги иймон лочинига ўлжа бўлиб қўлга тушди. Ниҳоят, "ҳар қалай, бу мактубни бирон чопар келтиргандир", дея кўзларини ишқаб хонанинг ҳар бурчига кўз югуртира бошлади. Тўсатдан ориққина, митти бир қўшчани кўриб қолди. У сарой соябонининг бир бурчагига қўниб олганди. Ўз-ўзига, "мактубни олиб келган чопар шу бўлса керак. Ажабо, бу қандай мўъжиза бўлди – митти қушу улуг хабар", деди.

Эй, биродарлар! Сулаймондан мурод Ҳақдир. Билқийсдан мурод ёмонликка чорловчи нафсдир. Худҳуддан эса ақлдирки, нафс саройининг бир чеккасига қўниб олгани шундан. У ҳар нафасда тушунча тумшуғи билан Билқийс кўксини чўқимоқда. Яъни нафс Билқийсини ғафлат уйқусидан уйғотган кўйи мактубни унга тутмоқда.

**Қасида:** *Эшик қоқиб ёстанг, эй, юришлари гўзал ошиқлар! Чалинг-чақиринг, эй, амаллари хуш солиҳ кишилар! Токайгача уйингизни қўйиб, тап-тақир ялангликка бурилиб кетасиз? Токайгача Каъбани қўйиб, майхоначининг эшигини қоқасиз? Дунёда бир гўзал бор, биз эса уни чорламаймиз. Қадаҳда бир қултумгина шароб қолди. Бизнинг эса ҳануз ақлимиз жойида. Бундан буён қулгоҳимизга маҳбубнинг исиргасини*

<sup>32</sup> Шеърлар муаллифи номаълум.

<sup>33</sup> "Анъом" сураси, 103-оят.

<sup>34</sup> "Мулк" сураси, 14 -оят.

<sup>35</sup> "Намл" сураси, 30-оят.

тақайлик. Ўрнингдан тур, юзимизни Унинг суви билан ювайлик. Шу ғаддор тупроқ юмининг чанг-тўзонини бир юришда олп-уст этайлик. Токи, шу юзи қаро, бузуқ нафсни яксон қилайликки, келган жойига қайтиб кетсин!<sup>36</sup>

Оллоҳ бизни-да, сизни-да ҳикматидан баҳраманд этгай!

### Учинчи мажлис

Пайғамбардан ривоят қилинган дурдона ҳадислардан бирида шундай дейилади: Бир куни субҳидамда Ҳорисадан<sup>37</sup> Мустафо сўради: "Эй, Ҳориса! Қандай тонг оттирдинг?" "Иймоним билан уйғондим". Мустафо: "Ҳар ҳақиқатнинг бир ҳақиқати бор. Кўксингдаги иймоннинг ҳақиқати нимада?" дея буюрди. Ҳориса: "Нафсимни дунёдан аритдим. Кундузни сувсиз, оқшомни уйқусиз кечирдим, гўё Роббимнинг аршини – жаннат ва жаҳаннам аҳлини нақ кўз ўнгимда кўраётган кабиман. Аҳли жаннат бир-бирларини зиёрат этаркан, аҳли жаҳаннам ҳасрату вовайло ичра тўлғонарди. Пайғамбар: "Сен ҳақиқатга етибсан. Бу ишга маҳкам боғлангин", деди-да, саҳобаларга юзланиб буюрди: "Бу шундай қулки, Оллоҳ унинг кўнглини Ўз азаматининг нури ила мунаввар айламиш".

Шариат соҳиби, пайғамбарлар сарвари, самовоту замин нури Мустафо бир кун дўстлари билан бирга ўтирарди. Ҳорисага юзланиб: "Эй, Ҳориса! Бугун уйқудан қандай уйғондинг?" дея сўради. Ҳориса: "Эй, асл иймон соҳиби! Иймон ила – шубҳалардан озода, тақлидсиз иймон била уйғондим", дея жавоб қайтарди.

**Байт:** *Хур кишилар ўтирган жойларда ўтирдик. Солиҳлар танлаган ишни танладик, улар қилган ишни қилдик. Кейин билсак, юз турфа гуноҳ оғушига тушибмиз. Биргина жонимизни бериб, ўзимизни сотиб олдик. Барча истагимиз: "Ҳақ бизни афв этсин!" эди. Шукрлар бўлгай, лутфини дариғ тутмади – муродимизга етдик.*<sup>38</sup>

Мустафо (Унга саломлар бўлгай!) шундай марҳамат қилди: "Ҳар ҳақиқатнинг бир аломати, мураси бўлади. Сенинг кўксингдаги иймон аломати нади?" Ҳориса: "Эй, Оллоҳнинг элчиси! Мен дунёдан узоқлашдим, чунки уни алдов тузоғи нурга қарши тутилган парда, деб билдим. Кундузни сабр-тоқат-ла сувсиз, кечани уйқусиз ўтказдим. Энди эса Раҳмон аршини басийрат кўзи била шоён кўрмоқдаман. Жаннат у жаҳаннам аҳли кўз олдимида намоён бўлмоқда. Аҳли жаннат бир-бирларини зиёрат этиб, бағирларига босарканлар, аҳли жаҳаннам дод-фарёд уриб, ёқаларини чок этмоқдалар. Уларнинг оҳларини мана шу қулоқларим билан эшитмоқдаман". Пайғамбар Ҳорисага (Оллоҳнинг саломи бўлгай!): "Эй, йигит! Ҳақиқатга етибсан. Бу ишга маҳкам боғлангин! Ҳақ йўлни кўрибсан, кўрганларингга собит бўлгин. Шу кўрган нарсаларинг манзилида оёқ тираб туриб олгинки, улар сенинг бекатинг – давлатингга айлансин. Чунки кўрмоқ бошқа, кўрилган нарсага эга чиқмоқ бошқа", дея дўстлари томон ўгирилиб: "Ҳориса шундай бир қулки, Оллоҳ кўнглини улўғлигининг нури ила нурафшон этмиш. Бу қул шундай бир қулки, "Юксакларга боққан кишиларнинг кўзларига сурма суртган, ичкарида ўтирганларга эшик очган"<sup>39</sup> Ҳақ таоло (Аълолиги улўғлангандан улўғлансин!) унинг жон қабоғига маърифат сурмасини суртган кўйи кўзу кўнглини равшан айламиш.

**Байт:** *Риёзат-ла жисм пардасини ёқиб юборсанг, халқ йўлаб юрган хавфдан халос бўласан. Наинки умидларингдан – ўзингдан, икки оламдан ҳам пинҳон бўласан. Шундагина бу яширин нарса кўзларингга аниқ-равшан кўринади. Бу – ҳар нени йўқ этиш олами, уни исбот этиш билан кўриш мумкин. Халқнинг бори – шу бўлганидан, боши берк кўчага кириб қолган.*<sup>40</sup>

Ҳориса ибодатга шўнғиди. У: "Кундузлари рўза тутаман, кечалари уйқусизман. Дунёдан этак силкканим боис халқ кўрмаган нарсаларни кўриб, эшитмаган нарсаларни

<sup>36</sup> Санойй. "Ҳадийқа".

<sup>37</sup> Ҳориса бин Сурақо "Бадр" жангида шахид кетган саҳобалардан бири.

<sup>38</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>39</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>40</sup> Муаллифи номаълум.

эшитмоқдаман”, деганида Мустафо (Оллоҳ раҳматиға олгай!): “Намозингни кўрма, ёл-боришларингдан сўз очма – буларнинг барини Ҳақ таолонинг мадади, ёрлақаши деб бил!” дея уни огоҳлантирди.

**Байт:** *Эй, жон, биздан – бизнинг куллигимиздан ҳеч вақо ҳосил бўлмас. Ўзинг қилдинг, ўзинг қурдинг, энди ўзинг тамомлаб қўй. Бизнинг саломатлик юртимизни дашном юртига айлантирдинг. Койиш юртимизни-чи, саломатлик юрти ҳолига келтирдинг.*<sup>41</sup>

Бир оқ лочин изн олиб, подшоҳнинг кафтидан томнинг бир бурчига кўнди. Болалар лочиннинг гўзал манглайига мафтун бўлиб қолдилар ва “Ё, кудратингдан! Ту-ту-ту” дея аста-чорлай бошладилар. Улар лочинни олисдан томоша қилаётганлари сабаб: “Подшоҳнинг лочини ўзини кўз-кўз қилаяпти. Биз уни қақиришимизни хоҳлаб, ўша жойга кўниб олган” деб ўйлашди. Лочин подшоҳнинг амри ила ўша хароба том бурчига кўнганию Оллоҳ у кўнгилни буюклиги нури ила чароғон этганини ҳалиги болалар қаёқдан билсинлар? Шундай бўлгач, кундузи ундоқ қилдим, кечаси бундоқ қилдим, дема. Фақатгина тонгни ойдинлатган, оқшомга парда тортган Тангри таоло Ўз мадади – кўллови ила кўнгул кўзимга бирдай лутф этди, де.

**Байт:** *Кўнгул ким бўлибдики, ўзидан сўз очсин, кулфатини куйласин? Кўнгулнинг ҳаракати (Ҳақсиз – тарж.) қаергача борарди?*<sup>42</sup>

Ибодату итоат ўғиллари эмас, азал ўғиллари бўлинг. Ибодатга эмас, азалу абад Тангри фазлу карамига ишонинг. Зоҳидлар ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, дея тоат-ибодат билан машғул бўладилар. Орифлар эса, Ҳақ таоло ундай қилди, бундай қилди, дея азалий лутфкор зотдан сўз очадилар, аксинча, ибодат оҳ-воҳидан эмас.

**Шеър:** *Орифлар қибси йўқ зотдан баҳс этурлар. Ҳою ҳаваснинг белини буюкиб, қоқ ўртасидан иккига бўлганча отиб юборурлар. Зоҳид “қандоқ қилайин?” деса, ориф “қандоқ қилар экан?” дейди. Зоҳид қурқув-ла “бу қадар машаққат ичра на қилайин?” дер. Ориф ишқ-ла “ажабо, Оллоҳ нима қилар экан?” дер. Унисининг нигоҳи ўзига қадалган – ўзини кўрур. Хайрли амалларга ёр бўлиб, шаърдан йироқ бўлайин, дейди. Бунисининг нигоҳи Тангрига йўналгандир – Тангрини кўрур. Тинмай Ҳақ жамолни сайр этур. Зоҳидларнинг назари – ибодатгача. Орифларнинг эса – ниҳояю заволи йўқ Зотга қадалган. Зоҳиднинг ўзига келмоғи тоат ила мумкиндир. Орифнинг сархушлиги эса Тангри азаматиға мазҳар бўлмоқлик биладир. Хуш амаллар зоҳиднинг тургағи бўлса, ориф ягона Оллоҳга кўз тикмиш. Буниси хайрли ишлар орқали ўзини кўрса, наригиси ғайб оламида Ҳақни томоша қилур. Зоҳид қозонган эҳсон саноклидир. Ҳақ орифи эса ҳаёду чегарани парчалаб юбормиш. Зоҳид ер куррасида умрини кўкка совурса, Тангри орифи унинг борлигидан юксалиб кетур. Зоҳид кўрқув ва умид орасидадир. Ориф истаклар устидан учиб ўтур. Зоҳидлар заминни қароргоҳ этиб, унга ястаниб олмишлар. Орифлар ҳиммати арш соҳиби ила қовушмоқ муродининг кетиға тушгандир.*<sup>43</sup>

Зоҳид: “Оҳ, нима қилайин?” деса, ориф: “Кўрайлик-чи, У нима қилар экан?” дер.

**Байт:** *Зоҳид олган йўл, бир ойда бир кунлик йўлдир. Ориф олган йўл-чи, ҳар нафасда подшоҳ тахтигача.*<sup>44</sup>

**Байт:** *У беноқсон гўзаллик сенга юз очдими, тамом, сени ҳар недан учуриб кетади.*<sup>45</sup>

**Шеър:** *Кимга ҳақиқатдан бир хабар келгудай бўлса, унда башарий сифатлардан ном-нишон қолмас. Хув, самодан ер тубигача ҳар ённи сабаблар қопласа, унинг сабаблар била ҳеч қандай иши бўлмас. Кимки жисмини тор-мор этиб, ўзлигидан халос бўлса, ҳақиқатнинг аини ўзидан унга соғлом назар туҳфа этилгай. Энди у турфа безак анжомлари ила ороланган жавҳарни кўра олур. У жавҳар, мисоли, бир баданга кириб, у ерни макон этган каби. Унинг суҳбатига мушарраф бўлганинг ҳолда, яна нима деб шаклга қиймат бермоққа уринасан? Қани, юр, ҳақиқатга етиб, бутунлай бошқа оламга айлан. Чунки у ҳам бошқачалашиб, ўзга бир оламга айлангандир.*<sup>46</sup>

<sup>41</sup> Жалолиддин Румий. Девони кабир.

<sup>42</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>43</sup> Султон Валад. “Ибтидонома”.

<sup>44</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>45</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>46</sup> Жалолиддин Румий. Девони кабир.

**Байт:** Зоҳидлик надир? Ножўя сўз айтишдан қочишлик. Ошиқлик надир? Ўз борлиги – ўзлигидан оғиз очмаслик.<sup>47</sup>

Ҳикоя қилишларича, Ҳақдан ҳайиқувчи, оқилу одил бир подшоҳ ўтган экан. У қўл остидаги кимсаларнинг ҳолларини нуқул сўраб-суриштириб тураркан. Ё, Тангри, замонамиз султонининг оёқларига инсофу эҳсон, адолатда Ўзинг устун бўлгасен! У подшоҳнинг амирлари бўлиб, уларнинг бир гуруҳи соҳиби қалам эди. Тангри амрларини бажо келтирган малаклардан ўлкаю салтанат ишларини идора этишни ўрганиб олишган, қаламлари фақат ўнг қўлларида хайрли ишлар учун ҳаракатланарди. Дафтарларида ҳийлаю нифоқ, мазлумнинг кўнглига озор бериш каби масалаларга ўрин ҳам, имкон ҳам йўқ эди. Қаламлари бунингдек номақбул ишлар билан ўралашмасди. Дафтарлари қиёмат девонидаги мўминларнинг амал дафтарлари мисоли жилोलаниб порлар, ҳар ённи ёритарди. Айрим куллари соҳиби қилич бўлиб, байроқдор эдилар ва жонлари билан ўйнашиб юрардилар.

**Рубоий:** Жангда темир кабимиз, мажлисда – шаъм. Дўст учун табаррукмиз, душман учун – қаттол.<sup>48</sup>

Подшоҳнинг қўл-оёқсиз, ҳамиша маҳзун бир қули бор эди. Унинг қаламда на бир ҳунари, оламда на бир қудрати бўлиб, шунга қарамай, подшоҳ уни жонидан ортиқ севарди. У подшоҳга ҳаммадан яқин эди. Нимаики сири бўлса, келиб шу қулига дилроз этар, ўзгалардан қизғонарди. Подшоҳ учун қулнинг либосию унинг баҳоси ҳар недан устун эди. Васваса бошқа қулларнинг кўзларига ҳасад сурмасини суртар, бу мисоли Юсуф ва унинг оға-инилари ҳикоясини хотирга келтирарди. Оталарининг муҳаббати Юсуфга бўлакча эди. Буни кўрган оғалари зимдан ғазаб ўтида ёнар, рашқдан ич этларини ейишар. "Юсуф ва унинг биродари (Бинямин) отамизга биздан кўра суюқлироқдир",<sup>49</sup> дейишарди. Бу сўзни ўзлари танҳо қолганларида айтишарди. "Унинг қандай ҳунари, қандай қуллиги борки, отамиз уни биздан ортиқ кўради?"

Кимки ораларида кўринмай қолган шерикларининг турфа ёмонлигидан шикоят этиб, иғво қилса, кўнглу юзига ғанимлик доғини туширган бўлур. Жон кўзлари бедор кишилар ўзаро юзма-юз келганларида ҳалиги доғ изини кўрадилар. Жон кўзлари ожиз кимсалар эса ҳеч бир аломатни пайқамай, васваса домига илинадилар.

**Рубоий:** Ҳақиқатга етганлар – йўлу изни кўрганлар сенинг ҳолларингни бор инжаликлари ила кўрур, ундан огоҳ бўлурлар. Аммо карам буюриб, ҳеч кимнинг пардасини йиртмаслар. Замона зайли қандай юриш қилса, улар ҳам шунга яраша одим отурлар.<sup>50</sup>

Подшоҳ ҳам, унинг хос қули ҳам бекарларнинг манглайларию кўзларида нузул этаётган ёмон ўй хаёллар ва шунинг каби ёмон сўзлар айтиб юришларини кўриб турардилар. Муҳолифликнинг аломати муҳолифларнинг пешона, кўзларида зуҳур этур, айтган сўзларидан аён бўлур. Инчунин, Тангри таоло мунофиқларнинг эътирозларини: "Албатта, сиз уларни юзларидан (улар сўзлаётган – зоҳири иймондан далолат қиладиган, ботини эса куфр бўлган) сўз – оҳанг-услубидан таниб олурсиз",<sup>51</sup> дея пайғамбарига хабар берган. Биладилар, аммо билмасликка олурлар.

**Байт:** Билгил ва лек сўзламагинки, разолатга ботмасинлар. Эр кишининг бор савлати – кўрки сир сақлай билишидадир.<sup>52</sup>

Ўз разиллигинг-ла юз кўришмоқ фурсати олдинда. "У Кунда барча яширин нарсалар фош қилинур"<sup>53</sup>. Зора, у кундан аввал тавба қилса, дея ҳозирча сени айбламаймиз.

Ҳалиги бекар ёниб-қуйиб "бунинг бирор чораси бормикан?" дея бир-бирларига саволчан боқардилар. Ахир, у – подшоҳ! Ҳукм унингдир, қўл унинг қўли. Мабодо, инсофсизларча зарарли сўз айтгудай бўлса ҳам, ким унга "жим бўл!" дея олади? Кундузни оқшом деса, кимнинг унга "янглишдингиз!" демоққа ҳадди сиғади?

<sup>47</sup> Санойи. "Ҳадийқа".

<sup>48</sup> Жалолоддин Румий.

<sup>49</sup> "Юсуф" сураси, 8-оят.

<sup>50</sup> Жалолоддин Румий.

<sup>51</sup> "Муҳаммад" сураси, 30-оят

<sup>52</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>53</sup> "Торик" сураси, 9-оят.

**Байт:** Сарвнинг қомати икки букик десанг, икки ҳафталик ой қусурли десанг, жаҳон ичра ким сенга юрак ютиб "нечун бундай деяпсан?" демоққа жаҳд этарди?<sup>54</sup>

**Байт:** Лайлони деб телба бўлдиқ, у ҳам бошқасини дея савдойлашди. Бундан буён ўзга биринини биз туфайли жунунавш кўйга тушишни истамаймиз.<sup>55</sup>

**Байт:** Биз сенга ошиқмиз, сен-чи, ойнага ошиқсан. Биз сенга боқмоқдамиз, сен-чи, ойнага термуласан. Бир оҳ урайинки, унинг дуди оламни қаро этсини ойна ортиқ жилпопанмасин. Ичида ҳеч нима кўринмай қолсин.<sup>56</sup>

Бир кун бекларнинг тезоб, бесабрларидан бири: "Ҳой, биродарлар, балки сизларнинг сабр косангиз ҳануз тўлмагандир, аммо менинг бардошим соб бўлди. Бугун подшоҳ хузурга бориб, пойига тик чўкаманд-да, бошимдан тупроқ сочаман. "Арзинг не?" дея сўраса, жавобан:

**Байт:** Сиришқинг<sup>57</sup> нечун гул рангини олди, дейсан. Модомики, ўзинг сўрадинг – айтайин. Кўнглим сенинг савдойингда қон ёшлар тўкмоқда. У ёшлар қайнаб-жўшиб бошимга чиқиб олдию, оқа кетди.<sup>58</sup>

**Байт:** Ғам дастидан ишим жонга қадар етди, туманим бутун оламни чулғади, етар энди! Қайғу теримни ишлиб кетди, марҳаматсизлик этма! Пичогинг суякка қадалди, етар энди!<sup>59</sup> дейман.

Шериклари: "Биродар, ҳақ гапни айтдинг, аммо хотир учун бўлса-да, андак сабр қил. Чунки "сабр баракотнинг қалитидир", дейишди. У эса: "Сиз айтгандай, мавриди келгунга қадар сабр қилайлик-чи, нима бўлар экан?" дея ройишларига кўнди.

**Байт:** Хўроз бемаҳал қичқирдим, унинг бошини олиш вожибдир.<sup>60</sup>

Хўш, қачон пайти келур? Дедиларки: "Подшоҳ кайфи чоғ, шодумон ва бизга хуш табассум била боққан кунда. Бу маҳал шоҳ ҳимматининг чеки кўринмас". Кўнглингиз мулойим тортгач, дуони ғанимат билингиз. Мустафо (Оллоҳ Ўз раҳматиға олгай!) марҳамат қилмишди: "Кўнгилларингиз юмшаб, кўзларингиз ёшланса, ўзингизда ёнмоқ – ёлбормоқ лаёқатини сеза бошласангиз, ўша он ҳожат тиламоқ онидир. У фурсатни ғанимат билинг, чунки айни дам раҳмат эшиқлари очилади ва сиз ҳожатларингизни шундоқ замонларда изҳор этинг".

**Рубоий:** О, тонг насими! Ўшал сочлари занжир мисолига сўйла! Имкон тополсанг, кўнгили ҳолимни баён айла! Мабодо, кўнгили олишни истамай, дарғазаб эса, мени кўрмаган бўл-да, зинҳор оғиз очма!<sup>61</sup>

Ниҳоят, кўнларнинг бирида подшоҳнинг ови бароридан келиб, нодир ўлжаларидан севинчи ичига сиғмай, юзи нашъадан ёришиб кетди. Азали абад подшоҳнинг ови ошиқлар кўнглидир. "Ҳақиқатдан ҳам, Оллоҳ иймон келтирган қулининг тавба қилишини сеувр ва ундан рози бўлур". У раҳмат қандоқ раҳматки, кулларни ғайрати ила зотидан узоқлатиб, уларни ўзига бегона этар? Сўнг яна инояти била овлаб, ўзига ошуфта айлар?

**Рубоий:** Қаро тупроқдан бир нарда тахтаси ясаб, ҳар он у тахтага айрича шакл бермак, ўзга бир ўйин намойиш қилмак бўласан. Кимнидир бир ёқлик қилиб ўлдирасан, тагин бирини оёққа турғизасан. Офарин, ўз-ўзинг билан ажаб ўйнамоқдасан: на устасан, на бир санъатинг бор.<sup>62</sup>

Беклар подшоҳни фараҳдан ўз-ўзига сиғмас ҳолда кўриб, раҳмат эшиқлари ланг очилганини пайқадилар ва барчалари пойига тиз чўккан кўйи арзи ҳол этдилар: "Қачонгача жафо? Жонимиз ҳиқилдоғимизга келди. Сенинг бундай одатинг йўқ эди. Бу иш караминга мувофиқ тушмас. Шу чоққа қадар кўнгили ипимиздан тугун устига тугун қадалди. Оқибат, туманлар-ла қопланмиш, қонларга беланмиш тун кўркувидан ўша чоқларни сўка бошлаган кимсанинг қўлу бўйинига боғланган сиртмоққа айланди".

**Шеър:** Парда йиртишни кўзингдан ўрганганингдек, келгил, қул сотиб олишни зулфингдан ўрган. Доминга ипинганинг фарёдига қулоқ тут. Наҳот, сенда оху

<sup>54</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>55</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>56</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>57</sup> Кўз еш.

<sup>58</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>59</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>60</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>61</sup> Жалолитдин Румий.

<sup>62</sup> Жалолитдин Румий.

нолаларга етиб олиш йўлидан огоҳлик бўлмаса? Тузоғингга тушдик – сабрни танладик. Бечора, домингда чирпина-чирпина хушини йўқотди. Сенинг ризолигинг кулфатинг била эш. Шу боис сенинг гаминг, сенинг дардинг бизга шакар таъмини улашмоқда. Зера, шакар оғизга олиниши билан эриб кетур. Қулинг – Санойининг сўзини тингла, унга жафо айлама. Чунки Санойининг каломи кулоқ солинмоққа муносиб.<sup>63</sup>

Подшоҳ: “Мен сизларга нима ёмонлик қилдим?” деди. Улар: “Биз сенинг жондан азиз қулларингмиз. Сен рози бўлмайдиган қандоқ иш қилдик? Авжи жанг чоғлари ҳар ким ўз жони қайғусига тушиб қолган маҳал сенинг иқболинг учун жонимиз билан қандай ўйнашганимизни кўрган эдинг. Шундай бўлгани ҳолда, фалончини нечун биздан бу қадар авло биласан? У қайси хунари сабаб бунчалар эъзоз толди? Биз сенинг амрингга хилоф нима иш қилдикки, бизни мақсур кўрасан?”

**Байт:** *Сенинг қулинг эканлигига иқрор бўлган кишига бу янглиғ муносабатда бўлсанг, кўнглинг рози бўлурми?*<sup>64</sup>

У сенга қандоқ бетаъма куллик бажо келтирдик, биз кўрмай қолдик? Подшоҳлик қилиб, бизга у кулликнинг қандай куллик эканлигидан оз-моз хабар бер. Токи биз ҳам шижоат била бор хунаримизни намоиш этайлик”. Подшоҳ: “Минг аён этмайин, сиз у қилган ишни қилолмассиз!” деди.

**Қасида:** *Сўзни ҳар сўзловчининг ақли нисбатида сўзласайдим, ҳеч шубҳа йўқки, халққа жуда оз сўзлар эдим. Сўзларга сомеъ бўлиб, магзини чақувчи киши қаерда эканким, уни топиб, ҳар он янги-янги асрор очсам. Ақл одимини ваҳмдан ошиқроқ отувчи кимса қайдаким, мен унга юсаклардан сўзласам. Кўжсини курси ҳолига келтириб, кўнглини арш айлаган киши қаёндаким, мен унга “олами сугро” (кичик олам – тарж.) аломатларини ошкор этсам. Зулмат аро юсакларга одим отувчи кимса қаёқдаким, унга ойдин денгизнинг файзиёб нуридан сўзлаб берсам. Марвариднинг қадрини билгувчи, илм денгизининг зарари қайдаким, унга етти марвариду тўрт гавҳар сирин очсам. Ямандан бўй олган бурун қаердаким, мен унга Хўтан мушкининг муанбар ифорли дарахтидан сўз очсам. Жаҳаннамни кечиб ўтган киши қаниким, унга бу кечикнинг юз турфасини бирмабир санаб аңглатсам. Аттотнинг қалби тубанлик оламига боғланиб, шу тупроққа кўнгили кўймасайди, ашъоримни юсакликда етти юлдуздан ҳам баланд пардаларда айтар эдим.*<sup>65</sup>

“Эй, олампахо! У ҳолда, бизни имтиҳон қилиб, синаб кўр. Башарти, айтганингни бажаролмасак, ҳеч курса, ўз даражамиздан огоҳу унинг устунлиги сиридан воқиф бўлайлик. Ҳасаду васвасадан қутилайлик-да, подшоҳ-ла эмас, ўзимиз била курашайлик”, дейишди.

**Рубой:** *Менга кўнгили кўйсанг, жондан кечаман. Жомим-ла ўйнашиб, наинки жон, бутун жаҳондан кечаман. Мен шундай қулманки, амрингга бош эгиб яшолмаялман. Айт, тилагинг надир? Айтақолгинки, шунга мувофиқ иш кўрайин.*<sup>66</sup>

Кимки дучор бўлган балоларини ўзидан билса, тавба қилур ва подшоҳни одил санаб, уни мадҳ этур. Бундай киши покланиб, тез халос бўлур. “Кўлингизда асир бўлган кишиларга айтинг: “Агар Оллоҳ дилларингизда яхшилик борлигини билса, сизларга ўзингиздан олинган нарсдан яхшироқ нарса берур”.<sup>67</sup> Эй, Муҳаммад, тутқунларга, ғам боғичлари ила боғланганларга айтинг: “Ҳукми барқарор Тангрининг иродаси боис менга асир тушдингиз. Кўнглингизда бирон хайрли ўй бўлса, сизга аввалроқ эга чиққан ва йўқотган нарсаларингиздан ҳам афзалроғини улашади”.

Подшоҳ деди: “У қулимнинг бор-йўқ хунари – менга боқур, мендан кўз узмас”. “Эй, оламлар шоҳи, ундай бўлса, дарҳол амр этгинки, бундан буён биз ҳам бошқа ишларимизнинг бошидан тупроқ сочиб, куну тун тинмай сенга боқайлик. Бундан-да хуш иш борми оламда!”

**Байт:** *Сени кўриб, кўзи қувонмаган кишининг боши бўйра тагида қолиб, оёқ ости бўлсин!*<sup>68</sup>

Барча беклар бундан шод-хуррам бўлиб қуролларини отдилар ва саждага бош эгдилар.

<sup>63</sup> Саной. Девон.

<sup>64</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>65</sup> Фаридиддин Аттор. Девон.

<sup>66</sup> Жалолиддин Румий.

<sup>67</sup> “Анфол” сураси, 7-оят.

<sup>68</sup> Муаллифи номаълум.

Подшоҳга: "Бундан буён қуролимиз – сенинг юзинг, интизомимиз – сенинг ҳузуринг. Ҳажимиз – остонангу мартабамиз – меҳробинг", дедилар. Ҳаммалари бирдай тизилишиб, подшоҳ юзига термула бошладилар. Уларни кузатаркан, подшоҳ ўз-ўзига деди:

**Байт:** *Миснинг олтин қопламасига тушиб, кўзбўямачилик қилишидан не наф? У лоф сотувчи, имтиҳон тоши – миҳакни кўрдию шармисор бўлиб кетди.*<sup>69</sup>

**Байт:** *Ишқ давосида бўлмоқ осон, аммо унга далил керак.*<sup>70</sup>

Подшоҳ хос мулозимининг қулогига: "Бисотимизда қанча довул, қанча ногора бўлса, барчасини томга чиқариб бирдан ерга отинглар", дея буюрди. Шоҳ амрини бажо келтирдилар. Оламни шундай шовқин, шундай ғавго тутдики, ҳар тараф зир титрай бошлади. Бу талотум кўпаркан, барча беклар юзларини подшоҳдан ўгириб, бир-бирларига "саройда нима бўлаяпти ўзи?" дегандай олазарак боқа бошладилар. Ҳалиги қулнинг кўзи эса ҳануз подшоҳнинг юзида эди. Подшоҳ, қулнинг юзи ўзгарармикан, дея унга разм солди. "Кўзи оғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ".<sup>71</sup>

Азизим, бу ҳикоя подшоҳ ва ё унинг беклари можароси ҳақида эмас. Подшоҳдан мурод – Тангри таоло. Беклардан мақсад – етти осмон малаклари. "У жойда Оллоҳ ўзларига буюрган нарсга итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани бажарадиган фаришталар турур"<sup>72</sup>. Уларга: "Сизга ер юзини ман қилдик ва уни Одамга қароргоҳ этдик" деган буйруқ келганда "У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми?"<sup>73</sup> дедилар. "Биз кеча-кундуз Сени поклаб ибодат-ла машғул бўлсак ҳам таъқиқлайсанми?" дея норизо бўлдилар. Ҳақ таоло (Шони улуғлангандан улуғлансин!) буюрдики: "Улар шундай хизмат, шундай қуллик адо этадиларки, сиз уни бажо келтиролмайсиз!" Икки олам сарвари, инсонлар ва кўз илғамас мавжудотларнинг аввалгиси – Муҳаммад Мустафо (Унга Оллоҳнинг саломи ёғилгай!) Меъроҳ кечаси етти қават самонинг ҳеч кимсага кўрсатилмаган хазиначилари унга очилиб, аршу курси арзи ҳол этган паллада уларнинг ҳеч бирига киё боқмай, кўзини Тангри жамолидан узмади. "Кўзи оғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ".<sup>74</sup>

**Шеър:** *Яширину ошкор неки бор – бари сен-ла кўшилгач, суҳбатинг доимий бўлур, хизматинг қулайлашур. Қуёш бошинг узра келур, ортингдан қолмай эргашур. Ҳатто зарра қадар соя қолмас. Нимаики тиласанг, ато этилур. Мана шудир сенга кўнган давлат, мана шудир умр саодати. Энди бирон жонзот учолмас, барчаси тириклайин йўқ бўлур. Очиб сўзлайин, эрлар асрорин очайин дейман-у, аммо ҳеч кимса бунга таҳаммул этолмас, боши айланиб, парчаланиб кетур.*<sup>75</sup>

Турк тилидан Раъно Ҳақимжонова таржимаси

Давоми келгуси сонда

<sup>69</sup> Муаллифи номаълум.

<sup>70</sup> Саной. "Ҳадийқа".

<sup>71</sup> "Ва-н-нажм" сураси, 17-оят.

<sup>72</sup> "Таҳрим" сураси, 6-оят.

<sup>73</sup> "Бақара" сураси, 30-оят.

<sup>74</sup> "Ва-н-нажм" сураси, 17-оят.

<sup>75</sup> Муаллифи номаълум.

## Шеърят



Нодир ЖОНУЗОҚ

1976 йилда туғилган.  
1998 йилда СамДунинг  
ўзбек филологияси  
факультетини  
тамомлаган.  
“Томчилар”, “Сизни  
севар эдим”,  
“Меҳрибоним” номли  
шеърлий тўпламлари  
чоп этилган. Айни  
пайтда “Madaniyat va  
ta’rifat” телеканалда  
фаолият кўрсатмоқда.

## Шоҳиммиэ

\*\*\*

Кўзимга бипталаб киприк терган ким,  
Оқу қорасига ранг-тўс берган ким?  
Қарогим тубида кичик бир нуқта –  
Нишонни бехато ургич мерган ким?

\*\*\*

Сассиқ алафларга ўғай, ёт булоқ,  
Гуллар қиқиридан масрур, шод булоқ.  
Қайда у? Кўролгай фақат бўтакўз,  
Кўшигин эшитар ёлғиз отқулоқ...

\*\*\*

Тонг чоғи гул тўккан ёшга юз чайдим,  
Ёришиди батамом тийнатим – гайбим.  
Сиз мени бешафқат деманг, ёронлар,  
Гулнинг йиғисида йўқ менинг айбим...

\*\*\*

Ўйлама: “Сийрати – тошдан иборат,  
Суврати кўл-оёқ, бошдан иборат”.  
Ёқамни кўй, гофил, сиккисанг бехос,  
Сочилгум – борлигим ёшдан иборат...

\*\*\*

Гоҳ таскин, гоҳида танбех бўлгуси,  
Топганим шу инжу таибех бўлгуси:  
Кипригим учида тешилар кўзёш –  
Нурдан ип эшсангиз, тасбех бўлгуси...

\*\*\*

Қошимда пойлайди икки қароқчи,  
Кўзим атрофида қирқтадан соқчи.  
Қарогим қаърида иймон гавҳари –  
Омон турибдими, биродар, боқ-чи?!

\*\*\*

Тонготар туришини қилмиш у одат,  
Пок, ҳалол ҳаётни билмиш саодат.  
Шабнамга юз-кўлин чайган чумоли –  
Тоza гул баргида ўқир саловат...

\*\*\*

“Хайвонот боғи” да кўтни кўрган фил  
Бош чайқаб, бехосдан сўз қотди софдил:  
“Менга зилдай занжир ургандан кўра,  
Ўзингни тушовдан бушат, эй, гофил!”

\*\*\*

Муסיқа мактаби – “Лаби Ҳовуз” да,  
Ким сурнай дарсида, ким чанқовузда.  
Кўйлашни ўрганар бедана, булбул...  
Устоз ким, дейсизми? Сатанг товус-да!..

\*\*\*

Танча қуриб олма баландга, тўрга,  
Пойгак ҳам кўрк берар чинакам зўрга.  
Балки остонадир сўнги манзилинг,  
Сендан сўрамаслар кўяркан гўрга...

\*\*\*

Қайдан пайдо бўлар ёввойи гурур,  
Алдамчи ҳолингдан туюсан сурур?  
Огоҳ бўл, кўзларинг – Аму ва Сирдек:  
Сув келмаса, қалбинг Оролдек қурир...

\*\*\*

Дерлар: “Тегар бўлса, Хизр ҳассаси,  
Тошдан-да кўз очар ҳаёт чашмаси...”  
Кўксингга қулоқ сол, таралар: “дук-дук”,  
Шаксиз, бу – табаррук таёқнинг саси!

\*\*\*

Қадаҳим эскими?! Ахир, бу бахт-ку:  
Румий ва Маширабдан қолган қадаҳ бу!  
Ялтироқ жсамингни кўз-кўз қилма кўп,  
Мен кўҳна май ичгум, сен эса заққум...

\*\*\*

Жаннат нафасини бир лаҳза туйсам,  
Сўнг, майли, наодат ўтида қуйсам.  
Кавсар ҳовузидан сув олиб яқбор,  
Ҳазрат Навоийнинг қўлига қуйсам...

\*\*\*

Мангу давам этар севги қиссаси,  
Эсиз, бир хил эми сўнги, ҳиссаси:  
Кўнгишлар мое тушар узукка кўздек,  
Лекин тўғри келмас ҳамён-киссаси...

\*\*\*

“Ишқ” дея ўзимни хароб қилдим, мен,  
Вале, дил озигин сероб қилдим, мен.  
Атиргул унидан нон ясадим ва  
Булбул кўзешидан шароб қилдим, мен...

\*\*\*

Умрнинг яшнаган гулдай дами бор,  
Тотлидир – ҳар неки қайғу-ғами бор.  
Қошимда ўйнайди арилар гўжсон,  
Яласам, ёшимнинг болдек таъми бор...

\*\*\*

Қалбингни қоқ – қат-қат чанги чиқади,  
Кўк, қора, қизил, зард занги чиқади.  
Дунё бўёқлари чапланмиш беҳад,  
Ёш ила юв – асл ранги чиқади...

\*\*\*

Уфқда лангиллаб гулхан ёнади,  
Ёйилиб-юксалиб, улкан ёнади.  
Кўкдан сир тўкилди: “Ўчирар кўзёш –  
Ошиқлар устидан қулган ёнади...”

\*\*\*

Бежирим, бир мўъжас сандиқ кўрдим, мен,  
Ҳар ўйма нақшида мантиқ кўрдим, мен.  
Қалбинг гўзал бўлғай у каби, шаксиз,  
Искана тегибди – чандиқ кўрдим, мен...

\*\*\*

Тил нима?! Бозорда ёйилган раста,  
Молин кўз-кўз қилар ялтироқ сасда.  
Лек, асил моллар бор – ноёбу нодир,  
Улар сал панада, улар сал пастда...

\*\*\*

Сирлар кўп – тубига, асло, етмаймиз,  
Бундан на ютамиз ва на ютмаймиз.  
Томчимиз. Кўнгишсак Буюк Уммонга,  
Абадий яшаймиз – мангу йитмаймиз...



### Замира РЎЗИЕВА

1957 йилда туғилган.

ЎзМУнинг  
журналистика  
факультетини  
тамомлаган.

“Мунаввар юртим”,  
“Гул ислари”, “Қирқ  
ўрим соч”, “Нашида”,  
“Атиргулга  
айланаман”,  
“Офтобжамол”,  
“Жон риштаси”,  
“Сарчасима”,  
“Ташнадил” китоблари  
чоп этилган.

## Юрагимнинг гулларин сенга тутай

\*\*\*

Ошкор этгин кўнглимни, шамол,  
Этагингдан тўкиб гул нафас.  
Хаёт зарби келмайди малол,  
Ҳақиқатга шерик юрсам, бас.

“Бир кун кетар дилдаги доғлиқ”,  
Суяб турар жонимни бу сас.  
Умрим тоғи севига боғлиқ,  
Ҳақиқатга шерик юрсам, бас.

Ёлгонларнинг ёвуз жарлигин,  
Кўрдим, ўқсиб кетди не ҳавас.  
Асра мени, эй, ўзжарлигим,  
Ҳақиқатга шерик юрсам, бас.

\*\*\*

Юрагимнинг гулларин сенга тутай,  
Гардларингни авайлаб артиб ўтай.  
Меҳринг кўриб, меҳрибон бўлиб ўсдим,  
Йўлларингга жонимни фидо этай.

Улугимсан рафтори, рухсори хуш,  
Илдизлари бақувват чинори хуш.  
Муқаддаслик, буюклик сифат сенга,  
Гулианимсан, гунчаси, ифори хуш.

Варақласам, шажарамда тирлар кўп,  
Калити ишқ бўлган сеҳр, сирлар кўп.  
Асотирлар агар сафга тизилса,  
Майдонингда ботирлар, жасурлар кўп.

Ардоқдаги озодликнинг исми – сен,  
Омонликда ободликнинг хусни – сен.  
Довругининг давамчиси бўлиблар,  
Жонда асрай Ватан деган ҳисни мен.

Дилимсан-ку, “оҳ” десанг, тенг айтайин,  
Малҳам бўлай, муҳаббатли байтдайин.  
Сенга фарзанд бўлишининг ўзи бир бахт,  
Қутлуғ, қадим боғларинг кенгайтайин.

\* \* \*

Гүзал гулзор, гулобу жом,  
Хусн – Боғу Эрамларга,  
Жаранг берди улуғ айём  
Шакарсуфтор ўланларга,  
Ярашгай бахт одамларга!

Умрларга самар инди,  
Атирсулдай умид унди,  
Борар манзил аниқ энди,  
Келар қувват қадамларга,  
Ярашгай бахт одамларга!

Саломлашди, юз очди гул,  
Кўнгил топди кўнгилга йўл,  
Йиғитларнинг бари норгул,  
Хавас тутгай санамларга,  
Ярашгай бахт одамларга!

Атир сочган сабо – хурлик,  
Сеҳр қучган наво – хурлик,  
Ҳамма дардга даво – хурлик,  
Ўрин йўқдир аламларга,  
Ярашгай бахт одамларга!

### Меҳрибонлик уйида

Бунда бир сўз демай, осон англайсан,  
Кемтик кўнгилларнинг хусни ойлигин.  
Ётирай, вужуди бир харсангдайсан,  
Кўрганда кўзларнинг дардга бойлигин.

Ғалати сукунат ётишган маҳкам,  
Ҳар не бор, ҳар ким бор, фақат қулғу кам,  
Турфа ўйинчоқлар беролмас малҳам,  
Танлаганинг билан энг чиройлигин.

Панжара раҳида қўлчалар изи,  
Йўлларда чувалар илҳақлик кўзи,  
Ким билар, қайларда бу ғам илдизи,  
Қайлардан отилган камон ёйлигин?!

Сўзсиз сўроқларга яқин келасан,  
Кафтинг йиғлаб берар секин силасанг,  
Тушуниб етасан, аниқ биласан,  
Дунёнинг қавуши пойма-пойлигин.

### Хаёлим сенда бўлди

Гулсафсарлар кўз очиб,  
Еллар яйраб кетганда,  
Совуқ сукунат қочиб,  
Қушлар сайраб кетганда –  
Дилимга соғинч тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Офтобнинг ўткирлиги  
Ўрикзорга қанд берди,  
Шамолнинг олғирлиги  
Саратонга панд берди –  
Ичимга олов тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Осмон ҳамма юкини  
Сунбулага ортганда,  
Тишлаб олиб чекини  
Кўз мулоўим тортганда –  
Дилимга хазон тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Қиличини қайраб қиш,  
Ойнак ётинганда сув,  
Эшитмай бирон олқиш  
Музлаб бўлганда орзу –  
Кўзимга йиғи тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

\* \* \*

Кетгим келмас умид боғидан,  
Аламларга топарман тоқат.  
Йиқилгим йўқ дил чарчоғидан,  
Кўриб қўйсин бир бесадоқат.

Тугамас дил парвариилари,  
Толса ҳамки, армон доғидан.  
Келмаса ҳам рўёб қушлари,  
Кетгим келмас умид боғидан.

Омонлашсин ўсма билан қош,  
Ҳайрон қотсин хазонрез фаслим.  
Мени ташлаб кетмагин бардош,  
Осонгина бўлмасман таслим.

Кун сўрайман ҳорғин жонимга,  
Мағрурликнинг баланд тоғидан.  
Ўт кетса ҳам хонумонимга,  
Кетгим келмас умид боғидан.

Андижон



**Алишер  
НАРЗУЛЛО**

1967 йилда туғилган.  
Хўжанд Давлат  
педагогика  
университетининг  
филология факультетини  
тамомлаган.  
“Рангин дунё”, “Яшил  
дарахтлар” шеъррий  
китоблар муаллифи.  
Айни пайтда “ЭКО  
олам” газетасида  
фаолият юритмоқда.

## Шун қалбимга кириб келдини

\*\*\*

Юлдузлар ёғдуси тўкилар,  
чекинар қоронғу шарпалар.  
Бир тутам нур кирар ичимга  
юракни ёндириб, парчалар.

Минг битта бўлакка бўлиниб,  
сочилиб кетяпман фалакка.  
Эҳтимол, энди дуч қилади  
бу ҳаёт мени бир малакка.

\*\*\*

Кўйиб борди гоҳо тамоқ,  
куйди гоҳо юрагим.  
Тоглар ошиб, етиб борсам,  
борми менинг керагим?

Кимдир туриб олқишласа,  
сен ер чизиб қаласанми?  
Ярим йўлда толиб қолсам,  
хузуримга келасанми?

Ғам бўзимга тиқилиб ё,  
ё қиё ҳам боқмайсанми?  
Мен жон тикиб борсам у тун  
эшигингни ёпмайсанми?

\*\*\*

Тешилганми дедим, бу осмон,  
бу ёмғирлар айтинг, нимаси?  
Мен тупроқман, чангим босилар,  
ўтиб кетар балким ҳаммаси.

Бир шамолми, кутдим, мен, аммо  
ташқарида ёнарди олов,  
Ёмғир суви кўзёши каби  
юзларимга тўкилди бирров.

Босилгандай юрагим ҳоври  
йўл олсамми яна қайларга?  
Хузурингга бормоқлик учун  
айлансамми ё шамолларга?!

\*\*\*

Уч кун бўлди: сарсонман-сарсон,  
юрагимга сизмайди ўйи.  
Бекатлардан ўтиб бораман,  
ғуссаларни қолдирган кўйи.

Ўрмонлардан безди юрагим,  
оқ қайинлар сизга ачиндим.  
Рутубатли замин бағридан  
кузатяпти айтгин мени ким?

Ким соғинчдан куйган дилимни  
кафтларига олар авайлаб?  
Мен ортимга қайтялман, ахир,  
орзуларни майда-майдалаб.

Салом тоғлар дейман, кўзимга  
кўринмас на хас, на қиёқлар.  
Чопай десам, хузурингизга  
бўйсунмайди, қаранг, оёқлар...

\*\*\*

Йиғлаётган бир осмонни ёхуд очун,  
қайрилиб ҳам қарамадим унутмоқ-чун?  
Қанча ёвса, шунча яхши эди ёмғир,  
шамол келди қайдан, билмам,  
келди нечун?

Ўю ёдим булутлар-ла кўчиб кетди,  
кўк очилди, самон йўли,  
юлдузли тун.  
Еру само кимга бунча кўзёши тўкди,  
тун қалбимга кириб келдинг қайтиб не-чун?

\*\*\*

Кўкни ташлаб кетмоқда қушлар,  
ерда эса ҳамма маст-караҳт.  
Хазонларни босиб борардим,  
рўпарамда йиғларди дараҳт.

Дийдаларим қотган, мен кимман,  
бу боғ нечун йиғлар, айтингиз?  
Худо ҳаққи, эй, ўтган кунлар,  
эй, сиз-қушлар, ортга қайтингиз!

\*\*\*

Урилиб кетмайин дея бир лаҳза  
қоқиндим, нимадир тушиди кўлимдан.  
Ўтиб кетаверди одамлар,  
мен қолмадим, мен ҳам йўлимда.

Чиқиб олсам бўлди нарига,  
кимгадир дард-юкимни ортмай.  
Тонга етиб бормоқчи эдим,  
мен бугун ҳеч нарса йўқотмай.

Аммо, бунинг иложи қани,  
тўхташ десам, юрак бермас дов.  
Тушиб қолди нимангдир дея,  
“Ҳой!” ҳам демас, ортимдан биров...

\*\*\*

Хазонлар тўкилди  
бошимга,  
Оёғим остида  
хазонлар...  
Ўзини ёдимга солмоқда:  
шу соат,  
шу лаҳза,  
шу онлар...

## Драматургия



### Кўчқор НОРҚОБИЛ

1968 йилда туғилган. ТошДунинг журналистика факультетида таҳсил олган. “Дарё ортидаги йиғи”, “Ўн саккизга кирмаган мен бор”, “Кулиб тур, азизим”, “Кўёшни ким уйғотади?” сингари насрий ҳамда “Хосиятли дунё”, “Кафтимдаги қизгалдоқ” шеърий тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## БИЗ ҲАМ ОДАММИЗ

### ПЬЕСА

#### Қатнашувчилар:

**Жайрон бобо** – чўпон. 80 ёшда.  
**Гулсум момо** – Жайрон бобонинг кампири.  
**Эсонқул бобо** – чўпоннинг ошнаси. 80 ёшда.  
**Бутунвой** – чўпоннинг тутинган ўғли. 35 ёшда.  
**Сора** – Бутунвойнинг севгилиси. 35 ёшда.  
**Қулмирза** – “Катта”нинг югурдаги. 40 ёшда.  
**Тиловолди** – чўпоннинг ўғли. 20 ёшда.  
**Земфира** – Тоҳир Тоҳировичнинг жазмани.  
**Тоҳир Тоҳирович** – шахарлик бойвачча. 60 ёшда.  
**Ҳайдовчи** – 30-35 ёшда.

### БИРИНЧИ САҲНА

Авжи баҳор. Олисда юксак тоғлар кўринади. Тоғ ёнбағирларига ям-яшил адирлар тутшиб кетган. Адирлар пойида қизгалдоқлар очилган. Бу манзара чўпоннинг чоғроқ ҳовлисидан яққол кўзга ташланиб туради.

Ҳовли ўртасида супа. Бир туп дарахт соя ташлаган.

Чол билан кампир супада чой ичиб ўтиришибди.

Нариқоқдаги сўрида эса уларнинг тутинган ўғли – Бутунвой. Бошини ерга эгиб, икки қўли билан чаккаларини маҳкам қисиб олган. Шу алфозда ўтириб, беаёв оғриқ азобида титраб-чайқалаётган бошини қўллари билан янада қаттиқроқ сиқиб, инграб, қалтирай бошлайди.

Саҳнадаги карнайдан туйқус ўқ овози, портлаш ва гумбурлашлар эшитилади. Жанг тўс-тўполони, қий-чув, ваҳимали отишмалар акс-садо бермоқда. Бутунвой сўрида ғужанак бўлиб ётиб олади. Оёқларини худди жони узилаётган кўйдаи типирчилатиб бақиради.

**Бутунвой:** А-а-а-а! Нее...сс...три...лай. Нет-нестрииил-а-а-ай. А-а-а-а!

**Гулсум момо:** (У томонга оёқланг югургилаб) Боламов, болам-а. Менгина ўлайин болам-а... Яна бошландима-а, болама...

(Жайрон бобо ҳам ўрнидан даст туриб кетади. Бутунвой-га қараб, бошини сарак-сарак қилади).

**Жайрон бобо:** Ов, худойима. Яна кўзгалдими-я... Кампир сув олиб бер. Ўзинг узоқроқ тур. Ана челақдаги сувни сеп...

(Гулсум момо Бутунвойнинг устидан бир челақ сув селиб юборади. Бутунвой ўзига келади. Жанг овозлари тинади. Чўккалаб олиб ҳўн-ҳўнғ йиғлайди. Гулсум момо Бутунвойнинг бошини бағрига босади).

**Гулсум момо:** Болажоним-а, болам. Ўзингни бос, айланай. Мени кўрқитма, айланай, Бутуним! Энанг ўргилсин, болам...

Сенга нима бўлди, қўй, йиғлама болам, йиғлама...

*(Жайрон бобо сўрида. Боши қўйи эгилган. Елкалари силкинади).*

**Жайрон бобо:** Уйи куйсин урушни чиқарганни. Уйгинаси куйсин. Шундай йигитни яримжон қип ташлади-я. Шундай йигитни хор қилди-я.

**Гулсум момо:** Айланайин, Бутуним. Тур ўрнингдан. Тур энди. Супага чиқ. Чой ичсанми, болам?

*(Бутунвой бош ирғаб, бир нуқтага тикилганча ўтираверади).*

**Жайрон бобо:** Қўй, индама. Тинч қўй. Ўз кўйига қўйиб бер. Бир ўзи пича ўтирсин. Енгил тортади.

*(Гулсум момо Бутунвойдан кўз узмай туради-да, ортига аянчли алфозда қараб-қараб супага, чоли ёнига келади. Супага чиқиб чоли қаршисига чўқади. Улар бир пас жим қолишади).*

**Гулсум момо:** Шугинани яна бир табиб-мабибми, дўхтир-пўхтиргами кўрсатмадик-да.

**Жайрон бобо:** Бормаган дўхтиримиз қолмади-ку, кампир. Ҳали Термиз, ҳали Де-нов, ҳали Душанбе дединг олиб бордим. Эскичадан ҳам армон қолмади. Чирок дединг, қилдик. Чилтон дединг, қилдик... Қушноч дединг, фол дединг... Қанийди нафи бўлса. Айт, яна нима қилай?

**Гулсум момо:** Бовоси, Обширдаги Ҳожар фолчига ҳам бир олиб боринг. Ҳамма мақтаяпти. Дап-доира чалиб дам соларкан. Жуда билонғич дейишяпти. Қаерида нима касали бор, шундай юзига сер солиб айтиб берармиш. Тўхтасин кампирнинг келини Мелихолни ҳам кўрсатишмаган табиби қолмаганди. Шунга олиб боришган экан, бўйида бўпти. Инс-жинсним қувармиш.

**Жайрон бобо:** Табиб-дўхтирлар билмаган давони фолчи хотин қаердан билсин.

**Гулсум момо:** *(Бутунвойга қараб қўйиб)* Сизам дўхтирнинг гапини гапирасиз. Тен-так-пентак, жинни-пинни бўлсам майлийиди, давоси йўқ дердим... Ақли-ҳуши жойида. Касали вақти-вақтиминан кўзийди. Уволига қолманг, бовоси...

*(Рўмоли учи билан кўзини артиб, йиғлай бошлади).*

**Жайрон бобо:** Бўлди қил! Бўлди қил, энди... Бозор куни олиб бораман. *(уҳ тортиб, ўзича)* Ҳожар фолчигаям оборганим бўлсин, лекин фойдаси бўлармикан... Шўрлик боламнинг бош оғриғини Яратган эгамдан бошқа ҳеч ким чиқариб ташлолмайди...

**Гулсум момо:** Худойимнинг раҳми келсин, бовоси. Буям бир сабабда энди. Шу баҳона бўлиб тузалиб кетса ажабмас...

**Жайрон бобо:** Бўлди қил... кампир. Якшанбада борамиз дедим-ку... *(Бутунвойга қараб)* Ўғлим бу ёққа ке. Бир пиёла чой ичиб ол. Ке, ўтираверасанми энди.

*(Бутунвой ўрнидан туриб чол-кампирнинг олдига келади. Бобо чой узатади. Бутунвой бош ирғаиди. Супа ёнидаги чўпон таёгини олиб, ортига қайтади)*

**Гулсум момо:** Бутунвой, ке ўтир, болам. Овқатланиб ол. Кейин чиқасан. Сурув қочиб кетмайди. Қорнингни тўйғизиб ол, айланай.

*(Бутунвой йўқ дегандай бош ирғаиди-да, таёгини судраганча чиқиб кетади. Жайрон бобо ҳам, Гулсум момо ҳам унинг ортидан термилиб қолишади).*

## САҲНА Иккинчи кўриниш

Яна ўша – чўпон ҳовлиси. Тонг пайти. Кампир билан чол ўша супада нонушта қилишмоқда. Сўрида Бутунвойнинг жойи бўм-бўш.

**Жайрон бобо:** Бутунвой сурувдан қайтмаса, ўзим бориб келаман... тили забони йўқ бўлгани билан ишига пишиқ, хумпар...

**Гулсум момо:** Бовоси, қишлоқдан Турди кал келувди кеча... Ҳали сиз тоғдан қайтмагандингиз.

**Жайрон бобо:** *(синчков тикилиб)* Нима иши бор экан?

**Гулсум момо:** Ўғлини уйли-жойли қилаяптикин. Чолингиз бир дириққи бўлсам кўзи бериб туролмасмикин, дейди.

**Жайрон бобо:** *(жаҳли кўзиб)* Менинг қўй-қўзиларим дирриқи деб ўша исқоти чолга ким айтибди?

**Гулсум момо:** *(қулмасираб)* Ҳазиллашади-да, бовоси. Икковингизнинг ҳеч замон-

да бир-бировингизга тўғри гапингиз йўқ-ку... Ҳа, кейин айтдики... (иккиланади)

**Жайрон бобо:** (жаҳлланиб) Ҳа, кейин нима деди. Тимирскиланмай гапир... Кўзи бўлса, ана, ўзимизнинг кўзидан бировини бер. Ёмон бўлсаям минг йиллик ошнам. Сен бошқа гап гапирмоқчийдинг?

**Гулсум момо:** Пардабой қизини Омон партиёга эрга бераётганмиш.

**Жайрон бобо:** (ортага тисланиб) Нима, нима?.. Нима деясан ўзи? Эсинг жойидами?

**Гулсум момо:** Эсим жойида. Турди кал ошнажонингиз сизни шу – Соранинг тўйига ҳам айтиб кетди...

**Жайрон бобо:** Омон партия Пардабойнинг жўраси-ку, ҳаммамиз тенг-тўшмиш. Сора унинг кенжа боласидан ҳам кичик-ку?

**Гулсум момо:** Замон бузилди, бовоси. Пардабойингизди худо урганга ўхшайди. Омон партиангиздан ҳам тавфиқ кўтарилибди...

**Жайрон бобо:** Сора рози бўлибди де.

**Гулсум момо:** Мен не билай?

**Жайрон бобо:** Энди Бутунвойнинг ҳоли... Бечора боланинг шўри кўп эканда... Сора шуни деб шу пайтгача эрсиш юрди.

**Гулсум момо:** Нимасини айтасиз, бовоси. Дудуқ бўлсаям, одамови бўлса-ям шуни дейман. Ўла-ўлгунимча Бутунвойингизни дейман, деб йиғлаб-йиғлаб юрагини очар эди, қизалоқ шўрлик...

**Жайрон бобо:** Бутунвой армияга кетишидан олдин Сора икковиға нон синдири-либ, фотиҳа ўқилганда, устида эдим. Тавба, ўша Омон партиянинг ўзи Сорага совчилик қилувди-я. Ҳа, иймонсиз-а! Ҳай иймонсиз!..

**Гулсум момо:** Ҳой, даври даврон ўтиб, омад кетгач, бошинга осмон тушади, дегич эди отам раҳматли. У пайтлар Бутунвойнинг отаси Шердулло шўронинг кўли узун эди...

**Жайрон бобо:** Шердулло шўрони пахта иши, ўзбек порохўр деб ўрис терговчилари қамашгач, хотини Кунсулуга қийин бўлди.

**Гулсум момо:** Нимасини айтасиз... Эри қамокда ўлгач, Кунсулуг ҳам бу дардни кўтаролмади. Бир ойдан сўнг омонатини топширди. Ичи куйиб кетганаканда, бечоранинг...

**Жайрон бобо:** Ёлғиз ўғил Бутунвой эса ариза ёзиб, афгон урушига кетди. Боласи тушмагур, шу жойда хомлик қилди.

**Гулсум момо:** Қўлинг сингур, Бердиқассоб, Бутунвойни синглимининг ортидан эргашма, деб ўтган куни ўласи қилиб калтаклабдиям.

**Жайрон бобо:** Ит ҳам, куш ҳам жуфтига талпинади. Бу ахир бир беэён одам боласи-ку, кампир. Гапиролмагани билан ақли бут.

**Гулсум момо:** Чойингизни ичинг, бовоси. Бутунвойга адир этагидаги ғумайзорни ўрдиртираман. Қишлоққа жўнатмайман. Алағда бўлманг, олинг.

**Эсонқул бобо:** (овози) Жайронқул! Ҳой Жайронқул! Оч эшикни. Нима бало чол-кампир бекиниб олиб пул санаяпсанларми? Отингни сот, молингни сот, чўпон бўл экан-да-а?!

**Жайрон бобо:** Ҳой, ке-келавер, Эсонқул. Эшик очиқ, келавер!

(Чол-кампир ўрнидан туришади)

**Эсонқул бобо:** Эй ошнажон, бу дейман кампиринг билан ўта искритний гаплардан олаяпсизлар чоғи, а?! Ке, бир бағримга босай. Омонмисан? Кўришмаганимизга ҳам йил ўн икки ой бўлибди-я?

(Гулсум момо супадан тушиб, ўчоқ бошига юзургилайди. Эсонқул бобо ёстиққа ёнбошлаб, ўртоғига сирли қараш қилади).

**Эсонқул бобо:** Хўш, Жайронқул, аҳволинг яхшими? Суяқ енгилми?

**Жайрон бобо:** Шукр. Худога шукр. Бир нави. Юрибмиш сурувнинг кетидан судралиб. Ўзингдан сўрасак. Бола-чақа... кампиринг... тан-жони соғми? Қишлоқда нима гаплар?..

**Эсонқул бобо:** Шу чўпонлик деб элдан узилиб ҳам қоласан-да.

**Жайрон бобо:** Нима қил дейсан? Мовриди кемааяпти. Бораман дейман, ҳали у иш чиқади, ҳали бу иш чиқади...

(Гулсум момо чой келтириб, супага ўтиради. Чолларга чой узатади).

**Гулсум момо:** Қишлоқда нима гаплар, Эсон бово?

**Эсон бобо:** Бойбича гап кўп. Яхши гапам бор, ёмониям... Тунов кун Хидир омборчи тўй қилди. Одам мўрмалахдай ёғилди. Бу ёғи Мўминқул, Обширдан, Жобу, Қорлик, Миршодигача – тумандаги ҳамма қишлоқдан гуррос-гуррос эл келди. Шўрчи, Денов, Қумқўрғон, Жарқўрғондан полвонлар келди. Хидир омборчи икки томонидаги қўшнисининг ҳам

ҳовлисини бульдозир билан суриб, девор-певорини текислаб, истодион қилди. Мунча одамни сен тушунгдаям кўрмагансан. Сўнг Тошкентдан телевизорга чиқадиган зўр-зўр артист қизларни олиб келиб ашула айттирди. Ҳайчиларни опкелиб ўйнатди.

**Жайрон бобо:** *(ёқтирмай)* Бўпти, бўпти, оғзинг сув очиб, мақташга тушиб кетдинг. Ҳа, майли яна нима гаплар бор, мулло Эсон? Қишлоқда қанақа гап-сўзлар?

**Эсонқул бобо:** Ҳимм, *(ўйга толиб, уҳ тортиб)* Бевафо дунё. Тўхтасин кампирнинг келини Мелихол бандачилик қилди.

**Гулсум момо:** *(анграйиб қолади)* Туппа тузук эди-ку, шунча йилдан бери энди бўйида бўлибди, дейишаётувди.

**Жайрон бобо:** Касал-пасал эканми? Шўрлик Тўхтасин кампирга қийин бўпти-да.

**Эсонқул бобо:** Нимасини айтасан. Биттагина ўғлиям пияниста эди. Лекин раҳматли келини тилло эди. Ўғли кампирни уриб-сўкса ҳам ўртага тушарди.

**Гулсум момо:** Нима бало, Саттор палакат уриб-нетибдими?

**Эсонқул бобо:** Зуби бор экан, бўқоғи... Ҳаммасига мана шу завод, алюминий заводи сабабчи. Ҳозир қишлоқдаги бўз болалардан тортиб, бўй қизларнинг аксари касал. Бўқоқ, бепушт...

**Жайрон бобо:** Ҳақ гапни айтдинг. Завод Тожикистон гранисасида бўлса ҳам заҳари бизга оқиб келяпти.

**Гулсум момо:** Томорқадан ҳам ҳосил олиш маҳол бўлиб қоляпти.

**Эсонқул бобо:** Ёш-яланглар кўпи Тошкентга – мардикор бозорга кетишяпти... Кун кўриш керак-ку барибир. Ҳа, қўйинглар энди. Шу-шу, шундай қилиб бошқа, яхши гаплардан гаплашайлик. Сурувингда нима гап? Қўй-қўзинг кўпаяяптими?

**Жайрон бобо:** Кўз тегмасин. Бу йил ўт яхши. Сурувни Бутунвой ўтлатаяпти бугун.

**Эсонқул бобо:** Яхши бола. Лекин, шу-шу, шундай қилиб, ҳалол садоқатли бола. Дардини берган худо шифосиниам беради.

**Гулсум момо:** Тиловолдим кетгандан бери, бобосига шу Бутунвойим суянчиқ бўп турипти.

**Эсонқул бобо:** Дарвоқе, эсим курсин... Дунё дардлари билан бўлиб, Тиловолдингни сўрамабман. Қалай, хат-хабар кеп турибдими? Ишлари қандай? Сендай бир оддий чўпоннинг боласини, чет давлатга бориб, ҳалиги практик қилиши, энди катта гап-да...

**Гулсум момо:** Хат-хабар кеп турибди. Худо хоҳласа, ёзда отпуска олиб келаркан...

**Эсонқул бобо:** Чин бўлсин. Чин бўлсин. Худойим қўлласин. Боланг анча эсли-хушли чиқди.

**Жайрон бобо:** Эсонқул, бу Сорага Омон партия совчи қўйибдими?

**Эсонқул бобо:** Сўрама... Қариганда мияси айнаб қопти заңгарди.

**Жайрон бобо:** Э, мия бўлса айнайди-да.

**Эсонқул бобо:** Шунақа. Қизнинг отасини қара, шунга рози бўпти-я! Ҳовли жойимни хатлаб бераман, деганига учибди.

**Жайрон бобо:** Аввалдан ҳам кўзи оч эди. Хотинини раисга эрга бериб, раис қамалгач, тагин қайтариб олган нотавон-да. Садқаи одам кетсин шу Пардабой...

**Гулсум момо:** *(тараддудланиб)* Мен адирга чиқаман, бовоси. Бутунвойдан хабар олай. Нон-туз олиб борай.

**Жайрон бобо:** Бор. Сурувни ғумайзорга ҳайдамасин. Сув ичмаган ғумай қўйни ёриб ташлайди. Эртага тўл олгани келишади. Қўзиларни алоҳида, териси яхши қўзиларни алоҳида кўтонга қамасин.

**Гулсум момо:** Ўтган кунгидай кўзёш тўкиб жанжал қилади... Бутунвойнинг кўнгли бўш.

**Жайрон бобо:** Қўзи бўлгандан кейин сўйилади-да... Эртага сурувга чиқмайди. Шу ерда, уйда қолади. Ким айтади уни урушда бўлган деб.

**Гулсум момо:** Мен кетдим, бовоси. Бинойидай ўтиринглар.

**Эсонқул бобо:** *(томоқ қириб)* Хўш. Шу-шу, шундай қилиб, Ошнажон, бир илтимос билан келувдим. *(белидан белбоғини ечиб дастурхонга қўяди)* Шу-шу...

**Жайрон бобо:** Шу-шуламасдан мақсадга кўч. Бу нима?

**Эсонқул бобо:** Пул. Неварамни уйлантираяпмиз. Биласан, отасининг қўли калта. Бировларнинг уйида мардикорлик қилади... Хуллас, шу-шу, шундай қилиб, десанг, келиннинг қалинига юборишга учта кўзи берсанг. Ўзим йиққанним шу... Кам албатта. Лекин, ўлмасам қайтараман. Бозорда бу пулга биттагина кўзи беради...

**Жайрон бобо:** *(ўйланиб)* Тўй қачон?

**Эсонқул бобо:** Кейинги бозор куни.

**Жайрон бобо:** Бўпти. Лекин, ўзимниқидан бераман. Хўжалиқнинг қўйи шундоғам камайиб кетди.

**Эсонқул бобо:** Қиш совуқ келди, чўзилди. Нима бало, қўйингни бўри қийратдими?

**Жайрон бобо:** Бўрилардан-ку, қўриқлай оламиз, лекигин, икки оёқли бўриларга бас келолмаяпман.

**Эсонқул бобо:** *(ёқасига туфлаб)* Ё тавбангдан, нима деётганингни тушунмадим...

**Жайрон бобо:** Нимасини тушунмайсан. Балодай тушуниб турибсан. Ҳа, бу икки оёқли бўрилар ёмон. Бўрини отсанг ўлади. Қувласанг кетади. Булар эса ҳеч балодан тап тортмайди.

**Эсонқул бобо:** Кимлар экан шу-шу, шундай қилиб, икки оёқли бўрилар?

**Жайрон бобо:** Кўрмаганман. Фақат уларнинг номидан келишади.

**Эсонқул бобо:** *(таажжубда)* Ном-поми бордир? Биларсан?

**Жайрон бобо:** Бор. Номини "катта" деб келишади. Уларнинг ҳаммасининг исми-шарифи "катта" бўлса керак.

**Эсонқул бобо:** Кўп қўйингни қийратишдими?.. Ўша бўрилар, эй-йўғе, "катта" деганларинг.

**Жайрон бобо:** Туманга нима кўп келади, комиссия кўп келади. Келганларнинг ҳаммаси "катта" дейиларкан...

**Эсонқул бобо:** Шундай қилиб қанча қўйингни еб қўйдилар?

**Жайрон бобо:** Билмадим, ҳисобидан ҳам адашдим...

**Эсонқул бобо:** Ундай бўлса, берма. Муттаҳамлигинг борми, тилинг қисикми?

**Жайрон бобо:** Қўй давлатники... Сиз боқаверинг... Нима қилишни "катта"лар ўзи билади, дейди шотирлари келиб.

**Эсонқул бобо:** Ҳисоб-китоби бор, эртага мен жавоб бераман демайсанми?

**Жайрон бобо:** Дедим. Ундай бўлса, сурувни топширинг. Сиздан бошқа ҳам чўпон бўламан дегувчилар кўп, дейишди...

**Эсонқул бобо:** Вой ярамастар-ей. Устларингдан арз қиламан демаядими?

**Жайрон бобо:** Эй, уларга бир нарса деб бўладими? Умрим сурув кетида ўтди. Қўй ортидан эргашиб нон едим... Сурувдан айрилсам, ёлғиз болам Тиловодиннинг ҳоли нима кечади? Бутунвойим нима қилади?

*(Шу маҳал ташқарида юк машинаси овози эшитилади. Жайрон бобо жим қолади. Кўрқув аралаш Эсонқулга қарайди).*

**Жайрон бобо:** Келди...

**Эсонқул бобо:** Нима келди? Ким келди?

**Жайрон бобо:** Бўри келди... Йўқ... йўқ, бўрининг шотири келди.

*(Эшик тақиллайди).*

**Қулмирза:** *(овози)*Жайрон бобо, эшикни очинг. Нима бало, қўй гўшти еб bosлиқиб, мудраб ётибдими бу чол? Ҳой, ким бор. Очинглар.

**Жайрон бобо:** *(югурғилайди)* Ҳозир очаман. Ҳозир. Мана, бораяпман...

*(Қулмирза гердайиб кириб келади. Атрофга аланглаб, Эсонқул бобога кўзи тушади).*

**Қулмирза:** Эй-е, ўзлари ҳам шу ерда экан-да-а, бобой? Маърака-мажлиси ё кампирлар ҳақида гийбатми? *(ҳе-ҳелаб кулади)* Дунёнинг ғавғоси йиғилса бутун, чоллар гийбатидан бўлолмас устун...

**Эсонқул бобо:** Ва алайкум ассалом. Қул, қул... ҳалиги Қулмирзавой.

**Қулмирза:** *(истеҳзоли, қўли кўксиди)* Ва алайкум ассалом! Хуш кўрдик, Эсонқул бобо. Хуш кўрдик...

**Эсонқул бобо:** Ўзларини хуш кўрдик, Ботир чорикнинг кенжагина ўғли, Қул...мирза.

**Қулмирза:** Бобой, гапингиз ўқдай, ўзингиз... ҳалигдай...

**Жайрон бобо:** *(суҳбатни юмшатиш ниятида)* Шу, Эсонқулбой тўйга айтгани келган экан-да, миним. Ҳа, ўзингиз қалай? Дамлимисиз? Суягингиз энгилми? Менинг Ботир ошнам, чопиб-чопқиллаб юрибдими? Умри узоқ бўлсин. Зап яхши одам...

**Эсонқул бобо:** Ҳей, Жайрон жўра, Ботир ошнамитиз отдай. Бизнинг эски улфат-а. Лекин ичимизда ҳалиги ўлгирга, оқ шайтонга шугина ошнамининг садоқати зўр бўлди-да. Ҳалиям отангиз шиша қурғурни қўйнидан қўймайди-да. Омборчининг тўйида тошкентлик ўйинчилар билан тулпордай гижинглаб ўйинга тушди. Ҳаммани қойил қолдирди ўзим.

**Қулмирза:** Эсон бобо, шу пичингларингизни сира ташламадингизда. Мени

кўрсангиз, орқангиз тутиб, ажинангиз кўзийверади. Димоғингиз осмонни ёради-я...

**Эсонқул бобо:** (*кесатиб*) Эй, болам, бизда димоғ нима қилади. Димоғ сизда-да. Кимсан – Қулмирза. Катталарнинг ҳалигиси... нимаёди, яқинисиз ишқилиб.

**Қулмирза:** (*жаҳл билан*) Бу ерда масхарабозлик қилишга вақтим йўқ.

Шошиб турибман. Мана, бу қоғозларга қўл қўйинг, Жайрон бобо.

**Жайрон бобо:** Нима қоғоз булар, болам?

**Қулмирза:** Индамай қўл қўяверинг. Сизга нима? Хужжат. Шунчаки, хужжат. Катта айтди. Топшириқ шу!

**Жайрон бобо:** Майли, майли... Лекин билиб қўйганим яхши-да... ўзингиз тушунтиринг, Қулмирзавой.

**Қулмирза:** Ведомост... Ем-хашакка. Сурувга бериладиган ем-хашак.

**Жайрон бобо:** Худога шукр, бу ёғи баҳор! Кўкламга етдик. Қишда бўлганда майли эди. Ҳозирча унчалик зарурат эмас, Қулмирзавой.

**Қулмирза:** Ҳали ҳам бу ем-хашакларни чиқим қилиб юборганмиз. Кўй-қўзингиз ўт-ўланни ейверади, яйловда ўт белурди бўлиб қолган-ку...

**Жайрон бобо:** Шу, чиқимга мени аралаштирманг, болам...

**Қулмирза:** Унда кимни аралаштираман? Чўпон сиз-ку, бобой?!

**Эсонқул бобо:** (*зардали*) Қулмирзавой, хужжат-пужжатсиз, қоғоз-қаламсиз гаплаш-сак бўлмайдами? Келинг, бошқа гурунглاردан олинг.

**Қулмирза:** Вақтим зиқ. Нариги кирга – Қосим чўпоннинг ҳам олдига ўтаман. Давлатнинг иши уйинми, сизга, бобой?!

**Эсонқул бобо:** Уйинмас, уйинмас... Лекинг, Жайронбой ҳам нимага қўл қўйишини билиши керак-да, болам.

**Қулмирза:** Эсонқул бобо, ёмонам закончисиз-да. Одамлар беҳудага гапирмайди-да.

**Эсонқул бобо:** Сен закон сўраясан. Бу индамай турсинми? Буни бесаводлигидан фойдаланиб ҳамма нарсага қўл қўйдираверасанми? Йўқасам, кутиб тур, Гулсум кампир келади. Қоғозларингни чолига ўқиб беради. Кейин қўл қўяди.

**Қулмирза:** Сиз аралашманг. Ҳурматингизни билинг, бобой.

**Жайрон бобо:** (*ялпиганнамо*) Тортишманглар. Қўйинглар энди, болам.

**Қулмирза:** Унда манавинга қўл қўйинг. Катта айтди, дедим-ку...

**Эсонқул бобо:** Қани, менга бер-чи, Жайрон.

(*Жайрон бободан қоғозларни юлқиб олади-да, кўзойнак тақиб ўқий бошлайди*).

**Эсонқул бобо:** Хўш, шу-шу, шундай қилиб, эшит Жайрон: 5 тонна саяярка, яъни ер мойи, 80 тонна селос, 35 тонна арпа, 75 тонна беда, 25 тонна сомон, 700 тонна кунжара, 100 тонна кепак олган экансан. Хўш, шуларни олганмисан?

**Жайрон бобо:** Йўғе, бу йил ем-хашак олмадим-ку. Қўйга бунча сомоннинг нима кераги бор? Кунжара билан кепак отличқаям топилмайди-ку.

**Эсонқул:** (*кинояли*) Мана олди деб ёзишган. Шунча нарсани қаерга гумдон қилдинг?

**Жайрон бобо:** (*жовдираб*) Бу йил ем-хашак бўлмади-ку...

**Эсонқул бобо:** Унда қўйни нима билан боқдинг?

**Жайрон бобо:** Кузда... ҳалиги коллежди болалари бир ой ўқимасдан тикан ўриб йиғишди-ку... Қўйлар шу тиканни еб қишни ўтқазди...

**Эсонқул бобо:** (*Қулмирзага*) Мана кўрдингми, сен эса, шунча нарсани бу шўрликнинг бўйнига осаман дейсан...

**Қулмирза:** Эй, сизга нима, сиз нега бурнингизни тикасиз ўзи?! Ёшингиз бир жойга борганда охиратингизни уйлаб, уйингизда оёқ узатиб ётсангиз бўлмайдами? Ёзувчилик ярашмайди сизга.

**Эсонқул бобо:** (*дарғазаб*) Менга қара, кўзингиз олайтирма, бола. Мени билмайди дейсанми? Колхознинг қаерига ем-хашак эқдинг? Қаери бедазор, кўрсат менга. Гектарлаб ерга картошка-пиёз экиб, гумдон қилдинг. Колхознинг омборига кирмаган тонна-тонна кунжара, кепак ёғи узангидагиларнинг ҳовлисига кириб кетганини билмайди, дейсанми? Отанг тенги одамнинг охиратини кўйдирмоқчимисан? Кўзингни оч, бола. Пайтавангга қурт тушганиниям биламан. Текширувчи келаётганини ҳам биламан. Ёзувчилигимни энди кўрасан, зумраша...

**Қулмирза:** (*орқага тисланади, дудуқланади*) Бово, оғзингизга қара-а-аб гапиринг. Катта-а... катталар айтди. Шу, ҳалиги...

**Эсонқул бобо:** Елкангдаги нима, каллами ё нима? Чориқчининг боласи? Катталар жардан ташла деса, ташлайверасанми?

**Жайрон бобо:** Қўй. Шовқин солма, Эсонқул!

(Эсонқул бобо қоғозларни қўйнига солиб эшикка юради... Ҳовли ўртасида туриб қолади-да, қоғозларни қўйнидан олиб отиб юборади).

**Эсонқул бобо:** Ҳей, Жайрон! Шу жинқарчанинг олдида тилинг қисикми? Ўргилдим сендан. Менга деса, шулар билан билган нарсангни емайсанми? Хайф сени-я!

(Чиқиб кетади. Қулмирза дадилланади.)

**Қулмирза:** Чаёнчол! Турган битгани захар! (ердан қоғозларни олади.) Бу мияси айниган чол валдирайверади. Ҳеч ким сўрамайди. Кўл қўйинг.

**Жайрон бобо:** Шу қоғозларсиз ҳам нима десаларинг, айтавераман. Нима кераги бор, болам... Мен бир оми чўпон бўлсам...

**Қулмирза:** Вақт зиқ бобой. Бўлмаса, сурувни топширинг. Каттанинг ғазаби ёмон... биласиз.

**Жайрон бобо:** Мана, Қулмирзавой. Катта нима деса шу-да.

**Қулмирза:** (қувониб) Маладес, бобой. Бу бошқа гап. Аммо лекин, анови сассик чолнинг йўригига юрманг. Дарвоқе, кейинги шанбада ёнингиздаги Сувлисойга Тошкентдан меҳмонлар келади. Каттанинг дўстлари. Тушундигизми, бобой?

**Жайрон бобо:** Меҳмонлар келгани яхши-да.

**Қулмирза:** Хўш. Иккита ширбозни, семизидан бўлсин, тандирга босасиз. Иккита қўчқорни эса сўйиб, тайёрлаб қўясиз. Оп кетишади. Катта айтди. Ўзлариям келади. Нега рангингиз оқаради. Қўрқманг. Буниям қонуний қиламиз. Акт бўлади. Битта имзонингиз, вассалом (хе-ҳелаб кулади).

**Жайрон бобо:** Қулмирзавой, кеча одам юборган экансиз. Улар ҳам "катта"нинг келини "дугона чақирди" қилаяпти, базм қиляпти деб, машинага икки қўйни босиб кетишди. Олдинги кун яна бир катта тумандаги йиғилишга тандир гўшт тайёрлатиб олиб кетганди. Эртага каттанинг неварасини чипрон қилишаркан. Ҳисори қўчқордан бирини сўйиб, гўштини тайёрлаб юборсин, дебди. Ана боғлиқда турибди. Сурувдан олиб келиб боғладим. Шу, Қулмирзавой бироз истиҳола чиқиб турибди.

**Қулмирза:** Шалвираманг, бобой. Айтаверинг.

**Жайрон бобо:** Бу ишларнинг эртага жавоби бормикин, деб қўрқаман. Кейинги ойларда юзга яқин қўй кетди-ёв.

**Қулмирза:** Эй, нега қўрқасиз? Каттанинг ўзи турибди орқамизда. Так что, қўрқманг (кулади).

**Жайрон бобо:** Тўғри-ку-я. Кейинги пайтлар бунақа "ҳадя"лар кўпайиб кетди-да. Шу дейман, "катта-катта", дейсиз, мен у кишини ҳеч кўрмаганман. Катта деганингиз ўзи қандай одам, бир олиб келсангиз яхши бўлармиди...

**Қулмирза:** Каттани кўришингиз шартмас. Лекин у киши сизни ҳар куни, ҳар дақиқада кўриб туради. Ҳа, шундай.

**Жайрон бобо:** (чўчинқираб) Ростданми? Қулмирзавой. Қандай қилиб?

**Қулмирза:** Каттанинг кўзи кўп, қулоғи кўп. Яъниким, биз кабилар ҳам каттанинг кўрар кўзи, эшитар қулоғимиз.

**Жайрон бобо:** Қулмирзавой, шу катта ўзи неча одам. Битта каттага шунча довдавска, тўй-ҳашам, йиғин-анжуман кўплик қилади-да.

**Қулмирза:** Содда кўринганингиз билан айёргинасиз, бобой. Устозингиз Эсонқул тирриқ бўлгач, саводингиз ошади-да, а?

**Жайрон бобо:** Гапи-да болам. Гапи. Шайтон ўлгир ҳар хил хаёлларга бошлайди.

**Қулмирза:** Шайтонга ҳай беринг. Шайтонга!

**Жайрон бобо:** Майли болам, майли...

**Қулмирза:** Катта сизни мукофотга ёзмоқчи. Илғор. донгдор чўпон бўлиб дунёга таниласиз ҳали.

**Жайрон бобо:** Қуллуқ, қуллуқ... (таъзим қилади)

**Қулмирза:** Бобой, шундайроқ, ўртача қўчқорча бўлса ҳам бўлаверади... Кечкурун, ҳалиги, ҳалиги келинингизнинг укаси келади... "Нива"нинг орқасига босиб жўнатарсиз...

**Жайрон бобо:** (бош эгиб) Тушундим, Болтажон келаркан-да, яна...

**Қулмирза:** Болтажонмас. Болтажон радной қайним-ку. У касофатни бу ерга йўлатмайман. Баҳодир келади. Иккинчи келинингизнинг укаси.

**Жайрон бобо:** Ие, қуллуқ. Одамлар айтишувди. Ишонмовдим. Қосим қассобнинг қизи... ҳалиги, оти нима эди, эрини қаматган Хайринисога уйланибсиз-да...

**Кулмирза:** *(ўқрайиб)* Ҳей, бобой! Сизга нима дахли бор бунинг. Айтганимни қилинг, вассалом!

**Жайрон бобо:** Тузук... тузук... Хўш, Хайринисо қачон келади?

**Кулмирза:** *(жаҳлланиб)* Хайринисомас, Баҳодир келади.

**Жайрон бобо:** Майли, майли болам. Сиз нима десангиз шу. Катталар ишини билиб қилади.

**Кулмирза:** Бўпти. Мен кетдим... Кўнгилни тўқ қилинг. Қаддингизни тутинг бобой, қаддингизни тутинг.

*(Чолнинг елкасига қоқиб, шахдам қадамлар билан чиқиб кетади).*

## ИККИНЧИ САҲНА

### Биринчи кўриниш

*Адирлик. Олисда қўй-қўзилар. Гуллаган дарахт тагида Жайрон бобо ва Бутунвой ўтиришибди.*

**Жайрон бобо:** Умр тезоқар дарё деганлари шу экан. Кечагина шу қирларда то-вонимдан ўт қақнаб юргувчи бола эдим. Ҳаммаси кечагидай – ҳеч нарса ўзгармаган. Манову адирлар. Мана шу сурув... Қуёш. Осмон. Ҳатто кўлимдаги манови таёқ ҳам. Бундан ўттиз йил олдин раҳматли отам шу таёқни топширувди. Ўшанда бош чўпон бўлувдим. Қувонганимни айтмайсан. Шу қир-адирлар, сурув-сурув кўйлару ўтов... ўзимники деб билганман. Юрагим ҳам отнинг калласидай эди. Бировга гап бермасдим. Майда гап қилганини чангитиб сўкардим. Жайрон чапани деб чўчишарди. Қўрқув деган-ни билмасдим. Отарга бўри ораласа, тинчитмагунча тинчимасдим.

*(Бутунвой анграйганнома бош силқийди. Бобо ўзича давом этади).*

**Жайрон бобо:** Гапирмайсан. Балки тўғри қиларсан... Бехудага оғизни чарчатган-дан нима фойда? Балки дунёнинг авғоларидан безиб кетганингдан гапирмассан, бо-лам? Ким билсин, балки сен гапирсанг, бу дунёни ларзага соларсан. Нима бўлгандаям кўзларинг гапиради. Кўзларингга қараб туриб, нима демоқчилигингни: қувончингни ҳам, ғазабингни ҳам билиб оламан...

**Бутунвой:** *(бошини сарак-сарак қилиб)* Ях...ши. Ях...ши... ях...ши...

**Жайрон бобо:** Мен ҳам сени яхши кўраман, болам. Ўз боламдай яхши кўраман. Мо-манг ҳам яхши кўради. Уфф, тақдир-да буям, сенга суюниб қолдик... Тилаб олган ёлғиз Тиловоқдимиз олисларда. Ҳей, бир нарсани тушунмайман... Олим бўламан деб олис жойларда кў-ўп ўқигандан кўра, ўз эли, ўз она-тупроғида ҳам шу қиладиган ишини қилса бўмасмикан, деб ўйлайман... Масалан, манови дарахтни қара... Гуллайти, ҳосил бера-ди, меваси пишади. Эл бахраманд бўлади. Шугина дарахтнинг ҳам нафи тегади элга... Билмасам, мен оми одамман... Лекин, мана шу юртга, Ўзбекистонга, халққа нафи тегса-ку хўпу хўп. Лекигин, шу жойнинг шароити, шу жойнинг тупроғи, ҳавоси тўғрисида чет жойда илм қилиб, оввора-сарсон бўлиш шартмикин, деб ўйлайман-да, болам. Қизиқ, пахтачиликни ўрганаман, деб чет элга ўқишга жўнабди, боласи тушмагур Тиловоқдим... Шундай ўйлаб қарасанг ўзбекка пахтачиликни, деҳқончиликни, боғбонликни ўргатиб бўлараканми? Тоғай сувчи, Эшмат тракторчи, Фулом биргат ҳар қандай олиминг билан бемалол беллашади... Шундай одамларга экин-тикинни ўргатиб бўлармикан?... Мен бер-корга айтмаяпман. Мана, ўтган ойда, ёш бир олим келди, шу чорва бўйича ўқиган экан. Практик қилди... Сурувнинг кўтонини дориланг, укол уринг деб минг битта мол дори ёзиб бошимни гаранг қилди... Биринчидан, кўра очиқ, адирлик... Буни нимасини шамоллата-ман дедим. У айтган ҳалиги зорманда дориларсиз ҳам сурув зиён кўрмайди. У дорилар-ни туманда кундуз кунни чиरोқ ёқиб ҳам тополмайсан. Одам касал бўлса, дори-дармон топилмайди-ю... Сурувга, қўй-қўзига топилсинми? Хуллас, куракда турмаган гапларни қилди. Бир балоларни ёзди-ёзди, дўқ-пўписа ҳам қилди. Кейин... алдаб-сулдаб, яхши гапириб жўнатвордим... Баччағар, уям қуруқ кетмади... Ундай деди, бундай деди... икки қўйнинг шўрига шўрва тўқди. Эй, билмадим, буларга нима бўлган?

**Бутунвой:** *(бошини сарак-сарак қилиб)* Кат...та, кат...та, кат...та-а-а!

**Жайрон бобо:** Ҳа, уям катта-да. Қўлида папкаси бор. Дўқ-пўписасиям бор. Ҳей, нимасини айтасан... *(Жайронбобо кўлини елпана қилиб олисга қарайди. Ўрнидан ту-ради)* Бутунвой болам, биз томонга кимдир келаяпти. Келбатидан моманга ўхшамайди. Қўлида тугуниям бор.

(Бутунвой ҳам ўрнидан туриб қарайди-да, қалқиб кетади. Жайрон бобонинг қўлини ушлаб, ҳаяжонда).

**Бутунвой:** С-со-со-Сора! (у ёқдан-бу ёққа югуриб) С-с-о-ора! Соо-ра!

**Жайрон бобо:** (овози титраб) Тўғри айтасан, Сора келаяпти... Болам, Сора келаяпти.

**Бутунвой:** (қўли билан кўрсатиб) С-с-оо-ра... Соораа!

**Жайрон бобо:** Ҳовлиқма, жон болам. Ўзингни бос, болам. Сора бизни, сени кўргани келаяпти.

(Сора киради. Бошида рўмол, одми кийинган. Қўлида тугун).

**Сора:** Ассалому алайкум, Жайрон бобо.

**Жайрон бобо:** Эй, ва алайкум ассалом, Сора қизим! Тан-жонинг соғми, она қизим...  
Хуш келибсан, болам...

**Сора:** Бова, сизларга сумалак оп келдим. Оғзингиз тегсин дедим, бобо...

**Жайрон бобо:** (Соранинг қўлидан тугунни олади). Яхши қилсан. Мен ҳам, Бутунвой болам ҳам бу йил ҳисобидан сумалак татимагандик. Сенинг қўлингдан сумалак ейдиган бўлдик... (Бобо белбоғини ечиб, Бутунвойга узатади) Ҳой, бола! Нега қоққан қозикдай серрайиб қолдинг. Мана, дарахт тагига тўша. (Сорага) Қани, юр. Мана, шу дарахт таги Бутунвой болам икковимизнинг ҳордиқ жойимиз. Шу ерда туриб сурувни қузатамиз.

(Бутунвой югургилаб бориб, Сора ўтирадиган жойга белидаги белбоғини ечиб тўшайди. Бобога эса белбоғини қайтариб беради. Бобо кулимсирайди. Сора қимтиниб бориб ўтиради. Ёнида Бутунвой чўқади. Бобо ҳам ўтириб фотиҳага қўл очади).

**Жайрон бобо:** Болаларим, ризқларинг бутун, тан-жонларинг соғ бўлсин... Умрларинг зиёда бўлсин... Эл-юртимиз тинч бўлсин. Яратган ҳаммамизни ўз паноҳида асрагин... (Сора билан Бутунвой бир-бирига ер остидан титраб қараяпти. Бу ҳолни сезган Жайрон бобо ўрнидан туради). Болаларим, сизлар пича гурунглашиб турунгллар. Сурувнинг олди анча опислабди. Хабар олиб қайтай.

(Бобо таёғини олиб адир томонга кетади... Сора рўмол учи билан юзини тўсиб йиғлайди. Бутунвой ерга боқади. Елкалари титрайди... Кўшиқ янграйди).

Чекка бир қишлоқнинг чекка уйида,

Сунбул сочларини тараб-ўрган қиз...

Кечалари яшаб висол ўйида

Тунги тушларида мени кўрган қиз...

(Икки ошиқ ҳамон бир-бирига термилади. Бутунвой қалтираган қўлларини узатиб Соранинг юзини силайди, кўзёшларини артади. Сора ҳам унга қўл чўзиб, Бутунвойнинг сочларини силайди. Иккаласи бир-бирининг қўлидан тугиб ўрнидан туришади... Ўртага юриб келишади. Соранинг рўмоли бошидан тушиб кетади. Бутунвой энгашиб олади-да, уни юзига босади... Сора тагин унга термилиб қолади).

**Бутунвой:** Со-о-с-сор-а! М-ме-нн. Ммм ях-яхши...

**Сора:** (ҳазин овозда) Мен ҳам сизни яхши кўраман, Бутунвой.

**Бутунвой:** Ммм-мм-м. (қийналади, титрайди)

**Сора:** Нима қилай Бутунвой, тақдирим шу экан, Бутунвой. Тақдирим ўйилсин, Бутунвой. Ёзиғимда шу экан Бутунвой...

**Бутунвой:** (инграб) С-с-соо-ра...

**Сора:** Кўкайларим куриди. Кўк томирим чириди. Сизни яхши кўрсам нима қилай... Узоқлардан бўлса-да, кўрай дейман... Куйдим, куйиб кул бўлдим, Бутунвой... Бирга ўсдик, бирга ундик. Ўн йил бирга ўқидик... Биргина сизни кўрдим, биргина сизни билдим... Сиз туфайли бу дунёдан умидларим кўп эди. Армия дедингиз, кутдим. Лекин бу номард дунё чаппа кетди. Урушига ўт тушсин... Ҳаётимни ағдар-тўнтар қилди, Бутунвой. Ҳалиям сизни яхши кўраман, Бутунвой... Сизни демасам икки кўзим кўр бўлсин, Бутунвой... Айтинг, нима қилай... Ўзимни ўлдирайми, Бутунвой?!.

(Сора ерга чўккалаб олиб, қўлларини ёзиб, зор қақшаб йиғлайверади. Бутунвой қизнинг қаршисида тиз чўқади).

**Бутунвой:** С-со-ора... ммм-мм. Имм...

**Сора:** Мен йиғламай ким йиғласин, Бутунвой... Кўр бўлиб қолсам омон келсин, дедим. Майиб-мажруҳ бўлсам ўлмай келсин, дедим. Илоё қилдай жони омон бўлсин, деб икки йил туну кун дуои жонингизни қилдим. Бутунвойим омон-эсон келади, дедим. Ўла-ўлгунимча Бутунвойим билан бирга бўламан, дедим. У менга ваъдалар берган, дедим.

Бутунвойим меники бўлади, дедим... Уввв, тақдирим ўйилсин-а... Шу куним ҳам кўплик қилдими, Бутунвой? Сизни деб ёлғиз ўтишимга ҳам қўйишмас нима қилай, Бутунвой?

**Бутунвой:** (қўли билан қишлоқ томонни кўрсатиб) К-киим?

**Сора:** Мени тинч қўймаптилар... Шугина тоғлар томондан шамол эсса Бутунвойимнинг исини оп келаяпти, деб энтикаман... Шугина тоғлар бошига булут чиқса, Бутунвойим ёмғирда қолмасин дейман. Кечас ой-юлдузга қараб Бутунвойим ҳам ой-юлдузни кўриб турибди, дейман... Ҳар кун, ҳар тун сизни хаёлимга олиб юраман. Сизни унутолмайман. Лекин булар мени тинч қўймади. Мен буларга нима ёмонлик қилдим. Бутунвой (увв торттиб йиғлайди).

**Бутунвой:** (қўлларини мушт қилганча, титраб) Киим...м. Киммм! Им-ммм...мммм (ўкиради)

**Сора:** Отам, акам, гўрингда тўнғиз кўпқир, Омон партия! Мени шу отам тенги чолга узатишмоқчи. Нима қилай, Бутунвой! Омон партия менга кун бермаяпти. Менга эр керакмас, Бутунвой.

**Бутунвой:** О...т. О...т...! Им...

**Сора:** Йўқ... Уларни отмайсиз. Ўлдирмайсиз. Отиб, қўлингизни қонга бўямайсиз. Бировнинг қонини тўқманг. Бировнинг кўнглини тушунмагани худонинг ўзи уриб қўйгани эмасми?

**Бутунвой:** Ме-еенн... Қоон-қ-ўл! Қо-о-н!

**Сора:** Ундай деманг. Сизнинг қўлингиз қон эмас. Қўлингиз қон бўлган бўлса, бу сизнинг айбингизмас. Минг бир лаънатлар бўлгур урушнинг айби... бу!

**Бутунвой:** (қўшни тоғ томонга кўрсатиб) Т...о...ғ... Жаа...й... Жаа...ай...

**Сора:** Қанийди шундай бўлса, Бутунвой. Иложи бўлса сиз билан тоғ тугул дунёнинг нариги чеккасига ҳам бирга кетмасидим. Йўқ, бизга Жайрон бово ёрдам беролмайди... Ҳеч ким бизга ёрдам беролмайди...

**Бутунвой:** Н...н...н...и...им...

**Сора:** Нима қиламиз, дейсизми? Билмайман... Билмайман. Йигирма йилдан бери нима қиларимни билмайман. Йигирма йилки, элнинг оғзида эрмакман. Йигирма йилки, чора изладим, топмадим... Шу кунимга ҳам розийдим. Сизни онда-сонда кўриб турганимга розийдим. Тақдиримга тан бергандим... Энди иложим қолмади. Бу ерлардан бош олиб кетмасам ўзга чорам йўқ... Ўлсам ўламан... Отам тенги Омон партияга хотин бўлмайман. Мендан рози бўлинг, Бутунвой. Мен қишлоқдан кетаман.

**Бутунвой:** (ўрнидан туриб кетади. Сорага даҳшатли қиёфада қарайди) Қ...қ... қаёқ...а? Қаёқ...қ?

**Сора:** (ўрнидан туриб) Бошим оққан томонга. Жуда узоққа... Майли одамларнинг уйда чўри бўламан, кирини юваман, овқатини пишираман, бола-чақасини боқаман... Лекин мени ҳеч ким Омон чолнинг қўлига топширолмайди... Мен Бутунвойимнинг хаёли билан, Бутунвойимнинг муҳаббати билан яшайман.

**Бутунвой:** (кўксига муштлаб) Мммее...н. Я...х...ш. Я...х...ши!

**Сора:** Биламан Бутунвой. Биламан. Мен ҳам яхши кўраман... Сиздан рози-ризолик олгани келдим. Изн беринг, мен бу ерлардан кетайин. Пешонамдан кўрдим. Мени яхши кўрсангиз, изн беринг. Сиз мени яхши кўрасиз-а?

(Бутунвой лабларини тишлаб, тасдиқ маъносида бош силқийди. Сора унинг қўлидан туттади ва гуллаган дарахт тагига бошлайди. Ўтиришади).

**Сора:** Эсингиздами, айна мана шунақа баҳор кунлари эди. ўшанда тўққизинчи синфда ўқирдик. Тоғдан бир кучоқ қизғалдоқ териб келгандингиз. Қизғалдоқлар ҳали очилмаган, тугунча эди... Мен уларни сувли идишга солиб қўйдим. Қизғалдоқлар уч кун ўтмай чарақлаб очилганди. Мен уларнинг сувини кунига икки марта янгилардим. Сўлиб қолишини истамасдим. Қўрқардим. Қизғалдоқлар сўлиб қолса, худди ҳаёт гулларимиз қуриб қолади, деб ўйлардим. (ёрга қараб жимиб қолади) Бироқ бир гуллашнинг бир сўлиши ҳам борлигини кейин пайқадим...

**Бутунвой:** (лаблари пирпираб) М...мак...т...а... мак... мак...таб...

**Сора:** Мактабда доимо математикадан мисолларимни ишлаб берардингиз. Сизни ҳамма ҳурмат қиларди. Ўқитувчилар ҳам. Айримлари чўчирди. Кимсан раисполкомнинг ўғли Бутунвой дейишарди. (Бутунвой оғир хўрсинади) Эсингиздами, сиз бойсунлик машхур шоирнинг шеърларидан ўқиб берардингиз.

**Бутунвой:** (чеҳраси юмшаб, бош силқийди. Қўлларини осмонга кўтариб) О...с. ос...осм...он...

**Сора:** Ҳа. Эсингизда экан... Шеър шундай бошланарди:

Осмонга ҳам отгум тош

Гуноҳкор бўлса қуёш...

**Бутунвой:** Юл...юл... д...у...уз...

**Сора:** Буниси ҳам эсимда:

Юлдузлар порлаган шу осмон ҳаққи

Она-замин ҳаққи қасам ичаман.

Сен менинг қалбимда бир ўзинг балқи,

Истасанг шеъримдан мен воз кечаман...

**Бутунвой:** С...с...е...ен... Ме...е...ен... Шо...о...о...оир.

**Сора:** Ҳа, мен сизга "Сиз шоир бўласиз", дердим. Сизнинг юрагингиз тоза, сиз бошқачасиз. Сиз шоирсиз, дердим. (*жим қолиб, уф тортади*) Бироқ, қуёш гуноҳқорми, йўқми, бир кун келиб бизнинг бошимизга осмонга отилган тош эмас, осмон қулаб тушишини билмасдим. Бироқ, югурик вақт ёшликнинг қасамларини тан олмаслигини билмасдим...

(*Бутунвой Сорани бағрига тортади. Бошини силайди... Иккови ҳам бир мунча сўзсиз қолишади... Юк машинаси овози эшитилади. Иккови ҳам сапчиб туришади. Сора рўмолини бошига илиб, қалтираган қўллари билан унинг юзларини сийпалайди*).

**Сора:** Кимлардир келишаяпти. Мен кетай. Рухсат беринг... Бутунвой, мендан рози бўлинг. Мендан рози бўлинг, Бутунвой... (*Бутунвой яна титрай бошлайди*.) Мен энди кетай. Қишлоқдан кетаман. Тақдир nasib қилса кўришамиз. Сизнинг юзингизга оёқ қўймайман. Рози бўлинг... Рози бўлинг.

(*У Бутунвойни кучоқлаб ўлади. Сўнг жон ваҳмида унинг бағридан ситилиб... йиғлаган кўйи юзуриб чиқиб кетади. Бутунвой сөррайиб унинг ортидан қараб қолади... Бутунвой қўллари билан бошини чангаллаб, ўтириб қолади. Саҳнада портлашлар, гумбурлашлар, ўқ овози эшитилади. Худди биринчи саҳна бошидаги ҳолат намойён бўлади. Бутунвой гужанак бўлиб ётиб олиб, бақира бошлайди... Жанг садо-лари тинади*).

## ЎША САҲНА Иккинчи кўриниш

Бутунвой беҳол ётибди. Қулмирза пайдо бўлади. У Бутунвойга қараб тўхтаб қолади. Унинг ёнига келади. Йўталган бўлади. Бутунвой ихрайди.

**Қулмирза:** (*Бутунвойнинг теласида*) Энағарнинг боласи! Мастга ўхшайдию... Қайси гўрдан ичиб олдийкин... Ҳе, молга ўхшамай ўл. Сурувга энанг қарайдими? (*тепади. Бутунвой инграйди*) Ўзингни билмай қопсан-ку, айиқполвон. Тур ўрнингдан. Шу ивирсиқ чолнинг ҳам энасини... сен худо ургани шерик қилиб олиб юрганига ҳайронман.

(*Қулмирзанинг ортидан ҳайдовчи йигит киради*)

**Ҳайдовчи:** Чолдан дарак йўқ. Нариги қирга кетганмикин-а?

**Қулмирза:** Ким билади дейсан... Кампириникига кириб кетгандир-да. Анграйма, бор. Ўзинг бор... Пичоққа ярайдиган иккита семиз қўчқорни ушлаб, мошинга бос... Катта кутиб ўтирмайди. Кечиксак, теримизни шилади. Бугун настрайнаси йўқ... (*ҳайдовчи чиқиб кетади*)

**Бутунвой:** (*ихраб, ўрнидан кўзгалади*) М...м-иммм... Мм...мм...м!

**Қулмирза:** Мимиллама, пиёниста... Бошингни чангаллайсан... Калланг ёрилай дептимми? Кўпроқ ич, энағар. Чол қани? Қаерга йўқолди.

**Бутунвой:** (*қўли билан тоққа ишора қилади*) М-иммм... Т...о...офф!

(*Шу пайт кўлида чўпон тавқ Жайрон бобо кириб келади. Бутунвойга қараб, унинг аҳволини тушунади. Қулмирзага эътибор бермай Бутунвойнинг ёнига бориб уни турғизмоқчи бўлади. Бутунвой "қерак эмас" ишорасини қилиб қўл силтайди-да, бир амаллаб ўзи ўрнидан турмоқчи бўлади*).

**Қулмирза:** Нега бу ароқхўрни тетапоа қилмоқчи бўласиз. Бу ғирт маст-ку... Эси кирар-чиқар бўлиб ётибди-ку... Ундан кўра шопирга ёрдамлашсангиз, ўласизми?

**Жайрон бобо:** (*газаб билан Қулмирзага юзланиб*) Оғзингизга қараб гапиринг. Бечора бир бегуноҳ боланинг устидан кулманг. Буям худонинг бандаси, ахир.

**Бутунвой:** (*қўлини Қулмирзага бигиз қилади*) Б. б. -ў. .ўри. Б-б-ўри!

**Қулмирза:** (*хезланиб*) Нима, нима?! Ким бўри? Сенга кўрсатиб қўяман бўрини...

(*Бутунвойга ташланмоқчи бўлади. Жайрон бобо уни тўхтатиб қолади*).

**Жайрон бобо:** Ҳай, ҳай... Шу болага тенг бўласизми, Қулмирзажон. Бу бир касалманд бола бўлса. Шайтонга ҳай беринг, Қулмирзажон.

**Қулмирза:** Ҳалиям тили йўқ бунинг! Тили чаённинг захрига ботирилган. Бекорга дудук бўлмаган бу! Худонинг ургани шу-да! (*Бутунвойга*) Нега кўзингни чақчайтирасан.

**Бутунвой:** (*Қулмирзага ўдағайлайди... тутулиб дудуқланиб*) Ҳ..ҳ..ҳ-а...ар...ом. Ҳар...ҳаром!

(*Қулмирза жон ваҳмида унга ташланади... Ҳайдовчи югуриб кириб ҳай-ҳайлаб Қулмирзанинг кўлини ушлаб ажратади*).

**Ҳайдовчи:** Кўйинг ака, бу нодонга тенг бўлманг. Эси паст-ку... Фалокат босиб, ўлдириб-нетиб кўйманг. Тиригидан ўлиги қиммат бунга ўхшаганларнинг.

**Қулмирза:** (*бироз ҳовуридан тушиб*) Ҳой нари-мода... Хотинчалиш. Сен бировга сизиндирсан, энағар!..

**Жайрон бобо:** (*тутақиб*) Ҳой оғзингга қараб гапир. Бу бола ҳеч кимга сизинди эмас. Хотинчалиш деб сени айтса бўлади... Қулсан. Катталарнинг пойи-патагисан. Югурдагисан, баччасисан... Чориқчининг боласи! Бугун одам бўп қопсан-да... Сен бу болани сўкма, тақдирида шу ёзиғи бор экан... Лекигин бунинг палаги тоза. Отаси юрт сўраб, эл устида юрган одам эди. Отаси раҳматлининг бугун номи оқланган... Отаси тириклигида авлодинг билан соясига салом бериб юрардинг. Отнинг ўлими, итнинг байрами деб шуни айтишса керак, ноумид бўлгур! Ҳайф сенга... Йўқол, бу ердан...

**Жайрон бобо:** (*кўлини ҳаволатиб*) Отма, болам. Ўзингни бос, болам!

(*Бутунвой милтиқни ерга ташлайди-да, ортига терс ўгирилиб, дарахт тагида бориб ўтиради ва бошини чангаллайди*).

**Қулмирза:** (*ҳайдовчи етовиди чиқиб кетаётиб, Жайрон бобого*) Икковингням тилинг бир, кўрилон. Ҳали кўзингни очиб кўяман, турмада чиритаман... Сен мени отмоқчи бўлдинг-а, шошмай тур ҳали...

**Бутунвой:** (*тишларини гижирлатиб*) Б...б...б-бў...ў-ри... Бў-ў-ри!..

**Қулмирза:** (*ортига кета туриб*) Тилингни суғуриб олмасам отимни бошқа кўяман.

**Жайрон бобо:** Сени худого солдим, нонкўр. Омин, у дунёи бу дунё ҳаловат топмагин.

**Қулмирза:** Каттани ҳам ҳақоратладинг. Сўқдинг. Уйинг куймаса, одаммасман...

**Жайрон бобо:** Шундоғам одаммассан. Катта-паттанг билан кўшмазор бўл, юлғич, муттаҳамлар!

**Қулмирза:** (*чиқиб кетаётиб, ҳайдовчига*) Эшитдинг-а, гапини. Сен гувоҳсан. Энди ўлдим дейвер, сассиқ чол.

(*Қулмирза ва ҳайдовчи чиқиб кетишади... Юк машинаси овози эшитилади. Жайрон бобо елкалари силкиниб йиғлайверади. Бутунвой ҳам бемажол қишлоқ томонга қўлларини чўзади. Тиззалаб юраркан, унсиз йиғлайди. Қўлларини қишлоқ томонга чўзиб*).

**Бутунвой:** С...с...о...ора! Со...ра! Мим...мим... имм... Со...р...ор...а. Со...о...ра...

(Парда ёпилади)

## ЎША САҲНА (учинчи кўриниш)

*Адирлар. Баҳор тасвири. Чеккада дарахт. Дарахт тагида стол-стул. Столда мева-чева, турли хил ичимликлар. Қадди-баста келишган, жуда пўрми кийинган Тоҳир Тоҳирович столдаги жомларга ароқ ва шарбат қуяпти*)

**Тоҳир Тоҳирович:** Мана буни дам олиш десак бўлади. Оҳ..ҳ... Табиатни қаранг. Табиатни. Одамнинг яшагиси келади. (*ҳавони ҳидлаб*) О-о-о, тандир кабобнинг ҳидини... Димоғни ёраман, дейди... Беш кунлик дунёда даври-даврон сурганинг қолади-да. Ҳайём деган шоир топиб айтганда-а... Ёнингда бир жонон бўлса, бир кўйининг сони бўлса, кейин манови май ўлгурдан бўлса... бундай маишатни жаҳон султони ҳам тополмайди, деб. Ўлай агар шу ёшга кириб шу тўрт қатор шеърдан бошқа шеърни ёддан билмайман. Ҳе-э, шеър ўқишдан бошқа ишим йўқми, шеърни шоирларга чиқарган. Мингта шеър ёдлаганинг билан ёнингда бир чақанг ҳам бўлмай, чўнтагинг тешик бўлиб юришдан худо асрасин. Ҳозир шундай шоирлар истаганча топилади. Зўрға кунини кўришади-ю, димоғлари

осмонни ёради. Ўргулдим, сенлардан... (У теварак атрофга аланглаб, чеккадаги дарахта қараб овоз беради) Ҳоов, Земфира, Земфирочка... Келинг энди, сув бўйида кўп турманг. Тоғ ҳавоси... шамоллаб-нейтиб қолманг тагин... Земфирочка...

**Земфира:** Ҳози-ир... Ҳозиир... Бораяпмаан...

(Тоҳир Тоҳирович столни айланаётиб кўллари *ишқалайди-да*, дарахт томонга қараб анграйиб қолади. Соцларини ёйиб, ёқаси кўксигача қия очиқ халатда Земфира чиқиб келяпти. Юрганда халати баридан оппоқ оёқлари кўриниб кетади. Кўлида елим халтача, кийимларини алмаштириб чиқётганини пайқаш мумкин.)

**Тоҳир Тоҳирович:** (ҳайратланиб) Ооо! Оҳ-ҳов, ўзингизмисиз... Клеопатра бўлиб кетинг-э... Ана қомат, оҳ-ҳо... (ҳирс билан қизга термилади)

**Земфира:** (эркаланиб) Раҳмат сизга, акагинам... Шундай гўзал жойни биринчи кўришим. Тунов куни мақтаганингизча бор экан. Бу ерда уч кун эмас, уч ҳафта қолсам ҳам розиман. (столга қараб) Войбу... столни безатишни ҳам қийворибсиз, акагинам (шарбатли қадаҳни олади).

**Тоҳир Тоҳирович:** Сиз учун ҳамма нарсани есть қиламиз. (қизнинг кўлларида тутлади). Марҳамат, ўтиринг Земфиричка! Мен ҳам жон деб қолардим, лекин вақт... вақт... вақт... Худо хоҳласа, ёзги таътилда бир ойга олиб келаман.

**Земфира:** Раҳмат, акажоним...

(Тоҳир Тоҳирович унинг ёнига ўтиради. Қизнинг иягидан ушлаб ўзига қаратади)

**Тоҳир Тоҳирович:** Сизнинг соғлигингиз учун (ичишади).

**Земфира:** Шундай қилиб бугун қайтаммизми?.. Ҳалиги масалани ҳал қилиб берасиз-а? (Тоҳир Тоҳировичнинг бўйнига осилади)

**Тоҳир Тоҳирович:** (бироз безовталанган кўйи) Албатта, эркакнинг гапи битта бўлади.

**Земфира:** (кўлини узатиб) Ташланг бешни! Сиз яғонасиз. Сиз мардсиз, Тоҳир ака! Ўзимни акажоним! Сизни яхши кўраман!

**Тоҳир Тоҳирович:** Бўлди... бўлди... Мақтаворманг. Хорижга борасиз. Дарвоқе, домлаларингиз билан бир ойга гаплашаман. (бош силкиб, кинояли бурун тортиб) Ҳалиги болачани ҳам ўзингиз билан олиб қайтасиз... Бир ойдан сўнг иши тугайди унинг ҳам. Қарабсизки, тўйни бошлаворасиз. Ўзим бош бўламан.

**Земфира:** (айёрона боқиб) Ишқилиб ишқали чикмасмикин?

**Тоҳир Тоҳирович:** Нега ишқали чиқаркан? Шундай хурлиқога етишгани учун ақлдан озади-ю, бечора. Айтасиз-ку, ишқимда куйиб-ёниб кул бўлаяпти, ҳар куни мактуб оламан деб. Шундай амманнинг бузоғига турмушга чиқсангиз, номига албатта, менга ҳам, сизга ҳам яхши бўлади. Кейин яна унинг ёлғиз ўзини хорижга жўнатамиз, илм уммонига ғоввосдай шўнғиб юраверади. Сиз эса ўқишни давом эттирасиз. Кундуз ўқишда, кечкурун менинг бағримда бўласиз (ҳо-ҳо-лаб кулади).

**Земфира:** (ўйчан) Кечаги ҳафта врачга боргандим... Ҳалиги, ҳомиладорлигимни тасдиқлади.

**Тоҳир Тоҳирович:** (бепарво) Хабарим бор! Сиз кўрқманг, ҳаммаси жойида бўлади.

**Земфира:** (синовчан) Ёки олдириб ташласаммикин?

**Тоҳир Тоҳирович:** (синовчан) Кейин ҳомилангиз бўлмай қолиши мумкин. Тўйни тезлатсак, ҳалиги амманнинг бузоғи билиб ўтирибдими? Шунинг учун ҳам сиз уни бурнидан ип ўтказиб, бу ёққа олиб келинг деяпман... Ҳаммаси яхши, режа асосида кетаяпти...

**Земфира:** (қовоғини уюб) Мени қишлоққа олиб кетаман деяпти. Ота-онасига ёлғиз ўғил экан. Ота-онаси кекса эмиш. Қишлоқ бўлиб юраманми энди? Мол боқиб, таппи ёпиб... Ҳимм...

**Тоҳир Тоҳирович:** Тўйни ўтказиб олайлик, у ёғи бир гап бўлар.

**Земфира:** (яна жонланиб, эркаланиб) Сиз барибир зўрсиз, Тоҳир ака! Дугонам бор эди-ю, Роза! Ана ўшани, мақтаган кавалери, тепакал акажони қилар ишни қилиб қуйиб ташлаб кетди. Тўғри, уй олиб берди... Хотини билиб қолиб жанжал кўтарибди. Ҳозир ишининг ҳам мазаси йўқ эмиш. Терговда дейишибди. Сиз... (эркаланиб) анчагина тadbирлисиз, Тоҳир ака!

**Тоҳир Тоҳирович:** Ундай икки сўзли, икки ҳалигиси борларни бизга гапиринг, Земфираҳон.

**Земфира:** Тоҳир ака-а-а!

**Тоҳир Тоҳирович:** Ҳа, гапираверинг.

**Земфира:** Айтаверайми?

**Тоҳир Тоҳирович:** Бемалол.

**Земфира:** Менинг яна бир дугонам бор, ўн саккиз ёшда. Жудаям кетворган қиз... Шу дугонам айтдики, агар Тоҳир акангдай мард эркак топилса, бемалол унга ўзимни топшираддим. Бўйнига осилиб олмайман, фақат қўли узун бўлсин, топар тутарли бўлсин, деди.

**Тоҳир Тоҳирович:** *(ҳоҳолаб кулиб)* Фақат қўли узун бўлсин дедими-а? Ҳа-ҳа-ҳа...

**Земфира:** Боринг-э, мен сизни тушунадиган одам десам...

**Тоҳир Тоҳирович:** Яхши. Яхши... Менинг бир ўртоғим бор. Бизнесмен... Шуни бир илинтириб кўрсин-чи. Дугонангиз ишқилиб ўзингизга ўхшаганми?... Аммо менинг дўстим, аёл деса ўзини томдан ташлайди...

**Земфира:** Қачон учраштирайсиз?

**Тоҳир Тоҳирович:** Шаҳарга етволайлик. Эртага кечқурун. Ўзингиз билган жойда бир пиёла чой ичамиз.

**Земфира:** Лекин жуда яхши қиз. Дўстингиз қадрласа, бас. Дарвоқе, дўстингизнинг ёши неччада?

**Тоҳир Тоҳирович:** Худо хоҳласа, бу йил роппа-роса олтмишга тўлади.

**Земфира:** Ҳа, жуда соз... Тенгдош экансизлар. Ҳар ҳолда майда-чуйда хира пашшалардан тузук-да, шундайми-а?

**Тоҳир Тоҳирович:** Нима деяпсиз? У ҳар қандай мишиқининг патини юлиб, писиллатиб босиб қўяди. Кимсан, Қилич бойвачча деган номи бор...

**Земфира:** Бўлди. Есть! Сизга ишонаман.

**Тоҳир Тоҳирович:** Ҳалиги, аммамининг бузоғи, севгилингиз, хушторингиз сизга нима деса хўп деб туринг... Ўзиям сиз уни йўқлаб боришингизни эшитса нақ юраги ёрилиб кетса керак...

**Земфира:** Ҳа-ҳа. Хат ёзувдим. Бечора ўзини қўярга жой тополмай қолганмиш. Нодон, пулни қаердан топаялсан, кимдан олялсан, деб ҳам сўрамайди-ям...

**Тоҳир Тоҳирович:** Севги шунақа. Одамнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўяди. Сўрамабдими, демак яхши. Бошқа нарсаниям *(қизнинг қорнига ишора қилиб)* билмайди.

**Земфира:** Тоҳир ака! Хорижга чиқмаган эдим. Сиз туфайли омадим юришаяпти, шу баҳонада Германияни ҳам кўрадиган бўлдим. Бу ёғини менга қўйиб беринг. Уни тамоман ўзимники қилиб олиб қайтаман.

**Тоҳир Тоҳирович:** *(чайқалиб кулиб)* Лекин... билиб қўйинг, сиз тамоман уники бўлмайсиз. Тушунарлими... Тағин, тўйдан сўнг хушторингиз кучоғида эс-хушингиздан айрилиб, бизни унутворманг...

**Земфира:** *(кўзларини опа-кула қилиб)* Нималар деяпсиз, Тоҳир ака! Мен аллақачон сизники бўлганману. Кўз очиб кўрганним сиз. Бунинг устига... *(қорнини силайди)*

**Тоҳир Тоҳирович:** *(керишиб, кўлларини бир-бирига уриб)* Оҳ, аёллар, аёллар. Одамни телба қиласизлар-а? Жодуми бу, сеҳрми бу, билолмадим... Кўзимиз кўр, қулоғимиз кар энди...

**Земфира:** Биринчидан, аёллармас. Аёллармас. Мен ҳали аёл эмасман. Қиз боламан. *(тумтаяди)* Ахир ҳали тўйим бўлмаган-а, Тоҳир ака...

**Тоҳир Тоҳирович:** Майли сиз айтгандай бўлақолсин. Сиз ҳали онаси ўпмаган қизсиз... Ҳалиги бўлажак ёрингиз шундай ўйлай қолсин...

*(Телефони жиринглаб қолади. Тоҳир Тоҳирович лабига кўрсатгич бармоғини теккизиб Земфирага "жим" ишорасини қилади)*

**Тоҳир Тоҳирович:** Ало, ало! Ҳа, салом Сайёра! Яхшимисизар? Болалар қалай? Қудалар келиб кетишгандир? Кўрмайсанми, иш... иш... иш. Командировкаям жонга тегди. Тоғма-тоғ, оч-наҳор, ҳориб-чарчаб юрибмиз, хотинжон. Текширувимиз ҳам бугун ниҳоясига етади. Ҳа, албатта, йўлга тушаман, хотинжон. Хавотир олма. Сени соғиндим. Хўп, ҳозир ёнимда ҳамкасбларим бор, кейинроқ ўзим кўнғироқ қиламан *(ошқора уф тортади)*.

**Земфира:** *(кулимсираб)* Ҳа, акажоним, терлаб кетдингиз?

**Тоҳир Тоҳирович:** *(қўл силтаб)* Эй, хотин зотининг пойлашдан бошқа иши йўқ-да... Асабингни зговлайди. *(тоғ томонга қараб, қўлида телефонини ўйнатиб)* Ана цивилизация! Мана цивилизация! Уйинг куйгир сотивойнинг шу тоғлар орасида ҳам ишлаганига ҳайронман. Замон бошқача бўлиб борапти. Энди тоғ тугул, ер остига бекинсанг

ҳам кўнғироқ қилиб топиб олишади.

**Земфира:** *(табассум билан)* Лекин Тоҳир ака, сиз ҳар қандай вазиятдан ҳам бемапол кутилиб чиқоласиз, буни аллақачон пайқаганман.

**Тоҳир Тоҳирович:** *(эшитмаганга олиб қадаҳ узатади)* Қани жонидан, яна биттадан олайлик.

**Земфира:** *(қадаҳни олиб)* Хўш, дунёдаги энг танти инсон Тоҳир Тоҳирович, сиз учун ичаман. Бахтимга омон бўлинг.

*(Ичишади. Шу пайт машина овози эшитилади. Ичкарига таъзим қилиб Қулмирза кириб келади. Тоҳир Тоҳирович билан қўшқўллаб кўришади)*

**Қулмирза:** Ассалому алайкум, катта ака! Яхшимисиз катта ака! Бола-чақа, уй-ичи, ошна-оғайни, хели-хеш омонми? Суяк енгилми, катта ака! *(Земфирага)* Чечажон, сиз зам яхшимисиз? Суяк енгилми... Хўш...

**Тоҳир Тоҳирович:** Суяк енгил. Суяк енгил. Жудаям енгил, Қулмирзавой... Хўш, биз бугун қайтамыз. Шунга... шунга...

**Қулмирза:** *(чўнтагидан конверт олиб, паст овозда)* Мана ака, каттанинг ўзлари бериб қўй, дедилар. Бешта. Кўкидан.

*(Земфира томонга секин қараб қўяди. Земфиранинг кўзлари чақнаб, кулимсирайди... Тоҳир Тоҳирович атайлаб, мағрурона қиёфада қовоқ уйган бўлади. Гўёки бепарводой конвертни салмоқлаб кўриб, ён чўнтагига солади).*

**Тоҳир Тоҳирович:** Хўш, каттангизнинг ўзлари қаердалар?

**Қулмирза:** Срочно вилоятга чақаришди. Юқоридан одамлар кепти... Минг бора узр сўрадилар. *(Земфирага жилмайиб қараб қўйиб)* Дарвоқе, туман марказига тўхтаб ўтасиз. Чечам яхши кўрадиган коньякдан икки яшик тайёрлаб қўйдик. Кейин писта-бодом деганларидай...

**Тоҳир Тоҳирович:** *(мағруп)* Ҳа, майли. Ҳалиги, бошқа масалалар-чи?

**Қулмирза:** Хотиржам бўлинг. Машинангизнинг калитини берсангиз, бас. Иккита хисори кўчкорни тандир қилдик. Кейин ўнта барра... Камчилик бўлса, айтасиз.

**Тоҳир Тоҳирович:** *(Земфирага хушқайфиятда боқиб)* Ҳа, энди одамни шундай қилиб уялтирасизлар-да, Қулмирзавой. Бизлар проста бир тоғ ҳавосини кўмсаб, дам олгани келувдик. Ортиқча ташвишнинг нима кераги бор? Оббо, Қулмирзавой-ей...

**Қулмирза:** *(жилмайиб)* Эй, катта ака! Ойда-йилда бир келасизу, арзимасгина хизмат қилсак-қилибмизда, ака!

**Тоҳир Тоҳирович:** *(Қулмирзага қўл чўзиб)* Хўш, унда! Биз қайтдик. Эътибор учун ташаккур. Агар кўролмай қолсам, каттангизга миннатдорчилигимни етказасиз. Шаҳарга борганда албатта қиринглар. *(Земфирага қараб)* Қани, кетдик.

**Қулмирза:** Раҳмат, катта ака. Хизмат бўлса тайёрмиз. *(Таъзим қилади. Қўли кўксиди)* Сизларни тумангача кузатиб қўяй...

**Тоҳир Тоҳирович:** Эй, йўқ. Сиз қолаверинг. Биз ўзимиз...а *(Земфирага сирли кулимсираб)* кетаверамиз.

**Қулмирза:** Сиз нима десангиз шу, катта ака *(уларни кузатиб чиқади).*

Давоми бор



## Шеърят

## Юзунг оқ тонгмиди

### Юзунг оқ тонгмиди

Юзунг оқ тонгмиди, субҳидам чоғи,  
Муҳаббат насими кўзгалиб елди?  
Мен севиб қолдимми, умрим шомида,  
Бориб гул лабингни ҳидлагим келди.

Шодланиб уйгондим уйқуларимдан,  
Кўзимдан бир нафас кетмади кўзинг.  
Қалбим ўртаганда васлинг ҳижрони,  
Худойим, сабримга бер ўзинг тўзим.

Узоқдан кўрсайдим, майли, товушинг  
Эшитиб турсайдим гоҳи-гоҳида.  
Дил чамани ичра ўзинг булбулдек  
Кўниб турсанг эди жоним шаҳида.

Васлинг умидини узма кўнглимдан,  
Қалбинг меҳробида илтижом елди.  
Шу лаҳза туриб мен ибодатимдан  
Бориб гул лабингни ҳидлагим келди.

### Ўтинч

Юраксимон баргни лабимга босдим,  
Тўкилиб боряпман япроқдек бир-бир.  
Энди оғзимдагин тил деб атаманг,  
У дилдаги гапни айтмади, ахир!

Худойим, тил берса ҳарсанг тошларга,  
Ундан бошларимга етса зарбалар,  
Зулайҳо Юсуфни севгандек севгум,  
Тош диллар қалбимни таласа талар.

Шу битта тош зарбин кўтаролмаган  
Каслар орамизда юрибди нетиб?  
Биргина ўтинчим, сўнги дамда ҳам  
Оғзим япроқ билан қўйма беркитиб.



### Дилором ИСМОИЛОВА

1965 йилда туғилган.

СамДунинг ўзбек-тажик филологиясини тугатган. “Юрагимда гул шивир”, “Райҳон исли кунлар”, “Соғиниб кетдим”, “Меҳрибоним, қайдасиз” тўпламлар муаллифи. “Шухрат” медали соҳибаси.

### Кўзингиз офтоби уйғотсин

Поёни бормикан бу ҳижронларнинг  
У мисли чаёндек дилни чақяпти?  
Йиғламай дейману эплаёлмайман,  
Соғинчлар кўзимга дурлар тақяпти.

Атрофда ранглarning яшил жсаранги,  
Товушингиз келар совуқ симлардан.  
Шу совуқ симчалик бўлолмадим, мен,  
Сизни қизганяпман аллакимлардан.

Ҳижронлар таширифи чарчатди мени,  
Мен яшагим келар тилагингизда.  
Кўзингиз офтоби уйғотсин мени,  
Агар ухлаб қолсам юрагингизда.

### Илтижо

Қуртак ёзгандан то хазон бўлгунча,  
Умрни бошидан кечирган боғлар.  
Кўнглимдек ёнғувчи кўнгли бормикан,  
Айтинг, юрагимда қолмасин доғлар?

Қорлар ёгса ҳамки шохлар қошига,  
Йўлакда шивирлаб юрган хазонлар,  
Сиз каби эзилган бағирлар борми  
Айтинг, олдингизга келдим азонлаб?

Гарчанд, атрофимда одамлар кўндир,  
Бироқ, баъзан ўзни ёлғиз сезаман.  
Мен ҳам худди сизга ўхшайман боғлар,  
Мен ҳам бу ҳаётни жуда севаман.

Дарахтлар юраги тўқилмасин ҳеч,  
Баҳорлар безасин бутун оламни.  
Менга ҳам топиб бер, айланай, ўзинг,  
Кўнгли меникига ўхшаш одамни.

### Кўнглимга кўлинг сол

Юрагимни сила, кўлларингни кўй,  
Кўзларимни артгин, қон бўб йиғлаган.  
Содопоралар қилди уни қайси гам,  
Қайси бедил уни бунча тиглаган,  
Сўрамайсанми?

Ҳижрон карвонлари юрди устидан,  
Томирдан оқди армонлар мудам.  
Тилиб-тилиб кетди айрилиқ тиги,  
Чидадим, бардошлар айтди эҳтиром,  
Қарамайсанми?

Юрагимни сила, бағринга босгин,  
Бир умр сўроқлар келди олишиб.  
Кўнглимга кўлинг сол, Дилор эмасман,  
Ундан сен чиқмасанг дилга қоришиб...

## Юртини севган енгилмас куддир

### Боболар ва момолар

Бобо севар момони,  
Момо севар бобони,  
Одам Ато севгандай  
Гўзал Момо Ҳавони.  
Қадри баланд боболар,  
Азиз бизда момолар.

Азалдан камтирларга  
Чол ёқар соқоли бор,  
Ҳозирги боболарнинг  
Ҳар гапда мақоли бор.  
Оптоқ бўлса соқоли,  
Ярашгайдир мақоли.

Бобо эккан бугдойнинг  
Тўқдир доим бошоғи,  
Омон бўлса камтири,  
Увол бўлмас мошоғи.  
Хирмонлар донга тўлсин,  
Дастурхон нонга тўлсин.

Камтирларнинг ким айтар  
Оғзида бир тиши йўқ,  
Ўзларига қарашидан  
Бошқа бирор тиши йўқ.  
Уюлмасин қовоғи,  
Ошга тўлсин товоғи.

Чолу камтирлар, майли,  
Бўлишсин Мажнун-Лайли,  
Умрлари узайган хуб,  
Мустақиллик туфайли.  
Шундай бахтли замонда,  
Ҳамма бўлсин омон-да.



**Абдураззоқ  
ОБРУЙ**

1956 йилда туғилган.  
Москва Давлат  
университетини  
тамомлаган.

“Тўплам-хўплам”,  
“Бўйдоқ аскар”,  
“Ҳиринг-хириг”

китоблари чоп этилган.

**Бекободлик қиз**

*Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги “Тақачи” қишлоғида қизил гиштдан барпо этилган қабр бор. Ривоят қилишларича, бу қабрни Бобур қурдирган экан. У халқ орасида “Қизил мазор” деб аталади.*

*Бунга бўлиб ўтди бир қанча замон,  
Андижондан келиб, юрса бу томон,  
Душманлари кўйган унга зўр қопқон,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Ўзига хос эди шарми, ибоси,  
Жуда ярашганди жангчи либоси,  
Лашкар бўлишган-да, ота-бобоси,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Лашкар бўлишига ҳам зарур зўр талант,  
Мардларнинг доимо гайрати баланд,  
Қилични серпаган Алтомиш монанд,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Қуёш нури сочиб Шарқдан чиқади,  
Вафодорлар оддий халқдан чиқади,  
Аслида, бариси Ҳақдан чиқади,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Бобурни олдинда боғ, бўстон қутган,  
Тахт қутган, бахт қутган, гулистон қутган,  
Ярат деб, яшнат деб, Ҳиндистон қутган,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Бугун галат дунё, сеvgи бозорда,  
Ромео, Жулъетта роса озорда,  
Қандай тинч ухлайди “Қизил мазор”да,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

*Ўрнидан турдию шартта кетди у,  
Яна жангга, яна ҳарбга кетди у,  
Ҳаёни етаклаб, Фарбга кетди у,  
Бобурни қутқазган бекободлик қиз!*

**Аскар йигит**

*Халққа хизмат шарафли бурчдир,  
Йигит борки, шу бурчга ўчдир,  
Юртни севган энгилмас кучдир,  
Аскар йигит бу, аскар йигит.*

*Эл-юрт шағни олий номус, ор,  
Мардга бўлар юксак толе ёр,  
Постда турар доимо хушёр,  
Аскар йигит бу, аскар йигит.*

*Ҳаракатда ўтар ҳар они,  
Томирида аждодлар қони,  
Тинчлигимиз менин қалқони,  
Аскар йигит бу, аскар йигит.*

Қалаванинг топилди учи,  
 Ўн от кучи – бир посбон кучи,  
 Унинг учун муқаддас бурчи,  
 Аскар йигит бу, аскар йигит.

Барча қизлар кулиб боқар шу,  
 Биттасига жуда ёқар шу,  
 Бир кун унга узук тақар шу,  
 Аскар йигит бу, аскар йигит.

### Бир қиё боқ

Қадам босиб келасан,  
 Ёрим, аста-астагина,  
 Гуллар совға қилайин,  
 Борим, даста-дастагина.

Сенинг ишқинг ўтида  
 Куйсам нима, куйсам нима?  
 Сендай гўзал эшонани  
 Суйсам нима, суйсам нима?

Тошга ёмғир қор қилмас,  
 Ёққан билан, ёққан билан.  
 Кам бўлмайсан бир қиё  
 Боққан билан, боққан билан.

Бор юкингни орт менга,  
 От бўлайин, от бўлайин.  
 Бир умрга сен билан мен –  
 Шод бўлайин, шод бўлайин.

Қадам босиб келасан,  
 Ёрим, аста-астагина,  
 Гуллар совға қилайин,  
 Борим, даста-дастагина.





**Нодира  
БАРОТОВА**

1969 йилда туғилган.  
ТошДунинг  
ўзбек филология  
факультетини  
тугатган. Айни  
пайтда Тошкент  
Педиатрия тиббиёт  
институтини қўшидаги  
2-сон академик лицейи  
ўқитувчиси. Унинг  
“Юрагимнинг зангори  
ранги” номли шеърин  
тўплами нашр этилган.

**Дарахт япроғига мактублар  
битдим**

\*\*\*

Бу йўлларнинг йўқдай охири,  
Юравердим куз боғларида.  
Хайлимни сочиб юборди,  
Таниш анҳор ирмоқларида.

Қўёш чиқди бугун эртароқ,  
Шаббодалар шошиб қолдилар.  
Қўлларидан тўкилиб мактуб,  
Дарахтлар ҳам қотиб қолдилар.

Майсаларда ятираб шабнам,  
Қўёшидан чарчади ақраб.  
Иккимизга интиқ йўлларда,  
Чинор қолди номимиз сақлаб.

Унутилди ҳатто йўлаклар,  
Қалбимизга чўкди изтироб.  
Орамизда сочилиб ётар,  
Айриликлар ёзган бу китоб.

Бу йўлларнинг йўқдай охири,  
Кетиб бораяпмиз бесамар.  
Бир умид бор, ер-ку айлана,  
Тўқнаш кела ололсак агар.  
Бу йўлларда...

\*\*\*

Дарахт япроғига мактублар битдим,  
Қўлларимда ухлади юлдуз.  
Кутдим сени, кўп узоқ кутдим,  
Келдингми ё маъюсгинам куз?

Новдаларни тебратди сабо,  
Куйладилар куйларида сўз.  
Боғларингда тентираб юрдим,  
Келдингми ё маъюсгинам куз?

Пойимизда хазон шивирлар,  
Ариқларни тарк этди ялтиз.  
Сочларимга оратади оқ,  
Келдингми ё маъюсгинам куз?

Мажнунтоллар сочини ёйиб –  
Остонада йўл қараган қиз.  
Мен юрибман жавзодан ҳориб,  
Келдингми ё маъюсгинам куз?

Сен ҳижронлар фаслимисан ё,  
Ё боғлардан тўкилган афсус?  
Соқинликнинг гўзал манзили –  
Келдингми ё маъюсгинам куз?  
Келдингми ё маъюсгинам куз?

\*\*\*

Ёмғирлар шивирлайди қулоқларимга,  
Чала бошлайди куй, деразам чертиб.  
Гўё, эшитмадим унинг овозин,  
Сукут сақлайвердим пардани тортиб.

Чертаверма ёмғир дераза ромин,  
Шундоқ ҳам юрагим дарахт ёнида.  
Ахир, сезмадингми, сабримни синаб,  
У кутиб турибди... Соябонида?!

Ёмғир шивирлайди, ёмғир – хаёлим,  
Қуп-қуруқ жисмни қамадим уйга.  
Қара, юрагим ҳам жўр бўлаётир,  
Фақат сен бошлаган алёрга, куйга.

Ёмғир шивирлайди, ҳар томчисида  
Тўкила бошлайди фироқ унлари.  
Ёмғирми, ҳижронми, айрилиқларми  
Асрларга тенг деб айтган кунларим?  
Ёмғир шивирлайди...

\*\*\*

Ниҳоят, тўлдими сабр косаси,  
Дарахтлар бўлдими яна заъфарон?  
Қайси рўмолингни излаб юрибсан,  
Хазонлар тағидан, пушаймон?

Энди туну куннинг йўқми ё фарқи,  
Яна алдадимми ё лоқайд гафлат?  
Ёки сочларингга оқлар тушидими,  
Ўзидан-ўзи ҳам зериккан, тоқат?

Тақвим варағидай тўкилди япроқ,  
Тўкилди, тўкилди оёғимга куз.  
Нега тушмаяпман гурур отидан,  
Кутиб чарчадингми йўлимни, афсус?

Ҳориган боғларга етаклайди дил,  
Ютиниб қўяди гўзал фаввора.  
Орзулар овозин эшитар кўнгил,  
Пушаймон, тоқат ва афсус – бечора!..  
Ниҳоят...

\*\*\*

Ҳар куни шаббода олиб келади  
Висолнинг кечиккан изҳорларини.  
Ҳар куни намозиом олиб кетади  
Айрилиқнинг зилдай губорларини.

Ҳар куни саҳарлар олиб келади  
Умидимнинг оптоқ пояндозини.  
Ҳар куни оқшомлар олиб кетади  
Ишиқнинг биз эшитган пок овозини.

Ҳар куни такрордир дилда бир туйғу,  
Қишдан ўпқаланманг, маъюс майсалар.  
Бизни шом-саҳарлар чорлайёеради,  
Ҳаёт карвонида умр чайқалар..  
Ҳар куни...



**Ғайрат  
МАЖИД**

1976 йилда туғилган.  
ТошДУнинг  
журналистика  
факультетини  
тамомлаган. “Гул-  
санам”, “Ҳеч кимга  
ўхшамайсан”,  
“Кўзларингни  
соғиндим”,  
“Кўксимдаги  
юлдузлар”, “Ишққа  
борар йўл”,  
“Бобаларим юрти”  
шеърый китоблари  
нашр этилган.

## Кўзимнинг кафтида олиб юрганым

\*\*\*

Гулим, менинг кўнглимга қара,  
Офтоб каби порлар кўзимдан.  
Таттинурман сенга тобора,  
Ажраб-ажраб буткул ўзимдан.

Гулим, менинг кўнглимга қара,  
Оқиб тушимши юлдузлар мана.  
Нечун, нега, қай шартга кўра,  
Сени дейди, яна ва яна?!

Гулим, менинг кўнглимга қара,  
Бунда мангу гуриллар баҳор.  
Энг ифорли гуллардан сара  
Гулчамбарим сенгадир нисор.

Гулим, менинг кўнглимга қара,  
Недан дарак хазонрез боғлар?  
Ишқ дегани оқми ё қора,  
Сўзлаб бергай англасанг доғлар.

Гулим, менинг кўнглимга қара,  
Хаёл енгил, ҳаёт кўп оғир.  
Меҳринг билан авайла, асра,  
Куйиб адо бўлмасдан бағир...

Гулим, менинг кўнглимга қара...

\*\*\*

Қалдирғоч қошинга ўсмалар инган,  
Телба юрагимга гамлар ишибди.  
Ўша синиб кетган чўпон таёқчам  
Мисоли бир кўнгли, синса синибди.

Шафқатми, керакмас отини тутма,  
Аямай-аямай заҳарларинг соч.  
Бас, мени кутмагин аламли ютма,  
Дунё кўзларинг оч, менинг қалбим оч.

Ўзимга буйсунмас, тушунмайман ҳеч,  
Қайга ошиқмоқда қадамим шахдам?  
Эрта де, тилингдан тушиб кетсин, кеч,  
Одам бўлгим келар менинг ҳам, одам.

Менинг айтганимдан, айтмаганим чин,  
О, гариб кўнглимни ёритган хаёл.  
Мени ташлаб кетгин, сендан ўтинчим,  
Мени ташлаб кетгин, муниса аёл.

\*\*\*

Ишқми, кўкрагимда долазор очун,  
Осуда кунларим ёсуман, гамим.  
Айт, сен қаёқларда яшайсан гул –  
Кўзимнинг кафтида олиб юрганам?

Сен қайдан билардинг, дил, ором надир,  
Билмайман ютганим заҳарми, заққум?!  
Қувончлар дунёнинг беҳисларига,  
Тақдир тахирлари – бир менга тақдим.

Ким бор ҳавасингга арзигулик дил,  
Менга гина бир пул, бир тийиндир кин.  
Сираям дунёнинг хаёлидамас,  
Ўйинг-ла чўккалаб қолаяпман, чин.

Хазонлар баҳорга элтгайдир охир,  
Менман – кузакларга айланган олам.  
Юрагимдан кечдим, кўнглимдан кечдим,  
Бугун кечдим, мана, кечганимдан ҳам.

\*\*\*

Эй, гул...  
Айтгин, нигоҳларга керакми тилмоч?  
Тогдан тушаётган шаршара каби  
Йўқдир хаёлларни тўсмоққа илож.

Эй, гул...  
Бу не синоатдир, кўнглига ҳамроз?  
Менинг юрагимда гуллаб бородир  
Оламнинг бор алвон гуллари қийғос.

Эй, гул...  
Келгил, юлдузларни чорлайлик имлаб.  
Ахир, ким ҳам буну шарҳлаб берарди,  
Дунё деганлари – сўнги йўқ жумла.

Эй, гул...  
Шовиллаган денгиз мисли сеҳргар.  
Кимдир бахтга тўйдим деса, ишонгум,  
Тўйганлар бормикан тоза меҳрга?!

Эй, гул...  
Бу қандай оғриқдир, азоби нурли?  
Узун кипригингда омонат турган:  
Тамчими, шабнамми, маржонми, дурми?!

Эй, гул...

Жараён



## ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ

Сўхбат\*

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ жавоблари:

1. Асл ижодкорларни тақвим саҳифаларига қараб авлодларга бўлиш аънанасига унчалик қўшилолмайман. Назаримда, яқин-узоқ кечмиш ённки бугунги кун, аввало, адабий кашфиётлари ҳамда қаламқаш Шахслари билан эътиборга молик бўлгани маъқулроқдек. Таассуфки, тилга олинаётган вақт оралиғида бу эътирофга лойиқ асарларни рутбага муносиб зотларни санай бошласак, қўлларимиздаги бармоқларимиз ҳам ортиб қолади.

Дейлик, бирон асаридаги қаҳрамон тилидан эмас, ўзининг устидан кетаётган суд жараёнида "Мен тўғрилиқ орқасида, бош кетса "их" дейдирган йигит эмасман!" дея хитоб қилган улуг Қодирий Шахси қошида ҳайратлар ила бош эгмай бўладими? Партиянинг онгсиз солдат эмаслигини юксак минбарда туриб айта олган Қаҳҳор-чи? Тўғри, ижтимоий эврилишлар юз бериб, ёв қочғач, бу гап Қаҳҳордан бурун ҳам айтилгани борасида даъволар гимирлаб қолди. Ҳақ гап. Бу гапни Қаҳҳордан олдин ҳам айтишган, Қаҳҳордан кейин ҳам айтишди. Балки "партия" ўрнига "ғоя" тушунчаси ишлатилар, балки "мафкура". Аммо бу билан моҳият ўзгармай қолаверади. Муҳими — шу гапни АЙТА ОЛИШДА. Агар такрорлаш шунчалик осон экан, ибрат шундоқ кўз олдидарида турганидан кейин ҳам нима учун Қаҳҳорга жўровоз адиблар қатлами пайдо бўлмади, нима учун адабиётимиз осмонидан воқеа бўладиган асарлар ёмғири ёғмади: Қаҳҳор жасорати момақалдиरोқ бўлиб гумбуллаб қолаверди. Биль-акс, булун ўқисангиз уялиб кетадиган ёстиқдай-ёстиқдай рўмон-қиссалар узлуксиз босилиб чиқаверди. Нима учун қайта қуриш йилларида кўз-кўз этишга арзигулик "Зилзила"дан бошқа чоп этилмаган асар топилмади?..

Айтишларича, 60-йилларда аксарият ёзувчилар "Шу асарим чоп этилиб қолса, Қаҳҳор нима деркан?" деган адабий истиҳола билан ижод қилишаркан. Кейинги йигирма йил ичида мана шу тарздаги истиҳола унутилди. Бунинг объектив сабабларини санаб ўтириш анча вақтни олади, аммо асосийларидан бири, албатта, бу менинг мулоҳазам, адабиётимизда шундай Шахс(лар)нинг тақчиллигидир. Брехтнинг гапларини сал ўзгартириб айтadиган бўлсак, бундай Шахси йўқ адабиётнинг эмас, бундай Шахсга эҳтиёжманд адабиётнинг ривожланиши оғирроқ кечади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан 90-йилларнинг бошларига қадар адабий улоқ публицистика ва "фoш этувчи" (моҳиятига кўра, бу ҳам публицистика) асарларда кетди. Бунинг натижасида, адабий жараёнда маълум даражада "оқ доғлар" пайдо бўлди. Бу даврда энди адабиётга кириб келган қаламқашларни ўзимча "адаштирилган авлод" деб атаيمان. Илло, "социалистик реализм" исканжасида улғайган авлоднинг баногоҳ "қайта қуриш" қозонида қайнашию ўтган етмиш тўрт йил бўралатиб сўкилган нигилистик мақолаларни



Абдуқаюм  
ЙЎЛДОШ

1962 йили туғилган.  
Тошкент политехника  
институтида  
ўқиган. "Сунбуланинг  
илк шанбаси",  
"Тимсоҳнинг кўз  
ёшлари", "Бир тун  
ва бир умр" ҳамда  
"Авиудо, гўзаллик",  
"Банкир", "Катта  
ўйин" каби китоблар  
муаллифи.

\* Журнализмнинг ўтган сонларида сўхбат саволлари ва уларга олимлару ёзувчилар томонидан берилган катор жавоблар эълон қилинган эди. Ваъданимизга биноан, сизнинг ҳам муносабатингизни кутган ҳолда, сўхбатни давом эттирмакдамы.

ҳазм қилиши, айни пайтда, бозор иқтисодиётининг бизга номаълум жиҳатларини тезликда ўрганиб олиши, янги замона, янги ижтимоий талабларга, янги дид-савияга мослашиши, адабиёт тарихчилиги ва обрў воситаси эмас, қисмат эканлигини англаб етиши осон кечмади. Таъбир жоиз бўлса, адабиётда янгиси қурилмасдан туриб эскиси бузилди. Бу талотўпда анча-мунча одамнинг боши айланиб қолиши табиий ҳол эди, деб ўйлайман.

Нихоят, пўртана тиниб, сув юзасидаги хас-хашаклар оқиб кетганидан сўнггина "ярқ" этган асарлар ора-сира кўзга ташлана бошлади. Менинг назаримда, узоқ давом этган сивовлардан сўнг алоҳа адабиётимизда янги, овози "икки дарё оралигида" қолиб кетмайдиган авлод пайдо бўлгандек. Ажаб эмас, шу яқин йиллар ичида адабий истеъмолга "Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Баҳром Рўзимухаммадлар даври" деган истилоҳ кириб келса. Энг муҳими эса – менинг назаримда, албатта – адабиётимизда Эркин Аъзам, Шухрат Ризаев тимсолида Шахслар пайдо бўлди...

2. Ижодий эркинликсиз адабиёт иссиқхонада етиштирилган гулга ўхшаб нимжон ва бўйсиз бўлиб қолади. Фақат бу эркинлик сарҳадларини аниқлаштириб, дарҳол Хитой девори билан ўраб олишга шошмаслик керак. Биз учун муҳими – натижа, яъни адабиётимизда воқеа бўладиган асар. Мисол учун, Исажон Султон "Адабиётда тимсоплар даври келди", дейди, ўзиям турли экспериментларни яхши кўради. Унинг "Боқий дарбадар", "Озод" романларини ёки Чикагода ўтказилган халқро таълолда юқори ўринни олган "Айвон" ҳикоясини тилга олмаган тақдиримда ҳам, кейинги "Ота қасидаси"ни ўқиб ларзага тушдим. Ҳикоя қандай ".изм"да ёзилгани билан қизиқиш ҳам ўтирмадим, зеро, у менга анъанавий адабиётнинг чўққиси бўлиб туюлди.

"Дунёни бадиий-эстетик қабул қилишдаги яқинлиқ" борасидаги ташвишлар ҳам ўринсиз-ов. Ўзимча, бир тажриба ўтказиб кўрдим. Баҳром Рўзимухаммаднинг бир туркум "бошқотирма" шеърларини олдим-да, ҳар куни фақат биттадан ўқийвердим. Кейин мулоҳаза юритишга уриниб кўрдим: шoir бу мисраси билан нима демоқчи, буниси билан-чи, ўзи айтар гапи борми ва ҳоказо. Ишонаверинг, таассуротлар энг яхши ҳикоя ўқилгандек...

Албатта, эркинлик бор экан, унинг суистеъмолчилиги ҳам бўлади. Қалбидан эмас, қориндан чиқариб ёзаётган битикларини турли ялтироқ "изм"лар қобигига ўраб бераётган, "санъат – санъат учун, мени юз йилдан кейин тушунишди, ахир, аллақачон постмодернизм босқичидан ҳам ўтиб бўлганман" қабиллидаги пуч даъволар қилаётган қаламқашлар ҳам учраб турибди. Бусиз мумкин ҳам эмас, шекилли: тараққиёт тикансиз бўлмайди.

Булар ҳали ҳолваси. Ана, интернетни очинг, шафқатсизлигу фахш, қонхўрлигу зўравонлик тарғиб қилинган "асар"лар ачиб-бижиб ётибди. Аммо булар монитор-кути ичида-ку, деб хотиржам бўлишга ҳам асос йўқ. Яқинда бир каттагина кутубхонадан "Жаҳон адабиёти" журналининг лоақал биронта ҳам сони топилмади. Аммо жавонларни тўлдириб турган, қалин ялтироқ муқовали, оппоқ-силлиқ қозғоларда чоп этилган жилд-жилд китобларни варақлаб кўриб, ҳушимиз бошимиздан учди. Бу асарлар қандай қилиб бу ерга келиб қолди? Уларни қимлар ўқимокда?..

Ҳамон эсимда, олтинчи синфдалимда "Дон Кихот" ҳамда "Гаргантюа ва Пантрагюэль" китобларини олмоқчи бўлганимда кутубxonачи адабиёт ўқитувчимиздан рухсат олиб келишга юборганди. Бу ерда бўлса, ёш цензи олиб ташланган, нимани хоҳласанг, ўшани уйга олиб кетиб ўқишинг мумкин. Мана, сахий муаллифларнинг ўзлари ҳадея қилган китоблар қаторлашиб турибди...

3. Яхши асар ички норозилик ва бир олам орзу-умидлар, некбин ниятлар чоғишган қалб эҳтиёжидан туғилади. "Ура-ура" кайфиятидаги хотиржам кўнгилдан ҳеч қачон икки самимий мисра ситилиб чиқмайди. Агар шундай бўлмаганида эди, сиз айтаётган "совет адабиётининг аччиқ қисмати" дахрийлик эътиқод даражасига кўтарилган, зиёлилар қони дарё бўлиб оқаётган бир даврда "Уста ва Маргарита"дек дурдона асарга эга бўлмасди. Кўп ҳолларда мафкурага хизмат – баайни уста мусаввир ҳақиқий ижодининг юзасига оддий манзарани чаплаб кўйгандек – асарнинг ташқи кўриниши, холос, моҳият эса тамомила ўзгача. "Абадият қонуни"ни эсланг. Ёки Қаҳҳорнинг тенгсиз ҳикоялари қачон яратилган? Вахоланки, шундай адиб олтмиш ёшга тўлганида "...халқим ва партиям чизган чизқидан бир энлик ҳам четта чиққан эмасман, умримнинг охиригача халқимга, партиямга содиқ бўлиб қоламан", дейди. Қодирийдек зот ҳам "Манним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим", дейди. Аммо, шўқри, ўсма кетиб қош қолди, бугунги кунда ҳам адабиётимизнинг ҳар иккала Шахсининг абадиятга дахлдор асарлари – уларнинг кўнлаб салафларидан фарқи равишда – қўлдан кўймай ўқилмоқда.

Шубҳасиз, адабиётнинг ақл қамраб олиши мушкул бўлган даражадаги улкан миссия – вазифасини ягона "инсоншунослик" атамаси билан изоҳлаб бўлмас. Голливуднинг бир киноси бор. Замондошларимиз фақат оқ ва қора ранг бўлган жамиятга тушиб қолишади. Тасаввур қилинг, ҳамма томон фақат оқ ва фақат қора. Гўзаллиқнинг на товланиши бор, на тусланиши. Кўнлар бир хил, кайфиятлар бир хил, на қувонч бор ва на ҳаяжон; оломон камалак нима эканлигини билмай ўтиб кетмоқда. Адабиётсиз ҳаёт менга мана шу жамиятни эслатади...

4. Бани башар дунёга келибдики, онгли-онгсиз равишда, беҳитиёр адабиёт сари интилади, наинки унинг ёнида бўлишга, бу чексиз адабиётни сарҳадсиз қалбига жойлашга интилади.

ди. Дастлабки ҳарфлар, тошга ўйилган битиклар, қўшиқлар, дostonлар, эпослар – ҳамма ҳаммаси мана шу эҳтиёж ҳосилаларидир. Инчунин, адабиёт ҳамиша ва ҳар маҳал инсоннинг ёнидадир, бусиз мумкин ҳам эмас, ахир. Адабиётсиз тамаддунинг ўзи бўлмасди.

Асл адабиёт ҳамиша эзгулик, яхшилик, ёруғликнинг ёнида туриб “жанг” қилади ва бу кураш абадул-абад давома этакж. Бу – туннинг кун билан алмашинишидай табиий ҳол. Маълум вақтлар оралигида, бу “жанг” жараёнида кечадиган айрим тактик-стратегик ва-зифалар боис қандайдир жиҳатлар, омиллар олдинроққа чиқиб қолиши мумкин, аммо булар вақтинчалик тадбирлар, холос. Дейлик, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида биз Солженициннинг “ГУЛАГ архипелаги” асарининг босма сифати паст, ҳарфлари аранг кўринадиган “самиздат” нусхасини ойлаб навбатда тургандан кейингина ўқиганмиз. Бу асар том маъноси билан шўро даврини, Инсонни “мурватча” деб билган қонхўр Сталиннинг мудҳиш қирғинбаротини кўз олдимишга келтирди-қўйди. Сал кейинроқ чет элга қочиб кетган собиқ КГБ ходими Виктор Суворовнинг “Аквариум”, “Освободитель”, “История ВОВ” сингари асарларини шундай қўлдан кўймай мутолаа қилдик. Ҳа, шубҳасиз, булар жуда қизиқарли китоблар эди. Аммо улар бизга қимматли маълумотлар бериши, фавқулжда “қоз этиш” кўлами билан қадри эди, холос. Биз буларни шошиб ўқиб чиқдик ва яна Еврипид, Данте, Сервантес, Навоий, Машраб, Гёте, Достоевский, Кафка, Жойс, Қодирий ва Қаҳҳор...га қайтдик. Мана асл Адабиётнинг сўлиш билмас куч-қудрати, оҳанрабоиси!

Дарвоқе, ўрни келиб қолди, яна бир ҳолатни қайд этиб ўтай. Адабиётимизнинг янги авлоди кека авлод ўз асарларида никоблаб келган кўп ҳақиқатларни дадил айта олмоқда. Ёдингида бордир, авваллари уруш даври ҳақидаги қайси китобни – муаллифи уруш қатнашчиси бўлган тақдирда ҳам – ўқисангиз, йигитлар кўнгилли равишда Ватанни ҳимоя қилишга қўшиқ айтиб кетар, ортада эса уларнинг севимли ёрлари оқ рўмолча силкиб хайр-лашиб қолишарди.

Яқиндагина Ф.Каримийнинг “Лангар фожиаси” романида урушга қақирилган кишлоқ йигитларининг қабристонда яшириниб юришларини, Н.Ҳошимовнинг “Ўқ ва тиг” романида эса ўзбек йигитларининг жангоҳга худди кушхонага ҳайдалган қўйлар каби, кўлларига қурол ўрнига ёғоч милтиқ тутқазилиб (!) ташлашганини ўқидим. Мана, адабиёт қаерда! Ўйланиб қоламан, наҳотки, шу оддий ҳақиқатларни айтиш учун бизга шу-у-унча йил керак бўлган бўлса?

Адабиёт эзгулик учун курашишдан ҳеч қачон уялмайди, номус қилмайди, аксинча, Адабиётни ўша даражага олиб чиқа олмаган, унинг “атомдан зўр кучидан ўтин ёришда фойдаланиб юрган” биз қаламқашлар уялишимиз, номус қилишимиз керак.

Навоийга мурожаат қилайлик:

*Беша шерин гар забун қилсанг ишжаотдин эмас,*

*Нафе итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоё.*

Кўнглимишдаги моддийликка, ҳузур-ҳаловатга, тўкин-сочинликка бўлган минг бошли қутқуни енга олсак, садоқатли Адабиёт ҳамиша биз билан бўлиб қолади...

5. Ҳаёт ҳалқасининг ўзи узлуксиз янгиланишлардан иборат. Шоир айтганидай, тирилиш фақлида ўйгонмасанг – ўласан. Мен бундан йигирма-ўттиз йиллар муқаддам хорижда “Абадий инновация” атамаси ишлатила бошланганини ўқиб, ҳайрон қолгандим. Аммо тез орада бу тизим ҳаётий зарурат эканлигини англаб етдим. Зеро, шиддат билан ўзгараётган ҳаётимизда янги муносабатлар, янгича қарашлар янада тезлик билан шаклланмоқда, турмуш тарзимизга янгидан-янги илм-фан ютуқлари кириб келмоқда. Бугун дунёнинг нариги чеккасида юз бераётган воқеа-ҳодиса орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, бу чеккасида аён бўлади. Адабиёт ҳам ҳаётимизнинг муҳим мазмун-моҳияти сифатида доимий тадрижий ўсишда, ривожланишда. Шундай экан, янги замоннинг янги талаблари бу соҳада ислохотлар заруратини келтириб чиқариши ва бу эҳтиёжнинг воқеликка айланиши табиий бир ҳол.

Фақат бу борада қамина – изланишга асосланган ҳар қандай “изм” қатори постмодернизмнинг ҳам яшашга ҳақли эканлигини эътироф этган ҳолда – эҳтимолки, даққиюнсдан қолган қарашлар тарафдориман. Яъни адабиётнинг асосини, пойдеворини реализм ташкил этади. Мустаҳкам пойдевор устига эса янада мустаҳкам ва чиройли бинолар қуравериш мумкин, моҳият эса ўша-ўша бўлиб қолаверади. Яъни усул восита, холос. Мен бу фикримни юқорида И.Султоннинг бир ҳўқоиси мисолида асослашга уриндим, шекилли.

Мисол учун, Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романини қайта-қайта ўқийман. Аммо нимагадир шу пайтгача бирон марта асарининг қайси “изм”га тегишли эканлиги хусусида ўйлаб кўрмаган эканман. Муҳими – китобнинг таъсир кучи. Янада соддароқ айтидиган бўлсам, бу борада Қаҳҳорнинг қадим ўғитига қулоқ тутаман: “Янглиш маслаҳатларга амал қилиб асарининг ғоясини қидирар эдим. Бу ҳам бекорчи уриниш экан. Ҳақиқатан шундай. Асарнинг ғоясини қидиришга эҳтиёж борми? Асар ўқувчига қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа, ғояси ўша-да”. Бунда “ғоя” сўзи ўрнига “изм”ни қўйсак кифоя.

6. Яна кўҳна ҳикматга қайтамиз: мақсад воситани оқлайдими? Яъни бизнинг мисолимизда адабий ўйин яхши асарнинг юзага келишига сабабчи бўладими ёки ўйин – ўйин учун бўлиб қолаверадими?

Адабий ўйиннинг адабиётга айланганига эса анча бўлди. Бунинг учун Милорад Павичнинг шов-шув бўлган “Ҳазар лугати”ни эслаш кифоя. Бошидан-охирига, охиридан бошига, эркалар учун бошқача аёллар учун бошқача, мусулмонлар учун бошқачаю насронийлар учун бошқача ўқиладиган бу асар катта-катта ададларда, турли тилларда чоп этилаётганлигининг ўзиёқ кўп нарсадан шохидлик бериб турибди.

Биз эса мавзуга тегишли яна бир ҳикматни эслаб ўтамиз: ўйнаб ёзсанг ҳам, ўйлаб ёз.

Яна бир гап. Ишонасизми, яқинда интернетда шляпа шаклидаги шеърни ўқиб қолдим. Туппа-тузук бошқотирма. Ҳар қалай, бир марта қизиқиб ўқишга ярайди...

7. Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин. Бугунги адабий танқидчилик ҳақида мутахассислар ўз хулосаларини айтишар, мен ўқувчи сифатидаги мулоҳазаларим билан чекланаман.

Нимагадир “танқидчи” сўзини эшитсам, яна ўша Абдулла Қаҳҳорнинг 1940 йили ёзилган “Тортиқ” мақоласини эслайвераман. Ҳаммамиз биламиз, бу мақолада Саид Аҳмаднинг китоби аёвсиз “урилган”. Орадан чорак аср ўтиб эса Қаҳҳор домланинг “Илҳом ва маҳорат самараси” мақоласи пайдо бўлди. Бу сафар Саид Аҳмаднинг “Уфқ” китоби “анчагина романлар орасида ярқираб турган асар” сифатида юқори баҳоланганди. Ўйланиб қоламан, танқид келажакнинг меваси экан, агар Қаҳҳорнинг аёвсиз танқиди бўлмаганида эди, Саид Аҳмад “Уфқ” романини ёзиш даражасига етиб келармиди-йўқми? Балки устоз Қаҳҳор ўз вақтида айтилган танқиди билан бошловчи ҳаваскорнинг келажакда ҳақиқий ёзувчи бўлиб етишишига катта ҳисса қўшгандир?..

Бугунги танқидчиликдан унчалик кўнглим тўлмайди. Эҳтимол, тинмай чоп этилиб турган ўта катта миқдордаги адабий макулатура орасидан ҳақиқий асарни қидириб топиш мушкул кечаётгандир ё ўзбекона истиҳоло-андиша устун келаётгандир, ҳар қалай, мунаққидларимизнинг бирон асарнинг сарагини сараққа, пучагини пучакка ажратган жиддий таҳлилли мақолаларини топиш тобора қийин бўлиб бораёпти. Куйинчак мунаққидларимиз Йўлдош Солижонов билан Санжар Содиқларнинг айрим чиқишлари бундан мустасно, албатта.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Фикримча, айрим танқидчиларимиз – ёшидан қатъи назар – ҳалиям “социалистик реализм” қолипларидан чиқиб кета олишмаган. Бундан уч-тўрт йил бурун галати воқеа бўлди. Янги асарни ўқиётган устоз танқидчи рўзгор қийинчиликлари, оиладаги йўқчилик тасвирланган ўринларга филнинг хартумидай катта-катта сўроқлар қўйиб қиди. Шогирд танқидчи эса кўзларини ола-кула қилганча шартта ҳукм ўқиб ташлади: “Бу асар учун муаллифни майдонга олиб чиқиб, пешонасидан отиб ташлаш керак. Бизнинг замонда камбағал қолибдими?” Бу сўзларни эшитарканман, беихтиёр тақвимга қарадим. Хайриятки, йигирма биринчи асрнинг ўнинчи йилида яшашимиз, агар ўтган асрнинг ўттиз еттинчи йили бўлганда, бу сиёсий ҳушёр танқидчилар дарҳол “учлик” тузиб, камбағалларни қаламга олишга журъат этган шўрлик муаллифни отувга ҳукм қилишдан ҳам тойшмасди... Бу мавзуга қайтмаслик учун, кистириб ўтиб кетай: асар бошқа танқидчи томонидан ижобий баҳоланди ва китоб бўлиб чиқди ҳам.

Добролюбовнинг жуда яхши сўзлари бор: “Для нас не столько важно то, что хотел сказать автор, сколько то, что сказалось им, хотя бы и ненамеренно, просто вследствие правдивого воспроизведения фактов жизни” (Биз учун муаллифнинг нима демоқчи бўлгани эмас, эҳтимол ғайри шурий тарзда, ҳаёт ҳақиқатини холис ифодалаш чоғида нима дея олгани муҳим). Демак, танқидчилик, аввало, ижодкорлик, кашфиётчилик ва табиий равишда холислик ва ҳаққонийликдир.

Танқидчи бўлиш осон эмас. Яқинда Й.Солижоновнинг бир мақоласини ўқиб қолган дўстимиз “Домла дев кўринишидаги шамол тегирмонларига қарши кураш олиб бораёпти-да”, деб қолди. Ваҳоланки, Йўлдош акага ўхшаш мунаққидларимиз айнан шамол тегирмон кўринишидаги девларга қарши кураш олиб боришмоқда. Ҳеч ким индамай тураверса, бу адабий девлар даҳшатли даражада урчиб-кўпайиб, катталашиб кетади. Ана ундан кейин уларга қарши курашиш қийин кечади.

Кўнглимдаги яна бир гап, айрим мунаққидларимиз “тухумдан тук қидиришни” бас қилсалар, Худонинг инояти билан фавқулодда гўзал асарга дуч келиб қолганларида буни бемалол ҳайқириб айта олсинлар ҳам. Келинг, яна Брехтга мурожаат этайлик:

“С а г р е д о. Галилей, ты должен успокоиться.

Г а л и л е й. Сагрето, ты должен взволноваться!”

“С а г р е д о. Галилей, сен ўзингни босиб олишинг керак.

Г а л и л е й. Сагрето, сен ҳаяжонланишинг керак!”

Дарҳақиқат, ижодкор Галилей оламшумул кашфиёт қилган лаҳзаларда нега энди унинг дўсти – танқидчи ҳаяжонланмайпти? Нега у ҳамма нарсадан гумонсизлапти? Ишонаверинг, яхши асар яратиш эрининг ўзи ўқи атрофида айланаётганлигини исботлаш билан баробар. Бунинг устига, сиз ҳар қанча инкор этманг, “у, барибир, айланаверади”.

8. Ҳай-ҳай, жуда унчалик эмасдир. Имоним комил, агар сиз таъкидлагандек, "тап-тайёр, асфальтланган, текис, ҳатто айтиш жоиз, чорраҳаларига светафорлар ўрнатилган йўл" бўлганда эди, бу кўчада "оппа-осон" юришни ихтиёр айлаганлар лак-лак босиб кетишар ва натижада, на светафорларнинг қоларди, на йўлнинг ўзи; бу оломон кўлида олатаёқ ушлаб турган танқидчиларни ҳам янчиб ўтиб кетиши аниқ эди...

Ҳар бир ошиқ қалб – муҳаббатни янгилайди, дейишади. Ҳар бир ижодкор Адабиёт аталими фусункор, сирли, сеҳрли, ўхшаши ва чеки йўқ оламга ўз қалби билан кириб келади, уни ўзича янгилайди.

Адабиёт – умуминсоний бойлик. Навоий биз учун қанчалик азиз бўлса, Шекспир ҳам шунчалар қадрли. Ҳар иккаласи ҳам инсоният учун бебаҳо мерос қолдирган. Шундай экан, умумсайёрамиз миёқсидаги адабиёт ҳақида сўз юритган чоғимизда янгиликка интилиш сал нисбийроқ кўлам касб этади. Яъни бу кўпроқ ижодкорнинг ўз ислоҳотларига интилишидир. Зеро, иш столида ўзини камидан Пушкин ҳис қилган ижодкор агар таянч нуқтасини топиб олса, сайёрамизни ҳам ўз ўқидан чиқариб юборишга қодир сезади ўзини. Ўша афсонавий таянч нуқтаси эса – қаламкашнинг истёводи...

Ҳар қанча янгиликка интилмайдик, аслида, ҳар қандай янгилик маълум муддат бурун унутилган эскилик эканлиги ёдимиздан чиқмаслиги лозим. Инсоният тарихи Бодлернинг бир мисра шеърига арзимади, дейишади. Шундай экан, бугун ўтмишга, кечаги кунга қараб қўйиб, сўнг олдинга юриш, янгиликка интилиш жоиздек. Дейлик, "Ака-ука Карамазовлар"нинг ифода усули бир куни келиб эскиришини тасаввур қилиб бўладими? Машрабнинг ўтли ғазалларининг-чи?..

9. Шоир бўлмаслигинг мумкин, аммо фуқаро бўлишинг, демакки, фуқаролик бурчингни адо этишинг шарт. Бу – ҳаммамизга таниш талаб. Бир пайтлар ёзувчиларни "Инсон руҳининг инженерлари" дейишарди, сўнграқ бу мақом янада юқорироққа кўтарилди: "Миллат виждони". Виждон ўз бурчининг адо этмай яшай оладими?

Сўз – бемисл қудратга эга. Бир оқшомда оддий артиллерия офицери томонидан яратилган "Марсельеза" қўшиғи қанчадан-қанча одамларни курашга илҳомлантиргангани эсланг.

Шу сабабли ҳам ижодкор фуқаролик позициясидан ҳеч қачон чекина олмайди, ҳатто ўзи истган тақдирда ҳам.

Бугун мураккаб замонада яшамоқдамиз. Интеграция жараёнлари жадаллашуви, чегараларнинг шаффофлашуви бутун дунёда янгича бир ижтимоий воқеликни юзага келтирмоқда. Бу ҳам бўлса, "оммавий маданият"нинг узлуксиз давом этаётган хуружи, таъбир жоиз бўлса, босқинидир.

Биз ҳаммамиз "америкача орзу" нима эканлигини яхши биламиз, албатта. Бу – "Золушка" эртагининг замонавий кўриниши. Яъни тенг имкониятлар шароитида инсон нима қилиб бўлса ҳам, қийинчиликларни энгиб ўтиши ва миллион долларга эга бўлиши керак. Камбағалмисан – ўзинг айбдорсан. Омадсизмисан – яна ўзинг айбдорсан.

Мен орзунинг бунақа шакли фақат океан ортидаги "сеҳрли диёр"да яшайдиганларга хос, деб юрардим. Аммо куни кеча бир ёзувчининг янги асарини ўқиб қолдим. Нима эмиш, бир йигит ўзидан беш ёш катта, хунук қизга уйланармиш-да, тўй оқшони қайнотаси қўлидан "Малуби" калитини олармиш. Тўйдан ўн беш утар-ўтмас, бу "замонавий куёв" қайнотасини ўлдирармиш. Сўнг эса тоғда хотинини ўлдирётганига гувоҳ бўлиб қолган жувонни ўзига ўйнаш қилиб олармиш... "Америкача орзу"дан нимаси кам бунинг? Ҳам миллион доллар, ҳам машина, ҳам тайёр ҳовли-жой, қўшимчасига эса ўйнаш ҳам...

Аслида эса, мен ёзувчиларимизнинг фуқаролик бурчи "қизил" гапларни ялов қилиб кўтаришда, аввал қандай ёмон яшаганимизни бугун қандай яхши яшаётганимизни меъдага тегадиган даражада такрорлайишда эмас, жамиятимизда "Ўзбекча орзу"ни қарор топтиришда деб биламан. Бўлсин-да, ўзбекча орзу ҳам! Бошқалардан нимамиз кам бизнинг? Ахир, ҳалол йўл билан, имон-эътиқод, уят-шармни унутмаган ҳолда, бировларни сотмасдан, ўзганинг ҳақиқа хиёнат қилмасдан ҳам ҳаётда орзу қилган мақсадга эришиш мумкин. "Америкача орзу"ни бутун дунёга Голливуд ёйган бўлса, бугун биз ҳеч бўлмаса, давлат маблағ билан таъминлаб турган "Ўзбекфильм" имкониятларидан фойдаланайлик. Ахир, яхши фильм асосида яхши сценарий, демак, яхши асар ётади...

10. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида бўлса керак, бирдан ёмғирдан кейинги кўзиқориндай бодраб чиққан турли табиби ғайблару экстрасенслар ҳаётини имкон қадар ўрганиб, "Телбалар мамлақати" деган бир нима ёзгандим.

Орадан йиллар ўтгач эса, бир муддат "сариқ матбуот"да хизмат қилишга тўғри келди. Ишонаверинг, бу Адабиёт ичидagi "алдабиёт"нинг ўзи улкан бир тизим. Уни манифактура деб аташ мумкин. Ё бўлмаса, ўрхтамасдан ишлайдиган линия, конвейер. Хуллас, бу тизимда ҳашар "асар"лар қандай яратилади, улар қай тарзда ишловдан ўтказилади, нечук тарғиб-ташвиқ қилинади, "юлдуз-ёзгувчи" қай усулда ясалади, фалончи-писмадончи ёзувчи-танқидчилар қандоқ сотиб олинади – буларнинг ҳаммасини яқиндан кўриш имконияти туғилиб қолди. Мен бу адабий конвейерда ёлланма ишчи қатори меҳнат қилаётган ижодкорларни

кўрдим. Улар емаган сомсага пул тўлардилар: ёзган машқлари чоп этилгунга қадар сарлавҳасидан тортиб мазмунига қадар таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетарди, ҳамёни тобора қаппайиб бораётганидан мамнун зулук-ношир улардан харидорлар сони ни оширадиган, демак, "анавинақа" нарсалар кўпроқ тасвирланган асар талаб қилади, бу талаб бажарилмаса, бояги айтганим, шунангаги сахналар асарга мажбуран тиқиштирилади. Мен худди шу ерда асарлари "танқиддан тубан" ёзгучининг "Ўзбек детектив адабиётини мен билан Тохир Малик яратдик", дея керилганига гувоҳ бўлдим. Худди шу ерда аллақачон ўзини "классик" ҳисоблай бошлаган яна бир ёзгучининг "Фалон бесавод танқидчи менинг асаримни тушунмасдан танқид қилипти. Тамом, энди бу одамга бизнинг нашрларда ўрин йўқ!" деган ҳукмини эшитдим. Бир ҳукми, шикоятга ўрин йўқ... Айтмоқчи бўлганим, "адабиёт" салтанатидаги кўрган-кечирганларимни қоралаб кўйганман. Вақти келиб, уларни эълон қиларман.

Умуман олганда эса, мен "кўнгилочар адабиёт"ни адабий дид, савия, маънавият аталмиш улкан тириклик дараҳти илдизига кўйилган ва аста-секин портлатиладиган механизми ишга туширилган бомба бочкаси, деб биламан...



## Рисолат ХАЙДАРОВА

### Рисолат ХАЙДАРОВА жавоблари:

1. "Адабий авлод" дея ном берилган тушунча XX асрда, шу юз йилликда шаклланган совет даври адабиёти тарихида юзага келганини унутмаслик керак. Бу ҳодиса жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, юзага келган маълум бир ижтимоий шарт ҳамда шартлар натижаси, шунингдек, ижод аҳли мансуб бўлган даврдаги устувор ғоя, фикр, мақсад, баъзан эса мафқуранинг қолдирган изи билан боғлиқ, деб ўйлайман. Айнан мана шу устувор ғоя, мафқура сабабли ҳар бир даврдаги ижод аҳли кўнглини бирлаштириб турувчи умумий бир мақсад, орзу ёки дард уйғониб, шу омиллар ўша замон адабиётининг қиёфасини яратди. Шунданми, ижод аҳли адабиётга авлод-авлод бўлиб киради, деган фикр ўрнашиб қолди. Бу йўл ўз-ўзидан адабий статистикага олиб боради. Адабиётда статистика керакми ўзи? Майли, бизда "адабий авлодлар" деган тушунча бор эканми, шу нуқтаи назардан туриб, аҳволни таҳлил қилиб кўрайлик.

70-йиллардан кейин бизда адабий авлод шаклланмади, деган иддао тўғриси ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш, бунинг сабабларини айтиш учун, аввало, 80-, 90-, ва ниҳоят, 2000-йиллар ижтимоий ҳаётига баҳо бериш, шу даврларда кишилар онгида рўй берган ўзгаришлар жамиятга қай тарзда таъсир кўрсатгани, ёки жамиятдаги ўзгаришлар кишилар дунёқарашида қандай ўнгартишлар ясагани, буларнинг бари ижод аҳлига, энг муҳими, уларнинг ғоявий-эстетик қарашларига қай тарзда из солганини аниқлаш керак бўлади. Ахир, ҳар бир ёзувчи (нафақат ижодкор, балки оддий инсон сифатида ҳам) ўзи яшаётган даврнинг фарзанди эканми, даврга ҳос ижтимоий тўлқинларнинг зарбини елкасида ҳис этмай қолмайди.

80-йилларнинг иккинчи ярми, айниқса, 90-йилларнинг биринчи ярми ижтимоий ва сиёсий ҳаётда инқилобий ўзгаришлар рўй берган замон, ижтимоий ҳаёт таҳлилчилари яратган атама билан номлаганда, "ўтиш даври" бўлгани маълум. Тарихдан биламизки, мана шундай олағовур замон, ҳукмрон идеаллар қулаган, иқтисодий, ижтимоий асослар ўрнидан силжиган бир палла зиёлилар, хусусан, ижодкорлар учун саволлар ва мана шу саволларга жавоблар излаш пайти бўлади. Чунки аввалги маънавий ва эстетик қарашлар таназзулга учраган (бу жараён чуқур инсоний изтиробларга, баъзан эса фожияларга олиб келишини тарих қайта-қайта таъкид қилган, бунинг такрорлаб ўтиришининг ҳождати йўқ), давр

1966 йилда туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг  
журналистика  
факультетини  
тамомлаган.  
"Кетган кишининг  
дардлари" шеъррий  
тўплами, "Гурӯҳтепада  
саратон" номли туркум  
ҳикоялари, "Мағрура"  
қиссаси ва "Жавзо"  
тарихий романи нашр  
этилган.

эса янги талабларни олға суряпти. Жумладан, янги даврнинг ғоявий-эстетик қарашларини яратиш зарур. Лекин қандай қилиб? Бир жиҳатдан қараганда, ҳаммаси осон ва равшандек. Асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, ҳавас қиларлик мумтоз адабиёт, жаҳонда эътироф этилган тарихий сийморал, демакки, пойдевор учун барча зарур таянчлар мавжуд. Аммо мустаҳкам пойдевор ҳали юсак қошона бунёд этилди, дегани эмас! Бу иш енгиллик билан амалга ошмайди. Умрида бир марта бўлсин уй қуриб кўрган одам буни яхши билади.

Шундай даврда 70-йиллардаги каби авлоднинг шаклланиши мумкин ҳам эмас. Чунки кўриб ўтганимиздек, шароит ўзга. Бугунги кунда жаҳон миқёсида маданиятларнинг яқинлашуви, уйғунлашуви, ижтимоий дардларнинг глобаллашуви кузатилмоқда, адабий йўналишлар, шакл ва услубларда ҳам турли маданиятларга хос бўлган жиҳатларнинг синтезлашиб кетаётганини кўряпмиз. Бу ўринда ҳар бир миллий адабиётдаги авлодларга хос бўлган устворлик ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда нафақат услуб, балки ғоя, йўналиш, концепция, муҳими, муҳит, дунёқарашларда турфалик бор экан, шу чоққача онгимизда яшаб келаётган, ғоявий-эстетик қарашлари мутаносиб келувчи авлодлар тушунчаси шу қадар ножоиз кўринади.

Университетда таълим олган кезларимиз адабий авлодлар ҳақида сўз кетганда, “Фалон давр адабий авлоди” деганда қатор-қатор номлар санаб кетиларди. 80-йиллар авлоди ёки 90-йиллар авлоди деганда қатор-қатор номларни санаб олмайётган бўлсак, бизда жараён депсиниб турибди, дея хулоса қилиш бир ёқлама фикр бўлади. 80-йилларнинг иккинчи ярмида эълон қилиниб, даврнинг маълум қолипларига тушиб бўлган адабий шакл ва қарашларни бузиб юборган “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” (Хайриддин Султон), “Уруш одамлари” (Назар Эшонқул) қиссаларини, “Ухлаётган одам” (Равшан Файз) достонини, Мухаммад Юсуф, Эшқобил Шукурнинг шеърларини, болалар адабиётида том маънода ўзгариш ясаган Анвар Обиджоннинг “Баҳромнинг ҳикоялари” шеърый туркумини эслаш kifоя. Биз тушунган даражадаги адабий авлодлар бўлмаган ўша даврларда ҳам майдонга ўз овози билан кириб келганлар БОР ЭДИ!

Афсуски, майдонга кириб келиш бошқа-ю, у ердан ноҳос четга чиқиб қолмаслик, белбонни олдириб қўймаслик ёки Яратганнинг иродаси билан “эрта сўнган юлдуз” бўлиб қолмаслик бошқа гап экан.

Ҳозир эсласам, мен билан биргаликда талаба бўлган, адабиёт майдонини орзу қилган, матбуотдаги чиқишлари билан умид уйғотган қатор тенгдошларим ён-атрофимда йўқ. Бирлари “рўзгор” аталмиш ғорга кириб кетганча, қайтиб чиқолмади, бирлари замоннинг саволларига жавоб тополмаганидан ҳаммасига қўл силтаб қўя қолди, бирлари “ўтиш даври”дан буёғига йўл тополмади, қанақадир сиёсий қарашлари оқимлар билан биргаликда оққанча кетди! Эврилишлар даври мана шундай, қарама-қарши оқибатларга олиб келар экан.

Бугун атрофимда ижодга жиддий қарайдиган, ҳақиқий бадиий асар яратишга уринаётган, менинг ҳавасимни келтириб, шаклан ғаройиб, тамомила янгича мазмун ва услублар билан романлар ёзаётган сафдошларим борлигидан шукр қиламан. Ён-веримда мағизни унутиб, шакл ортидан қувганлар ҳам, олди-қочди, ур-сурларни ёстиқдай китоб қилганлар ҳам, аввалги тўпلامларида чоп этилган шеърларини тўплаб, ортига икки-учта шеърини тиркаб китоб ясаб юрганлар ҳам бор. Эълон қилинаётган асарларнинг жанри, йўналишлари бора-сида ҳам ранго-ранглик мавжуд. Шеъриятда ким япончасига хокку, танка ёзса, ким ғарбча оҳанглари афзал билиб, станс, сонет, насрий шеър битаяпти, кимларди насрда синергетик ҳикоя, мини роман каби номларни афзал билмоқда. Булар жаҳондаги анъаналарга яқинлашишга уринишларнинг бир неча хил кўринишлари. Бу уринишларнинг қай бири яшаб қолиши ҳақида бугун ҳукм чиқариш имконсиз. Чунки буни вақт кўрсатади.

Сўнги ўн-ийгирма йил мобайнида ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар адабий жараёнга шу қадар таъсир кўрсатган, ёзилаётган асарларнинг мавзуси, йўналиши, шакли ва услублари, ҳатто концепти шу қадар турфа ҳолатга келганки, бир қарашда киши ҳозирги адабиётимизнинг қиёфасини бор бўйича аңглаб ололмайди. Англаш учун эса шу чоққача миёмизда яшаб келган “рамка”лардан сал четроққа чиқиб олиш керак бўлади.

2. Асли ҳар бир миллатнинг адабиётида ранг-баранглик бўлиши керак. Мавзу, жанрга оид ўзгаришлар, услуб ва шаклдаги ранг-баранглик ижод эркинлиги борлигидан дарак беради. Лекин эркинлик ҳадсиз-чегарасиз нарса эмас. Унинг чегараси ахлоқ ва масъулият деб аталади. Агар шу чегара бузиб ўтилса, бошбошдоқлик келиб чиқади. Ёзувчи эркинлик билан бошбошдоқликни фарқлай олмаса, бундан даҳшатлироқ нарса йўқ. Эркинлик бу – мавзу, услуб ва шакл изланишлари имконияти, ҳаётини, дунёни бадиий жиҳатдан идрок этиш йўлидаги уринишлардир. Шу боис ҳақиқий янгилик яратган ёзувчиларни кўрганда ҳавасим келади.

Бугун ёзувчилар бирон бир адабий услуб, ғоя ёки мафкура билан чеклаб қўйилаётгани йўқ. Лекин бу имкониятни ким қандай тушуняпти? Ҳамма гап шунда. Муҳими – мағиз. Агар мағиз йўқ бўлса, қанчалик чиройли шакл берманг, безаманг, ёзилган “нарса” (ҳикоя, қисса ёки роман эмас, айнан “нарса”) бемазалигича қолаверади. Мен истеъмолдаги ўша “изм”ларга шу нуқтаи назардан қарайман. Ўша “изм” адабиётни бойитишга хизмат қилса – жуда яхши. Агар истеъдодсизлик, маънавий қашшоқликни яширувчи бир никоб бўлса, афсус... Шу маънода мен кўпроқ реалистман. Қўлимиздан келса, ҳозирги ўша “изм”ларни ада-

биётими ривожига хизмат қилдирайлик. Бу ишни эпламасак, кулгига қолиб нима қилдик?

Адабиёт ривожини кузатсак, ғалати бир парадоксни учратамиз. Даврлар, эстетик дунёқарашлар, адабий услублар қай даражада тараққий этмасин, “замона қаҳрамони” ҳақидаги тасаввурлар қанчалик ўзгармасин, бош мезон ўзгармай қолавераркан. Яъни — адабиётда инсонпарварлик, ахлоқ ғояси етакчи бўлиб туравераркан. Мана шу икки тамоилни бузишга қаратилган “нарсак” лар адабиётнинг зиёндидир.

Масаллага шу нуқтаи назардан туриб қарасак, ҳаммаси ўрнига тушади, менимча. Чунки адабиётнинг бош мезони бор-ку! Унга анъанавий усулда бордингизми, модернча ёки супер-модернча қадам биланми, математиклар тили билан айтганда, “қўшиш ва кўпайтиришда амалларнинг ўрни ўзгаргани билан натижа ўзгармайди”.

3. Инсон шунчаки биологик маҳсулот эмас. Инсоннинг яралиши, бу дунёга келишининг ўзи катта сир-саноат, қарангки, Оллоҳ ўз бандасини бошқа икки банданинг инон-ихтиёри ва муҳаббати воситасида яратади, шу оламга келтиради. Бундан ортик мўъжизани тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Шу боис ажодларимиз яратган адабиёт инсонга буюк моҳият сифатида қараган, Оллоҳ ўзи яратган мавжудот орасида фақат инсоннигина юксак поғонага кўтарган, “Яратган инсоннинг суратида ва сийратидида ўз аксини кўради, инсон шу боис хусн бобиди ҳам “маъхари сунъи илоҳ”дир, дея таъкид қилиб келган.

Менимча, адабиёт моддий олам саволларига руҳий оламдан қувват олган ҳолда жавоб излаши лозим. Шу маънода адабиёт ҳар турли сиёсий атрибутикадан халос бўлиши керак. Яъни мамлакатда иқтисодий ва сиёсий ислохотлар йўлида бирон-бир ҳаракат бошланган заҳоти ишлаб чиқариш масалаларини акс эттирадиган қисса ва романлар ёзилиши, адабий қаҳрамонлар бирон-бир сиёсий партия фаоли бўлиши, фақат сиёсий ғоялар билан яшати, партия иши учун саломатлигидан айрилиши ёки ҳаётини қурбон қилиши (Павел Корчагин каби), яқинларидан воз кечиши шарт эмас (ҳолбуки, бизга мана шунақа адабий қаҳрамонларни намуна қилиб кўрсатишарди).

Лекин бу — адабиёт ижтимоийликдан йироқлашади, дегани эмас. Инсон руҳият маҳсули — муҳаббат сабабли яралиб, моддий дунёга келгач, ўзи яшайдиган муҳитнинг узвий бир бўлагига айланади. Энди у жамият кишини бўлиб қолади. Ёзувчи инсон сифатида ўз даврининг намояндаси, ўз жамиятининг аъзоси бўлди, унга шу замоннинг “муҳри” тушмай қолмайди, демак, ёзганларидан шу даврнинг нафаси келиб туради. Шу маънода ёзувчи “беш кунлик дунё” одамига айланади. Лекин “беш кунлик дунё” одами ҳисобланган ижодкорнинг абадиётга дахлдор бўлиши мумкин эмас эканми? Менимча, ёзувчининг асарлари даврлар оша яшашга қодир эканлигини билдирадиган муҳим мезонлар бор. У ҳам бўлса, ёзувчининг ўз ижоди билан ўқувчини комиллик сари бир неча қадам олға ташлашга ундай олгани, ўзлигини танитишга кўмак бергани, миллат дардини тилга чиқара билгани, ўз она тилининг бор гўзаллигини намоён қилгани, халқини дунёга танитолгандидир.

4. Адабиёт ўзининг тарихий ўрнини ўзгартиргани йўқ. У ҳаммаша эзгулик томонида эди, ҳозир ҳам шундай. Лекин шу ўринда “ғалати” бир жиҳат борки, буни айтмас бўлмайди. Бу — эзгулик деганда ким нимани назарда тутганлигидир.

Бир вақтлар “роман шайдоси” бўлган чоғларим совет ва ўзбек совет адабиётида яратилган (лоф эмас!) олтишдан ортик романни ўқиб туширганман. “Утган кунлар”, “Навий”, “Ўтзор” каби ўлмас асарларни бу ҳисобга қўшмаялман. Номини ва сюжети гира-шира ёдимда қолган “Машъал”, “Бинафша атри”, “Фидойилар”, “Тошкентликлар”, “Чотқол йўлбарси” ва ҳоказо ва ҳоказо “замона” романларидан ҳозир қай бири тирик? Мана шу романларнинг бош қаҳрамонлари ҳам жамият учун яшаган, эзгулик йўлида ўз нуқтаи назари бўйича курашган одамлар эди. Масалан, қайси бир романнинг қаҳрамони — Дилдор исмлик қиз большевик ёрига ён босиб, ўз аксини тутиб бермоқчи бўлади. Яна бир романнинг персонажларидан бири — бойнинг хотини яширинча ўз эрига хиёнат қилиб юрарди, кунлардан бир кун бойвучча аёл “севгилис”дан хиёнат кўриб ақлдан озади. Кейин қизил командир сабабли ахлоқ йўлига кириб, ўша командирга хотин бўлади-да, янги эри билан биргалиқда собиқ эри — бойнинг ҳовлисига кириб ўрнашиб олади. Турган гап, бойнинг бошқа хотинлари собиқ кундошларини қувиб солмоқчи бўладилар. Шунда келин-куёвларнинг эшигини қўриқлаб ўтирган мазлум халқ вакиласи — фаол аёллардан бири “большавойнинг оиласи”ни ҳимоя қилади. Бу каби сюжетларни яна санаш мумкин. Лекин етарлидир, деб ўйлайман. Ёзувчининг, қолаверса, ўша замон сиёсатининг назарида булар эзгулик учун курашган ижобий қаҳрамонлар эди.

Бугунги кунда ижобий қаҳрамон, салбий қаҳрамон деган тушунчалар ўртасидаги чегара яққол чизилиб, “мана у” деб кўрсатиб қўйилаётгани йўқ. Биз эртақларда тасвирлангандек, салбий қаҳрамонни оламдаги бор иллатларни ўзида жамлаган хунук бир одам, ижобий қаҳрамонни эса ҳар жиҳатдан мукамал, ҳусни ҳам, феъли ҳам гўзал бир киши, деб қабул қилмайдиган бўлдик. Чунки реал ҳаётда, кўпчила, бунинг аксини кўрялмиз. “Нима яхшию, нима ёмон?” деган саволнинг жавоби осон эмаслигига ҳам ишонч ҳосил қилганмиз. Бунга замонавий дунёдаги ҳаётнинг ўзи мураккаб ва чигаллиги, яшаш учун кураш масаласи борасидаги қарашларнинг турли-туманлиги сабабдир.

Ҳаётнинг ўзида мазкур шу икки қутб ўртасидаги олишув ҳамон давом этиб келяпти. Фақат бу курашнинг шакли ўзгарган, холос. Ҳар бир жиҳатга ёдимизга сингиб кетган аънавий тушунчаларга қараб баҳо бераётганимиз сабабли эзгулик йўлида курашиш бизга соғлом мантиқдан узоқ тутим бўлиб туюлаётган бўлса, эҳтимол.

5. Агар тарихга муурожаат қиладиган бўлсак, "постмодернизм" атамаси модернизмга бўлган муносабатни белгилаш маъносидан 1934 йилда (Ф. де Онис "Испан ва Лотин Америкаси шеърятини антологияси" китобида), Европанинг маданият ва диндаги ҳукмронлиги ниҳоя топангани таърифлаш сифатида 1947 йилда (файласуф А. Тойнби "Тарихни англаш" китобида) тилга олинган эди. Адабиётга нисбатан эса бу атама 1971 йилда қўлланилган (АҚШ олими Ихаб Хассан томонидан). Шунинг ўзидан жаҳон маданиятидаги кайфиятларни қанчалик кечикиб "юқтирганимизни" билиш мумкин.

Постмодернизм дунё маданияти олаётган нафасми ё шунчаки урфми, буни тушуниш учун, аввало, постмодернизм ҳодисасининг ўзини англаб олиш зарур.

XX асрда жаҳонда кечган ва модернизмнинг туғилишига сабаб бўлган ижтимоий ва сиёсий воқеаларни такрорлаб ўтирмайман, бу ҳаммага маълум. Постмодернизм эса модернизмга, шунингдек, жўн оммавий беллетристикага қарама-қаршилик сифатида майдонга келган. У ҳамма нарсага ўйин шаклига ўраб, оддий ўқувчи ва маърифатли ўқувчи ўртасидаги масофани текислаб боради. Албатта, бунда оддий ўқувчи маърифатлилик даражасига кўтарилмайди, балки маърифатли ўқувчининг даражаси кўйига туширилади.

Постмодернизм маданияти асосида янги маънодаги эзгулик ғоялари ётади. Постмодерн деб аталадиган маданият ўзининг мавжудлиги билан ўзига ҳукмрон бўлиб келган эзгулик ғояларидан ҳаммабоп (бошқача айтганда, универсал) эзгулик ғояларига ўтирилганини таъкид қилади. Янги эзгулик доирасига инсониятдан ташқари, ҳайвонот, наботот, коинот, ҳуллас, бутун олам қиради. Постмодернистларнинг ҳақиқий идеали коинотдир (қадим юнон мифологиясида қора коинот, яъни космос хаос деб аталганини унутмайлик). Шу боис постмодернистик асарларнинг асосида хаос, яъни ниҳоясизлик, чексизлик, эркинлик ётади. Хаоснинг яна бошқа маъноси бетартиблик эканини ҳам эсдан чиқариб бўлмайди.

Постмодерн талқинларнинг кўплиги принципага таянади, дунёнинг ниҳоясизлиги ниҳоясиз талқинларнинг табиий натижасидир, деб ҳисоблайди, постмодернизм фалсафаси ҳақиқатлар кўп дея таъкидлайди, тарихга бўлган қарашларни қайтадан кўриб чиқади. Бунда тарихга бўлган қарашлардаги мунтазамлиликни, ижтимоийликда нарса ва ҳодисаларнинг сабабга кўра боғланишларини, тугаллик ғояларини инкор қилади.

Ёш ҳамкасбларим ўз шеър ва ҳикояларини постмодернистик асар, деб тақдим қилганларидан юқорида ёзилганларни эътиборга олишганимизни?

Менимча, Улуғбек Ҳамдам кўйган саволага жавоб бериш, яъни постмодернизм бугунги ўзбек адабиёти мисолида нималарга кўринаяётганини аниқлаштириш учун, аввало, постмодернизмнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш лозим.

Россиялик тадқиқотчи И.Голованова постмодернизмнинг саккизта хусусиятини санаб ўтади. Булар: интертекстуаллик (бу онгли равишда келтирилган кўчирмалар ёрдамида янги матн яратишдир, натижада тугалланган, мазмун жиҳатидан яхлит, маълум бир муаллифга тегишли бўлган матн эмас, балки бизнинг тасаввуримизда муаллифи йўқдек туюладиган матн олинади), пародиялаш ва истехзолилик (ўқувчида туғилиши мумкин бўлган ақида ва қоидаларнинг шаксиз ва шубҳасизлигига шубҳа яратиш йўли билан ҳақиқатни қайта идрок қилиш, ўз-ўзини пародия қилиш), матннинг кўп даражали қилиб тузилиши (ўз-ўзидан кўчирмалар келтириш, стилистик ва сюжет қайтариқлари, битта муаллифнинг ижоди ичида кўчиб юрвчи образлар, лавҳалар, рамзлар), "ўйин усули" (исталган нарсага нисбатан ҳазилнамо ибора ва ифодалар, кўп маъноли сўз ўйинлари, товуш ва жой номлари билан боғлиқ турли найранглр яратиш; бунда ўқувчи мутолаани ўйин деб қабул қилади, битта маъно ортдан иккинчи, учинчи ва ҳ.к. маъноларни излайди), ризома (рамзий лабиринт бўлиб, сюжет қурилиши аниқ бир марказий ўқ атрофига жишпасмайди, балки чигал, тасодифий бўлиб туюладиган қурилмага эга бўлади), жанр ва услуб синкретизми (бу ҳам ўйин принципи билан ифодаланган, "синкретизм" атамасининг маъносидан келиб чиқиб (бунинг маъноси моддаларнинг дастлабки, қоричиш ҳолати демакдир), жанр ва услуб даражаларининг қоришиб кетиши), "театрга хослик" усули (оммавий ва оммабоп маданият техникасидан фойдаланиб, асарга оммавий истеъмол нарсаларига бериладиган чиройли ёрлиқ, реклама кўринишини бериш ва шу билан бирга аввал яратилган асарларнинг сюжетларини истехзоли изоҳлаш), аънавий "муаллифлик нуқтан назари" тушунчасининг ўлиши (ҳикоя қилишдаги тартибсизлик, парча-пурча ҳолида ҳикоя қилиш таассуроти атайин яратилади).

Шуларга қараб, кейинги йилларда яратилган, постмодернистик руҳда, деб баҳоланган бир нечта асарларни таҳлил қилдим. Уларда постмодернизмга хос унсурларга ўхшаб кетадиган баъзи белгиларни учратган бўлсам-да, бу асарларни постмодернистик ҳикоя, қисса ёки роман деб айтолмайман. Дейлик, Мурод Човушнинг "Ҳеч" қиссасидаги воқеликни уч ўлчамда кўришга, воқеликни баён қилишда онг оқими усулидан фойдаланишга уриниш постмодернизмнинг сак-

кизинчи хусусиятини эсга солади. Аммо бу ҳали постмодерн эмас. Сабаби оддийгина, Мурод Човушнинг қиссасидаги ҳикоя тартибсизлиги атайин қилинган эмас, балки тилга нисбатан ҳафсаласизлик оқибати. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Шабада" ҳикояси борасида бўлган бир баҳсда ҳам бу асарни постмодернистик дегувчилар бўлган эди. Тўғри, ҳикоядаги реаллик ва фантастиканинг ёнма-ёнлиги, кўп ўринларда детективга ўхшаб кетадиган сирлилик постмодернизмнинг жанр ва услуб синкретизми хусусиятини ёдга солади. Бироқ бу ҳам постмодерн дегани эмас. Чунки ҳикояда мазкур хусусиятга хос бўлган ўйин принциплари йўқ. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Албатта, 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошидаги ижтимоий воқелик, эски ақидаларнинг фош бўлиши ва бошқа кадриятларнинг юзага келиши, жамиятимизга Ғарбдан оммавий маданиятнинг жадаллик билан кириб келгани, ҳозирги кунда "Умумжаҳон тўри" воситасида ахборот оқимиغا тушиб қолганимиз, "супер...", "гипер..." тасвир, куй, сўз, ахборот ва ҳ.к. экраннымизни, кўчаларимизни, ҳатто кўлимиздаги телефонимизни эгаллаб бораётгани постмодерн туғилиши учун замин бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Лекин шунда ҳам бизда постмодернизм ривожланиб кетмади. Чунки биздаги менталитет, қонимизга сингиб кетган Шарқ фалсафаси постмодернизмни сингиштира олмади.

Сўнггида яна бир жиҳатни таъкидлашим зарур. 90-йилларнинг охирларида келмасданоқ дунёда постмодернизм ўз умрини яшаб бўляпти, деган қарашлар чиққан эди. Ҳозирги даврни мутахассислар "постпостмодернизм", яъни постмодернизмдан кейинги давр деб баҳолашмоқда. Бунинг сабаби, постмодернизм ҳам бир маданий даврдан иккинчисига ўтиш босқичи эканлигидадир. Жаҳон адабиёти тарихига разм солсак, бир адабий давр кетиб, ўрнига бошқаси келаётганда оралиқда ўзининг хусусиятлари билан модернизм ва постмодернизмга ўхшаб кетадиган таълимотлар майдонга келганини кўрамиз. Тарихий тажриба маълум бир кадриятлар тизими бўлмаган маданият барқарор бўлмаслигини кўрсатади. Биз бошқа ҳодисадан, масалан, палла-партиш, дидсиз "нарса"ларни постмодернизм ёрлиғи билан тақдим қилиш каби иллатлардан ташвиш чекишимиз лозим.

6. Санъат айтиладиган ҳар бир гапни чиройли ифодалаб бергани учун ҳам санъатдир. Адабиёт ифода санъати эканми, унда ўйин ҳам бўлмай илож йўқ. Лекин ҳамма гап чиройли ифода қилишга арзийдиган дарднинг, бошқача айтганда, мағзининг мавжудлигида.

Фикрини ва дардини оригинал йўсинда айтиш йўлидаги шаклий изланишларга мен ижобий қарайман. Мақсад – ўзидаги дардни ўқувчига "юктириш", уни ҳамдард қилиш, инсонийлик сари етаклаш бўлса, ҳамма нарсани санъатга айлантиришнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Мисол учун, Сент-Экзюперининг "Кичкина шаҳода"си ҳам, аспида, рамзалардан, ишоралардан иборат асар. Лекин ёзувчи бу асари билан жаҳон адабиётини янги шакл ҳамда рамзлар билан бойитди, холос.

Ёки Исажон Султоннинг "Айвон" ҳикоясини мисол тариқасида келтирсам. Исажоннинг бу уринишини шунчаки шакл изидан қувиш деб айтолмайман. Чунки ҳикоя охирида "тилла балиқ-ку, ўз отасини хўрлагани учун шу кўйга тушибди, ўз болаларига ем бўлибди, шунки кўра-била туриб, балиқни сўйиб қозонга ташлаган аламзада бу болаларни энди нима кутаркин?" деган жиддий савол мавжуд. Шарқда "қайтар дунё" тушунчаси ҳам борки (буни Европада бумеранг таъсири деб аташади), бу ҳеч бир нарса бежавоб қолмайди, деганидир. Аммо тоқайгача? Қачонгача ёмонликка ундан ўтган ёмонлик билан жавоб қайтаверилади? Бу ҳолда инсон ёвузлашиб кетмайдими? Мақсад – мана шу саволни қўйишдир.

Юқоридаги саволга жавоб бериш пайтида мен постмодернизмдаги "ўйин усули" ҳақида ёзганим. Таъкидлашим керакки, бу тарзда "ўйин" яратиш учун ёзувчи ёки шоирда билим, истеъдод бўлиши керак.

Тўғри, матбуотда пайдо бўлаётган зоҳиран чиройли, ботинан бўш, пуфакка ўхшаш шеърларни, бир қарашда оригинал шаклий изланишлар маҳсули бўлиб туюладиган, лекин жиддийроқ таҳлил қилганда, шилдироқ қоғозга ўралган қуруқ кўтига ўхшайдиган ҳикоялар, қиссаларни кўрганда, хаёлдан худди шу саволдаги хавотирлар кечади. Аммо бу "нарса"лар ҳақидаги сўзим алоҳида.

7. Бизда адабий танқидий мақолалар аксарият бир қолипда битилади. Аввал асар бироз ёки анча мақталади, сюжети баён қилиб берилади, кейин бир озгина ё кўпгина қилиб камчиликлари айтилади. Бизда танқидчи деганда асарни танқид қиладиган ёки мақтайдиган киши тушунилади, шекилли.

Эҳтимол, адабий танқидчи, деган атаманинг ўзидан воз кечиш зарурдир? Адабиётшунос деган сўзнинг ўзи етарлики балки? Ёки бошқа соҳаларда қабул қилинган таҳлилчи (аналитик) атамасини қабул қилсакми? Бир қанча соҳалар, масалан, иқтисод, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда аналитиклик касби бор. Бундай кишилар шу соҳанинг мавжуд муаммоларини таҳлил қилиб, истиқболи, келажақдаги ривожланиш йўналишлари ҳақида мулоҳазалар билдирадilar, тавсиялар берадилар. Агар танқидчи деган сўзнинг моҳиятини танқидда деб тушунсак, у ҳолда, юқоридагидек йўл туттишимиз лозим.

Бугунги кунда адабий танқиднинг қиладиган ишлари жуда кўп. Таҳлил этилмаган қанчалаб услублар, йўналишлар, ўз баҳосини олмаган қанчалаб асарлар бор! Майдонга кириб келаётган ёшларнинг ижоди ҳам шу пайтга қадар муносиб ва холис баҳоланган эмас. Кўп ёшлар анча-мунча китоб чиқариб, каттароқ асарларини эълон қилиб, ёши ҳам қирқларга боргандагина адабиётшуносларимизнинг эътиборига тушади.

Адабий танқид ҳозирги пайтда кўлга киритиб бўлинган ютуқларни қайд этиш билан кифоялини қоляпти. Лекин ўзи адабиётнинг ютуқларини кўпайтириш устида ишлаётгани йўқ. Бу нима дегани? Бу адабий танқид адабиётнинг софлиги учун қайғуриши, ўқувчиларда бадиий дидни шакллантириши, дўконларни тўлдириб юбораётган "тижорат" роман ва қиссаларига ўзининг дадил муносабатини билдириши, ҳақиқий шаклий изланиш билан шаклсозликни фарқлаб ажратиши ҳамда бу ҳақда ўзининг фикрини айтиши демакдир. Мана шуларни адабиётимизнинг ютуқлари кўпайишига ҳисса қўиши, дейилади.

Ҳар йили Ёзувчилар уюмасида наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилади. Бир йил ичида эълон қилинган ҳикоя, қисса ва романлар ҳақида сўз боради. Лекин эътибор берсак, танқидчиларимиз матбуотда мана шу йиғилишда тилга олинган романлар ёки қиссаларнинг ўндан бирига ҳам муносабат билдирмаган бўладилар.

Мана шундай йиллик йиғилишлардан бирида адабиётшуно олимларимиздан бири Саломат Вафонинг ўн йилча аввал эълон қилинган қиссаси — "Сулаймоннинг узуги"ни мақтаб, "нега ҳозир шу қисса ҳақида ҳеч ким индамади?", дея савол ташлади. Мен "домла, бу қисса эълон қилинганга анча бўлган, йиғилиш ўтган йили чоп этилган асарлар ҳақида-ку?" деган эдим, домла паршонхотирлик билан "Яхши асар бўлгандан кейин кеч бўлса ҳам гапириш керак-да!" дея сўзини давом эттираверди. Баъзида шунақа кулгили воқеалар ҳам бўлиб туради...

8. Аслида, ҳар бир шоир ёки ёзувчи янгилик яратиш умидида яшайди. Лекин ҳеч бир янгилик бўм-бўш, тақир жойда туғилмайди. Фалсафадаги "ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди", деган назарини ҳам бежиз ярамлагани.

Биз истаимизми, йўқми, аждодларимиз яратган анъана ва қадриятлар ўзига хос "ген мероси" сифатида онгимизга ва онг остига сингишиб кетган. Ҳар қанча тиришсак ҳам, "ген мероси" иштирокисиз бирон-бир арзирлик асар ёза олмаймиш. Зеро, тараққийёт моҳиятини мавжуд қонуниятларга таяниб илгарилар боради. Жараён ривожланиб борар экан, мавжуд қонуниятларнинг энг яшовчани, "мағзи тўқ"лари қолади, пучлари эса замон ғалвиридан тушиб кетаверади. Янгилик мана шу мағзи тўқ эскилик устига қурилади. Менимча, адабиётдаги эски ва янги ўртасидаги кураш рамзий мазмунга эга, яъни бу "кураш" табиий танланиш асосида ривожланиш деган мезонга кўпроқ мос келади.

Ёш ёзувчи ва шоир сафдошларимнинг янгича ёзишга уринаётганларини мен табиий ҳол деб биламан. Чунки ҳар бир давр адабиётда шакл, услуб ва тамоийли фарқлари бўлиши керак. Даврлар бошқа бўлганидек, шу даврларга яратилган адабиёт ҳам аввалгиларидан сифат жиҳатидан ажралиб туриши зарур. Зотан, тараққийётнинг муҳим шарт, кейинги авлодлар аждодларнинг кашфиётларини ўзлаштирган ҳолда улардан бир-икки қадам олға силжишларини назарда тутати.

9. Ижодкорнинг қаламидан тўкилган ҳар битта сўз гарчанд оддийгина бир лола ёки бой-чечакка доир бўлса-да, чоп этилгандан кейин миллатнинг сўзига айланади. Демак, унинг битган сатрлари фақатгина шахсий дардлар қўним топадиган макон эмас. Ёзувчи ё шоир инсон сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам ижтимоий ҳодисадир. Чин маънодаги ижодкор буни ҳаммиша теран тушунган. Рауф Парфи:

Юлдузларга мен ҳам қарайман,

Юлдузлар — самовий бир ҳаёл.

Мен кўпроқ заминга ярайман,

Менга керак ердаги ҳаёт,

— деганда, аввало, ўзининг замин фарзанди эканлигини назарда тутган, деб ўйлайман.

Ижодкор ҳатто оддий инсон сифатида ҳам жамиятдан ташқарида бўла олмайди. У қайси бир даврда яшамасин, XX асрнинг сергалва йиллари бўладими ёки ҳозирги мустақиллик қунларини, ўша вақтнинг кишии сифатида замоннинг бор залворини ҳис қилмай қолмайди. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мисол учун, XIX асрнинг охири — XX аср бошларига келиб, "Беғам ҳаёт" ("Валенсияча ҳикоялар"), "Апельсин боғларида" ҳикоялар тўпламлари, "Тоledo ибодатхонаси", "Чақирилмаган меҳмон" романлари билан Европага танилган испан ёзувчиси Висенте Бласко Ибаньес табиат, ўзаро инсоний муносабатлар, оддий деҳқонларнинг ҳаёти мавзуларини ўзи учун етакчи деб билган эди. XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий олаговурлар бошлангач, ижод билан бирга ноирчилик, ҳуқуқшунослик ва сийсий фаолият билан ҳам фаол шугулланади. 1923 йилда Испанияда ҳарбий диктатура ўрнатилгач, ёзувчи Францияга муҳожирликка жўнаб, умрининг қолган йилларини фалсафий-психологик романлар яратиш билан биргаликда, шахс эркинлиги учун курашишга бағишлаган.

Хорват ёзувчиси Ранко Маринкович ўзининг дадил эрқпарварлик қарашлари туфайли италян фашистлари томонидан Феррамонте лагерига ташланган (ҳолбуки, у коммунист

эмас эди). Оддий бир инсон Ватани бошига тушган оғир кунлар сабабли кўриши мумкин бўлган жамики ғам ва аламларни тортган. Бугунги кунда Хорватияда энг яхши новелла учун Ранко Маринкович номидаги мукофот таъсис этилган.

Нобель мукофоти совриндори, серб ёзувчиси Иво Андрич фашистлар Германиясининг собиқ Югославияга босқини бошланган дастлабки кунлардан (1941 йил апрель) то Ватани Иккинчи жаҳон урушининг сўнги йилида (1945) озод бўлгунга қадар уй қамоғида ётади. Айнан шу ҳибсда ётган кунларида, кейинчалик XX аср насрининг энг яхши асарлари, деб тан олинган "Дринадаги кўприк", "Травния солномаси", "Ойимқиз" романларини яратади (афсуски, бу ёзувчиларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмаган. Шу тўғрисида кўп ўқувчиларимиз уларнинг ижодидан бохабар). Жаҳон адабиётидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мазкур ёзувчилар битта ишни амалга ошира туриб, яъни ижод қила туриб, ўзларининг ижодкорлик ва фуқаролик бурчларини адо этганлар. Шавкат Раҳмон "рубобий шеърлар" ёзишни орзу қилиб, "жангчи ва зобит" бўлганидан алам чеккан бўлса, 70-йилларда бу савдо виждонли ҳазма ижодкорнинг бошида бор эди. Ахир, ижодкор кўнглида ҳамisha инсоний бурч деган туйғу уйғоқ. Фуқаролик ва ижодкорлик бурчи эса мана шу инсоний бурчнинг ажралмас бўлагидир.

10. Жаҳонда "беллетристика" деган атама мавжуд. Бу ўқилиши осон, энгил ҳазм бўладиган новелла, роман ёки қисса. Йўналиш сифатида унинг ҳам ўзига яраша меъёрлари бор. Беллетристика ўзининг яшаши ҳақли эканини аллақачон исботлаган, йўқса, Агата Кристи ёки Анн ва Серж Голонларнинг романлари унутилиб кетган бўларди. Таъкидлаш кераки, беллетристика ҳеч қачон жиддий адабиёт билан беллашишга даъво қилмаган, доимо ўзининг ўрнини яхши билган, шу боис беллетристика ижод қиладиганлар ўзларини ёзувчи деб эмас, беллетрист дея аташган.

Бизда беллетрист деган номдан уялишади, шекилли, ўзларини бирийўла оммабоп ёзувчи деб атаб кўя қолишади. Шунинг учун бизда дурустгина беллетристика ўрнига ёмонгина "омма адабиёти" пайдо бўлди.

Бир эътибор беринг, "омма адабиёти" намуналари қандай матбуотда босилапти? Бунақа адабиётга "эҳтиёж" қандай пайдо бўлди унинг уриб кетишига нима сабаб бўлди? Мен бу ҳодисани бизда "бульвар матбуоти" пайдо бўлиши билан боғлагим келади. Айнан кўнгилочар нашрлар газета бозоридаги рақобатта чидаш, "синиб" қолмаслик учун олди-қочди, одамларнинг эътиборини тортадиган сарлавҳали "асарлар"га эҳтиёж сезди. "Оммабоп ёзувчилар" қақирққа "лаббай" деб жавоб беришиб, масъулиятни ҳис қилган нашрлар қабул қилмайдиган ҳикоя ва қиссаларни тақдим этишди. Ноширлар эса ўз маҳсулотларини тезроқ сотиш умидида газета-журнал биринчи саҳифасига "Адашган киз", "Йўлдан озган ўғил", "Олтин васвасаси", "Бойлик талвасаси" қабилидаги сарлавҳаларни чиқариб, газетхонларни чорлай бошлашди...

Ҳозир китоб дўконлари ва расталарида Исхоржон Нишоновнинг ўтган ва шу йил ичида нашр қилинган "Афгон шамоли", "Град операцияси", "Қасоскор қашқирлар" деган китоблари сотилапти. "Град операцияси" романлар серияси ёки роман-сериал бўлиб, 2012-2013 йилнинг ўтган даври ичида шу сериянинг бешта алоҳида романи нашр қилинибди. Мен бу китобларнинг адабий қиммати ҳақида баҳс юритмайман. Фақат шу чоққача ҳеч ким қонвейер усулида ишлаб, жиддий асар ярата олмаганини айтмоқчиман. Биламизки, қонвейер бир қолигдаги ва андозадаги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришга ихтисослашган технологик мослама. Санъат асари эса фақат ягона нусхада, вақт, меҳнат сарфлаб, кунт ва сабр билан яратилади.

Бир мартагина ўқиладиган энгил-елпи "адабиёт"нинг умри қисқа, жиддий адабиётнинг залвори бу каби "асар"ларни босиб кетади, деб ишониб ўтиравериш ярамайди, деб ўйлайман.

Менимча, "омма адабиёти" қаршисида бақувват устундек бўлиб жиддий адабиётнинг туриши камлик қилади. Ўқувчиларда болалик давридан бошлаб бадий дидни тарбиялаш, ҳақиқий адабиётни тарғиб қилиб бориш зарур. Бу борада ўқув муассасалари ва маданият масканларида китобхонлар билан ўтказилаётган адабий учрашувларнинг ўзи кифоя эмас. Адабий газета ва журнал, альманах нашрларининг ададини кўпайтириш, бунинг учун уларнинг нархини пасайтириб, оддий ўқувчининг чўнтагибоп қилиш (бу иш иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади, чунки нашрнинг таннархига қирадиган харажатларни камайтириш ёки арзонлаштиришнинг иложи йўқ, фақат бу харажатларни ниманингдир ҳисобига қоплаб бориш, иқтисодчилар тили билан айтганда, "зарарларни камайтириш" талаб этилади), нафақат босма матбуот, балки радио ва телевидение ҳам жиддий адабиётни кўпроқ ташвиқ қилиши лозим. Адабий жараёндан бохабар қиладиган, ўсмирлар, ёшларнинг адабий дидини ўстиришга хизмат қиладиган эшиттириш ва кўрсатувлар кўпайиши керак. Афсуски, ҳозир бундай эшиттириш ва кўрсатувлар йўқ даражада. Бугунги кун ёшлари ва ўсмирларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда, жиддий адабиёт тарғиботи ва ташвиқотида интернет нашрларни ҳам жалб қилиш, бу иш кенг миқёсда ташкил этилиши зарур. Бу тадбирлар иқтисодий жиҳатдан қанчалик қиммат турмасин, амалга оширмаса бўлмайди. Чунки маънавиятнинг оқсаб қолишидан келадиган зарарни миллиардлаб маблағлар билан ҳам қоплаб бўлмай қолади.

## Булоқ күз очди



**Фотима  
ХОЛБОЗОРОВА**

1993 йилда туғилган.  
Қариш Давлат уни-  
верситети қошидаги  
4-сон академик лицей-  
ини битирган.

## Қашқадарё ёшлари ижодидан

### Муҳаббат

Шамоллар эсганда, майин эсганда,  
Хайлим шамолга эргашиб кетар,  
Хайллар бетиним бағрим кезганда,  
Юрагимга дейман: “Соғинма, етар!”

Бу қандай дард экан, ўзим ҳайронман,  
Ё юрак амрими? Тушунмай қолдим.  
Дардига даво йўқ, кўнгли вайронман,  
Соғиниб яшайдан очиги толдим.

Соғинмай яшашни ўргангим келди,  
Кўникдим, нақадар, ажойиб создек,  
Лекин яна бир бор ўргангим келди,  
Ўртанмас умримда нимадир оздек.

Одамзод соғиниб яшаши керак,  
Не-не хислатлардан иборат, ҳайҳот!  
Инсон чаманзордек яшиниши керак,  
Ахир, муҳаббатдан яралган ҳаёт.

Муҳаббат, муҳаббат, бу қандай сўздир  
Ё юракка малҳам ёки оғуми?  
Ҳаёт таомига қўшилган туздек  
Ёки тоғдан-тошга юрган оғуми?

Билмадим, не экан, асли, муҳаббат,  
Кўрганда уялган қирмиз ёноқми?  
Дурдек тишларини яширган фақат,  
Майин жилмайишган лола дудоқми?

Муҳаббат, муҳаббат, оташ муҳаббат,  
Йўллари тошлоқли, чўли тақирсан.  
Ошиқлар ўтганда тилайсан тоқат,  
Ютсанг – шоҳ, ютқизсанг гадо – фақирсан.

### Талабалик сени унутиб бўлмас

Инлари бузилган қалдирғочлардек,  
Қайга учушимиз билмаётимиз.  
Хазонга айланган кузги япроқдек,  
Нени қучишимиз билмаётимиз.

Қадам кўйганда шу меҳригизга,  
Юракни қувончга тўлдирган эди.  
Устозимиз ўхшаб нурга, зийга,  
Гоҳ танбеҳ бериб, гоҳ қулдирган эди.

Хонани шовқинга тўлдириб гоҳи,  
Туполон қилардик соддаю беғам.  
Бугун эса қалдик жовдираб токи,  
Нажоткор кўзларда соғинч ила нам.

“Хайр!” дедик. Секин, овозда титроқ,  
Биз бошқа сўзларни айтмоқчи эдик.  
Агар гов бўлмаса ўртада фиरोқ,  
Биз ўша дамларга қайтмоқчи эдик.

Майлига, йўлимиз бошқа бўлса ҳам,  
Соғинганда бир бор эласак-да, бас.  
Бироқ, юракларда қолади атам,  
Талабалик сени унутиб бўлмас.



### Эътибор


Эй, дил, файз бермоқ-чун тақдиримизга  
Талаб этилмайди кўп нарса бироқ,  
Бу осон, шунчаки, бир-биримизга  
Бўлайлик озгина эътиборлироқ.

Ҳар кимнинг ташвиши етар ўзига  
Ва, лекин кетмайлик, меҳрдан йироқ.  
Қурбимиз етмасму бир ширин сўзга,  
Бўлайлик озгина эътиборлироқ?

Олисда бўлсак гар, майли, узрли,  
Ҳол сўраш мумкин-ку, қилмоқ кўнгироқ.  
Яқинлар йўқлови нечоғ хузурли,  
Бўлайлик озгина эътиборлироқ.

Беш кунким, дард эзар танимни, дўстим,  
Дил сенга илгинди, бўлди кўп муштоқ.  
Наҳот, соғинганим сезмадинг, дўстим,  
Бўлайлик озгина эътиборлироқ?

Умр ўтаверар, тўхтамайди ҳеч,  
Эй, инсон, сал шошма, атрофинга боқ.  
Фурсат кетмоқдадир, бўлмасидан кеч,  
Бўлайлик озгина эътиборлироқ...



**Жалолиддин  
САИДОВ**

1990 йилда туғилган.  
Майманоқ касб-хунара  
коллежини битирган.

### Йўллар учраштирамайди

Муҳаббат биз учун янграб бўлган куй,  
Олис-олисларда маҳзун янграйди.  
Энди сиз томонга чўзилмайди буй,  
Йўллар энди бизни учраштирамайди.

Ҳаёт ўша-ўша: кескин, бешафқат,  
Айрилик қисмати ҳеч ўзгармайди.  
Ҳаммаси жойида, шунчаки, фақат,  
Йўллар энди бизни учраштирамайди.


Ҳеч нени ўйлагим, эслагим келмас,  
Кўнгил барин унутмоқлик истайди.  
Бизнинг йўлга нуқта кўйилгандир, бас,  
Йўллар энди бизни учраштирамайди.

Энди сиз ёқларга кўймайман қадам,  
Хоҳишлар тугади, умид саргайди.  
Энди келиб юрманг мен ёқларга ҳам,  
Йўллар энди бизни учраштирамайди.



**Хурсандой  
ХОЛБОЕВА**

1995 йилда туғилган.  
Айни пайтда Қарши  
педагогика коллежида  
ўқимокда.



### Қишлоғим

Оналар қалбидан сириққан тилак,  
Бургутлар макони – ўйчан қоясан.  
Узун йўллар узра буй чўзган терак,  
Сен – аёл бошида турган доясан.

Нуроний бобомнинг суҳбатисан, сен,  
Қизларнинг кокили, йигит қийиғи.  
Сен – мурғак чақалоқ боши остида  
Турган паҳлавонлар ханжарин тиги.

Сен – онам тиширган айроннинг иси,  
Момомнинг суюкли алёридирсан.  
Қайтиб келаётган турналар саси,  
Тоғларнинг эркатой жайронидирсан.

Кичкина масканим, бағри кенг онам,  
Қалбимга яқинсан, йўли йироғим.  
Бугун остонангда турибман яна,  
Мени ўз бағрингга олгин қишлоғим.

### Умид

Ҳеч ким билмагайдир, о, юрагимнинг  
Осмонга бош кўйган қоялари бор.  
Мажъос кўзларимнинг қорачиғида  
Мағрур бургутларнинг соялари бор.

Умиднинг яшинаган чорбоғларида  
Орзулар укамдай варрак учирай.  
Туйгулар ялтизли қирғоқларида  
Кўнгил иншодини оққа кўчирай.


\*\*\*

Шинам хона.  
 Гулдонда гуллар.  
 Негадир бир зумда қизаради юз.  
 Нечундир бу гуллар сўлгин, сарғайган  
 Ё шунчалар эрта келдимикан куз?

Дераза очилган.  
 Эсади насим.  
 “Хайр!” демай, учиб кетар капалак.  
 Ёмғир ёга бошлар, эзилиб, сим-сим.  
 Тилсиминг шунчалар кўпмиди фалак?

\*\*\*

Мудрайди кўркүвга изн бермай тун,  
 Бошидан шовиллаб тўкилар ёмғир.  
 Кимга айтсин, ахир, кўрган тушини,  
 Кўз олдидан ўтиб турганда бир-бир?  
 Пастқам деворларга урар ўзини,  
 Ненидир йўқотиб кўйган алаҳсиб.  
 Уйқули кўзлари боқар уфққа,  
 Тонг жамоли унга этарми nasib?  
 Ҳали умидини сўндирмаган у,  
 Намхуш ҳаволарга босиб юзини.  
 Ҳали нур чуллаган мунаввар тонг ҳам  
 Ҳар ён тўлганади излаб изини.  
 Осмон ёғду сочар, юлдузлар секин  
 Туннинг юрагига боради кириб.  
 Булут сўнгги тамчи ёшин тўкканда,  
 Хотиржам кўз юмар, у тонгни кўриб.



Мўътабар  
 БОЙМАТОВА

1989 йилда туғилган.  
 Ёш ижодкорларнинг  
 2012 йилги “Дўрмон”  
 семинари қатнашчиси.



### **Нуриддин РАСУЛОВ**

1990 йилда туғилган.  
Қариш ахборот тех-  
нологиялари колле-  
жини битирган. Айни  
пайтда “Ўзбекистон  
темир йўллари”  
Қариш алоқа ва ти-  
жорат муассасасида  
ишламоқда.

\*\*\*

Уйғонган миллат бу, ўз овози бор,  
Дўстига кенг ёзган дастурхонини.  
Хайҳот! Топтайман деб уримга зинҳор,  
Ўзбек ҳалол топган доим нонини.

Ўргатганмас ҳечам биров ҳаққига  
Чеккадан қўл чўзиб эмоқни зинҳор.  
Бир туп ниҳол эмай Ватан боғига  
Шу ер ўзимники демоқни зинҳор.

Азим чўлларни-да сугорган эл бу,  
Ундан шифо топди қанча ташналар.  
Билки, бу дарёнинг ҳаёти мангу,  
Унга қуйилади минглаб чашмалар.

### **Ёр десам**

Ёр десам, шик у –  
Ўйласам қалбим.  
Ўйнаган қуш у –  
Оғдириб ақлим.

Бошқа йўқ тенгги,  
Осмонлар қўмсар.  
Булоқлар келгин  
Хуснини қўрсат.

Зиллдек тоза  
Сўзга маст гуллар.  
Қалбини ёзар  
Унга булбуллар.

У қулган заҳот,  
Тоглар эрийди.  
Жимирлар ҳаёт,  
Лаблар қурийди.

Очсалар зулм  
Айри бу қошлар.  
Хўрсинар кўнглим  
Сачрайди ёшлар.

Ёр десам, шик у –  
Ўйласам қалбим.  
Ўйнаган қуш у –  
Оғдириб ақлим.



**Қуртақ кўзин очади**

Сочларига чечаклар илиб,  
Яшил кўйлак бирам ярашган.  
Атрофида гирдиқапалак  
Боларилар шўхчан яйрашган.


Она замин, бу она тупроқ  
Майингина ўтмишдан сўйлар.  
Шамоллари гўё кўнгиروق,  
Таралади муаттар бўйлар.

Офтобойим этагин силкиб,  
Соғинч деган нурин сочади.  
Роса ухлаб, янги шавқ билан  
Қуртақ секин кўзин очади.

**Онажоним**

Кўзларингиз мунаввар тонгдай,  
Поклик, софлик ҳамда аҳд менга.  
Қиёсингиз ҳеч тополмадим,  
Борлигингиз олий бахт менга.

Сизга қараб, ўйланаман жим,  
Бағри кенгсиз, дарёдек жўшқин.  
Қаитаргина кулиб турасиз,  
Қалбингиздан олганизча тин.



**Махлиё  
БЕГИМҚУЛОВА**

1995 йилда туғилган.  
Қариш педагогика кол-  
лежиди ўқимокда.

**Баҳор қадри**

**Моҳинур  
МЕЙЛИЕВА**

1997 йилда туғилган.  
Айни пайтда Қарши  
Давлат университети  
қошидаги 2-сон акаде-  
мик лицейи ўқувчиси.

Яна сўқмоқ йўлни қоплади япроқ,  
Энди ўриндиқлар суянчиги ҳўл.  
Кўзнинг таширфидан кўнгилда титроқ,  
Қаламни туюлмай, қалтирайди кўл.


Дарахтлар қадди ҳам тик эмас, алҳол,  
Тасвирин кўрсатар ердаги кўлмак.  
Қалбда-чи, тўфонлар бошланар дарҳол,  
Қаҳратон зарбидан зирқирар юрак.

Кўз – бу якунимас умр китобин,  
У сабаб таниймиз беғубор қорни.  
Тафтини сўндирар ёзнинг офтобин,  
Хар кўзда англаймиз қадрин баҳорни.

**Ҳаёт билан ҳамнафас**

Ҳаёт сўқмоғидан секин, оҳиста,  
Юриб бораётир соат миллари.  
Шундайин зайлда, аста ва аста  
Ниҳоя топаркан, умр йўллари.

Ўйчан ҳаёл ила термиламан жим,  
Сира ҳам толмайди: бир он, бир нафас.  
Дўстим, шу милларга келар ҳавасим,  
Улар ҳаёт билан доим ҳамнафас.

**Севдим**

Мен сизни кўрдиму кўзларим чақнаб,  
Сизга севганимни билдирмай, севдим.  
Келарсиз деб йўлга кўз тикиб, ё, раб,  
Ҳижронга бағримни тўлдирмай, севдим.

Бу ҳаёт баъзида тегарди жонга,  
Аммо сиз деб, дилни чўқтирмай, севдим.  
Беғубор севгимни солмай гўмонга,  
Ниқимга ҳатто гард юқтирмай, севдим.

Сизни деб, дунёда сўзлардан қайтмай,  
Худди ўзим бордай қувониб, севдим.  
Севгимни яшириб, ҳеч кимга айтмай,  
Пинҳона қалбим-ла мен ёниб, севдим.

Ширин орзуларни авайлаб дилда,  
Ниятлар рўёбин кутиблар, севдим.  
Аччиқ ёлгонларни қувиб кўнглимдан,  
Ғамгин қайгуларни ютиблар, севдим.

Билдирмасдан, пинҳон сиз-ла бўлиб чин,  
Ёниб севишимни айтиблар, севдим.  
Ширин тушлар ила уйғониб секин,  
Ўнгимда ортимга қайтиблар, севдим.



**Моҳинур  
ТЎХТАЕВА**

1996 йилда туғилган.  
Қарши маданият кол-  
лежсида ўқимокда.

Четдан юзингизга аста термилиб,  
 Битта нигоҳингиз ўтиблар, севдим.  
 Ширин эркалашни эслабон, кулиб,  
 Биргина сўзингиз кутиблар, севдим.

Сизга боққанларга газабим кўзаб,  
 Гуноҳим билмасдан ё билиб, севдим.  
 Гоҳида бардошлар бермай асабим,  
 Хаёл дарёсида кўмилиб, севдим.

Мен сизни севдим, оҳ, бедор кунларим,  
 Соғиниб ўтганда, шундайин, севдим.  
 Ҳижрон азобида ялдо тунларим  
 Ўтказиб, тонг чиққан кундайин, севдим.



\*\*\*

Меҳр дарёсида юрибман сузиб,  
 Қайғунинг қиргоғи жуда ҳам олис.  
 Шодлигим тоғини бўлмайди бузиб,  
 Орзуларим холис, ҳисларим холис.

Шамол ҳам югурар мендан секинроқ,  
 Озорлар кўнглимга кираолмайди.  
 Онам бор – юрагим зубордан йироқ,  
 Отам бор – тинчлигим тилаб, толмайди.

\*\*\*

Боболарим ўтган юрт,  
 Момоларим ўтган юрт.  
 Бахтингни тўтиб бошда  
 Доноларим ўтган юрт.

Юлдузга тўла осмон,  
 Ҳар он, ҳар дам чарогон,  
 Сенга тилаб шараф-шон  
 Даҳоларим ўтган юрт.

Қизлари Барчинойим,  
 Сўзи ширин, мулойим,  
 Назар қилган, Худойим,  
 Барноларим ўтган юрт.

Йигитлари мард, танти,  
 Ғурурга тўла қалби,  
 Мисли Алтомши каби  
 Полвонларим ўтган юрт.

Боболарим ўтган юрт,  
 Момоларим ўтган юрт.



## Достон МУҲИДДИН

1994 йилда туғилган.  
 Айни пайтда Қарши  
 Давлат университети  
 қошидаги 1-сон акаде-  
 мик лицейи ўқувчиси.



## Наргиза УСМОНОВА

1996 йилда туғилган.  
Айни пайтда Қарши  
педагогика коллежсида  
ўқимокда.

\*\*\*

Сочларимни тортар шамоллар,  
Япроқлар ортимдан чопади.  
Шамоллар-ла келган булутлар  
Кўёшининг юзини ёпади.

Булутлар қуяди чўмичлаб,  
Ёмғирлари сочимни ювар.  
Ўзи ҳайдаб келган булутни  
Қамчи солиб, қайларга қувар?

Челак олиб қўлига осмон  
Кўксимдан аламини соғади.  
Онамнинг кўзёшларин ичган –  
Булутлар ёмғир бўлиб ёғади.

\*\*\*

Бугун ўзгачадир қушлар хониши,  
Ўзгача борлиқнинг жозибаси ҳам.  
Сумалак тағида ўтнинг ёниши  
Лоларанг юзларга ўхшайди бирам.

Ана, чоғиб келар кўчадан қизлар,  
Яшириб келишар қўлларига тои.  
Сумалак қошида айтилган сўзлар,  
Тилаклар ушалар, кўзга тўлиб ёш.

Эзгу-ниятларин айтиб бирма-бир,  
Қатгирни қўлига олар янгалар.  
Бувилар дер: “Етказганига шуқур!”  
Қуёш сочар кўкдан тилло тангалар.

Сўнгра, дастурхонга тортилар бори:  
Кўк самса, чучвара ҳамда сумалак.  
Сўнг, энди очилган бахти, баҳори,  
Ибо-ла, сузилар дилбар келинчак.

Даврани кенг олиб амма, холалар,  
Ўйинга тушарлар берилиб роса.  
Майдонга чиқади марду майдонлар,  
Шижоати тенгсиз, билаги тоза.

Ҳар ғал, Наврўз ўтар мана шунақа,  
Бизнинг ҳам шундайин кичик қишлоқда.  
Туғилишининг ўзи – энг катта байрам,  
Ҳар кун шодиёна, она тунроқда.



## Тарихимизни ўрганамиз

# АЛП ЭР ТЎНГА – ТУРОН ХОҚОНИ

Энг қадимги миллий қаҳрамонларимиз

Турон тарихининг тилсимлари кўп. Туркистон тарихида ҳали ўз ечимини кутиб ётган сир-синоатлар талайгина. Ҳозиргача Ўзбекистоннинг энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача бўлган мукамал тарихи яратилган эмас. Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихида кўплаб алп сиймолар ўтган. Уларнинг барчасини, айти пайтда, халқимиз туғул, ҳатто тарихчи мутахассислар ҳам ҳали яхши билишмайди. Тарих қатидан, асрлар ва минг йиллар қаъридан буюк бир сиймо бугунги кунда баркамол ўзбек наслига пешвоз чиқмоқда... Бу – “Энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эр Тўнга (Афросиёб)” (Ислом Каримов). Алп Эр Тўнга яқин тарихимизда унутилишга маҳқум қилинган шахс. Ҳатто мустақилликнинг дастлабки икки ўн йиллигида ҳам кўпчилик тарихчи, археолог ва шарқшунос олимларимиз “Афросиёб – афсонавий шахс” деб такрорлашдан нарига ўтишмаяпти. Муҳтарам президентимиз И.Каримовнинг 1997 йил 19 октябрда Бухорода айтган юқоридаги фикрлари негадир уларнинг совет даврида шаклланган ва ҳозир ҳам қотиб қолган айрим қарашларидан воз кечишга таъсир қилмаяпти. Бироқ тарих фани бир жойда тўхтаб қолмайди. Хайриятки, бугунги кунда Афросиёбнинг улўғвор ва муҳташам қиёфаси у мансуб бўлган халққа қайтарилмоқда. Ўзбек миллати XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топиш жараёнида тарихий илдизлари ва теран томирларини чуқурроқ англаши, туркий халқлар ва Турон давлатчилиги, демак, айти пайтда, бугунги ўзбек халқи ва Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворига асос солган буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда, сак-икситлар қавми дохийси Алп Эр Тўнга (Афросиёб) сиймосига мурожаат қилиши табиий ҳол ҳамда тарихий ва илмий заруриятдир. Биз Алп Эр Тўнга шахсиятига мурожаат қилиш орқали, аслида, ўзлгимизга, ҳали ўзбек номи билан юритилмай, бироқ жаҳон тарихида тур, турк, суғд, сак, массагет ва бошқа номлар билан аталган, “Туркнинг бош бўғини” (Амир Темур) бўлган бугунги ўзбек халқининг азим ва қадим тарихига мурожаат қилган бўламиз. Алп Эр Тўнга нафақат Турон тарихидан, балки Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан ҳам ўз қонуний ўрнини эгаллашга муносиб алп сиймо ҳисобланади.



**Қаҳрамон  
РАЖАБОВ**

1962 йилда туғилган.

Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатган. 1989 йилдан Ўзбекистон ФА Тарих институтида фаолият кўрсатади. Илмий фаолияти даамида 70 га яқин тарихий китоблари ҳамда турли тўпламлар, журналлар ва газеталарда 800 дан ортиқ илмий ва аммабон мақолалари нашр этилган. Тарих фанлари доктори, профессор. Турон фанлар академияси академиги.

## Турон, Турк ва тур(к)лар

Турк(ий) халқларнинг келиб чиқиши ва илк ватани тўғрисида фанда турли қарашлар мавжуд бўлган. Бу қарашларнинг аксарияти муаммога бир томонлама ёндашган ҳолатда турк халқининг келиб чиқишини нотўғри изоҳлаган. Хусусан, евроцентризм ва эроноцентризм назарияларининг вакиллари ва уларнинг тарафдорлари инсоният тарихида муҳим роль уйнаган турк(ий) халқларни камситиш билан шуғулланган. Шунингдек, улар ўз асарларида эронзабон халқлар тарихини ҳаддан ташқари улуғлаб, уни кўкларга кўтаришган.

Совет даври тарих фанида ҳам турк(ий) халқларнинг илк ватани – Олтой, турклар айнан шу ўлкада пайдо бўлиб, сўнгра бошқа юртларга тарқалган, деган тасаввур шаклланган. Бу тасаввурнинг пайдо бўлишида турк этноними остида Олтой ҳудудида илк ўрта асрларда ҳоқонликнинг дастлаб таркиб топганлиги катта роль уйнаган.<sup>1</sup> Академик Аҳмадали Асқаровнинг ёзишича, XVIII-XIX асрлар давомида Олтой минтақасида олиб борилган этнолингвистик тадқиқотлар ҳам бундай илмий фаразнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, Олтой туркий халқларнинг илк ватани сифатида тилга олиниб, жаҳон тарихий тилшунослигида Олтой тиллар оиласи деган атама пайдо бўлади. Бу тушунчанинг илмий асосланишида этнограф ва тилшуносларнинг бу соҳада олиб борган изланишлари ва туркларнинг келиб чиқиши ҳақида тўпланган турли асотир ва ривоятлар ҳам хизмат қилди.<sup>2</sup>

Маълумки, совет тарихшунослигида хуннлар (гуннлар) туркий қабилалар эканлиги ҳам эътироф этилган. Таниқли тарихчи Л.Н.Гумилёв (1912-1992) “Хунну” (1960) асарида хуннлар Хитой тарихида биринчи бор мил.ав. 1764 йилда, сўнгра мил.ав. 822 ва 304 йилларда тилга олинганини айтади.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги тарихчи ва этнограф олимлар олдига ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масаласини жиддий ўрганиш вазифасини қўйди. Айнан истиқлол туфайли тарихий ҳақиқат рўёбга чиқа бошлади. Мустақиллик йилларида қадимги Хитой ёзма манбаларининг объектив таҳлили натижасида бронза давридан бошлаб Урал (Ўрол) тоғ тизмаларидан шарқий ва жанубий ҳудудлар томон чўзилган катта минтақа Русь подшолиги томонидан босиб олинганга қадар бу замин турк(ий) этносга тегишли эканлиги исботланди. Бу ҳудудда қадимдан яшаган Андроново маданияти соҳиблари, яъни Буюк турк чўлининг чорвадорлари бўлган туркий қабилалар туркий тилда сўзлашганлар. Бу минтақалардан топилган археологик ва антропологик комплекслар ҳамда уларнинг қадимги Хитой ёзма манбалари билан қиёсий таҳлили Урал ва Жанубий Сибирь аҳолиси қадимги ва илк ўрта асрлар даврида ҳам туркий тилда сўзлашганлар, деган фикрни дадил ўртага ташлашга имкон бермоқда. Ўзбек олимлари, хусусан, машҳур археолог Аҳмадали Асқаров ва таниқли хитойшунос олим Абдулаҳад Хўжаев биринчилардан бўлиб бу илмий фикрни асосладилар.<sup>4</sup>

Профессор А.Хўжаев ўз тадқиқотларида сўнги йилларда хитой ва япон олимлари ҳамкорликда қадимги Хитойнинг 24 жилдлик тарихи (“24 тарих”) устида жиддий тадқиқотлар олиб бориб, илмий изланишлар жараёнида Турк атамаси Хитой манбаларига бундан камида 4000 йил аввал кириб келганини аниқлаганликларини таъкидлайди. Хуллас, қадимги Хитой ёзма манбаларига кўра, Шимолий Хитой кичик подшоликларининг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий чегараларида мил.ав. III-II минг йилликлар давомида ху, ди, хунн номлари остида чорвадор қабилалар жамоалари яшаган. Археологик тадқиқотлар натижалари айнан мана шу ҳудудларда бронза даврида Андроново маданияти соҳиблари яшаганлигини тасдиқлайди. Демак, қадимги Хитой ёзма манбаларида тилга олинган ху, ди, туфанг, гуйфонг, теле, челе, рунг, хунн ва бошқа саҳройилар қадимги туркийда сўзлашувчи Андроново маданияти соҳиблари эди.<sup>5</sup> Улар прототурклар, яъни кўҳна турклар бўлган.

Тарихий ва этнографик адабиётларда Евросиё дашт ва чўлларининг, яъни Турон минтақасининг кўчманчилари дастлаб “варварлар” деб аталган. Сўнги асрларда

<sup>1</sup> Қаранг: Гумилёв Л.Н. Древние тюрки. –М.: Наука, 1967. – С. 15-41.

<sup>2</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2007. 198-б.

<sup>3</sup> Гумилёв Л. Хунну. Хунны в Китае. –М.: Айрис-пресс, 2003. –С. 28.

<sup>4</sup> Қаранг: Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи... 200-201-бетлар.

<sup>5</sup> Қаранг: Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи... 203-204-бетлар.

"Авесто" илмий асосда ўрганила бошлангач, ана шу варварларнинг жанубга миграцияси туфайли Эрон тоғолди районларида Ариана (Орийлар юрти) ташкил топгани маълум бўлиб, варвар атамаси орий (арий) терминига алмаштирилди. Эрон – Ариана сўзининг янги шакли. Аслида, ҳозирги Эрон ҳудудининг бир қисми бу пайтда Персида ёки Персуа (Форс) деб юритилган.

"Авесто"га кўра, орийлар ижтимоий ҳаётда жамоанинг эркин, озод, жанговар мулкдорлар табақаси бўлиб, улар эл-юрт бошқарувчилари, беклари ва хўжайинлари эди. Мана шу табақа ва унинг аъзолари ўз уруғ-аймоқлари ва бошқа қавмдошларидан фарқли ўлароқ "Авесто"да озодлар, яъни орийлар, деб юритилган. Улар яшаган юрт орийлар ватани, орийлар кенглиги, яъни Арьянам Вайчаҳ, деб номланган. Бу юрт халқининг асосий бойлиги чорва, яъни қорамол, от, туя, қўй-эчки ва эшаклар ҳисобланади. Орийларнинг кундалик турмуш тарзи дашт аҳолисига хос кўчманчи чорвадорлик асосида қурилган.<sup>6</sup>

"Авесто"нинг "Видевдот" китобида орийлар юрти ҳақидаги маълумотларни таниқли суғдийшунос олим Мирсодиқ Исҳоқов ўзбек тилига қуйидагича таржима қилган:

"1. Ахура Мазда Спитаман Зардуштга сўз очиб дейди:

2. "Дунёдаги) барча ерларни унда яшовчи бандаларим назарида (ўзга ерлардан) яхшироқ қилиб мен яратганман. Ҳар бир ерни ундаги халқлар учун маъқул қилиб яратмасам эди, барча ерлардан одамлар Ерларнинг энг беҳишт – жаннат мисоли этиб яратганим Арианам-Ваэжў (Эранвеж)га қараб оқиб келаверган бўлар эди..."<sup>7</sup>

Хуллас, Арианам-Ваэжў згулик оламини яратувчи илоҳ Ахура Мазда яратган 16 сарзаминнинг энг бирламчиси ва гўзалидир. Бунга қарши ўлароқ, ёвузлик ҳудоси Ахриман Аждарҳо, Қиш ва Девни яратади.

"Авесто" ва "Ригведа" китобларига кўра, дастлаб орийлар Эрон ва Ҳиндистонга келганда маҳаллий аҳолига нисбатан бу ном "бегона", "келгинди", "босқинчи" маъноларини аниқлатган. Кейинчалик бу ном хўжайин, аслзода маъносини касб этган. Чорвадорлар деҳқонларга нисбатан тез бойиб кетишади. Айнан шу вақтда кўчманчи чорвачиликка ўтишга кенг имкониятлар яратилди. Бу – жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Ана шу туб ўзгаришларнинг меваси сифатида ибтидоий чорвадор жамоалари таркибида бадавлат мулк эгалари – ўнлаб ва юзлаб отарлардан иборат йилқи ва мол-қўйга эга жамоа сардорлари етишиб чиққан.<sup>8</sup>

Демак, орийлар Турон минтақаси чорвадор қабилаларининг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор ишбилармон қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси эди. Хуллас, орийлар туркий қавм орасидаги оқсуяклар бўлган.

Мил.ав. II минг йилликнинг ўрталарида Евросиё чўлларининг орийлари, яъни Турон пасттекислигининг чорвадор аҳолиси ўз чорваларига янги яйловлар қидириб, жанубга томон, нафақат Ўрта Осиёнинг ички районларига, ҳатто Эроннинг адирлик зоналарига ҳам кириб борадилар. Уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига яшаганлиги ва бу ердан ўтиб кетганлиги бронза даври археологик ёдгорликларида яхши кузатилади. Улар мил.ав. II минг йилликнинг охириги чорагида маҳаллий аҳолининг шаҳар ва қишлоқларига, ҳатто, "Авесто" маълумотларига кўра, Эрон ва Шимолий Ҳиндистонга кириб борадилар.

Хуллас, чорвадор туркий орийларнинг Турон минтақасининг шимолий қисмидан келиб Эрон адирларида ўрнашиб қолган жойлар "Авесто"да Ариана номини олган. Аслида, қадимги тарихда бу атама қадимги эроний тиллар тарқалган географик кенглик маъносидан ҳам тушунилган. Шу боис фанда орийларнинг Эрон ҳудудига қилиб кетганлари эронийлар, Ҳиндистонга йўл олганлари эса ҳинду орийлар номини олган. Демак, орий атамаси дастлаб ижтимоий маънода қўлланилган, кейинроқ эса орийлар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетгач, бу сўз янги этник маъно ва мазмун касб этди, орийлардан сон жиҳатидан бир неча марта кўп бўлган Эроннинг маҳаллий аҳолиси тил муҳити таъсирида улар аста-секин ўз турк(ий) тилларини йўқотиб, форслашиб ва эронийлашиб кетадилар.<sup>9</sup>

<sup>6</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. 207-бет.

<sup>7</sup> Авесто: "Видевдот" китоби. Ўзбек тилига М.Исҳоқовнинг илмий-суҳбати таржимаси. –Т.: Тош/ШИИ нашрияти, 2007. 10-бет.

<sup>8</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. 208-бет.

<sup>9</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. 209-210-бетлар.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, туркий халқларнинг илк ватани, азалий юрти Буюк Турк чўли бўлган. Чўлнинг марказида Турон текислиги (Турон пасттекислиги ҳам дейилади) жойлашган. Ҳозирги тасаввурларда бу қадимги туркий қабила ва златларнинг ватани илмий адабиётларда Евросиё чўллари, деб номланади. Аслида, бу тарихий ва жуғрофий Турон минтақаси ҳисобланади. Унинг ҳудудий доираси жуда кенг – Ғарбда Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан Шарқда то Жанубий Байкалгача<sup>10</sup> чўзилган чўл ва дашт минтақаларидан иборат. Унинг шимолий чегараси Урал дарёси ва ундан ҳам шимолроққа, қалин тайгага бориб тақалади. Урал тоғи қадимдан то сўнгги ўрта асрларгача славянлар билан туркий қабилаларнинг ҳудудий чегараси бўлган. У жануби-шарқда Шимолий Хитой ва жануби-ғарбда Шарқий Эрон ҳудудлари билан чегарадош бўлган. Антик давр юнон муаллифлари Яксарт (Сирдарё)нинг куйи оқими сўғдийлар билан туркий тилли қабилаларнинг чегара районлари бўлганлигини алоҳида таъкидлашади.<sup>11</sup>

Шу ўринда турлар (турклар) қавмига ҳам ойдинлик киритиб ўтиш лозим. Эҳтимол, турк сўзининг ўзаги турга бориб тақалар. Тур этнонимидан кейинчалик Турон, Туркистон атамалари вужудга келган. Тура сўзининг ўзаги ҳам балки турга бориб тақалар.

"Авесто"да Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси турлар (туронликлар) сифатида қайд этилган. "Авесто"да у "Thura" шаклида келтирилади. Дастлаб "Авесто"да қайд этилган "Тур" этноними кейинчалик Марказий Осиёнинг дашт ва тоғ ерларида яшовчи чорвадор аҳоли билан боғланган. Олимларнинг фикрига кўра, турлар тушунчаси – бу сакмагетларнинг дастлабки номи бўлиши мумкин.

Бошқа бир талқинга кўра, Тур қадимги эронийларнинг пешдодийлар сулоласидан бўлган шоҳи Фаридун (Траэтона)нинг ўғли. Атоқли форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (тахминан 934-1030) қаламига мансуб "Шоҳнома" достонида кўра, Тур туркий халқларнинг бобокалони, акиси Салм (Силм, Сельм) эса сомиий халқлар бобокалони ҳисобланган. Дунёнинг тақсимланиши ҳақидаги форс аъёнларига кўра, Фаридун ўз салтанатини ўғиллари Тур, Салм ва Эрож ўртасида тақсимлаган. Катта ўғил Салм – бойлик, ўртанчаси Тур – ҳарбий шон-шавкат, кичик ўғли Эрож – қонун ва динни сўраган. Уларнинг илтимосларига кўра, подшоҳ оталари Салмга Рум ерларини, Турга Туркистон ва чўлу биебонни, кенжа ўғли Эрожга эса Эрон тахтини ва акалари устидан олий ҳокимиятни топширган.<sup>12</sup>

"Шоҳнома" асарида бу аъёна бошқача вариантда сақланган. Фаридун ўз ўғилларини синамоқчи бўлади ва аждарҳога айланиб, уларнинг йўлини тўсади. Салм қочиб қолади, Тур курашга бел боғлайди, Эрож эса ўзининг ақл-заковати, олижаноблиги билан аждарҳони тинчлантиради. Фирдавсийнинг яна ёзишча, Фаридун ўртанча ўғлига ҳўкиз (бука) маъносини берувчи Тур деган номни беради. Мамлакатнинг шарқий қисми билан Чин Турга тегади ва бундан сўнг Турон деб атала бошлайди.<sup>13</sup>

Хуллас, "Авесто"да дастлаб этноним номи сифатида келтирилган Тур Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достонида курашчан ва ёвуз қаҳрамонга, яъни Турон ва Туркистон ҳукмдорига айлантирилади. Фирдавсий Турни жанговар Турон ҳукмдори сифатида Эрон ва унинг подшоларига қарама-қарши қўяди. Алп Эр Тунга айнан Турнинг авлодидан туғилган Турон ҳукмдоридир. У ҳам дostonда Туроннинг эронийлар назаридаги ёвуз подшоши сифатида кўрсатилган.

Ўз навбатида туркий халқлар тарихи ва адабиётида ҳам Тур(к) номига нисбат берилган турли нақллар ва ривоятлар мавжуд. Шу ўринда Ёфас ва унинг ўғли Турк хусусида қисқача маълумот бериб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.

Қадимги диний ривоятларга кўра, Нуҳ алайҳиссаломнинг уч фарзанди бўлган. Уларнинг исми Ёфас, Сом, Ҳом эди. Оламни сув босиши, яъни тўфондан сўнг омон қолган Нуҳ пайғамбар ўғилларига Ер юзини бўлиб берган. Қуръони каримнинг "Нуҳ" сураси бир неча оятларида тўфон воқеаси Нуҳ пайғамбар даврида содир бўлгани қайд этилган.<sup>14</sup> Бу нақлда мил. ав. учинчи минг йилликнинг охирида Месопотамияда юз берган улкан сув тошқини акс этган бўлиши мумкин.

<sup>10</sup> Байкал, аслида, туркча сўз бўлиб, у *Бой кўл* маъносини англатади.

<sup>11</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. 211-бет.

<sup>12</sup> Тур // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд... 632-бет.

<sup>13</sup> *Фирдавсий*. Шоҳнома (Биринчи китоб). Форсийдан Ш.Шоҳмуҳаммед таржимаси. –Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 129-132-бетлар.

<sup>14</sup> Қаранг. *Қуръони карим* маъноларининг таржимаси. Араб тилидан таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 570-571-бетлар.

Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажаарайи турк" асарида келтирилишича, Нуҳ пайғамбар "Ҳом отли ўғлини Ҳиндустон юртига юборди. Сом отли ўғлини Эрони заминга юборди. Ва Ёфас отли ўғлини қутби шимолий тарафига юборди... Ёфасни баъзилар пайғамбар эрди, теб турурлар ва баъзилар пайғамбар эрмас, деб турурлар. Ёфас отасининг ҳукми билан Жуди тоғидан кетиб, Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосига борди. Икки юз эллик йил анда турди. Тақи вафот тобди. Саккиз ўғли бор эди. Авлоди бисёр кўб бўлур эрди. Ўғлонларининг отлари мунлор турур: Турк, Хазар, Сақлаб, Рус, Минг, Чин, Камари, Тарих. Ёфас ўларинда улуг ўғли Туркни ўрнида ўлтуртурб, ўзга ўғлонларига айтдиким, Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, унинг сўзидан чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони теб лақаб кўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди. Отасининг сўнг ерларни юруб кўрди. Тақи бир ерни хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиғкўл дерлар".<sup>15</sup>

Хуллас, тўнғич ўғли Туркнинг номидан Ёфасни Абу Турк – Туркнинг отаси, деб ҳам аташган. Машҳур давлат арбоби ва тарихчи олим Мирзо Улуғбекнинг ёзишига қараганда, "Ёфас алайҳиссаломга Чин Машриқининг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўққилар ва бешинчи иқлимнинг қолган 1/3 қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулумотиғача ерлар бахш этилганди... Айтдиларки, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб кўйганди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган... Ҳазрати Нуҳнинг тўнғич ўғли Ёфас эди, алайҳиссалом. Ҳақ таоло уни расуллик ташрифига мушарраф қилди".<sup>16</sup>

Қадимда ва ўрта асрларда туркий ўлкаларда ёмғир ёғдирувчи Яда тоши ёрдамида дуо ўқиб осмондан ёмғир-қор ёғдирувчи кишилар бўлган. Мана шу яда илмини Ёфасга отаси Нуҳ алайҳиссалом ўргатган, деган нақл бор. Ёфас вафотидан сўнг Турк отаси ўрнига ўтириб юртни бошқарди. Халқ уни Ёфас ўғлон, деб атаган.

Турк ибн Ёфас, Ёфас ўғлон, Туркхон номлари билан машҳур бўлган Турк қадимги диний ақидаларга кўра, Ёфаснинг тўнғич ўғли ҳисобланган. У отаси вафотидан сўнг туркий ўлкаларни бошқарган улуг хондир. Туркни кўпроқ ўз халқи Ёфас ўғлон, деб атаган.

Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, Туркхон Каюмарснинг замондоши бўлган. Каюмарс Шарқий Эроннинг биринчи ҳукмдори бўлганидек, Турк "Машриқ диёри хоқонларининг биринчи қоони" бўлган. Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" китобида "Турк ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом султонлиги зикри" деб номланган махсус фасл мавжуд.<sup>17</sup>

Туркхон ўз қавми ўртасида хуш расм-русумлар, таҳсинга лойиқ тартиблар ўрнатган. Нақл қилишларича, у бағоят оқил ва баодоб ҳукмдор бўлган. "Тўрт улус тарихи" муаллифи Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, "Хонлик расм-русуми ва жаҳондорлик қоидаларини биринчи бўлиб Машриқ мамлакатларида ижро этди. Айтдиларки, Чин мамлақати сарҳадиданки, уни Хонжу, деб атайдилар, асосий ерлар, масалан, Туркистон замин мамлақати чегараларига унинг ҳукумати кўли остида эди. Хиргоҳ удуми унинг ихтиролариданки, Жамиъи турклар орасида инъом қилиши (одатини) ўрнатди. Одил ва комил, кўнгилчан подшоҳ бўлган, дейишади. Раъият борасида кўп риоят қилган... Унинг беш ўғли бўлган. Биринчиси Абилча, иккинчиси Тунг, учинчиси Чигил, тўртинчиси Барсхон, бешинчиси Атлоқ. Таомга туз солмоқ Туркхон ибн Ёфас алайҳиссалом даврида пайдо бўлди... Шунингдек, қорва ва ваҳший ҳайвонлар терисидан либос тикиб кийиш ҳам Турк ҳукмронлиги даврида пайдо бўлди".<sup>18</sup> Туркхон ибн Ёфас 240 йил умр кўрган.

Хуллас, турлар ва турклар Евросиё минтақасида кўп йиллар умргузаронлик қилишган. Уларда жамиятнинг аслзода қатлами орийлар, деб юритилган. Тур(қ)лар яшаган улкан юрт Турон деб аталган. Бу ўринда Турон атамасига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Турон туркий халқлар яшайдиган улкан ҳудудни англаувчи тарихий атама, ижтимоий-сиёсий ва маданий тушунча бўлиб, у бундан тахминан 3000 йил муқаддам дастлаб тур(қ)лар яшовчи юрт – Тур ёки Туркистон шаклида қўлланила бошлаган. "Авесто"да ҳам у шундай маънода ишлатилган. Турон минтақаси жуғрофий жиҳатдан Тинч океан

<sup>15</sup> Абулғозий, Шажаарайи турк. Нашрга тайёрловчи К.Муширов, К.Махмудов. –Т.: Чўлпон, 1992. 15-бет.

<sup>16</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б.Ахмедов, Н.Норкулов ва М.Ҳасаний таржумаси. –Т.: Чўлпон, 1994. 34-бет.

<sup>17</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 36-39-бетлар.

<sup>18</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 36-37-бетлар.

нидан Ўрта ер денгизигача, Шимолий Муз океанидан Тибет ва Ҳимолай тоғларигача, Анатолиядан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олади.

Турон ҳудудида яшаган прототурк халқлар кучли бир ҳукмдорга эҳтиёж сезган. Тарихий манбаларда турлича номлар билан аталган, бироқ турк тилининг турли лаҳжаларида гаплашган чорвадор аҳоли, яъни кўҳна турк қавмлари ягона давлат ва кучли доҳийга муҳтож бўлган. Айнан кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида Алп Эр Тўнга, ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси ўртасида Афросиёб номи билан машҳур бўлган шахс ана шундай мустақил Турон давлатига асос солди ва унинг биринчи қоони (хоқони) бўлди.

Ўз фикрларимизни турклар (туркийлар) ҳақидаги айрим мулоҳазалар билан давом эттирамиз ҳамда турк этноси ва этнонимининг ўрта асрлардаги тарихи ҳамда унинг баъзи жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Турклар ёки туркийлар жаҳондаги энг қадимги ва йирик этнослардан бири бўлган. Сўнги даврда жаҳон олимлари, жумладан, ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ва қадимги Хитой манбаларига кўра, турк атамаси бундан тахминан 4000 йил муқаддам расмисмон иероглифлар билан ёзилган битикларда тиек ва тиаук шаклида учрайди. Турк сўзи кучли, мустаҳкам, бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади, деган фикрлар мавжуд. Тарихчи олим Абдулаҳад Хўжаевнинг ёзишича, қадимги Хитой манбаларида турклар қиёфаси чуқур кўзли, қирра бурунли, басавлат ва серсоч, деб кўрсатилади.

Бир неча минг йилликлар давомида туркий қабилалар кўп марта бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг қабилавий таркиби ҳам ўзгариб турган.<sup>19</sup>

Мил.ав. III асрдан то милодий III асргача бўлган даврда турклар Улуғ Хунн хоқонлиги таркибида бўлганлиги сабабли Хитой манбаларида улар шюнну, хунну деб ҳам аталган. Мазкур хоқонлик емирилгандан кейинги 3000 йилга яқин вақт давомида хитойлар туркларни тиеклз (замонавий тилда теле) деб аташган.

Милодий VI аср ўрталарида туркларда бўлган Ашина авлоди кучайиб, Буюк Турк хоқонлигини барпо этган. Хитой манбаларига кўра, хоқонлик тугатилгандан кейин тилга олинадиган туркий қабилалар 58 та ном билан ажратилган. Шулардан 22 таси эса уйғурлар (иттифоқчилар), деб номланган. Уйғур хоқонлиги IX аср ўрталарида тугатилгандан сўнг туркларнинг катта бир қисми Олтой ва Шарқий Туркларон ҳудудидан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтган. Туркия олимлари асарларида турк қабиласи кўктурк, деб ҳам аталади. Тадқиқотларга кўра, кўктурк сўзи Тангрига, яъни осмонга (кўкка) ишонган турклар, баландлик турклари, кўк бўри тотеми бўлган турклар каби маъноларни англатган. Туркистон минтақаси ҳудудида Турк номи топоним, этноним, гидроним сифатида кўплаб учрайди. Бундан ташқари, Ер юзида ўзаги Тур ва Турк бўлган жуда кўплаб шаҳарлар, вилоятлар, дарёлар, тоғлар, уруғлар, халқлар ҳамда ҳайвон, шеър, мусиқа, куй, дори, ҳарбий усул номлари мавжуд.

Турк этноними тор маънода ўзбеклар (ўзбек халқи) таркибидаги этник гуруҳлардан бирини англатади. У 92 бовли ўзбек қавм (уруғ)ларидан бирининг номи. Турклар тўрт йирик қабила (турк, мусобозори, калтатой ва барлос)дан иборат бўлган. Улар VI-XVI асрларда минг йилдан ортиқ вақт давомида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. Қадимги ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан турк этник гуруҳи таркиб толган. Турклар таркибига турклардан мўғул қабилаларининг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, асосан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Туркларнинг кўпчилиги XX аср бошларида тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар бу пайтда Бухоро амирлиги ҳудуди, Фарғона водийси, Самарқанд вилояти ва Тошкент воҳасида яшаганлар.

### Алп Эр Тўнга – Туркий халқлар бобокалони

Алп Эр Тўнга таниқли ҳарбий саркарда ва машҳур давлат арбоби бўлиб, у туркий халқлар бобокалони ҳисобланади. Туркий манбаларда у Алп Эр Тўнга ва Тўнга Алп Эр, форсий манбаларда Афросиёб номи билан тилга олинган. Демак, Алп Эр Тўнга ва Афросиёб, аслида, битта шахснинг туркий ва форсий номлари бўлиб, у Турон давлатининг асосчисиدير.

<sup>19</sup> Хўжаев А. Турк // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. 640-бет.

Туркшунослик илмининг асосчиси бўлган машҳур олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг "Девону луготит турк" (1071-1072) китобида Алп сўзини қуйидагича изоҳлайди: "Алп – ботир, қахрамон". Сўнгра китобда Алп Эр Тўнга ҳақидаги машҳур марсия келади.<sup>20</sup>

Тўнга (тонга) сўзи эса девонда қуйидагича изоҳланади: "Тона – йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз, кўпинча, одамларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи, Тонахон, Тона тегин ва шунинг кабилар.

Туркларнинг улуғ хони Афросиёбни Тона Алп Эр, деб атар эдилар. Йўлбарс каби кучли баҳодир одам, демақдир".<sup>21</sup>

Демак, Алп Эр Тўнга сўзининг луғавий маъноси "Йўлбарс каби кучли одам, ботир ва қахрамон эр" демақдир. Туркий халқларда ботир саркардалар ва подшоҳлар номига, одатда, Алп сўзи қўшиб ишлатилган. Алп Эр Тўнга бу номи ўзига исм қилиб олган дастлабки инсон, туркий халқларнинг илк хоқони (хони) ҳисобланади. Кейинчалик ўзбек халқ эпосида 90 алп бўлганлиги, сўнги алп Алпомиш эканлиги қуйланган.

Алп Эр Тўнганинг форсий манбаларда ўз номи билан тилга олинмай, балки Афросиёб, деб аталишига нима сабаб бўлган? Афросиёб икки сўз: афро ва сиёб сўзларидан ташкил топган. "Афрос" сўзи арабча бўлиб, от маъносини билдиради. Эрон афсоналари ва ёзма адабиётидаги қахрамонлар номига азалдан от (асп) сўзи қўшиб ишлатилган. Масалан, "Шоҳнома"да Гуштасп, Аржасп, Луҳрасп каби қўплат номлар учрайди. Сиёб эса сиёҳ об, яъни қора сув, демақдир. Хуллас, Афросиёб форсчада қора от, қора отлиқ маъноларини беради. Қора сўзи фақат ранг (сифат) маъносида қўлланмай, бу тушунчанинг туркий халқларда кучли, баҳодир каби маънолари ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. (Бу ўринда кейинчалик ташкил топган туркий сулола – Қорахонийлар давлатининг номланиши бевосита шу сўзнинг кейинги маъносидан олинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳатто Туркистон тарихида Қорахитойлар давлати бўлганлиги ҳам маълум.) Бироқ форслар Афросиёбни ёвузлик ва даҳшатнинг тимсолига айлантирганлар. Тожик қомусларида эса Афросиёб сўзи қўрқинч ва даҳшат солувчи маъносидан изоҳланади.

Алп Эр Тўнганинг болалик ва ёшлик йиллари тўғрисидаги маълумотлар кам сақланиб қолган. Унинг аجدодлари ва келиб чиқиши тўғрисида турли-туман мулоҳазалар бор. Бироқ Алп Эр Тўнга туркий қавмга мансуб бўлганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат ҳисобланади.

Қомусий олим ва буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг машҳур "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" (1000 йилда ёзилган) асарига қуйидагича таъкидлайди: "Афросиёб ибн Буманж ибн Йинат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасп ибн Аршасп ибн Туж. Ниҳоят, Манучеҳр Афросиёбдан подшоҳликни (тортиб) олиб, уни (Эрондан) ҳайдади. Кейин иккови машҳур бир отишма туфайли ярашдилар".<sup>22</sup>

Беруний бошқа бир ўринда "Авесто" китобига таяниб, Каюмарсдан бошланган пешодий подшоҳларнинг исмлари келтирилган жойда Афросиёб Эронда 12 йил подшоҳлик қилганлигини айтиб ўтади.<sup>23</sup>

Туркий шоир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" дostonида Маҳмуд Кошғарий каби Тўнга Алп Эр фаолиятига юқори баҳо беради. "Туркий Шоҳнома" номи билан шухрат қозонган бу асарда Алп Эр Тўнга фаолияти қуйидагича мадҳ этилади ва таърифланади:

"Назар солиб қарасанг, турк беклари, турк бекларининг энг яхшилари, улар орасида энг номи машҳури ва бахти қулиб боққани Тўнга Алп Эр номи бек эди.

Мушоҳадаси кенг, санъат – хунарлари беҳисоб кўп, билимли, заковатли сара одам ўша эди.

Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар, у талай элларни ўз тасарруфига олган эди. Тожиклар у ҳақда китобда ёзиб қолдирганлар, бўлмаса, у ҳақда ким нимани ҳам биларди".<sup>24</sup>

<sup>20</sup> Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Уч томлик. 1-том. С.М.Муталлибов таржимаси. –Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1960. 77-бет.

<sup>21</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк 3-том. 379-бет.

<sup>22</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. Арабчадан А.Расулов таржимаси. – Т.: Фан. 1968. 131-бет.

<sup>23</sup> Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар... 133-бет.

<sup>24</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг //Қадимий хикматлар. Тузувчи: Н.Раҳмонов. –Т.: Гафур Ғулум номидаги

Хуллас, бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан Алп Эр Тўнга фақат зўр жангчи ҳамда саркарда ва кўмондон сифатида улуғланмасдан, балки буюк давлат арбоби, мамлакат ва давлат бошқарувининг катта ташкилотчиси сифатида намоён бўлади.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501) эса Берунидан 500 йил кейин ўзининг "Тарихи мулуки Ажам" асарида Алп Эр Тўнгага сал бошқачароқ баҳо беради: "Афросиёб. Они баъзи дебдурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур. Ва баъзи анинг нисбати Каюмарсга етурубдурлар. Аммо бурунги дурустоқдур. Чун Навдарни (Манучехрнинг ўғли бўлган Эрон шоҳи – Қ.Р.) ўлтурди, Эрон мулкани андоқ буздик, оз ерда маъмурлуқ қолди... Афросиёб подшоҳлиги ўн икки йил эрди".<sup>25</sup>

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб тарихчи олимларимиз (археологлар, манбашунослар, шарқшунослар, этнологлар ва б.) Алп Эр Тўнгани тарихий шахс сифатида тан олгилари келмайди. Аслида, масаланинг илдири рус шарқшунослари В.В.Григорьев (1816-1881) ва В.В.Бартольд (1869-1930) асарларига бориб тақалади.

В.В.Бартольдининг ёзишича, "Қорахонийлар Эрон таъсири остида қолганлари учун ўзларини афсонавий Турон подшоҳига нисбат бериб, отини Афросиёб, деб юридилар. Ҳолбуки, бу термин тамоман туркча эмасдир". Тарихдан маълумки, рус шарқшунослари ўз фаолиятлари билан Россия империясининг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда ўз ҳукуматларига муайян даражада хизмат қилишган.

Шарқшунос олим Ашраф Аҳмедовнинг ёзишича, "Бартольд Ўрта Осиё халқлари тарихи, этнографияси ва психологиясини чуқур ўрганган олим бўлса-да, Туркистон халқли маданиятини объектив ва ҳаққоний баҳолай олмади, маълум даражада уни камситди... Чунки Бартольд чор Россияси мустамлакачилигининг идеолоғи эди, у европаликларнинг осийликлардан устунлиги ғоясини олға сурди ва шу устунликни илмий ва мафкуравий жиҳатдан асослашга хизмат қилди".<sup>26</sup>

Айнан В.В.Бартольд ва бошқа Россия шарқшунослари таъсирида совет тарихи фанида ХХ асрга келиб Алп Эр Тўнга тарихий шахс мақомидан маҳрум қилинди. Коммунистик мафкура бунинг учун барча воситаларни ишга солди. Турон давлати ва Афросиёб ҳақидаги фикрлар эса сафсатага чиқарилди. Афсуски, бу мафкуранинг бундай оғир таъсиридан бугунги кунда ҳам кўплаб машҳур ўзбек олимлари (улар сафида ҳатто академиклар ҳам бор) қўтила олишмаяпти. Бу ўринда тожикистонлик олимлар тўғрисида ҳатто гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бироқ бундан 53 йил муқаддам нашр этилган Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк" асари 1-жилдига илова қилинган изоҳларда икки бетлик ихчам "Афросиёб" мақоласи мавжуд. Мақола муаллифи машҳур тилшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Солиҳ Муталлибов (1900-1979) тарихий асарларда Афросиёб тўғрисидаги фикрлар бениҳоя кўплигини таъкидлаб, девондаги маълумотлар Афросиёбнинг тарихий шахс эканлигини тасдиқлайди, деган тўғри ва дадил хулосага келади. У "Афросиёб – афсонавий шахс" деб ҳукм чиқарган рус шарқшунослари В.В.Григорьев ва академик В.В.Бартольд фикрларини ўз изоҳида кескин танқид қилади. Ушбу ўринда жасур тилшунос олимимиз С.Муталлибовнинг бу мақолада кўрсатиб ўтган Афросиёб ҳақидаги айрим фикрларини келтириб ўтамыз:

### "Афросиёб"

Маҳмуд Кошғарий девонида Афросиёбни Алп Эртўнга деб кўрсатса, "Қутадуғу билг" автори Юсуф Хос Ҳожиб Афросиёб деб кўрсатади...

"Равзатус сафо", "Тарихи мулуки Ажам"да Афросиёб тўғрисида жуда кўп маълумотлар бор. Буларда у ғоят золим подшоҳ сифатида тасвирланади. "Шоҳнома"да унинг Зол ва Рустамлар билан кураши анчагина жойни ишғол қилади. Навоий Афросиёб тўғрисида икки байт ёзиш билан чекланади...

Хулоса: тарихий асарларда Афросиёб тўғрисида маълумотлар бениҳоя кўпдир...

Девондаги маълумотлар Афросиёбнинг тарихий шахс эканлигини тасдиқлайди.

Афросиёб Афريدун ёки Фаридуннинг Тур исмли ўғлининг набираси Эшанг ёки Хушангнинг ўғлидир. Манучехр енгилгач, Манучехр ўғли Навзар дадасининг ўчини олиш

Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 100-бет.

<sup>25</sup> Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам // МАТ. Ингирма томлик., 16-том. – Т.: Фан, 2000., 203-204-бетлар.

<sup>26</sup> Аҳмедов А. Бартольд В.В. //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. 641-642-бетлар.

мақсадида Афросиёбга қарши жанг қилиб, енгилади. Афросиёб Навзарга қарши махсус ҳозирлик билан жанг бошлайди. Навзарни ҳалок қилади ва бутун Эронни қўлда тутайди, қаттиқ зулм остида ҳукм юргизади.

Афросиёбнинг марказий шаҳри Кошғар эди. Ҳавоси яхши бўлгани учун у доим шу ерда яшар эди. Бухтуннасро ўғли Батзанни шу қизи билан яширин алоқада бўлгани учун Жаруқ деган шаҳарга қамаган эди. Баъзилар бу шаҳарларни Афросиёбнинг Марвий Шохижохон деган ўғли бино қилган дейишади. Афросиёбнинг Барсагон шаҳрини шу бино қилган эди. Маҳмуд Кошғарийнинг бобоси шу шаҳарда яшаган. Юнгу водийси Афросиёб ўғли қурдирган Бормон шаҳрига оқади. Тарим сўзи Афросиёб авлодидан бўлган хотинларгагина қўлланилади. Қотун сўзи Афросиёбнинг қизларидан бўлганларнинг номидир. Девонда Афросиёб таржимаи ҳолига оид бу маълумотлардан бошқа Афросиёбга оид тўртликлар ҳам анчагина бор. Лекин улар девоннинг ҳар ерида, ҳар қайси жилдда чочиқдир. Парчалар Афросиёбни моҳир жанговар сифатида таърифлайди. Жанглардаги қаҳрамонлиги, душманларга зарба беришдаги маҳорати, баҳодирлиги таърифланади ва унинг ўлимига афсус баён қилинади.

Машхур "Қутадғу билиг" автори Юсуф Хос Ҳожиб бошқа бир ерда Афросиёбни ёлғиз қаҳрамонгина эмас, давлат идорасига маҳоратли билимдон тарзида сифатлайди. XI асрнинг ушбу тадқиқотчи олимлари Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибларнинг Афросиёб ҳақидаги маълумотлари, шубҳасиз, ишончлидир".<sup>27</sup>

Бу ўринда С.Муталлибов девон материаллари асосида Афросиёбни тарихий шахс сифатида кўрсатади ва баҳолайди. Олимнинг совет даврида айтган бу фикрлари га девоннинг биринчи жилди чиққандан кейин айрим эътирозлар бўлганлиги учун у Маҳмуд Кошғарий китобининг иккинчи жилди охирида махсус келтирилган "Тот" номли изоҳда яна Алп Эр Тўнга тарихий шахс эканлигини ўта ҳалимлик, бироқ қатъият билан қуйидагича кўрсатади:

"Афросиёбни Бартольд каби мўътабар олимлар афсонавий шахс, деб кўрсатганлар. Шунинг учун бу фикр кўпчиликка синггиб кетган эди. Маҳмуд Кошғарийнинг бу ҳақдаги маълумотлари тамоман бу қарашга зид бўлиб чиқди. Шунинг учун биз бу ҳақда I томда "Девон"даги маълумотлар асосида изоҳ бердик (қ. "Девон" таржимаси, I том, 493-бет).

Лекин айрим олимлар ҳануз Афросиёб ҳақида шубҳаланадилар. Ҳатто баъзилар уни махсус жой номи деган мулоҳазалар юритадилар. Шунинг учун биз ўз мулоҳазамизни қувватлаб, бу ҳақда яна кичик изоҳни мувофиқ топдик.

Илгари тадқиқотлар – акад. Бартольд, В.В.Григорьевлар Афросиёбни афсонавий ном деган даъволарида улар бу сўзни туркий эмаслигига асосланганлар. Дарҳақиқат, бу сўз форсча сўздир. Шунинг учун буни туркий халқлар қаҳрамони, деб кўрсатиш олимларнинг афсонавий ном деган қарашларини қувватлайди. Аммо "Қутадғу билиг" авторининг маълумоти га кўра, бу қаҳрамоннинг асл номи Тунга алп эр эди. Тожиклар буни "Афросиёб" деб атар эдилар:

Бу турк бекларининг оти белгулук,  
Тунга алп эр эрди қути белгулук.  
Тожиклар атар они Афросиёб,  
Бу Афросиёб алди эллар талаб.

"Девон"да ҳам худди шу мазмун сақланган. Маҳмуд Кошғарий "Тунга алп эр ёки Алп эр тунга" деган ном зикр қилинган ерда, бу – Афросиёб деб изоҳлайди.

Демак, мўътабар олимларимиз академик Бартольд ва Григорьевларнинг "Қутадғу билиг"даги бу фактдан хабарсизликлари уларни адаштирган. Демак, Афросиёб машхур Баҳодир Алп эр тунгага форслар томонидан берилган номдир. У тарихий шахсдир. "Девон"да у ҳақидаги қасидадан бир қанча парчалар берилган.

Афросиёбни янглиш тушуниш бир халқ тарихига доир воқеаларни иккинчи бир халққа нисбат беришга элтувчи қўпол хатодир".

### Алп Эр Тўнга – Турон давлатининг асосчиси

Алп Эр Тўнга милоддан аввалги VIII асрнинг охирида Турон ҳудудида сак-икситлар ёки скифлар (туркий қавмлар)нинг дастлабки давлатини ташкил қилади. Бу давлат Ев-

<sup>27</sup> Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. 493-494-бетлар (Афросиёб изоҳидан).

ропа тадқиқотчилари томонидан кейинчалик прототурк (кўҳна турклар) давлати деб номланган. Аслини олганда, Алп Эр Тўнга Турон давлатига асос солган машҳур туркий хоқон ҳисобланади. У Турон даштларида (Осиё ва Европа қитъаларида) яшаган ўнлаб туркий уруғ ва қабилаларни ягона давлат остига бирлаштирди ва мазкур давлатни 28 йил давомида бошқарган.

Турон давлатининг дастлабки пойтахти қайси шаҳар бўлганлиги ўша давр манбаларида аниқ кўрсатилмаган. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича, Кошғар Алп Эр Тўнганинг марказий шаҳри бўлган. Туркий халқлар, асосан, чорвадор бўлганлиги учун улар ёзда ёзлок (яйлов)ларда яшаб, қишда қишлиқ (қишлоқ)лар ва шаҳарларда истиқомат қилишган. Улар ўша пайтда ўтроқ ҳаётга нисбатан кўпроқ кўчманчилик ҳаёт тарзига мослашган эдилар. Шунинг учун Турон давлатининг битта эмас, бир нечта бош кентлари ва марказий шаҳарлари бўлган, деб айтиш учун қўлимизда асослар етарли.

Алп Эр Тўнга Турон пасттексислигида яшаган барча туркий қавмларни бирлаштириш учун тинимсиз курашган. У Шарқда уйғурларга қарши жанг қилган, Иртиш дарёси бўйларига қўшин тортиб бориб, басмил қавмини бўйсундирган, Турондаги барча туркий халқларни бир давлат қилиб бирлаштирган.

Алп Эр Тўнганинг фарзандлари ҳам худди отасидек Туронда кўплаб шаҳар ва қишлоқларга асос солган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари маълумотларига қараганда, Алп Эр Тўнганинг Қоз исмли қизи бўлган ва у ҳозирги Эрон ҳудудидаги Қазвин ва Қум шаҳарларини барпо қилган. Туркийларнинг чегара шаҳри бўлган Қазвин шаҳрида малика Қоз гоз ўйнар эди. Шаҳар номи Қазвин – Қоз сўзининг қисқарган шакли бўлиб, шаҳар ўзининг бунёдкори бўлган хоқон қизи малика Қоз номига қўйилган ва у Қоз шаҳри маъносини ҳам англатади. Шаҳар номининг иккинчи маъноси Қиз шаҳрини билдирган. Қум шаҳри атрофларида эса малика Қоз ов қилиш билан шуғулланган. Бу шаҳар қумли ерда қурилганлиги учун шу туркий ном билан аталган ва хоқон оиласининг ов қиладиган асосий макони бўлган. Шунингдек, Или водийси (Шарқий Туркистон)га оқувчи катта сувнинг Қоз суви деб аталиш сабаби ҳам у ерда малика Қоз дарё суви қирғоғига йирик қалъа қурганлиги учундир.

“Девони луғотит турк”да ёзилишича, Тарим сўзи Алп Эр Тўнга авлодидан бўлган хотинларга нисбатан қўлланилган. Қотун сўзи Алп Эр Тўнганинг қизларидан бўлганларнинг номидир.

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотларига қараганда, Алп Эр Тўнганинг Бақан ва Барсағон деган икки ўғли бўлиб, улар Фарғона водийсида ҳукмронлик қилишган. Барсағон бу ҳудудда Барсағон ва Бормон шаҳарларини қурдирган. Баъзи тадқиқотларда келтирилишича, Марв шаҳрини ҳам Алп Эр Тўнганинг бошқа ўғли – Марвий Шохижон қурдирган. Ўрта асрлар даврига оид тарихий манбаларда Марв шаҳри улуғланиб, Марви шоҳи жаҳон (Марв – жаҳоннинг шоҳ шаҳри) деб бежиз мадҳ этилмаган. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича эса, Марвни Алп Эр Тўнганинг ўзи бино қилган. Кошғарий девонига суяниб, айрим тадқиқотчилар чиқарган хулосага кўра, Алп Эр Тўнганинг марказий шаҳри Кошғар бўлган. Бироқ Маҳмуд Кошғарийдан олдин яшаб ўтган Наршахийнинг фикрларига кўра, Бухоро шаҳри Алп Эр Тўнга давлатининг пойтахти бўлган.

Алп Эр Тўнга Туронда мустаҳкамланиб олгач, тур(к)лар юртига доим тажовуз қилиб турадиган Эронга қарши кураш бошлади. Буюк саркарда ўз душманлари ва итоат этмаган қабилаларга нисбатан шафқатсиз ҳукмдор, бироқ дўстлари ва ўз фуқаросига нисбатан саҳий ва мард хоқон эди. Алп Эр Тўнга айёрликни билмайдиган тўғри сўзли саркарда, содда ва ишонувчан турк алпи бўлган. У катта қўшин билан Эрон устига ҳарбий юриш қилади ва Эронни забт этиб, бу ерда 12 йил подшоҳлик қилган. Сўнгра Алп Эр Тўнга билан эронликлар ўртасида сулҳ тузилган. Баъзи манбаларда ёзилишича, Эрон билан Турон ўртасидаги чегара Жайхун (Амударё) бўйлаб белгиланган. Аслида, Амударё орқали тарихий Хурсон ва Мовароуннаҳр ҳудудлари ўзаро ажратилган. Бу ҳолатни машҳур аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида қуйидагича тасвирлайди:

“Афросиёб Эроншаҳрни босиб олиб, Табаристонда Минучеҳрни қамал қилгач, Минучеҳр ундан бир илтимос қилди. Афросиёб унинг илтимосини қабул этди ва

Эроншахрдан бир ўқ отими квадрат жойни ўзига қайтарадиган бўлди..."<sup>28</sup>

Беруний орадан қарийб 40 йил ўтгач ёзилган ўзининг бошқа бир асари – “Қонуни Масъудий” (1037)да бу фикрни шундай давом эттирган: “Оришнинг Манучеҳр билан Афросиёб орасида сулҳ қилиш учун ўқ отиши ҳам шу кунга тўғри келган. Бу сулҳга кўра, ўқ бориб етган жой Манучеҳрни булар эмиш. Айтишларича, у Рўён тоғидан отган, узоққа отилган шу ўқ Фарғона ва Табаристон орасига тушган”.<sup>29</sup>

Алп Эр Тўнга билан сулҳ тузилгач, ўз мустақиллигини қайта тиклаган эронликлар сулҳ тузилган Тир Моҳ (ўқ отилган ой)нинг ўн учинчи куни – рўзи тир (ўқ отилган кун)ни, ҳайит сифатида катта байрам қилиб, ҳар йили анъанавий равишда нишонлаб келганлар. Бу ҳақда ҳам Беруний ўзининг ҳар иккала китобида келтириб ўтган.

### “Авесто”, Алп Эр Тўнга ва Бухоро

Алп Эр Тўнга милоддан аввалги VIII асрда Бухоро яқинида Ромитан шаҳрига асос солган. Айрим маълумотларга кўра, Бухоро ҳисори (шаҳарнинг қадимги қисмини) ҳам у барпо этган. Бу ҳақда машҳур тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959) ўзининг “Бухоро тарихи” китобида қуйидагича фикр билдиради:

“Ромтин (Ромитан). Бу катта бир куҳандизга эга ва мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Баъзи китобларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган, [кейинроқ эса] Бухоро шаҳари бино бўлгандан кейин, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлдилар... Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган. Афросиёб ҳар вақт вилоятга келганида шу қишлоқдан бошқа жойда турмаган”.<sup>30</sup>

“Бухоро тарихи” асарининг Янги Бухоро (Когон)да 1904 йил Мулло Султон томонидан нашр қилинган нусхасида Алп Эр Тўнга (Афросиёб)нинг қизи ва Ромитан билан боғлиқ қуйидаги нақл келтирилади: “Айтадиларки, Афросиёбнинг бир қизи бўлиб, унинг доимо боши оғрир эди. Ромтинга келиб туриб қолганидан кейин бу ернинг ҳавоси мувофиқ келиб дарддан халос бўлди ва бу жойга “Ороми тан” – “Тан ороми” деб ном қўйди. Оддий халқ эса буни “Ромтин” деганлар”.<sup>31</sup>

Алп Эр Тўнга қурдирган кўҳна Ромитан шаҳри ҳозирги Бухородан тахминан 20 км узоқликда бўлиб, у воҳанинг гўзал ва хушманзара ерида жойлашган. Бу ерда Алп Эр Тўнга билан биргаликда унинг каттакон хонадони, сарой амалдорлари, беклари ва саркардалари ҳам истиқомат қилган. Бироқ Ромитан топонимини фақат хоқон қизининг бош оғриғи касаллигига даво топиши билан боғлиқ ҳодисага асослаб қўйиш ҳам унчалик тўғри эмас. Шунингдек, Афросиёб қурдирган Ромитан шаҳрининг жуғрофий ўрни ҳозирги Ромитан туманининг маъмурий маркази Ромитан шаҳридан бошқа жойда бўлиб, у халқ ўртасида Қўрғон (Ромитан қўрғони) номи билан машҳур. Бундан ташқари, Ромуштепа харобалари Жондор тумани худудида жойлашган.

“Авесто” матни устида олиб борилган сўнги тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ромтин ва Ромуш (ҳозирги Ромитан) шаҳарларининг номи зардуштийлик динининг илоҳларидан бири – яхши яйловлар бахш этувчи буюк илоҳ Ром номидан олинган. Шу нарса характерлики, илоҳ Ром номи ҳам ором – осудалик маъноларини англатади. Ром ҳаво илоҳи ҳам ҳисобланган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да бу илоҳнинг номи Ром, Рома, Роман шаклларида келади. Зардуштийларнинг эътиқодларига кўра, ойнинг йигирма биринчи кунини қўриқлаш илоҳ Ромнинг зиммасида бўлган. “Авесто”да ўн биринчи “Ром яшт” бу илоҳга бағишланган махсус ҳамду санолардан иборат. “Авесто”да Ром илоҳи яхши яйловлар соҳиби сифати билан таърифланади ва илоҳ Меҳр билан ёнма-ён қўйилади:

“Раюманд ва фаррихманд Ахура Мазда, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этувчи Ром...”

Мадҳ этаман минг кулоқли, минг кўзли, кенг яйловли Меҳр, у буюк илоҳ – яхши яйловлар бахш этувчи Ромни!”<sup>32</sup>

<sup>28</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 259-бет.

<sup>29</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 5-том. 1-китоб. Қонуни Масъудий. Арабчадан А.Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1973. 209-бет.

<sup>30</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1966. 23-бет.

<sup>31</sup> Наршахий. Бухоро тарихи... 96-бет (28-изох).

<sup>32</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Ўзбек тилига Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ,

Хуллас, яхши яйловлар соҳиби сифатида улуғланган буюк илоҳ Ромнинг номи Алп Эр Тўнга ва унинг невараси қурдирган Ромтин ва Ромуш шаҳарларига қўйилган. Ромитан яйловларида минг йиллар давомида дунёга машҳур Бухоро қорақўл қўйлари боқилган. Ҳозирги вақтда ҳам Ромитан тумани ҳудуди бепоён Қизилқумнинг энг яхши яйловлари ҳисобланади. Бундан ташқари, Ромитан атамаси туркий митан уруғи номидан келиб чиққан, деган тахминлар ҳам мавжуд.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Эрон шоҳи Кайковуснинг ўғли Сиёвуш отаси билан аразлашиб қолгач, Турон хоқони Алп Эр Тўнга ҳузурига келади. Алп Эр Тўнга (Афросиёб) уни яхши кутиб олган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, хоқон ўз қизи малика Қозни Сиёвушга хотинликка беради. У ҳатто барча мулкни куёвига топширади. Бироқ форс адабий манбаларида, хусусан, форс-тожик шоири Фирдавсий ўзининг машҳур "Шоҳнома" асарида Франгҳрасян (Афросиёб) Сиёвушни дастлаб яхши кутиб олганлиги, унга қизи Фарангисни берганлиги ва сўнгра маккорлик билан уни ўлдирганлиги бир томонлама ёритилган. Бу воқеалар тарихчи олим Наршахий томонидан 943 йили ёзилган "Бухоро тарихи" китобининг "Бухоро Аркининг бино этилиши ҳақида" номли 8-фаслида қуйидагича тасвирланган:

"Абу-л Ҳасан Нишопурийнинг "Ҳазоин ул-улум"да айтишича, Бухоро куҳандизининг, яъни Бухоро Арки ҳисорининг бино этилишига мана шу (воқеа) сабаб бўлган: Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб Жайхун дарёсидан ўтиб Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкни ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вақтинча бериб қўйилган жой эканлиги туфайли, Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади... (Кимлардир) [Асарнинг Бухоро нусхасида қўшилган: Афросиёбнинг биродари Каршюз] у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва (натижادا) Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ана шу Ҳисорда шарқий дарвозадан кираверинингда "Дарвозайи Гуриён" (баъзи манбаларда: "Дарвозайи Гуриён" – Қ.Р.) деб аталган Сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастрлари ўша жойни азиз тутадилар (асарнинг Бухоро нусхасида қўшимча бор: унинг қабрини Сиёвуш вали мазори дейдилар) ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни куёш чиқишидан олдин ўша жойга биттадан ҳўрос сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни "оташпарастрлар йиғиси" дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди".<sup>33</sup>

Наршахий ўз асарининг бошқа бир ўрнида Сиёвуш ўлимига атаб бухороликлар тўқиган қўшиқлар тўғрисида яна қуйидагича ёзиб кетган: "Бухоро аҳолиси Сиёвушнинг ўлдирилиши тўғрисида ажойиб ашулалар тўқиганлар; куйчилар бу қўшиқларни "Кини Сиёвуш" – "Сиёвуш жанги" деб атайдилар".<sup>34</sup>

Шундай қилиб, Алп Эр Тўнга томонидан илк марта Бухоро шаҳри ва ҳисорига асос солинган. Бухоро шаҳрига Сиёвуш асос солмаган. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Наршахий ўз асарининг бошқа бир ўрнида Бухоро ҳисорини Алп Эр Тўнга бино қилган, деган қатъий фикрни келтириб ўтади ва Афросиёбни бунёдкор хон сифатида кўрсатади. Наршахий ўз асарини 943 йилда ёзганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу воқеаларга ҳозир тўрт минг йилдан ошади.

Наршахий ўз асарида Абул Ҳасан Нишопурийдан келтирган бу тарихий далиллардан кўриниб турибдики, Алп Эр Тўнга (Афросиёб) бунёдкор подшоҳ бўлган. Қадимги Ромитан ва Бухоро қалъаларини у қурдирган. Бу вилоятга келганида ўзи асос солган ва подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлган Ромитанда турган. Наршахий, Табарий, Нишопурий каби мўътабар Шарқ тарихчиларининг бу фикрларини улардан тахминан 100-150 йил кейин яшаб ўтган буюк ватандошларимиз Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарларида тасдиқлашади. Бироқ кўпчилик форсий манбаларда тарихий шахс бўлган Алп Эр Тўнга ҳақида асоссиз уйдирмалар келтирилган ва салбий фикрлар билдирилган. Наршахий ўз асарида Алп Эр Тўнга ҳақида фикр билдирган икки томонга ўзининг холис муносабатини кўрсатиш учун айрим форсий манбалар ҳақида аниқ қилиб қуйидаги сўзларни келтириб ўтади: "Форсийларнинг китобла-

2001. 34-35-бетлар.

<sup>33</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 28-бет.

<sup>34</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 23-24-бетлар.

рида айтилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган. У жодугар бўлиб, Нуҳ подшоҳнинг болаларидандир. У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган..."<sup>35</sup>

Бизнингча, форсийларнинг китобларида келтирилган Афросиёб ҳақидаги бундай уйдирма фикрлар ҳеч қандай изоҳ ва шарҳга муҳтож эмас. Бироқ бу ўриндан шуни таъкидлаш лозимки, илк ўрта асрларда турк давлатчилиги (Турон) билан форс давлатчилиги (Эрон) ўртасидаги ҳарбий ва сиёсий муҳолифлик Алп Эр Тўнга – Афросиёбга нисбатан бўлган муносабат туркий тилли манбаларда ижобий, форсийзабон манбаларда эса салбий бўлишича сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг "Тарихий хотирасиз келажақ йўқ" асарида тарихчи олимлар олдига ўзбек халқининг узоқ ўтмиши ва бой тарихини ёритиш вазифасини 1998 йилдаёқ қуйидагича қўйган эди:

"Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас".

Президентимиз И.Каримов томонидан тарихчилар олдига вазифа қилиб қўйилган мазкур топшириқ кўп йиллик илмий изланишлар натижасида бугун муайян маънода ба-жарилганлигини айтиш учун ўзимда журъат сезаман. Ўзбек халқининг қадим ўтмиши ва буюк давлатчилик тарихининг сарчашмасида турган Турон давлатига бундан тахминан 2700 йил муқаддам айнан Алп Эр Тўнга (Афросиёб) томонидан асос солинган. Турон давлатининг дастлабки бошкентларининг асосчиси ҳам Алп Эр Тўнга ҳисобланади. Шунингдек, бу бошкент ҳозирги Бухоро шаҳри эди.

Хуллас, Алп Эр Тўнга ҳаётида Бухоро шаҳри муҳим ўрин тутди. Бу ҳолатни қуйидаги жиддий сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Бухоро шаҳри Турон давлатининг илк пойтахти бўлган. Бухоро қулай жуғрофий ўрин – Турон минтақасининг марказий қисмида жойлашган. Қизилқум ва Қорақум сарҳоларини ўзаро ажратиб турувчи ўтроқ деҳқончилик воҳаси билан кўчманчилар – туркий чорвадор қавмлар яшаган улкан дашти ўзаро боғлайдиган чорраҳанинг марказий қисмида Бухоро шаҳрига туркий халқлар томонидан асос солинган. Бухоро воҳасининг шимолидаги Вардона қишлоғи ҳақида фикр юритган Наршахий бежиз қуйидаги фикрларни ёзмаган эди: "У Туркистоннинг чегарасида жойлашган".

Иккинчидан, Алп Эр Тўнга туғилган жой ҳақида тарихий маълумотлар сақланиб қолмаган. Бироқ у Турон текислигидаги улкан дашт ёхуд унга чегарадош воҳада вояга етиб, камол топганлиги ҳамда барча туркий қавмларни бирлаштириб, мустақил Турон давлатига асос солганлиги – тарихий ҳақиқат. Минтақадаги энг кўҳна шаҳар Бухоро эканлиги эса жаҳон олимлари томонидан эътироф этилар экан, ўз-ўзидан бу шаҳарга Алп Эр Тўнга томонидан асос солинганлиги ойдинлашади. Хуллас, Бухоро шаҳрининг аниқ ёшини аниқлаш учун ҳам Алп Эр Тўнга яшаган даврни асос қилиб олиш лозим бўлади. Бухоронинг бунёдкори Алп Эр Тўнга бўлар экан, демек, Бухоро воҳасидаги шаҳарсозлик маданияти ва тарихини ҳам Алп Эр Тўнгадан бошлаш керак. Ҳозиргача бухороликлар ўртасида турли давраларда Алп Эр Тўнга тўғрисида турфа нақллар юриши, Наршахий маълумотлари билан бу мулоҳазалар бир-бирини ўзаро тўлдириши бежиз эмас.

Учинчидан, Алп Эр Тўнга ва унинг фарзандлари Бухоро шаҳри ва унга ёндош ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқлар тараққиётига катта эътибор қаратишган. Алп Эр Тўнганинг Бухородан ташқари Ромитан шаҳрига асос солиши, Алп Эр Тўнганинг қизи билан Ромитан ҳақидаги нақллар фақат китоблардан китобларга кўчиб ўтувчи ривоят бўлмай, балки унда олис тарихимизнинг бизга аён бўлмаган сир синаотлари ўз аксини топган.

Тўртинчидан, Алп Эр Тўнга олис Мидияда душман қўлида маккорлик билан ўлдирилгач, васиятига биноан унинг жасади айнан Бухоро шаҳрига олиб келиниб, Маъбад дарвозаси олдидаги катта тепалик устида дафн этилган. Агар Бухоро шаҳри ўша пайтда Турон давлатининг бошкенти бўлмаганида Алп Эр Тўнга бу ерда дафн этилмас эди. 1997 йил 19 октябрда Бухоро шаҳрида бўлган юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам Алп Эр Тўнга Бухоро шаҳрида дафн этилганлигини таъкидлаб ўтди.

<sup>35</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 23-бет.

## Алл Эр Тўнганнинг ҳалокати

Турон билан Эрон ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг янги босқичида Эронда ҳокимиятни қўлга киритган Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав Туронга бостириб киради. Бу воқеа тахминан мил. ав. 630 йили содир бўлган. Турон ҳокони Алл Эр Тўнга билан кувей Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав ўртасида шиддатли жанглар кечган. Хусусан, Ромитан атрофида қаттиқ жанглр бўлиб, бу ерда икки йил турган Кайхусрав Ромитан ҳисори рўпарасида Ромуш қишлоғини қурган. Кейинчалик ўртада сулҳ тузилган. Маълум муддатдан кейин жанг ҳаракатлари яна қайтадан бошланган. Ҳар икки томон ўртасида қақшатқич жанглр Турон ва Эрон сарҳадларида бир неча марта бўлиб ўтади. Тарихий маълумотларда келтирилишича, Алл Эр Тўнга қўмондонлик қилган ана шундай жанглрнинг охиригиси мил.ав. 626 йилнинг кеч кузида Мидия (ҳозирги Озарбойжон ва Эрон ҳудудининг бир қисмида бўлган қадимги давлат)да бўлиб ўтган. Бу жанг туронликларнинг галабаси билан тугайди. Жангдан кейин сулҳ тузилиб, мағлублар ғолиблар шарафига катта зиёфат беради.

Бироқ Эрон шоҳи Кайхусрав Алл Эр Тўнгани зиёфат пайтида майга заҳар қўшиб бериб ўлдиради. Турон ҳокони Алл Эр Тўнга ишонувчанлиги ва соддадиллиги учун эронийларнинг мақр ва ҳийласидан қурбон бўлди. Ҳоконнинг ухлаб ётган лашкарбошилари ҳам тўғдан ўтказилган. Алл Эр Тўнганнинг ўлими Эронда тур(к)лар ёки саклардан қутилиш кунини сифатида катта тантана қилинган. Хуллас, Алл Эр Тўнга ва унинг лашкарбошилари эронликлар томонидан хоинларча ўлдирилгач, ҳокон кўшинининг тирик қолган қисми Мидия, Анатолия, Эрон, Турон ҳудудларига тарқалиб кетган. Уларнинг бир қисми Шарқий Анатолиянинг тоғли жойларига қочиб қутулдилар. У замонларда бу ерларга келиб ўрнашган сак турклари қарлуқ, гур, бижанок (печенег) уруғлари эди.<sup>36</sup>

Алл Эр Тўнганнинг жасади унинг содиқ беқлари ва йигитлари томонидан Бухорога олиб келинган ва шаҳардаги Маъбад дарвозаси ёнидаги тепалиқда дафн этилган. Наршахий ўз асаридида бу воқеаларни қуйидагича тасвирлайди: "Сиёвушнинг Кайхусрав номли ўғли бўлиб, у отасининг қонини талаб қилиб кўп лашкар билан бу вилоятга келганида Афросиёб шу Ромтин қишлоғини ҳисор қилиб турган... Кайхусрав икки йилдан кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди. Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида раҳматли Хожа имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига туташган катта тепалик устидадир".<sup>37</sup>

Наршахий Алл Эр Тўнга билан боғлиқ воқеаларни ўз китобида тасвирлар экан, у аниқ бир санани келтирмайди. Алл Эр Тўнга (Афросиёб) шахси билан боғлиқ воқеалар тасвирида тарихчи томонидан бир неча марта ушбу воқеаларга уч минг йилдан ошган, деган бир хил жавоб келтирилади, холос. Наршахий яшаб ўтган пайтдан эса ҳозиргача минг йилдан ортиқ вақт ўтди...

Алл Эр Тўнга Бухорода дафн этилган жой тарихий манбаларда узук-юлуқ кўрсатилса-да, у вақт синовиға бардош берди ва халқ хотирасида абадий қолди. Орадан асрлар ва минг йиллар бир-бирини қувлаб кечди. Шарқнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири Бухоро бир неча марта турли ёғийлар қўлига ўтди. Шаҳарнинг муқаддас жойлари отлар туёғи остида топталди, мозорлар бузиб ташланди. Авлодлар алмашинуви билан қадриятлар ҳам ўзгариб турди. Халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатлари ҳам алмашди. Тарихий номлар ва шонлар ўзгарди. Бироқ Бухорода Алл Эр Тўнга ҳақидаги хотиралар тирик тарих сифатида отадан болага, ўғилдан неварига ўтиб, у бунгунги кунга ҳам етиб келди. Бу хотираларда Алл Эр Тўнга ўзбек халқининг энг қадимги миллий қаҳрамони эканлиги ва у Бухорода дафн этилганлиги келтирилади. Алл Эр Тўнга ҳақидаги халқ кўшиқлари ҳамон хос давраларда ўзгача янграйди.

Бухорога ислом дини кириб келгандан кейин буюк фикшунос олим, ҳанафия мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги асосчиси, Имом Бухорийнинг катта замондоши ва устози Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767-832) фаолияти туфайли Бухоро "қуббатул ислом", яъни ислом динининг гўмбазини, деб аталган. Наршахийнинг ёзишича, Кабир Бухорий вафот этганда Афросиёбнинг гўри бўлган катта тепалик ва Маъбад дарвозаси (бу номга бир эътибор қаратинг-а!) атрофида туташган бошқа тепалик устида дафн қилинган. Ўрта асрларда бу жой Кабир Бухорий мақбараси мавжудлиги боис бутун ис-

<sup>36</sup> Насимхон Раҳмон. Турк ҳоконлиги. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 4-бет.

<sup>37</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 23-бет.

лом оламининг муқаддас зиёратгоҳи саналган. Бухорои шарифдан бу тепаликка олиб борувчи йўл Ҳақроҳ – Ҳақ йўли, унга кирувчи дарвоза Дари Ҳақроҳ – Ҳақ йўли дарвозаси деб эъзозланган.

1949 йилда она шаҳрига сўнги бор ташриф буюрган машҳур ёзувчи Садриддин Айний (1878-1954) тарихий қўлёзмалар асосида Бухорода дафн этилган Афросиёб, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Рудакий ва бошқа улуғ зотларнинг мазорлари ўрнини аниқлаган экан. Бироқ Айнийнинг вафоти билан бу тарихий жойларнинг у аниқлаган ўрни яна унутилди...

Хайриятки, 1991 йилдан бошлаган мустақиллик насими Бухорода ҳам шаҳар қиёфаси ва муқаддас қадамжоларга эътиборни тубдан ўзгартирди. Афросиёб ва Кабир Бухорий каби улуғ зотлар дафн этилган Ҳазрати Имом қабристонининг XXI аср бошларида қайта ободонлаштирилди ҳамда кўҳна Бухорода тарихий адолатни тиклаш ва қарор топтириш жараёни бошланди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига Афросиёб номи берилди. Хуллас, Афросиёб яна Бухорога ва Ўзбекистонга қайта бошлади...

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эр Тўнга (Афросиёб)" деган сўзлари орқали тарихчилар олдига Турон давлати ва унинг дастлабки ҳукмдори ҳақида тарихий ҳақиқатни қарор топдириш вазифасини қўйган эди. Бу дастурий вазифалар ечими куйидаги ҳулосаларга олиб келди:

Биринчидан, Алп Эр Тўнга (Афросиёб) тарихий шахс, бунинг устига у энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бири. Алп Эр Тўнга Турон давлатининг дастлабки хоқони ҳисобланади.

Иккинчидан, Алп Эр Тўнга Бухорода дафн этилган. Бухоронинг барпо этилиши Алп Эр Тўнга тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бухоронинг асрлар ва минг йиллар қаърида қолиб кетган сир-синоатларини очиш, қадим тарихини ёритиш айна пайтда Алп Эр Тўнга шахсиятини ўрганиш ҳам демакдир.

Учинчидан, Бухоро нафақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, балки бутун Шарқ минтақасида мўътабар марказ бўлганлиги бу шаҳарнинг жуда қадимийлиги ва кўҳналикдан далолат беради. Бухоро – Турон давлатининг дастлабки бошкенти, Алп Эр Тўнга нинг марказий шаҳри бўлган. Шунинг учун ҳам буюк хоқоннинг васиятига биноан, у айнан ўзи асос солган Бухоро тупроғида мангу қўним топган.

Хуллас, Алп Эр Тўнганинг ўлими Турон давлати ва туркий халқлар учун катта йўқотиш бўлди. Бироқ саклар ва бошқа туркий қавмлар ўз давлатчиликларини Эрон ва Мидияга қарши қақшатқич курашда сақлаб қола олдилар. Алп Эр Тўнга вафотидан кейин сак-искитлар давлати бўлган Туронни унинг ўғли (Алишер Навоийнинг ёзишича, Аржасб) бошқаради. Бу ҳақда машҳур юнон тарихчиси Геродот ҳам ўз асарига муҳим маълумотларни келтиради.

Алп Эр Тўнгани ўз туркий номи билан аташ – тикланиши лозим бўлган тарихий ҳақиқатнинг яна бир муҳим нуқтасидир. Чунки "Афросиёб" – ўзга халқ томонидан унга берилган ном ҳисобланади. Тарихнинг сир-синоати шундаки, у кўпроқ Афросиёб номи билан машҳур бўлган.



**Абдулла ШЕР**

1943 йилда туғилган. Тошкент Давлат Университети журналистика факультетини тамомлаган. “Кўклам табассуми”, “Алёр”, “Атиргул сояси”, “Роз”, “Қуз ҳилоли”, “Қадимги куй”, “Нуқтадан сўнг”, “Тоқат”, “Ёнаётган йўл”, “Ёмғирлар ораляб”, “Сарбаст кўшиқлар”, “Севги олмоши”, “Севилмаган менинг севгилим” тўпламлари нашр этилди. Шунингдек, у “Гул йиллар, булбул йиллар” номли шеърй ва “Асрларнинг асраганлари” насрий тўпламларининг муаллифи.

## Ойбек, ой ва коинот ёҳуд дарвешлик рутбаси

(Фалсафий-эстетик таҳлил тажрибаси)

Бугун Ойбек шеърйятига синчиклаб назар солсангиз, унда услуби, тили бир хил икки шоирни кўрасиз: бири – ўз даври ва жамияти талабларига мажбуран бўйсунган, шу жамият ичиди ички исёнини бостириб яшаган ижодкор. У – бизга таниш ва машҳур Ойбек, “Товушим”, “Темир ҳақида”, “Йигирма ёшлилар билан суҳбат”, “Ватан қасидаси”, “Раиса” сингари замон руҳи билан суғорилган шеърлар муаллифи. Иккинчиси, уни ўраб турган воқеликни эмас, шоирона қалбни воқелик сифатида тақдим этган, ўз даври ва жамияти чегараларидан чиқиб кетиб, унга Коинот юксаклигидан, Коинот миқёсийлигидан туриб шеърйй нигоҳ билан тикилган, бизга деярли нотаниш Ойбек.

Буюк рухшунос-эстетик Карл Юнг таъбири билан айтганда, биринчи Ойбек – экстраверт ижодкор, яъни ўз қарашлари, услуби ва асари мазмунининг ташқи муҳит эҳтиёжларига мос бўлишини онгли равишда таъминлаган, шеърйй қаламни етовида тутган, шеърининг “хўжайини”га айланган шоир; у замон ўзидан нима талаб қилаётганини яхши билади, нима ёзиши лозимлигини аввалдан аниқ белгилаб олган. Иккинчи Ойбек – интроверт ижодкор, яъни ўз ички дунёсини ҳақиқий дунё деб биладиган, замон ҳақиқатини рад этиб, ўз ҳақиқатини барқарор қиладиган, тўлалигича қалами етовида юрадиган, “онгли”, “ақлли” ёндашувни тан олмайдиган онгтубидаги ҳиссиётлар ва образлар шоири.

Ойбекда бу икки руҳий-ижодий ҳолат баъзан уйғунлашган ҳолда ҳам намоён бўлади: экстравертлик унсурлари интровертлашган шеърларда ва, аксинча, интровертлик унсурлари экстравертлашган бандларда инъикос топади. Унинг “Ўзбекистон”, “Наъматак”, “Шамол бир эртақ ўқи”, “Машраб”, “Ер”, “Жангчининг юраги”, “Изсиз қишлоқ”, “Ёмғир” сингари шеърлари бунинг ёрқин мисолидир. Шундан келиб чиқиб, Ойбек шеърйятидаги мазкур икки эстетик руҳий ҳолатнинг маълум маънода нисбий табиатга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Ойбекнинг икки типдаги ижод маҳсулини чоғиштириш учун бир даврда – Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан мавзуида ёзилган шеърларини олиб кўрайлик. Мана, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1941 йил 7 сентябрида эълон қилинган ва кейинчалик барча асосий тўпламларга киритилган “Ватанни сев” шеърйидан парча:

Ватанни сев, тупроғини ўп,  
 Ҳар қаричи муқаддас бизга.  
 Чўлидаги ҳатто куруқ чўп  
 Жондан яқин юрагимизга.

Ватан – бизнинг кўзимиз нури,  
Бахтимиз шу, қувончимиз шу.  
Севги, меҳнат дилимиз дури,  
Қимматларнинг қимматиدير у.

Бу шеър гарчанд теран шеърий ҳаёлот, чуқур ва фавқулудда образлар тизимига эга бўлмаса-да, ўз вақтида ҳамма – ўзбек аскарлари, зиёлилар, мактаб ўқувчилари томонидан севиб ўқилган ва ёдланган; адабиёт дарсликларида ғоявий-бадий юксак асар сифатида зикр этилган, хрестоматиялардан жой олган. Унда Ватаннинг пурмаъно тавсифи, гўзал ва муқаддас ташқи тасвири бор, давр руҳи тажассум топган – ҳаммаси ўша замон эҳтиёжига, жамият талабларига мос. Зеро, фашизмга қарши курашаётган ва уруш қийинчиликларини бошдан кечираётган халқ қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини, ватанпарварлик, фидойилик ҳиссини кучайтириш лозим эди. Шеър ўз ва-зифасини вақтида аъло даражада бажарди, лекин эндиликда у тарихга айланди, уни ҳозир том маънода ҳаракатдаги шеър деб аташ мушкул, бугунги ўқувчининг юрагини “жиз” эттирмайди. Чунки XXI асрдаги шеърхон уруш йилларидаги давр руҳидан жуда узоқ, бу руҳни ҳис қила олмайди, шоирнинг нега бунча жўшиб-ёнишини, қуюнганини, даъватга, қаҳриққа, хитобга зўр берганини тасаввурига сиғдира олмайди. Натижада, шеър унга зарур маънавий-эстетик қониқиш бермайди, қалбига чўғ солмайди; бугунги ўқувчи учун унинг таъсир кучи йўқ ҳисоби.

Энди Ойбекнинг ўша уруш пайтларида, 1943 йил 17 феввалида ёзилган ва биринчи марта орадан 12 йил ўтгач эълон қилинган Ватан ҳақидаги мана бу сарлавҳасиз шеърини кўрайлик. Шеър, бор-йўғи, уч банддан иборат:

Йиғи келмайди сира  
Ғазабдан қақраган кўз.  
Бу йўлларнинг яхидек  
Лабимда қотибди сўз...  
Қошлар, киприқлар қиров –  
Юраман хушсиз, ҳайрон.  
Қорним оч, эсга келмас  
Халтамдаги ғиштдек нон...

Куйган уйларда увлар  
Қиш қуюни бетиним.  
Танҳо кезаман. Йиғлар  
Юрагимда Ватаним...

Шеърда урушдан тинкиси қуриган, харобага айланган Ватан манзараси лирик қаҳрамон юрагига кўчган; бу оддий манзара эмас, ватанпарвар фарзанд юрагининг суврати, юракнинг ичидаги Ватан йиғиси. Шеърдаги улкан бир фожиавийлик ўқувчини титроққа солади. Лирик қаҳрамон – Ватан фарзанди бутун дунёни унутган, у йиғлаётган Ватанидан бошқа нарсани кўрмайди. Бир бурда нон ҳамма нарсадан азиз, тилладан ҳам қиммат бўлган, одамлар очликдан шишиб ўлаётган бир пайт у – оч, лекин халтасидаги ғиштдек бир буханка нонни ейиш эсига келмайди, бироқ уни ҳис қилиб туради – Ватан дардининг кучлилигидан ҳатто энг зарур, энг қадрли ҳисобланган нон ҳам кераксиз ғиштга ўхшайди, ватанпарвар фарзанда оғирлик қилади, чунки унинг она-Ватани – оч, хароб. Шеърда шоирнинг Ватани юракка, унинг юраги эса Ватанига айланиб кетади, лирик қаҳрамон шу дардманд Ватаннинг бир парчаси, холос. Бу шеър ўша пайтларда эълон қилинганда, Ойбекка бахтиёр ва мардона совет Ватанини йиғлоқи, ожиз бир мамлакат тарзида тасвирлаган, тушкун шоир, деган сиёсий айб қўйилиши, ҳатто “халқ душмани”, “ёт унсур” тамғаси босилиши шубҳасиз эди. Чунки даврга бу шеър керак эмасди, замон талабига жавоб бермасди. Бироқ у кейинги даврлар, кейинги жамиятлар эҳтиёжларига мос, келажак замонлар талабларига жавоб берарди; у ўткинчи инсон руҳини эмас, мангу инсоният руҳини акс эттирган эди: Ватан ўткинчи-замонавий мафқуравий ҳудуд эмас, инсон юраги сажда қиладиган муқаддас кенглик! Шу сабали бу, машҳур бўлиши у ёқда турсин, ўша даврдаги замондошларига деярли нотаниш шеър бугунги кунда на оҳорини на қимматини йўқотди, Ойбекнинг гўзал асарларидан бири, ҳам фожиавийлик, ҳам улғуворлик тажассуми сифатида қалбларни ларзага солиб, фориғлантриб, поклаб яшамоқда.

Шундай қилиб, “Ватанни сев” шеърини ажойиб экстраверт ижод маҳсули, “Йиғи келмайди сира” шеърини эса интроверт руҳдаги шеър деб аташ мумкин. Зеро, биринчи шеърда шоир қоғоз-қаламнинг хўжайини, иккинчи шеърда даочи донишмандлар қадимда таъкидлаб ўтганларидек, у, бор-йўғи, илоҳий эпкин бўлмиш илҳом билан қоғоз-қалам ўртасидаги жонли восита. Асл истеъдод эгаси ўз хоҳиш-истагидан қатъи назар, ана шундай “камтарин”, “бор-йўғи, восита” бўлишга, боя айтганимиздек, қалами етовида юришга мажбур. Ўшандагина у ўз даврининг тор доирасидан чиқиб кета олади. Ойбек ана шундай истеъдод эгаларидан бири эди.

Ойбекни, кўп ҳолларда ўз замонаси ҳудудидан чиқиб, Шеърга, Инсонга, Ерга фалак гардиши доирасидан, Коинот юксаклигидан туриб қарай олган шоир, дедик. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Улардан бири шуки, Ойбек шеърятда мангу осмон, Қуёш, Ой, ғужгон юлдузлар, Сомон йўли, умуман, самовий ҳаёт алоҳида ўрин тутади; Ойбек мукамал гўзалликни Коинотда кўради, унга интилади ва шу интилиш натижаси ўлароқ Коинот билан ўзини яхлит ҳодиса деб ҳисоблайди, Коинот униками ёки у Коинотникими – ҳар иккиси орасида чегара йўқолиб кетади, улар бир-бирида инъикос этади, объект субъектга, субъект объектга сингиб кетади. Ойбек ҳали ёш шоир пайтларидаги шеърларидан бирида, 1928 йили юлдузларга қарата:

Сизга боқаркан:  
 “Шу чексиз борлиқ  
 Мендами?” – дейман.  
 “Менлигим тузган  
 Ёки чиройлик –  
 Хаёлми?” – дейман, – деган эди.

Ойбекнинг Коинот билан алоқаси, айниқса, унинг Ойга муносабатида яққол кўзга ташланади. Бу муносабат гўдаклик чоғиданоқ бошланган; уни шоир 1934 йилда ёзган “Янги ой чиққанда” деган шеърда шундай ифодалайди:

Олтин ғўза пўчоқлар  
 Сингари очилганди  
 Кўқда ғуж-ғуж юлдузлар.

Туннинг қора ипаги  
 Орасидан порлади  
 Ингичка қилтириқ ой.

Онамнинг елкасида  
 Боқардим толпинароқ,  
 У пайт энди бир туш-ку.

Сочларимга тушди оқ,  
 Ҳар ой туғилганида  
 Ойдан томар у туйғу.

Кейинроқ ёзилган “Умрим бор мафтунман мангу чиройга...” деб бошланган тўртлигида ҳам Ойбек онаси кўлидаёқ Ойга талпинганини, илк бор Ойга қўл чўзганида унинг сеҳрини сезганини, то ҳануз Ойга мафтунлик унинг учун ажиб бир синоат эканини, созининг жарангида ўша сеҳр, ўша сир доимо оҳангга айланиб, шеърига зиё беришини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг Ойдан томган туйғу билан яшаган шоир эканини биз унинг бутун лирик ижоди мобайнида кўрамиз, Мусо Тошмуҳаммад ўғли ўзига Ойбек деган тахаллусни шунчаки танламаганига, Ойбек ва Ой ўртасида бизнинг ақлимиз етмайдиган, ўта хусусий, ҳатто қандайдир илоҳий бир яқинлик, бирлик борлигига ич-ичдан ишонамиз.

Ўзбек адабиётида Ойга Ойбекчалик кўп мурожаат қилган бирор бир шоирни учратмаймиз. Жаҳон адабиётида ҳам бундай ҳодиса йўқ ҳисоби. Фақат япон мумтоз шоири – “Ой кўшиқчиси” деб ном олган донишманд-роҳиб Мёе (1173-1232) Ой билан шундай юракдан суҳбатлашган: “Ойга қараб, мен Ойга айланаман. Мен томоша қилаётган Ой

эса менга айланади. Мен табиатга сингиб бораман, у билан бирлашиб кетаман", – дейди Мее.

Ойбекда ҳам худди шундай ҳиссиётни кўрамиз, у ўзини дарвеш – Ойга мурид, Ойни эса ўзига ҳам дўст, ҳам пир деб атайди. Бу ҳақда унинг қисқагина бир шеъри бор, уни тўлиқ келтирамиз:

Салом, эй Ой,  
Мунгли эски дўст!  
Боқ, тагимда яна  
Ўша тақир пўст.  
Ўша шамшод асо,  
Ўша қамиш най...  
Фақат ўзга ҳижрон,  
Ўзга жон ва май.  
Мажҳул сахродамен,  
Ой, бўл пир ва эш,  
Ғояга эришсин  
Бу сўнги дарвеш!

Биринчи марта Мукамал асарлар тўпламида эълон қилинган бу шеър ва юқоридаги "Умрим бор мафтунман мангу чиройга..." тўртлиги 1942 йили, айтилишича, уруш қизиган чоғларида ёзилган. У пайтларда Ойбек ўша давр тўғрисида, урушдаги халқнинг қаҳрамонликлари, ўзбек фарзандларининг ботирлиги, фашизм устидан ғалаба қозониш тарих ҳукми эканлиги ҳақида кўплаб шеърлар ёзди. Лекин Ойбек жуда Катта Инсон эди, у биргина замонга сиймасди. Унинг устига бу замон Ленин ва Сталин ўрнатган тоталитар, аксилинсоний тузум темир панжара билан ўраб қўйган маконда мавжуд эди. Ойбек тўлғонарди, эркин қушдек самога интиларди, Ой ва юлдузлар ёнида бўлишни, Сомон йўлидан юришни истарди. Гоҳ-гоҳ эса ўзини ожиз ҳис этарди, атрофидаги муҳит, шеърятни, адолатни, ҳақиқатни, гўзалликни ҳалок этувчи замон нафаси уни бўғарди; яккахокимликка, зўравонликка, бир хилликка асосланган жамият, шу пайтгача инсониятга номаълум бўлган, англаб етилмаган, лекин ҳар қандай гиёҳни, баҳорни ва капалакни куйдириб ташлайдиган ижтимоий тузум – "мажҳул сахро" уни қийнади. "Салом, эй Ой..." деб бошланган шеърдан (1942 йил, 31 август) бироз (эҳтимол, бир ҳафта) кейин, сентябр ойида ёзилган, ўша пайтда русчага таржима қилиниб, машҳур бўлиб кетган, лекин ўзбек тилида цензура фақат 1975 йилдагина нашр этишга рухсат берган. "Кичик ҳодиса" шеърисида ҳам ана шу ғоя, ўша мавзу мажозий тарзда, капалак образи орқали очиб берилган. Ундаги "Беҳзод бўёғи каби қанотларининг ранги майин" капалак – гўзаллик, згулик ва эрк рамзи. Капалак "мажҳул сахрода" (бу шеърда у шаҳарнинг саратондаги гавжум майдони) ҳалок бўлади:

Асфальтда гул барги каби куйди қанотлар,  
Кукрар бензин, ароқ ва тер, ҳаво дуд-тўзон.  
Халқ дувури, елни силкиб учган пўлатлар,  
Радионинг суронлари... айланар майдон!

Сайр қиламан деб ҳалокатга дучор бўлган капалак (бахтли бўламан деб бахтиқарога айланган халқ, меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган, "бензин, ароқ ва тер, дуд-тўзон" ичида саводли қулга, баҳайбат замон машинасининг кўзга кўринмас даражадаги кичик мурватига айланиб қолган инсон) ўз ўтмишини, бир пайтлардаги ўлкасининг гўзаллигини, улуғворлигини, мусаффолигини эслайди, эркин ҳаволарни қўмсайди, буюк тоғлару шаффоф дарёларни соғинади:

Капалакнинг хотирида жонланди бу зум  
Дарёларнинг ёйдоқланган қумуш тўлқини.  
Тоғларнинг қор салласидан ўчган табассум,  
Чаманларда қуёш базми, нурлар ўйини...

Капалак ўша томонларга, ўша замонларга учиб кетмоқчи бўлади, лекин энди йўл йўқ, атрофини ўраб олган даҳшатли муҳит уни ютиб юборади:

Ситилганди дарддан кўзлар қора соққаси  
Парвоз учун интилди у – бемажол, забун.  
Моторларнинг суратидан маст куйик нафас,  
Ногоҳ ютди, ҳатто ундан қолмади кукун!

Шеърдаги капалак – миқёсли образ, боя айтганимиздек, эрк, гўзаллик, эзгулик ва айни пайтда у – халқ, у – Ойбекнинг ўзи. Халқ билан Ойбекнинг фарқи шунда эдики, халқ кечмишидаги буюк ва гўзал замонларга қайта олмасди, Ойбек эса ижодкор – ўзгаларда йўқ ҳаёлот эгаси, истисноли инсон бўлгани учун ана шу қайтиш имконига эга эди ва у бу имкондан фойдаланди; Ойбек умр бўйи фикран Навоий ёнида яшади, аввал “Навоий” достонини, кейин “Навоий” романини, ҳаётининг сўнгги йилларида аввалроқ бошлаб қўйилган “Бола Алишер” (“Алишернинг болалиги”) қиссаси ҳамда “Гули ва Навоий” достонини ёзди, 1928 йилдан то умрининг охиригача Навоий ижодини тадқиқ этди.

“Кичкина ҳодиса” шеърисида Ойбек ўзини ёки, жуда бўлмаганда, ўзига ўхшаган инсонлар тақдирини мажозий тарзда ифодалаганини, Ўзбекистоннинг, ўзбек адабиётининг дўсти, Навоий ҳақида машҳур “Ҳаёт бўстони” қиссасини ёзган рус адаббаси Лидия Бать ишончли ва ўринли тарзда мана бундай изоҳлайди:

“...Биз шу кун шаҳарда кўп юрдик. Ойбек ўз шеърларини ўқиди. У менинг зътиборимни, афтидан, ўзининг сеvimли шеърларидан бирига – шаҳарга учиб келган, аммо тер ва дуд билан тўла ҳаводан ҳалок бўлган капалак тўғрисидаги шеърга жалб этди. Шубҳасиз, бу мажоз бўлиб, шоир капалак мисолида ўз муҳитидан ажратиб олинган ва унинг учун ёт ҳамда ўлакка заминга кўчирилган инсонни кўзда тутган эди.

Ойбек бу шеърнинг бадиий нафосатини шундай мукамал ва дид билан очиб бердики, мен бу шеърни таржима қилишни хоҳлаб қолдим...”

Лекин Ойбек ҳеч қачон тушкун шоир бўлмаган. У доимо Коинотга – нурга, Ойга, Ерга, улардаги гўзаллик ва улғуворликка шайдо.

Ойбек Коинотни, ана табиатни мушоада қилган пайтида, табиат қўйнида кезганида, унинг фасллардаги жилваларини кузатганида ҳар қандай аламу изтироб, аччиқ халларни унутади. Мана, Ойбекнинг ўлиmidан тўрт кун олдин ёзган саккиз қатор шеъри:

Қалди роқ, яшин ва жалалардан сўнг  
Қайдандир югуриб, таралур бебош  
Булутлар карвони қоялардай чўнг,  
Суюниб, сачралиб чиқади куёш.

Самонинг ярмига тушар камалак,  
Нақадар ижодкор, серзавқ табиат!  
Нашъа ва сурурга тўла бу фалак,  
Не деган нарса бу – ҳасрат ва кулфат!..

Ҳўш, бундай доимий ҳуш кайфият, булутлар карвони ортидан Қуёшнинг суюниб, сачралиб чиқаётганини кўра олиш, эзгуликка, гўзалликка мафтунлик, замоннинг майда эҳтиёж ва талабларидан, кундалик турмушнинг икир-чикирларидан баланд тура билиш, уларга, айтиб ўтганимиздек, Коинот юксаклигидан қарай олиш имконининг сирини маида? Буларнинг ҳаммаси, бизнингча, Ойбекнинг дарвешлиги билан боғлиқ. Ҳа, Ойбек том маънодаги дарвеш эди. Дарвеш дегани эса, кўпчилик замондошларимиз тасаввур қилганларидек, қадимда девор тагида качқулини шарақлатиб, ҳассасини ерга уриб, “Ҳақ, дўст ё Олло!” деб ўткинчилардан садақа тиланадиган қаландарлик либосидаги девона эмас. Дарвеш – комиллик йўлига кирган ва унга эришган инсон, замонасининг энг зиёли, истеъдодли кишиси, илоҳиёту фалсафа, илму санъат соҳиби. Ўз фикрининг ҳимояси учун ҳаётини қурбон қилган сўфий Мансур Ҳаллож дарвеш эди, Ватан ҳимояси учун жангга кириб, ўлганида ҳам қўлидаги байроқни ёвга бермаган Нажмиддин Кубро дарвеш эди, шогирдини кундадан озод қилиб, ҳақиқат йўлида ўзини жаллодга топширган буюк шоир Насимий дарвеш эди; улғу файласуф шоирларимиз Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий ва у зотнинг пири Жомий

ҳазратлари, буюк Машраб – буларнинг ҳаммаси том маънодаги дарвеш эдилар. Улар ўз замонасига келажак замонлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб қарадилар ва уни олға етаклашга ҳаракат қилдилар. Шу жиҳатдан буюк дарвеш Баҳроуддин Нақшбанд асос солган тариқат ҳикматларидан бўлмиш: "Агар мамлакат шавад 3-шоҳ маранжи, ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвешаст" ("Агар мамлакат хароб бўлса, шоҳдан хафа бўлма, бу дарвешларнинг – зиёлилларнинг гуноҳи") деган сўзлар диққатга сазовор; дарвешлар – зиёлиллар зиммасига ана шундай юксак масъулият юкланган. Аммо дарвешлик рутбасига эришиш осон эмас, бунинг учун, улуғ мутасаввиф-файласуф Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, киши тўрт мақомни босиб ўтмоқлиги лозим; улар – эзгу сўз, эзгу амал, эзгу хулқ ва маърифат, шунда инсон ўзининг кимлигини, ҳақиқат нималигини англаб етади. Ойбек ўзининг кимлигини, ҳақиқат нималигини англаб етган, инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ана шу мақомларини босиб ўтган аллома.

Дарвешлик мавзуи, дарвешликнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик моҳияти ё бевосита, ё билвосита Ойбек ижодининг илк давридаёқ ўз инъикосини топа бошлаган. Бу борадаги дастлабки, 1925 йилда ёзилган, "Айрилиқ ва дарвеш", "Яна дарвеш" шеърлари диққатга сазовор. Уларнинг лирик қаҳрамони гўзал Ватанидан айрилган, ҳижрондаги дарвеш, бу дунёнинг ноҳақликларидан, нокасликларидан изтироб чекаётган ватанпарвар инсон. "Айрилиқ ва дарвеш" шеъри (бир йил аввал ёзилган "Фарғона" шеъри каби) Чўлпоннинг "Бузилган ўлка"си ва "Бинафша"сига ҳамоҳанг, уйғун; унда тутқун Ватандаги эркисиз дарвешнинг буюк аламлари ўз ифодасини топади:

Ҳижрон ўтларида ёнган, эй дарвиш!  
Борлиқдан топдингми савдоли бир иш?

Кўкларнинг гуллари нечун тез сўлмиш,  
Нашъали боғчалар хазон-ла тўлмиш,  
Кўкларда порлаган кувёш-да сўнмиш,  
Олтинли шафақлар билмам на ўлмиш?

Тоғларда булоқлар нағма чаларди,  
Чечаклар руҳларга кучоқ очарди,  
Гўзаллик ҳар ерда қулиб боқарди,  
Булбулдан, нағмадан бир из қолмамиш.

Гарчанд бу дарвеш бошқа асл дарвешлар билан азалий робита орқали боғланган бўлса-да (ўша ишқ, ўша ҳижрон, ўша май), азалийлик уни бугундан юксакроқ туришга даъват этса-да (Мен азалдан эл аро дарвешман, Кўз ёшим руҳимда мавж айлар мударом), лекин у ўзга дарвешлардан бошқачароқ, унинг муқаддас ишқи фақат Илоҳ билан эмас, Шеър билан ҳам боғлиқ, у "санъат фалсафасини юлдузлардан ўқиган" шоир, гўзаллик фидойиси. Шу жиҳатдан "Шоир билан суҳбат" (1933) шеъри алоҳида эътиборга молик. Унда янги замонга кўнгили бермоқчи бўлган шоир образи намоён бўлади: лирик қаҳрамон ўз дарвешлигидан кетмоқчи, совет воқелигига ҳамнафас яшамоқчи, лекин унинг ҳаёти дарвешона:

Дедим улуғ – бир ўпиш  
Шу чексиз Коинотдан.  
Севгидан оғриб ўлиш  
Юксак, – дедим, – ҳаётдан...  
Гулларнинг аллачиси  
Булбулларга бўлдим эш.  
Қайнарди кўнгили ичи,  
Сездим ўзимни дарвеш...

У айни пайтда ўз замонида, муайян маънода мавжуд эканини унутмайди, чунки замон ва макон унга ўзларини доимо эслатиб туради – уни ўзи севган нарсалардан воз кечишга мажбур қилади...

Орадан ўн йил ўтгач, биз юқорида келтирган "Салом, эй Ой, мунгли эски дўст!" шеърида Ойбек яна бир бор ўзини сўнгги дарвеш деб атайди, дарвешликдан кечма-

ганини яна бир бор таъкидлайди. Ўз оламига эга бўлган олабий шоир истеъдодининг рақиблари ва одамлардан кичкина бўлишни талаб қилган, бор-йўғи, 70 йилча давом этган кичкина замон, шу замонни қўриқлашга бел боғлаган кичкина одамлар унинг "ўжар" лигидан, ростгўйлигидан, ҳалоллигидан ғазабландилар, унга кун бермасликка интилдилар. Бироқ Ойбек инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам эзгу сўз, эзгу амал, эзгу хулқ билан яшади, доимо маърифатга интилди. Шоир маърифат соҳиби бўлиш йўлидаги изланишларини "Хотирадаги излар" шеърида шундай эслайди:

Ранглар бўйдоқ йигитча  
Яшарди хаёлларнинг,  
Фалсафий шамолларнинг  
Қанотларида якка...

Зеро, дарвешлик – тариқатга кирмоқ. Тариқат эса, Хусайн Воиз Кошифий айтганидек, "қидириладиган нарсадир, интилиш, баёндин, ҳикматдир... тариқатнинг самараси – фикр, яъни ўзидан воз кечмоқ". Шу боис улуғ дарвешларнинг кўпчилиги айни пайтда ҳам илоҳиётчи, ҳам сўфий, ҳам файласуф-ҳаким бўлганлар. Ойбек ўзидан воз кечиб умрини фикрга, тафаккурга бағишлади. Фикр, ўзининг энг юксак даражасини фалсафада топади. Фикр, айниқса, фалсафий тафаккур бир жойда тўхтаб қолиши мумкин эмас, қалин булутлар қўйнидан қуёшни топгач, у яна узоқларнинг чорловига қараб интилади:

Фалсафа самоси устида ҳар чоғ  
Сен жавлон қиласен тўқиб тизимлар.  
Қалин булутларнинг қўйнидан порлоқ  
Қуёшлар топаркан, узоқлар имлар,

– дейди Ойбек "Фикр" шеърида. Бу – масаланинг бир томони, иккинчи жиҳати шуки, фалсафанинг мақсади ҳақиқат, ҳақиқатга етишиш воситаси эса фикр, тафаккур, тафаккурни ўрганиш орқали фалсафа инсонни ҳақиқат томон етаклайди. Шунинг учун Ойбек шеърларида фалсафа, фикр (тафаккур) ҳақиқат тушунчаси билан одатда ёнма-ён келади. "Сўнги дарвеш" – Ойбек фалсафий тафаккур соҳиби, ҳақиқат шайдоси.

Шоир ҳақиқатни бутун руҳи билан, бор маънавий дунёси билан излайди. Бу руҳ, бу маънавий дунё ҳам мана шу биз мавжуд бўлган макон каби тўрт томонга эга. Улар – ақл, ҳис, фикр, хаёл; уларнинг ўз сифатлари бор: ақл – ёруғлиқ, фикр ва ҳис – теранлик, хаёл – ўсувчанлик хусусиятига эга. Тўрт томон қуёшга чирмашгани каби улар ҳам ҳақиқатга чирмашиб яшайдилар:

Ақлнинг хонаси тўла шуъла, нур,  
Фикрлар ва ҳислар тубсиз бир чуқур.  
Ҳақиқатни излаб асрлар аро  
Чарчамас дарбадар, хаёл чирмашур.

Баъзан шоир ҳақиқатни излашдан бир муддат чарчагандек кўринади, табиат ва жамият қошида инсон шахсининг ожизлигини ҳис этади. Ҳақиқий олам нима – ташқи оламми ёки ички олам? Нега бу икки олам орасида мутаносиблик йўқ? Ким айбдор, замонми, инсонми? Нега замон, файласуфлар ёлгон тўқийди? Ана шу саволларга жавоб тополмай шоир ўзида андак руҳий чарчоқ ҳис қилади.

Руҳий чарчоқ баъзан шоирда ёлғизлик ҳиссини уйғотади. Тўғри, Ойбек бутун ҳаёти давомида "Хилват дар анжуман" тамойили асосида яшади: ҳақиқатни оёқ ости қилган, ёлғонга йўғрилган анжуманларда, Худонинг Ердаги халифаси бўлган инсон шахсини хўрлаган воқеаларда иштирок этишдан, бегуноҳларга тўхмат уюштиришдан бош тортиди, замонда яшаб, замоннинг қабихликларидан хилватда умр кечирди, ўша анжуман, воқеалар ва уюштиришлар пайтида доимо эзгу ўй, эзгу амал, эзгу хулқ ва маърифат кучоғида бўлди; бундай ёлғизлик ўша пайтларда ҳар қандай ижтимоийликдан юз баробар, балки минг баробар баланд эди.

Том маънодаги ёлғизлик эса руҳнинг Коинотдан, табиатдан узилган лаҳзаларида воқе бўлади, фақат ва фақат ўшандагина шоир ёлғиз:

Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен,  
Юлдузлар узоқдир, еллар бегона.

Лекин бу ёлғизлик жуда камдан-кам рўй беради ва лаҳзалар қанотида учиб ўтиб кетади: шоир яна Ой билан бирга дарвешона ҳаётбахш руҳ қучоғида яшайди, зеро, самовий ёғду, гўзал Ой, Коинот азалий ва абадийдир, ақл – ҳақиқатга элтгувчи йўл, эҳтимол, улар орқали ўтар:

Самода сирғалур ошнам – мунгли Ой,  
Бизнинг бошимизда у-да ҳамсуҳбат,  
Коинот эртага битмайди... Кўкчой –  
Ҳўплаймиз, кўнгилда ювилар гурбат...

Хўш, Ойбек ҳақиқатни топдими? Топган бўлса, у қанақа экан? Ҳа, Ойбек ҳақиқатни топди, у ранг-баранг экан, чунки дарвешликнинг – энг юксак зиёлиликнинг сўнгги мақоми бўлмиш ҳақиқат манзил ҳам, марра ҳам эмас, у – манзилга, маррага интилиш. Шу жиҳатдан қадимги даочи-донишмандлар, ҳақиқат – ҳақиқатга интилиш жараёнидан иборат, деганларида ҳақиқатни айтганлар. Ойбек эзгу сўз, эзгу амал, эзгу хулқ ва маърифат билан бутун умр ҳақиқатга интилди, демак, у – ҳақиқатга эришган бахтли шоирдир. У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бизнинг оламдан юксакроқ турувчи ўзгача олам, рафиқаси Зарифа Саидносирова айтганидек, "бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли, бошқа дунёдан келмиш киши эди". Ойбекнинг "Машраб" шеърисидаги:

Булутдай кезса халқ ичида шоир  
Хотираси қуёш каби қоладир,

– сатрлари унинг ўзига нисбатан айтилган ҳикматли сўзлардир.

Ойбек халқ ичидан кўклам булутидай ўтди. Унинг ёмғирлари авлодлар қалбида, руҳида сеҳрли чаманлару ям-яшил боғлар ўстирди, улардаги ҳар бир гулбарг ва япроқларда жилва қилувчи Нур – Қуёш шоирдан хотирадир. Асл дарвешлик рутбасига эришган самовий кўшиқчи, Ой ва Коинот куйчиси Ойбек халқ қалбидаги Нур бўлиб узоқ-узоқ яшаяжак.

Ё илмни бўл ва ё илмга таяниб иш тутадиган  
бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, аммо  
тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб, ҳалок  
бўласан.

Абулқосим аз-Замахшарий



## Омонулла МАДАЕВ

1942 йил туғилган. ТошДўнинг филология факультетини тугатган. “Хоразм халқ достонларининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1982 йилдан Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУнинг Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси доценти. “Алпомиш билан суҳбат”, “Халқ оғзаки поэтик ижоди”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” каби ўндан ортқ дарслиklar, ўқув қўлланмалар ва илмий асарлар муаллифи.

## Халқ достонлари генезисига доир

Халқ оғзаки ижодидаги жанрлар генезиси фольклоршуносликнинг ҳамisha долзарб бўлган муаммоси ҳисобланади. Таниқли олимларимиз Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музаяна Алавия, Зубайда Ҳусанова, Охунжон Собиров оғзаки ижод жанрлари бўйича олиб борган тадқиқотларини Муҳаммаднодир Саидов, Жуманиёз Қобулниёзов, Тожибой Ғозибоев, Малик Муродов, Баҳодир Саримсоқов, Абийр Мусақулов, Субҳон Умаров каби мутахассислар давом эттирдилар. Мазкур илмий асарларда ўрганилаётган намуналарнинг жанр хусусиятлари, ғоявий-бадий жиҳатлари, ижрочилар маҳорати даражалари кузатилди. Лекин тадқиқотчилар жанр генезисига келиб тўхтаганлари заҳоти эътибор, муносабат, қизиқиш кескин ўзгарган. Ҳар сафар касбдош қандай янгилик топганлиги ҳақида тезроқ маълумотга эга бўлиш истаги пайдо бўлган. Айнан ана шундай вазиятлардан бири Баҳодир Саримсоқовнинг 1999 йилда “Фан” нашриётида нашр этилган “Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” китобидаги “Алпомиш” эпоси ҳақида уч этюд” мақоласидан кейин ҳам пайдо бўлди. Мақолада муаллиф “Алпомиш” эпоси халқ тарихи, реал воқелик билан узвий алоқада эканига урғу берар экан, достоннинг минг йиллик тўйига тараддуд кўрилаётганини айта туриб, ўз мақсадини шундай ифодалайди: “Шу муносабат билан “Алпомиш” эпосининг вужудга келиш тарихи, унда тасвирланган воқеалар асосида ётувчи эпик манбалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга имконият туғилади”.<sup>1</sup> Мақолада В.М.Жирмунскийнинг “Алпомиш” ҳақидаги ривоя ва баҳодирлик эртаклари ётиши ҳақидаги гипотезаси кескин танқид остига олинади ва: “Эпос тарихан, асосан, кўчманчи ёки ярим кўчманчи уруғ, қабилаларнинг санъати” эканига урғу берилади. Шунингдек, Е.М.Мелетинскийнинг “Алпомиш” эпоси “баҳодирлик эртаклари” асосида, ё ўзга халқлар эпик меросидан ўсиб чиққанлиги ҳақидаги фикри ҳам танқид қилинади. Баҳодир Саримсоқов А.Н.Веселовский томонидан эпоснинг шаклий турларидан бири сифатида “Тарихий воқеаларнинг қайноқ изларидан кейиноқ юзага келган “лиро-эпик кўшиқлар”<sup>2</sup>ни кўрсатганини баҳолаб: “Бу назария халқ эпосининг вужудга келиш ва тарихий тараққиёти каби масалаларга муайян даражада ойдинлик киритиш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади”<sup>3</sup>, дейди. Олим фикрлари давомида қуйидаги жумлани ўқиймиз: “Масалан, қахрамонлик

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. “Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Т.: “Фан”, 1999, 115-б.

<sup>2</sup> Ўша асар. 131-б.

<sup>3</sup> Ўша асар. 131-б.

ва тарихий эпос ибтидосида тарихий қўшиқ ётса, романик эпос ибтидосида афсона, ривоят ва эртақ каби жанрлар ётади".<sup>4</sup> Юқорида қайд этилган маълумотлардан дастлабки хулосаларга келиш мумкин:

1. Халқ эпоси оғзаки ижод намунаси сифатида халқ ижодининг кейинги босқичида шаклланган жанр.

2. Қаҳрамонлик эпосининг шаклланишида тарихий лиро-эпик қўшиқлар манба вазифасини ўтаган.

Фақат ўйлатадиган жиҳат шундаки, "Алпомиш" дostonининг ўзбек қаҳрамонлик эпосига мансуб дастлабки мукаммал асар экани ҳақида яқин йигирма беш саҳифа мулоҳаза юритган олим айнан қадимги эпик қўшиқларни эсга олмайди. Бизнингча, Баҳодир Саримсоқов бу масалани ёритишга алоҳида мақола ёзиш ниятида бўлган...

Маълумки, халқ дostonларида қайта-қайта тақорорланадиган бадиий лавҳалар жанг жараёни билан боғлиқ. Қаҳрамон юртини ташқи душмандан ҳимоя қиладими, ор-номус учун курашадими, севикли ёрига эришмоқчи бўладими, албатта, жанг майдонида синовдан ўтади. Ўрхун-Энасой битигларида Тўноққўз ўз элининг Табғач билан муносабатларини баён қилишда лашкар, отлиқ аскарлар, пиёдалар, ҳужум, қамал, уруш, лашкар тортиш, қувиш<sup>5</sup> ҳақида жуда кўп тарихий маълумотлар берилган. "Билга хоқон битигтоши"да Билга хоқоннинг ўн етти, йигирма, йигирма етти, ўттиз ёшларда жанг қилгани, баъзан бу урушлар олти, баъзан тўрт марта тақорор бўлгани айтилган. Бу воқеаларнинг рўй бериш тафсилотлари ҳам келтирилган.<sup>6</sup> Хусусан, хоқоннинг душманни уйқуда босгани, сув кечгани, молини олгани ҳақида ҳикоялар бор. "Кул тигин битигтоши"да лашкарбoshининг бошқа-бошқа отларда жангга киргани айтилган. Бу саҳифаларда бўз, тўриқ, оқ айғир, Азманнинг оқ оти каби отлар номлари тилга олинади ва қонли жанглар тасвирланади. Бундай лавҳаларда от ўз эгаси билан бирга жанг қилувчи ҳамроҳга айланади. Ўрхун-Энасой битигтошларидаги лавҳалар билан танишган ўқувчи кўп ҳолатларда Алпомиш, Гўрўғли, Ҳасанхон, Авазхон иштирок этган жанглардаги воқеаларни эсга олади. Ҳақиқатан ҳам, қадимги битигтошлардаги жанглар тасвири тарихий асос сифатида кейинчалик қаҳрамонлик эпосига кўчмаганмикан, деган тасаввур уйғотади.

Келинг, фикримизни асослаш учун баъзи манбаларга мурожаат қилайлик. "Алпомиш", "Гўрўғли" туркумидаги дostonларда бош қаҳрамонларнинг мардлиги, жасорати ҳақидаги лавҳалар тарихини Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридagi халқ қўшиқларида ҳам учратамиз. Фитрат "Энг эски турк адабиёти намуналари" рисоласида "Девону луғотит турк"даги икки парча ҳақида тўхталар экан: "Униси бир уруш майдони ҳақида, буниси Ёй-қиш мунозараси тўғрисидадир. Мумкинким, бу икки манзума, ҳатто бу рисоладаги манзумаларнинг кўбчилиги эски бир дostonнинг (балким, "Эртўнга" дostonининг) айрим-айрим парчалари бўлсун",<sup>7</sup> дейди. Шунингдек, китобнинг XIV бобини Фитрат шундай номлайди: "Тубандаги манзумага бир унвон бера олмадим, балким бир дostonнинг бошланғичидир (олти парча)".<sup>8</sup> Эътибор берган бўлсак, олим икки ўринда "дoston" атамасини қўллаган. XX аср ўзбек адабиётшунослигининг етук билағони Фитрат "Девону луғотит турк" асаридан олинган учта иқтибосда қадимги туркий халқлар оғзаки ижодидаги дoston белгиларини кўрсатиб ўтган. Биринчиси, ёз ва қиш мунозараси; иккинчиси, уруш майдони ҳақида; учинчиси, муайян мавзу бўйича мазмунан бирор соҳага ажратиш мушкул бўлган олти парча. Қизиғи шундаки, мазкур олти парчанинг бирида қуйидагиларни ўқиймиз:

Йукурди кавал от  
 Чақилди қизил ўт  
 Куйурди арут ўт  
 Сачраб ани ўртанур.<sup>9</sup>

<sup>4</sup> Ўша асар. 132-б.

<sup>5</sup> Абдурахмонов Ф. Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Т.: "Ўқитувчи" 1982. 71-79-б.

<sup>6</sup> Ўша асар. 126-129-б.

<sup>7</sup> Фитрат "Энг эски турк адабиёти намуналари". –Т.: "Mumtoz so'z", 2008. 20-б.

<sup>8</sup> Ўша асар. 70-б.

<sup>9</sup> Ўша асар. 72-б.

Мазмуни:

Гўзал от югура бошлади,  
Унинг туёғидан сачраган  
Қизил оловлар  
Ҳар томонда қуриб ётган ўтларни куйдиради.

Энди Эргаш Жуманбулбулдан ёзиб олинган “Равшан” дostonидаги Ҳасанхоннинг ўғли Равшанни қутқариш учун кетаётган сафарини эслайлик:

Отга солди дирдикка,  
Қойил бўлинг эрликка,  
Сувсиз чўлда бедов от  
Гоҳи чикка, гоҳ пукка.  
Қамчи урса ўйнайди,  
Йўлларда диркка-диркка.<sup>10</sup>

Икки парчадаги вазнда бармоқ, бўғинлар сони яқин (ҳар икковида шиддатли от югуриши аниқ акс этган), агар аввалгисида от туёғидан сачраган олов қуриган ўтларни куйдиргани айтилса, кейингисидан отнинг гоҳ чикка, гоҳ пукка тарзида югуриб кетаётган ифодасини топган.

Муҳими шундаки, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф ҳам ўз вақтида халқ дostonлари тарихи ҳақида фикр юритар экан, бу жанрнинг вужудга келиш тарихи қадимдан бошланганини ҳис қилади ва шоғирдларига бу масалада йўл-йўриқ кўрсатгандек бўлади: “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида учраган дoston парчалари XI асрга қадар туркий халқлар ўртасида дostonлар куйланганидан дарак берадилар. Кўп насллар орқали бизгача етиб келган дostonлар, шу қатори “Малика айёр”даги шеър формаларининг, асосан, тўртликлардан иборат бўлиши, Маҳмуд Кошғарий тўплаган дoston парчаларида, шеърларида ҳам тўртликларнинг ҳоким бўлиши тасодифий эмас, албатта”.<sup>11</sup>

Халқ дostonларида, айниқса, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан ижро этган асарларда, кўпинча, тўртлик шаклидаги шеър мисраларнинг қайд этилиши, ҳақиқатан ҳам, “Девону луғотит турк”да келтирилган кўшиқлар билан дostonлар ўртасидаги шаклий уйғунликдан дарак беради. Хусусан, Фитрат кўрсатиб ўтган яна бир тўртликка эътибор беринг.

Изимни укарман  
Биликни йукарман  
Кўнгулни тўкарман  
Ардам била турлунур<sup>12</sup>

Мазмуни:

Эгам Тангрига ҳамд, сано айтаман  
Билим, маълумотни йиғаман-да,  
Кўнглимда тугунлаб сақлайман  
Менинг кўнглим мақтанарлиқ сифатларни ўраб оладир.

Эргаш Жуманбул куйлаган “Равшан”да эса қуйидаги мисраларга дуч келамиз:

Парвардигор панодир,  
Ҳолин билган донодур,  
Гўрўғлидан дуо олиб,  
Ҳасан полвон жўноди<sup>13</sup>

Келтирилган бу мисралар ҳам тўртлик шаклида бўлиб, мазмунда ҳам ўзига хос яқинлик кузатилади. Ҳар бир ишнинг бошланиши Яратган номи билан боғланади. Ҳар бир мушкулнинг ечими дуо олиш билан ахтарилади, ниятга етишда ақл-идрок билан ҳаракат қилинади.

<sup>10</sup> Булбул тароналари. 2-том. Далли, Равшан. – Т.: “Фан”, 1972. 525-б.

<sup>11</sup> Ўша асар. 46-б.

<sup>12</sup> Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Т.: “Mumtoz soʻz”, 2008. 70-б.

<sup>13</sup> Булбул тароналари. 2-том. Далли, Равшан. Т.: “Фан”, 1972. 524-б.

Баҳодир Саримсоқов "Эпик жанрлар диффузияси" мақоласида ёзади: "Фольклористикада диффузия термини бирор жанр, мотив ёки образнинг иккинчи бир жанр, мотив ёки образга кириб бориши, сингиши натижасида уларнинг табиатида содир бўладиган структурал, семантик ҳамда функционал ўзгаришларга нисбатан қўлланади".<sup>14</sup>

Ҳақиқатан ҳам, халқ оғзаки ижодидаги жанрлараро муносабат илдизида миф, афсона, ривоят тизими аниқ кўзга ташланади. Қадимги мифдаги унсурлар ҳаётга яқинлашиш жараёнида афсонага ва афсонада акс этган реалликка мойил белгилар ривоятга мерос бўлиб ўтиши натижасида оғзаки ижоддаги диффузия аввалги жанрларда ҳам аниқ, ҳам яққол тарзда намоён бўлади. Аммо ижоддаги кейинги тараққиёт босқичлари нисбатан мураккаб ўтган. Мақол, топишмоқ, кўшиқ, эртақ ва яна бошқа-бошқа жанрлар вужудга кела бошлаган.

Уйғур олими Турғун Олмос "Хунларнинг қисқача тарихи" асарида эрампдан аввалги туркийлар кўшиқларидан мисол келтиради:

Узотти йироққа мени туғқанлар  
 Ётпиг қилишип Уйсун хонга.

Урлайди пигоним юртни эсласам  
 Қуш бўлип юртимга учупла кетсам.

Муаллиф бу кўшиқнинг ёзиб олинган манбасини кўрсатмаган. Аммо мисралар мазмунидан ифодаланиб турган қахрамон ички кечинмалари лирик кўшиқлардаги умумий хусусиятлар доирасида экани сезилиб турибди. Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" асарида юзлаб мақоллардан намуналар келтиради. Топишмоқ ҳақида ҳам маълумот бериб, "табзуқ" атамасини қўллайди. Шунингдек, девонда эртақ, афсона, ривоят жанрларига оид далиллар ҳам берилган. Демак, X асргача халқ оғзаки ижодида жанр тизими асосан шаклланган экан-да, деган мулоҳаза билдириш мумкин.

Аммо ўзбек дostonларининг вужудга келиши юзасидан аниқ фикр билдириш учун ўнлаб-юзлаб вариантдаги асарларни синчиклаб ўрганиш, уларни қиёслаш, айниқса, тарихий аҳамиятга эга лавҳаларни аниқлаган тарзда тадқиқот юритиш талаб этилади. Бу ўринда таниқли фольклоршунос олим Е.М.Мелетинскийнинг қуйидаги гаплари эпосимизнинг шаклланиш басқичларини аниқлаш бўйича умидли натижаларга эришиш мумкинлигидан дарак беради: "Сибирлик ва қисман Ўрта Осиёлик туркийлар фольклорига кенг намоён бўлган туркий халқлар фольклори эпоснинг фақат архаик намуналаригагина эмас, балки қахрамонлик эпосига мансуб муайян бошқа турли-туман шаклларга бойлиги билан ҳам машҳурдир. Шунинг учун туркий халқлар эпик ижоди ўзида қахрамонлик эпоси ва унинг шакллари ўртасидаги муносабат генезисини тадқиқ этиш учун ҳаддан ташқари унумдор майдонга эга".<sup>15</sup> Ҳақиқатан ҳам, 1947 йилдаёқ В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов ўзларининг "Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси" ("Узбекский народный героический эпос") китобларида Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридаги айрим тўртликларда халқ дostonларида кўплаб учрайдиган лавҳалар мазмунини мужассам эканини қайд этганлар.<sup>16</sup>

Кейинчалик Ҳодӣ Зариф ўзининг "Ажойиб дoston" мақоласида шундай ёзади: "Маҳмуд Кошғарий тўплаган дoston намуналарида шундай бир парча бор:

Боши анинг ойиқти,  
 Қони юзиб ториқти,  
 Болиқ бўлиб тоғиқти,  
 Энди они ким емар.

Яъни:

Яраси оғирлашди,  
 Қони юзиб қотди,  
 Ярали (ҳолда) тоққа чиқиб кетди,  
 Энди уни ким емиради (енгади).

<sup>14</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т.: "Фан". 1981. 99-б.

<sup>15</sup> Мелетинский Е.М. Происхождение героического эпоса. М.: издательская фирма "Восточная литература" РАН. 2004. 365-б.

<sup>16</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: 1947. 11-б.

Шу бир тўртликдаги тасвир “Малика айёр” ва “Кундуз билан Юлдуз”да Авазининг, “Далли ойм” дostonида Ҳасаннинг душман билан олишганида яраланиб тоққа чиқиб кетишининг айни ўзидир”.<sup>17</sup>

Авалли илмий тадқиқотларда Фитрат, Ҳоди Зариф, Б.Саримсоқов, кейингиларида Ш.Турдимов<sup>18</sup> халқ дostonларининг, хусусан, “Гўрўғли” туркуми дostonларининг яратилиш даврини, асосан, XII-XVI асрлар билан, дoston сифатида вуждга келишини яна бир неча аср қадим билан боғлаганлар ва илмий далиллар билан исботлаганлар. Чингизхон саройида бахшичилик санъати, Амир Темур ҳузурида дoston айтиш анъаналари ҳақидаги маълумотларни бевосита халқ дostonлари генезисини аниқлаш йўлидаги саъй-ҳаракат, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоий шеърларида:

Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,  
Этуғон бирла улуг ирни туз,

– мисраларини учратамиз. Бу байтдаги “йиров”, “етуғон”, “улуг ир” атамалари фольклоршунос Охунжон Сафаровнинг изоҳига кўра “улуг ир” – дoston, “етуғон” – дўмбира, “йиров” – бахши маъноларини англатади ва атоқли шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўз вақтида дoston тинглашга мушарраф бўлганидан дарак беради.<sup>19</sup> Эҳтимол, Самарқанддаги ҳаёти давомида Булунгур бахшилари ҳузурида қаҳрамонлик эпоси намуналарини севики шоиримиз ҳам эшитгандир, деган фикр уйғонади. Ана шу жиҳатдан, Ҳоди Зарифнинг “Гўрўғли” дostonларидан баъзиларининг дастлабки яратилишини VIII-XII асрлар орасидан излаш мақсадга мувофиқдир,<sup>20</sup> деган хулосасида илмий мантиқ бор.

Қадимги туркий халқлар эпосига мансуб “Ўғузнома”, “Дада Қўрқут”, “Ирқ битиги”да ҳам ўзбек дostonларининг илдилари туташган ўринларни кузатиш мумкин. Насимхон Раҳмонов ҳозирга ўзбек тилга ўгириб, чоп эттиргани “Ўғузнома ёки Ўғуз хоқон ҳақида дoston” (“Шарқюлдузи”, 1987 йил, 4-сон) ва Бахтиёр Исабеков томонидан нашрга тайёрланган “Ўғузнома” (–Т.: “Ўзбекистон”, 2007) ушбу асар билан боғлиқ мулоҳазаларимизга асос бўлди. Нашрга изоҳ берган Н.Раҳмонов шундай ёзади: “Ўғузнома” гарчи XV асрда кўчирилган бўлса-да, бу унинг шаклланиши ҳам шу даврга тааллуқли деган фикрга асос бермаслиги керак. Чунки асардаги образлар, сюжет, мотивлар қадимги турк даврига ишора қилади”. Ҳақиқатан ҳам, адабиётшунослик мезони билан ёндашганда гап тахлил қилинаётган асарда кўрсатилган қайсидир эпизодик воқеа ёки унинг тафсилоти билан ўлчанмайди. Асосий эътибор йирик ифодаларга, баён усулига, ғояга, тасвирдаги умумийликка қаратилади. Шунинг учун ҳам “Алпомиш”, “Рустамхон”, “Гўрўғли” туркуми дostonлари билан яқиндан танишган ўқувчи “Ўғузнома”, “Ирқ битиги”, “Дада Қўрқут китоби”даги руҳий яқинлиқни сезмаслиги мумкин эмас. Доимий мотив сифатида эса фарзандсизлик, кейинчалик узоқ кутилган фарзандга эга бўлиш, бу фарзанд эса катта авлод кўниккан ҳаётга кескин янгиликлар киритувчи кучга эга бўлиши, жанг лавҳалари, мағлубиятдан ўқинч, ғалабадан завқ каби унсурлар бўлиб, асар мазмунига сингдирилади. Шу билан бирга, дostonларимизда яна шундай фазилатлар ҳам борки, улар фақат қадимги туркий ёдгорликлар билангина чегараланиб қолмайди.

Умумтуркий халқларнинг маданий меросини ташкил этувчи ноёб асарлардан яна бири “Дада Қўрқут китоби” ҳақида турк олими Муҳаррам Эргин жуда илиқ фикрлар билдирган.<sup>21</sup> Олим китобни “туркий халқлар маданиятининг тамал асарларидан бири ва балки биринчисидир”, деб атайди. Асар XV аср охири ва XVI аср бошларида ёзувга кўчирилганлиги ва қўлимиздаги матн майдонга келганлиги айтилган. Адабиётшунос Абдумурод Тилавовнинг маълумот беришича: “Баъзан Қўрқут ота, деб ҳам тилга олинган бу шахс, айрим маълумотларга қараганда, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом замонларида Сирдарё атрофида яшаган ўғулларнинг Баёт ёхуд Қайи бўйига мансуб Қога

<sup>17</sup> Зариф Ҳоди. “Ажойиб дoston”// “Фозил шоир” –Т.: 1973. “Фан”, 46-47-б.

<sup>18</sup> “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Т.: “Фан”, 2011.

<sup>19</sup> Сафаров Охунжон. “Халқ гавжинасига меҳр” (Алишер Навоийнинг фольклоршунослик қарашларига доир)

“Фольклор –бебаҳо хазина” китобида. Т.: “Мухаррир” нашриёти. 2010. 289-б.

<sup>20</sup> Зариф Ҳоди. “Ажойиб дoston”. “Фозил шоир” китобида. Т.: 1973. “Фан”. 47-б.

<sup>21</sup> Ergin Muharrem. Dede korkut kitabı. Metin – Sözlük. İstanbul. 1986. S–5-6.

Хўжа исмли ўта ақлли, доно, олим ва каромат соҳиби бўлган бир зотнинг ўғлидир”.<sup>22</sup> Алишер Навоий бу шахсни “Қўрқут ато а.р” деб атайди ва у ҳақда шундай ёзади: “Турк улуси аросида шуҳрати андин ортуғроқдурки, шуҳратқа эҳтиёжи бўлғай. Машхур шундоқдурки, неча йил ўзидан бурунқини, неча йил ўзидан сўнги келурни дебдурлар. Кўп мавъизаомуз мағизлиқ сўзлари арода бор”.<sup>23</sup>

Қўрқут ота ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот бераётганимизнинг сабаби шундаки, “Дада Қўрқут китоби”нинг Дрезденда сақланаётган нусхасида “Қам Пуренинг ўғли Бамси Бейрек” боби бор бўлиб, бу саҳифалардаги воқеалар тафсилоти кўп жиҳатдан “Алпомиш” дostonидаги тасвирларни эса солади. Ўз вақтида В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китобларида “Алпомиш” дostonи билан “Бамси Бейрек” ўртасидаги исmlарда, фарзандсизлик мотивида, кейинчалик фарзандларнинг туғилиши ва бешик кертти қилинишида, бош қаҳрамоннинг асирга оlinишида, хотини тўйи кuni қайтишида жуда кўп ўхшашликлар борлигини таъкидлайдилар.<sup>24</sup> Уларнинг фикрича, дostonнинг пайдо бўлиши ўғуларнинг анча қадимги замонларда Ўрта Осиёда истиқомат қилган пайтларига тўғри келади. Фақат Салжуқийлар замонидагина (XI-XII) асар сюжети Кавказ орти ва Кичик Осиё ҳудудида кўчган ва “Дада Қўрқут китоби”га киритилган бўлиши мумкин. “Бамси Бейрек” эса Кўнгирот “Алпомиш”ининг бошланишига асос бўлган қаҳрамон эмас, балки кўҳна мандабан ўрин олган параллель нусхадир.

Халқ эпоси генезисига оид эътиборга лойиқ қайдлар профессор Насимхон Раҳмоновнинг “Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва туркий эпослар”<sup>25</sup> деб номлаган докторлик диссертациясининг моҳиятини ташкил этади. Олим VII-VIII асрларда вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит бир қатор ўзига хос сюжет тизимининг вужудга келишига асос бўлганини таъкидлайди. Айниқса, халқнинг дастлабки ижод маҳсулида асос мифологик дунёқараш бўлса, кейинги босқичда эпос марказида қаҳрамон шахс турганлигига гувоҳ бўламиз, деган мулоҳазаси айнан туркий эпоснинг шаклланиши билан боғланади. Бинобарин, халқ дostonларининг вужудга келиш жараёнида муайян ҳаёт тақозоси билан рўй берган юрт мустақиллиги учун кураш, мамлакатда давлат тизимининг ривожини, фавқулодда пайдо бўлган халқ қаҳрамонларининг ҳаётидаги мардлик лавҳалари уйғунлашиб дostonларнинг яратилишида туртки вазифасини ўтаганини алоҳида кўрсатиш мумкин бўлади.

Маълум бўладики, ўзбек дostonларининг генезисини VII асрда ёзиб қолдирилган Ўрхун-Энасой битиглари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги тарихий, қаҳрамонлик, маросим кўшиқлари, “Ўғузнома”, “Ирк битиги”, “Дада Қўрқут китоби” каби ўта қадимги адабий ёдгорликлар заминидан ахтариш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида Шомурод бахши, Абдуназар бахши, Қаҳҳор бахши, Абдумурод бахши каби беназир санъаткорларнинг халқ дostonларини соатлаб ички овозда ижро этишларида ҳам (Олтой ўлкаларидаги шомонларнинг овозларига ўхшаш равишда) узоқ қадим замонлар садоси мавжудлиги бежиз эмас.

<sup>22</sup> Тилавов Абдумурод. Дада Қўрқут ҳақида мухтасар сўз. “Дада Қўрқут хикоялари” китобида. Т.: 2010. 5-6-б.

<sup>23</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. Т.: “Фан” 2011. 421-б.

<sup>24</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: 1947. 72-75-б.

<sup>25</sup> Раҳмонов Насимхон Аскарлович. “Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы”. Автореферат на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Т.: 1991.



**Маишхура  
ШЕРАЛИЕВА**

1976 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган. Ҳозирда Андижон давлат университети қошидаги 3-академик лицейда ишлайди. "Ҳозирги ўзбек насаида киноя: ижтимоий-психологик амиллари, поэтик ўзига хослиги" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

## Ўзувчи ижодий тадрижида КИНОЯ

"Лолазор" романи таҳлилига бағишланган давра суҳбатида адабиётшунос Мирзааҳмад Олимов мазкур роман Мурод Муҳаммад Дўстнинг ўзувчи сифатида камолотга эришганидан далолат беришини таъкидлаб, адабнинг бундан аввалги асарларига, деярли бутун ижод йўлига тавсиф бериб ўтади: "Унинг илк ҳикоялари миллий заминдан узокроқ эди. "Учинчи симфония"даги (аслида, "Қайдасан, қувонч садоси?"даги – М.Ш.) сўққабош Бетховендан-ку, гина йўқ, лекин унга ёндош ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг – ғамгин, ўйчан рассом боланинг ҳам, Замирани ёқтириб қолган журналист йигитнинг ҳам яшаш ва фикрлаш тарзи, дунёси унчалик ўзбекча эмас эди.

"Чоллардан бири"га келиб ўзувчи бу етишмовчиликни бартараф этди, лекин бу асар катта Ҳаётдан кичик бир лавҳа эди. "Галатепага қайтиш" тошга ўйиб ёзгандек хотирада муҳрланиб қоладиган нозик руҳий таҳлиллари билан ҳайратга солади, лекин унда шаҳар ҳаёти манзаралари барибир бир оз енгил-елпи акс эттирилган эди. "Истеъфо" профессионал ўзувчининг қалами билан ёзилгани сезилиб турса-да, Эломонов ҳам, унинг муҳити ҳам, фикримизча, анчайин жўнлаштирилган эди".<sup>1</sup>

Эътибор берилса, М.Олимов адиб асарларининг ҳар биридаги фазилатларни эътироф этган ҳолда, улардаги айрим етишмовчиликларга ҳам диққатни тортади. М.Муҳаммад Дўст асарларининг М.Олимов етишмовчилик сифатида санаб ўтган жиҳатларига бошқа нуқтаи назардан ёндашиш ҳам мумкин. Яъни: 1) ўзувчининг илк ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг "яшаш ва фикрлаш тарзи, дунёси унчалик ўзбекча эмас"лиги миллий заминдаги проблематикани ифодалашга халал бермади; 2) "Чоллардан бири"да тасвирланган "катта Ҳаётдан кичик бир лавҳа"да давр зиёлиларининг "катта Ҳаёт" билан тўқнашуви натижасида юзага келган ижтимоий-психологик кайфияти ҳам акс этиб қолди; 3) "Галатепага қайтиш"да "шаҳар ҳаёти манзараларининг бир оз енгил-елли акс эттирилиши" "катта Ҳаёт"дан кўп нарсалар кутган, лекин умидлари оқланмаган, ўз ҳаёти, фаолиятининг маъносизлигини англаб, зерикашни бошлаган қаҳрамоннинг воқеликка муносабати билан боғлиқ; 4) "Эломонов ҳам, унинг муҳити ҳам анчайин жўнлаштирилган"дек кўриниши давр китобхонида раҳбар шахси, собиқ раҳбар образлари ҳақида шаклланган стереотиплар натижасидир тарзидаги хулосаларга ҳам келиши мумкин.

Профессор Умарали Норматов "Яқин кечмишнинг ҳалол ва теран бадиий таҳлили" мақоласида М.Муҳаммад Дўстнинг

<sup>1</sup> Маънавий инкироз илдиғлари. Давра суҳбати. "Ёшлик", 1989 йил, 3-сон, 66-б. (бу ерда ва кейинги Уринларда курсив билан ажратилган таъкидлар бизники – М.Ш.).

"Қайдасан, қувонч садоси?" ҳикояси билан боғлиқ қуйидаги хотираларни келтиради: "Қайдасан, қувонч садоси" деб номланган каттагина ҳикоясини ўқишга берди. Ўқиб, қувониб кетдим. Аллақачон ҳаваскорлик босқичидан ўтган, тап-тайёр профессионал ёзувчининг асари!" Шунингдек, У.Норматов О.Шарафиддиновнинг "Ғарбнинг машҳур кишилари ҳақида ғарблик ижодкорлар қойилмақом қилиб ёзишган. Муроднинг ҳикояси ўша асарлар билан бўйлаша оладиган даражада. Бу – яхши. Энди укамиз ўз одамларимиз ҳақида ёзиб, уларни Ғарб, балки, жаҳонга танитиш йўлидан борса, яна ҳам савоброқ иш қилган бўларди..." деган фикрларини ҳам қайд этди<sup>2</sup>. Ғарчи ҳикоянинг бадиий жиҳатдан пишиқ, пухта экани устоз адабиётшунослар томонидан эътироф этилган бўлса-да, барибир, унинг "миллий заминдан узоклиги" бироз эътироз туғдираётгандек кўринади.

Бизнингча, адибнинг дастлабки ҳикоялари, жумладан, "Қайдасан, қувонч садоси?" билан "Бир тойчоқнинг хуни", "Дашту далаларда" ҳикоялари, "Галателага қайтиш" қиссаси ўртасидаги асосий фарқи уларда ифодаланган воқеликка муносабат асосида белгилаш зарур. Шунга кўра, ёзувчининг дастлабки ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг "яшаш ва фикрлаш тарзи, дунёси унчалик ўзбекча эмас" лигига ёш ёзувчининг воқеликка романтик муносабати натижаси, деб қараш ва айни хусусиятни назарда тутган ҳолда таҳлил қилиш керак бўлади.

"Қайдасан, қувонч садоси?" ҳикояси М.Муҳаммад Дўст ижодининг дастлабки босқичига хос романтик дунёқараш акс этган асардир. Ҳикояда воқеа ва қаҳрамонларнинг адиб яшаётган воқеликдан эмас, бошқа муҳит, бошқа даврдан танланиши (ўз муҳитидан қониқмаслик, даврга, ўз муҳитига бегоналик), типик эмас, балки алоҳида, фавқуллода шахсият эгасининг қаҳрамон қилиб олиниши (Бетховен образи, дуб дарахти тасвири), аниқ ва кескин қарама-қарши қутбларга ажратиш (шаҳар ва қишлоқ, киборлар давраси ва деҳқонлар ҳаёти, Крейцер ва Бетховен зидлиги ва б.) кабиларда романтик дунёқараш белгиларини кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, шўро воқелиги ёш ижодкор дунёқарашда романтиканинг юзага келишига иккиёқлама таъсир кўрсатди: бир тарафдан, барча жабҳаларда олиб борилган тарғибот идеалларга бўлган ишонч-эътиқодни шакллантирди; иккинчи томондан, шўро воқелигининг ўзи тузум илгари сурган идеалларга зид эканлиги уларга бўлган ишонччи биратўла пучга чиқармаган бўлса-да, идеал ва қадриятларнинг воқеликда реаллашувига шубҳа уйғотди. Натижада, ёш адиб дунёқарашда романтикага хос бўлган, идеал ва воқелик ўртасидаги кескин зиддиятни англаш тенденцияси пайдо бўлди.

"Қайдасан, қувонч садоси?" ҳикоясида воқеликнинг ана шу зиддиятли таъсири изларини сезиш мумкин. Муаллифнинг юксак идеалларга бўлган ишонч-эътиқоди Бетховен образида мужассамлашади. Бетховен муаллиф идеалига мос, фавқуллода, алоҳида шахсият эгаси сифатида берилади. Шунингдек, Бетховеннинг Наполеон шахсига алоҳида қизиқиш билан қарashi ижодкорнинг реаллик билан тўқнашуви натижасида юзага келган ижтимоий-психологик кайфиятини яхши ифодалаб берадики, қуйидаги парча фикримизнинг далили бўла олади: "У эътиқод ва содиқлик борасида ғоят содда ва ғоят адолатли фикр юритар, дили тарих дастагини ушлаган зотларга нисбатан яхши умидлар билан тўла эди. Боёқиш санъаткор тарихнинг масҳарабозликларини, вақти келиб, корсикалик Наполеоннинг ўзиниси... ҳолдан тойган Франция республикасига зарур ҳарбий диктатор бўлишини... хаёлига ҳам келтирмасди. Бетховен жуда соддадил ва ишонувчан одам эди; худди шу хислатлар бастакор ҳаётидаги саноксиз фожияларга асосий сабабчи бўлган эдилар".

"Учинчи симфония" ҳикояси ҳам ёзувчи дунёқарашининг ушбу босқичида романтиканинг устиворлиги ҳақидаги фикримизни далиллайди. Тилга олинган ҳар икки ҳикоя марказига қўйилган санъаткор – бастакор ва расом образида мужассамлашган исёнкорлик, ўз муҳитидан қониқмаслик кайфияти, санъаткор ва воқелик масаласининг романтик талқини адибнинг кейинги асарларидан кескин фарқланади ("Галателага қайтиш"да Шоир, Соқол; "Истеъфо"да Бинафшахон, Тўлқинов; "Лолазор"да Назар Яхшибоев, Саидқул Мардон, Муҳсина хоним, Аввалбек ва б.). Санъаткор образи муаллиф учун ўзининг юксак идеалларини тасдиқлаш ҳамда идеалга зид воқеликни инкор қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Худди XIX аср романтизм адабиёти ижодкорлари каби муаллиф санъаткор образининг

<sup>2</sup> <http://normatov31.narod2.ru/maqola/yakh.html>.

романтик талқини орқали ўзининг ижодкор сифатидаги миссиясини белгилаб олишга интилади. Санъатнинг моҳияти, санъаткорнинг миссияси масаласида ўзи ва бошқаларнинг нуқтаи назари ўртасидаги фарқни аниқлаб олишни истайди (Бетховен ва Крейцернинг ўзаро қиёсланиши, Бетховеннинг киборлар жамиятига муносабати; рассом йигитнинг асарларини тушунмайдиган танқидчилар ҳақидаги ўйлари). Қаҳрамон нафақат воқеликка, балки ана шу воқеликнинг сохта талқинини бераётган санъат ва санъаткорларга ҳам қарши қўйилади. Санъатга муносабат масаласини адиб кейинги асарларидаги реалистик образлар тахлили, тасвирида ҳам давом эттирди. Дастлабки ҳикояларида муаммони асл санъат масаласи сифатида қўйган ижодкорнинг ўз қаҳрамонларига муносабатида деярли киноя сезилмайди. Кейинги асарлардаги санъаткорларнинг реалистик тасвирида муаллифнинг қаҳрамонларга муносабати тобора киноявийлашиб борадики, санъатнинг сохта, норматив, манфаат арашлаган кўринишлари ёзувчи истеҳзоси, масхарасининг объектига айланади.

М.Муҳаммад Дўстнинг бутун ижоди давомида диққат марказида турган ижтимоий-маънавий муаммолар "Қайдасан, қувонч садоси?"ни ёзган вақтидаёқ адибни ўйлантира бошлаган эди. Шунга кўра, мазкур ҳикоядаги кўплаб образлар, мотивларни кейинги асарларда ривожлантирилган ёки ўзгаришга учраган, трансформацияланган ҳолда кўрамиз. Бу борада Бетховеннинг илгари ўзи бир муддат яшаб кетган қишлоққа келиши – макон ва замондаги қайтиш мотиви (Файбаровнинг Галатепага – ўтмишга қайтиши; Назар Яхшибоевнинг Булдуруққа – ўтмишга қайтиши), Бетховен ва Крейцер зидлиги (Файбаров ва Самад, Файбаров ва Соқол, Назар Яхшибоев ва Саидкул Мардон), қишлоқ ва шаҳар зидлиги ("Галатепага қайтиш", "Истеъфо", "Лолазор") каби мотивларни айтиб ўтиш мумкин.

Адибнинг кейинги асарларида воқеликка муносабатнинг идиллиявийлик ("Бир тойчоқнинг хуни", "Дашту далаларда", "Мустафо") томон силжишига эса муаллифдаги романтик муносабатнинг ўзгаришга учраб, бошқа кўринишга ўтиши, трансформацияси, деб қаралиши мумкин.

Ўзбек насрининг 70-йиллар авлоди оддий кишиларнинг, қишлоқ одамларининг асосий ижтимоий-сиёсий масалаларга бевосита алоқадор бўлмаган ҳаётини, миллий-маиший турмуш манзараларини тасвирлашда яхши натижаларга эришганлиги танқидчиликда кўп бор қайд этилган. Дарҳақиқат, мазкур авлод вакили бўлган М.Муҳаммад Дўст ҳам юқорида саналган, идиллиявий муносабат акс этган асарлари ва "Галатепага қайтиш" қиссасида миллий характерлар яратиш, оддий маиший турмуш манзараларини тасвирлаш борасидаги маҳоратини намойиш этди. Бу ўринда бизни масаланинг бошқа томони қизиқтиради: адабиётга юксак ижтимоий-сиёсий идеалларни реаллаштириш масаласини ҳаётининг бош мақсади, деб билган Бетховен образи билан кириб келган ёзувчи нима учун оддий қишлоқ кишилари ҳаёти, маиший турмуш манзаралари тасвирига ўтди? У.Норматов таъкидлаганидек, ёзувчи "ижодда миллий заминга кескин юз ўгирди", лекин нима сабабдан "миллий замин"нинг бир қисмига, "катта Ҳаёт"нинг бир парчасигагина юз ўгирди? Бизнингча, бу ҳолат ижодкор дунёқарашида идеаллар ва воқелик ўртасидаги номувофиқликни тобора чуқурроқ англаш ҳамда ўзи таянган ижтимоий-маънавий қадриятларни тасдиқлаш эҳтиёжининг ортиб бориши билан изоҳланади. Ижодкор ўзининг ижтимоий-маънавий идеаллари, қадриятларининг мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликка тасдиқланишига шубҳа билан қарайди, шу сабаб уларни торроқ миқёсда, миллий-маиший турмуш доирасида тасдиқлаб олиш билан чегараланади. Зотан, қадриятларнинг тасдиқланишига бўлган шубҳа ижодкордаги мувозанатнинг бузилишига, иккиланиш, бўлинишга олиб келади. Қадриятларнинг қиммати идиллиявий ("Дашту далаларда", "Бир тойчоқнинг хуни") ёки элегиявий ("Галатепага қайтиш") оламда тасдиқлаб олиш эса ижодкор учун бутунлигини қайтадан тиклаб олиш имкони демакдир.

Идиллиянинг қаҳрамони "оз нарса билан қаноатланади". У ўз "мен"и билан ўзи яшаётган борлиқ (идиллиявий тор дунё) орасида зиддият кўрмайди. "Дашту далаларда" ва "Бир тойчоқнинг хуни" ҳикояларида шубҳа мотивининг сюжет воқеаларини ҳаракатга келтириши тасодиф эмас. "Бир тойчоқнинг хуни" ҳикоясида мўлтонидан қолган ит қоғиб олгани учун эмас ("Авалл у итнинг қопганини ўзига ўй қилиб ўтирмаган эди: энди бу бир ит, ит бўлгандан кейин итлигини қилади, ҳуради, қопади..."), балки кўнглига Тўрабой солаётган шубҳа туфайли Ғуччи чолнинг тинчгина ҳаёти издан чиқади, хотиржамлиги йўқолади. Полвон ("Дашту далаларда") Салим сақич кўнглига солган шубҳа

туфайли хотини Хадичага қўл кўтиради, хотини кетгач, алаמידан Салим сақичниқига югуради. Қачонки, шубҳа йўқолгач, қаҳрамонлар кўнглидаги, ҳаётидаги мувозанат (идиллиявий олам) ҳам қайта тикланади. Идиллиявий оламда юзга келган зиддиятчи ҳолат "Бир тойчоқнинг хуни"да кулгили якун топади: Мулла Дониёрнинг ўрнида топиб айтилган, лекин баҳсга мантқан алоқасиз гапи ("Бўлмаса, нега Мурод жувозкашнинг хотинчаси байталга ўхшаб кишнайдими?") Ғуччи чол ва Ибодулло Махсумни кофирликда айблаётган Мулла Нишонни ўсал қилади. "Дашту далаларда" ҳикоясида эса идиллиявий оламни мувозанатдан чиқарган зиддиятчи ҳолат охир-оқибат лирик тарзда якунга келади: "Аёлнинг юзига тикилиб, гумонига тасдиқ излади. Лекин Хадичанинг турган-битгани – юзу кўзи, бўйнига чирмашган билаклари, ёқасига қадалган бир қатор садаф тугмаларигача ифбатга ёр, шубҳага зомин эди". Ҳар икки ҳикояда ҳам муаллиф учун воқелики идиллиявий тасдиқлаш ва бу орқали бутунлигини тиклаб олиш тенденцияси кучлироқ (қиёслай учун Чеховнинг "Тил-адабиёт муаллими" ҳикоясини эслаш кифоя. Чеховда сюжет воқеалари идиллиявий олам иллюзиясининг парчаланиши томон ҳаракатланади). Бу – масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони ёзувчи кинояси билан боғлиқ. Ҳикоялардаги идиллия қаҳрамон идиллияси ва у орқали муаллиф идиллияси ҳам эди. Галатепаликлар учун олам Галатепедаги ҳаётдан иборат. Улар учун ҳатто кўшни қишлоқ – Шўрқудук ҳам бошқа олам, шўрқудуқликлар эса бошқа олам кишилари ("Сен у ёқда (Галатепеда – М.Ш.) одамга ўхшаб гапирардинг, Хатча... Кимнинг дарсини олдинг, нега мундай гапирасан?"). М.Муҳаммад Дўст ҳикояларида мана шу торгина олам билан қаноатланиб яшаётган одамларга ҳавас билан қараётган, айна пайтда, улардай яшай олмаслигини англаб, билиб турган муаллиф образи ҳам мавжуд, у, асосан, ровий орқали ифодаланлади. Муаллиф, бир томондан, қаҳрамонлар каби воқеликка идиллиявий муносабатда бўлади, улардаги муқаддас қадриятларга бўлган ишонч-эътиқодни тасдиқлаш йўлидан боради; иккинчи томондан, ана шу тор идиллиявий оламдаги ҳаёт билан қаноатланолмайдиган (чунки унинг онгидаги ижтимоий-маънавий идеални тасдиқлаш учун маиший турмуш доираси торлик қилади), бу оламнинг зиддиятчи жиҳатларини кўриб турган шахс сифатида кўринади. Мана шу бўлиниш, иккиланганлик ёзувчини воқеликка иккиёқлама, киноявий муносабатда бўлишга олиб келади. Шунга кўра, ровий нутқидаги киноя муаллифдаги бўлиниш, иккилангани акс эттиради. Мурод Муҳаммад Дўстнинг мазкур ҳикояларида киноя Чеховдаги каби идиллиявий дунё иллюзиясини парчалаш вазифасини бажармайди, балки идиллиявий муносабатга параллел равишда, қаҳрамонларга ва умуман тасвирланаётган воқеликка четдан, Галатепедан кўра кенгроқ оламнинг одами бўлиб назар ташлаш имконини яратади.

"Бир тойчоқнинг хуни" ҳикоясида ёзувчи кишиларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган зиддиятчи муносабатини акс эттиради. Бундай муносабат фақат Тўрабой ёки Ғуччи чолгагина эмас, балки ўз маънавий позициясида анчагина изчил бўлган Ибодулло Махсум ва Мулла Дониёрга ҳам хос. Ҳамма ўз фикри, хоҳиш-истакларини ана шу қадриятлар билан асослашга уринади ("Махсум ҳинду экан!.. – деб қичқирди мулла Нишон мулла Дониёрни гувоҳликка чақириб. – Эшитяпсизми, Махсум ҳиндунинг мулласига ўхшаб гапиряпти"). Ҳатто ровий ҳам Тўрабой ҳақидаги фикрларини мулла Дониёрга тасдиқлатиб олади: "Мулла Дониёрнинг айтишича, бу одамнинг ичидаги қораси юзига тепган экан, кейин у икки дунёдан ҳам умидини узган бир дўзахи экан...". Кўринадики, ровий қаҳрамонларни кўрган-билган, улар билан ёнма-ён яшаётган, қисқаси, бир галатепалик одамдек таассурот қолдиради. Бу – ровий нуқтаи назарининг бир томони.

Иккинчи томондан, ровий кишиларнинг миллий-маънавий қадриятларга зиддиятчи муносабатини англаб турган ва унга муносабатини китобхонга билдириши мумкин бўлган субъект сифатида кўринади. Ҳикоячи қаҳрамонларга, бир томондан, маънавий-ахлоқий позициядан туриб баҳо беради; иккинчи тарафдан, маънавий-ахлоқий қадриятларга қотиб қолган тушунчалар сифатида қарашдан сақланади. Натигада, ровий нуқтаи назари иккиёқлама хусусият касб этади – киноявийлашади. Шунинг учун ҳам ҳикоя давомида муаллиф позициясида изчиллик йўқдек туюлади (аслида, бундай изчилликни топиб олиш китобхоннинг фаҳм-фаросатига ҳавола қилинади). Фақат Тўрабой ёки мулла Нишон ҳақидагина эмас, ёзувчи симпатияси томондаги персонажлар – Ғуччи чол ва Ибодулло Махсум ҳақида гап бораётган

ўринларда ҳам ровий нуқтаи назари киноявийлашавради: "Ғуччи чол қутурмаганини кўрсатмоқ истаб, ўзича бамаъни гаплардан гапирмоқчи бўлди, лекин бамаъни гап деганлари ҳадеганда тилига келавермади".

Кишилараро муносабатларни маънавий-ахлоқий қадриятлар тартибга солиб туради. Қадриятнинг амалда намоён бўлиши, реаллашуви қадрият ифодалеган моҳиятга мутлоқ мос келиши қийин. Чунки қадрият инсон орқали реаллашади, инсон эса тирик жон, унинг манфаатлари, истак ва майллари ҳамимиша ҳам ижобий мақсадга, умуммақсадга мос келмаслиги мумкин. Масалан, "Бир тойчоқнинг хуни" ҳикоясида чоллар ўртасида кечган узоқ баҳс якунида, ниҳоят, Ибодулло Махсум Тўрабойнинг Ғуччи чолга меҳрибонлик ниқоби остидаги ички ғаразини юзага чиқаради. Ҳикоя давомида ҳар бир персонажнинг ўз нуқтаи назарини, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, маънавий-ахлоқий қадриятлар билан тасдиқлаб олишга интилиши "Қочган ҳам "Худо" дейди, қувган ҳам" мақолини эслатади. Бу ҳол ровий нутқида ҳам акс этади: "Лекин Ибодулло Махсум худоллиғни унутмаган, инсофни билади, олижаноблик қилиб, эски, унутилиб кетай деган сирни қайтадан Тўрабойнинг эсига солади". Ёки Тўрабой ҳақида: "Сутдай оқ бўлишнинг ҳеч иложи йўқ. Бўлмасам, худога шукур, шу бўз тойдан бошқа айблари ҳам оз эмас". Муаллиф нутқининг жумла қурилишида киноявий муносабат ўз ифодасини топадики, матн мазмунан ўзаро номувофиқ бирликлардан иборат бўлиб қолади (мантиқан олиб қаралса, Тўрабойнинг сирини эсига солиш унга нисбатан олижаноблик эмас ёки одам ўзининг айблари учун "худога шукр" демайди).

"Мустафо" ("Чоллардан бири") қиссаси эса, айтиш мумкинки, чоллардан бири – Мустафо ҳақидагина эмас. Бу асар тугилиб ўсган қишлоғи билан боғлиқ ришталари аста-секин ўзилиб бораётганини ҳис қилган ижодкор учун қай бир даражада эстетик аналогия вазифасини ҳам бажаради. Одамларга унчалик қўшилмайдиган, узлатнишинликка мойил Мустафонинг бош қаҳрамон қилиб олиниси, ёзувчи бадиий оламида Галатепада ўрнини тополмаётган Усмонали образининг пайдо бўлиши фикримизнинг далили бўла олади. Шунингдек, қисса жамиятдаги у қадар фаол бўлмаган мақомидан қониқмаган зиёлининг ижтимоий-психологик кайфияти билан туташ нўқталарга ҳам эга. Қиссада гўнгтепага кўмилган тилла деталли кўп бор эсланади. Бир ўринда муаллиф шундай ёзади: "Тилланинг гўнг тагида ётишида қандайдир шум маъно бордай туюлади. Мустафо бу маънони кўп англамайди, лекин сезади. Сезиб юраги орзиқади, негадир ўзини ерга таппа ташлаб йиғлагиси келади... Уларнинг шундай қолиб кетаверишини англаб, юраги ачийди". Мустафо кўнглидагини ҳар доим ҳам очиб айтавермайди, айта олмайди. Бу эса кишилараро муносабатларда ўз "мен"ини реаллаштиришга халал беради. Тилланинг гўнг тагида, ҳеч ким фойдаланмасдан ётиши, шундоқ қолиб кетиш эҳтимоли ассоциатив равишда реаллашмай қолаётган орзулар, юзага чиқарилмаган алам-армонлар, умуман олганда, инсоннинг тўла намоён этилмаётган ўзлигига, шахсиятига ишора қилади. Худди шу нўқтада қаҳрамон вазияти ижодкорни ўйлантираётган бош масала билан боғланади.

Мазкур қиссанинг идиллиявий олами юқорида айтилган ҳикоялардан сезиларли фарқ қилади. Муаллиф бу асарда ҳам қаҳрамоннинг идиллиявий оламига дахл қилмайди, лекин киноявий позиция муаллифни кўпроқ четдан кузатувчи мақомида қолдиради. Бунгача ёзувчи кинояси композицион сатҳда, асосан, ровий (эпизодик ҳолда Ибодулло Махсум ва мулла Дониёр) нуқтаи назари орқали ифодаланган эди. "Мустафо"да киноявий позициянинг композицион сатҳда ифода этилишида Усмонали образи алоҳида ўрин тутайди. Усмонали айрим характер хусусиятлари билан "Дашту даладарда" ҳикоясидаги Полвонни эслатади. Севган қизи томонидан рад этилган Усмонали гўё Галатепадаги тўлақонли ўрнидан ҳам айрилади, йиллар давомида "мясига қурт тушган кўчқордек" (Полвонга берилган таъриф) ҳеч қаерда ҳаловат тополмайди. "Мен мундай ишлаб олмайман, амаки, – деди Усмонали. – Қарасам, бирдан яхши одам бўп қоляпман. Кетаман, амаки". Бир қарашда "бирдан яхши одам бўп қолиш"ни хоҳламасликда мантиқ йўқдек кўринади. Усмонали ўзини Галатепанинг ажралмас, тўлақонли бир қисми деб ҳис қилолмай қийналади. "Бирдан яхши одам бўп қолиш" учун "адашган ўғил"нинг Галатепага ҳақиқатда қайтиши, қишлоғида ўрнини топиши учун шунга арзигулик жиддий сабаб керак.

Мустафонинг ёлғиз ўғли урушдан қайтмаган, юзини ерга қаратган қизи билан борди-келди қилмай қўйган. Ўзи ва кампири дунёдан ўтиб кетганидан кейин чироғини ёқиб ўтирадиган, рўзғорига бош бўладиган одам йўқлигини ўйлайди: "Кечалари жумла мўминнинг уйида чироқ ёнади, ҳамманинг уйи ёруғ, битта сеники қирнинг белида,

Махсумнинг ҳовузи ортидан қопқоронғи бўлиб тураверади, то бойқушга макон бўлгунга қадар..." Қисса сюжетига ўлим мотиви ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўлим эҳтимоли сабаб Мустафо ниҳоят кўнглидаги гапларни Усмоналига айта олади. Амакисининг чирогини ёқиб ўтириш, рўзгорига бош бўлиш масъулияти Усмоналига Галатепадаги тўлақонли ўрнини ҳам қайтаради. Қиссада ўлим идиллиявий олам доирасида талқин қилинади. Шунга кўра авлодлар ўртасидаги ворисийлик туйғуси ҳар икки томонда ҳам ўлим муқаррарлигидан туғиладиган изтиробни енгиллатади.

"Мустафо" қиссаси сюжетининг асосий вазиятига кўра Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" ва Хайриддин Султоновнинг "Адаш Карвон" ("Ёзнинг ёлғиз ёд-гори") қиссаларига яқин туради. Воқеликка муносабатга кўра эса мазкур икки қисса М.Муҳаммад Дўстнинг "Галатепага қайтиш" қиссаси билан умумийликларга эга. Қоплон ҳаётида энг муҳим нарсага эришолмагани, Адаш Карвон эса ҳаётидаги энг муҳим нарсадан айрилгани учун ҳам ҳар икки қисса тўлалигича йўқотиш, ёлғизлик, элғизлик, эллатнишинлик каби элегиявий мотивлар асосига қурилган. Айни мотивлар "Галатепага қайтиш" қиссасига ҳам хос, лекин бу мотивлар фарзандсизлик ёки ёлғиз фарзандидан айрилганлик вазиятига эмас, отанинг оламдан ўтишига боғланади. Ҳар учала қисса қаҳрамони ҳам у ёки бу даражада муаллифлар учун эстетик аналогия вазифасини бажаради: мавжуд шароитда шахсиятини, ўз "мен"ини реаллаштириш имконларига умидсиз қарай бошлаган зиёлиларнинг ижтимоий-психологик кайфияти – ҳаётдан ис-сиз кетиш хавотирини билвосита ифодалайди...

"Галатепага қайтиш" қиссаси Раим оқсоқолнинг дафн маросими тасвири – "Аза" боби билан бошланади. Қиссада қаҳрамоннинг ўлими бадийий функциясига кўра Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", "Диёнат" романлари, Пиримқул Қодировнинг "Мерос" қиссасидаги ўлим мотивидан фарқланади. Мирзо Улуғбекнинг ўлими романдаги драматизмга старт беради, кескинлаштиради; Нормурод Шомуродов ўлими эса асардаги драматизмнинг ечимига олиб келади – Отақўзи Умаровни ўз хатоларини тушуниш, тан олишга ундайди. "Мерос"даги Ёлқин Отажоновнинг ўлими романтик ёндашув (қисман муаллиф, асосан, бош қаҳрамон пафосига кўра – М.Ш.) натижаси бўлиб, қаҳрамоннинг алоҳида, фавкулдда шахс эканини таъкидлайди. "Галатепага қайтиш" қиссасидаги ўлим мотиви воқеликка элегиявий муносабат натижасида кириб келади. Элегиявий муносабатнинг асосий омили ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш ва бунинг натижасида юзага келадиган изтироб эканини эътиборда тутсак, қиссанинг айни мотив билан очилиши, қаҳрамонларнинг йўли нуқул қабристонлардан ўтиши тасодиф эмас. Қиссада Оқсоқолнинг ўлими китобдонни инсон ҳаётининг маъноси ҳақида ўйлашга ундаш билан бирга бош қаҳрамоннинг қисса бадийий вақтидан илгарироқ бошланган руҳий изланишлари – ўз ҳаётдан маъно излаш жараёнини тезлаштиради, яқунга келиши учун туртки бўлади.

"Ойдинда юрган одамлар", "Адаш Карвон" қиссаларидан фарқли ўлароқ, "Галатепага қайтиш"нинг қаҳрамони учун "бир пайсагина эркинлик", "арзимаган ижтимоий муҳит" камлик қилади (буни адабнинг идиллиявий асарлари таҳлилида ровий кинояси билан боғлиқ ҳолда таъкидлаб ўтдик). Шунга кўра, асарда қаҳрамон ҳаракатланадиган ижтимоий муҳит доираси ҳам кенгайди – воқеалар шаҳар ва қишлоққа рўй беради. "Галатепага қайтиш"нинг қаҳрамонлари – Файбаров, Самад, Шоир, Соқол олдида танлов масаласи турибди: инсоннинг қобилияти, меҳнати, инсоний фазилатларини адолатли баҳоламайдиган муносабатларга мослашиш ёки уларга мослашолмай, ҳаётнинг қоронғу бурчакларида қолиб кетиш. Самад бошданоқ биринчи йўлни танлаб, қандай бўлса ҳам яшаб қолиш ҳаракатида бўлди. Соқол бир-икки туртилгач, муҳит ўзанига тушиб кетди. Шоир – бошқа масала. У, Файбаров айтмоқчи, кўнглидан ўтганларни ифодалашга уста: "Қаранг, Тошпўлат! Биз бу ерда ўтирибмиз, ҳаёт ёнимиздан физиллаб ўтиб кетяпти! Биз тинчгина, салқин кафеларда ўтириб чиройли суҳбатлар қураимиз, кўпириб-тошамиз, мақтаймиз, мақтанамиз! Биз мамнун ва бахтиёр ўтираверамиз, ҳаёт эса... Ана у, ёнимиздан ўтиб боряпти! Шундоқ ёнимиздан, қўл узатса етгудек жойдан! Тушунасизми, Тошпўлат, ўтиб кетяпти у!..." Шоир ва Файбаров учун "яшаш" дегани Самад тушунгани каби "яшаб қолиш" эмас, балки шахс сифатида ўз имконларини юзга чиқариш, шахсиятини реаллаштиришдан иборат, шундагина ҳаётнинг маъноси бўлади. Шоирдаги ўзини қанақадир олий бир мақсадга, ғояга фидо қилиш, умрини унга бағишлаш истаги шундан. Бироқ у барча уринишлари маънисиз ва бефойда, ҳатто кул-

гили эканини англамайдиган даражада эмас. Шоир кетади ("Сафсатаю гўзал давралар жонимга теғди!"), лекин кетишда маъно йўқлигини Шоир ҳам, Ғайбаров ҳам жуда яхши тушунишади. Шоирнинг кетиши унинг кейинги ҳаёти фақат "шеъриятга кўмилиб" (Рауф Парфи) яшашдан иборат бўлишига ишора қилади. Кўриб турганимиздек, Ғайбаров даврадош дўстларидан аста-секин узоқлашиб боради ("...яна бировидан айрилдик-да, дўстим Ғайбаров!"). Дўстларини бир-бир йўқотиб, аввалгидан ҳам кўпроқ ёлғизланиб бораётган Ғайбаров учун ўз шахсиятини торроқ доирада, дўстлар даврасида реаллаштириш имкони ҳам камайиб боради. Ғайбаров қишлоқ кишилари орасидаги муносабатларда ҳам ўзаро уйғунлик топиши қийин (Оқсоқол: "Уёқда кун кўришинг қийин, энди сен чиқиб кетган одамсан, қайтадан эл бўласанми, йўқми... Чўқиб ташлашади. Кулги бўласан, болам"). Йўқотиш, айрилиқ, ёлғизлик мотивлари шу тарзда қаҳрамоннинг шаҳар ва қишлоқдаги ҳаётини умумлаштиради.

Агарда бадиийлик модуллари (трагизм, драматизм, идиллия, элегиявийлик, киноявийлик ва б.) шахсий мавжудлигини тасдиқлаб олиш йўли, ўз "мен"ининг оламда мавжудлигини намоён этиш шакли (В.Тюпа) эканини назарда тутсак, "Ойдинда юрган одамлар" қиссаси муаллифи шахс сифатида мавжудлигини қаҳрамоннинг элегиявий позицияси орқали тасдиқлаш билан чегараланади. "Адаш Карвон" муаллифи ҳам элегиявий позицияни тасдиқлашни ҳадди аълосига етказди, фақат асар сўнггидагина эпизодик ҳолда ундан чекинади, ушбу позиция билан қаноатланиш масаласини шубҳа остида қолдиради (журнал нашри – М.Ш.). "Галатепага қайтиш"да муаллиф, бир томондан, қаҳрамоннинг элегиявий кайфияти ифодасини беради, иккинчи томондан, муаллиф ҳам, қаҳрамон ҳам элегиявий муносабатнинг ўзи билан қаноатланолмаслигини намоён этади. Қаҳрамон позициясининг иккинчи томони воқеликка ва ўз-ўзига киноявий муносабат орқали юзага чиқади.

Ғайбаров нафақат мавжуд ижтимоий муносабатларга, балки Самад, Соқол, Шоир ва ўзининг ҳаётини позициясидаги камчиликларни, ожизликларни англаш давомида ўзига, дўстларига ҳам киноявий муносабатда бўлади. Одатда киноявий асар қаҳрамонининг позицияси қуйидагича бўлади: бирор нарсани ўзгартириш қўлимдан келмайди, лекин бу ҳолатга кўникишни ҳам хоҳламайман. Ғайбаров яшаётган ижтимоий муҳит шундайки, унда ҳар қандай танлов шахс эрксизлиги асосида рўй беради. Ҳатто ҳеч нарсани танламаслик, эрксиз танловдан воз кечиш ҳам тузум моҳиятига хизмат қиладиган танлов бўлиб қолаверади. Ғайбаровнинг аччиқ киноялари, баъзан меъеридан ошиб кетадиган "кўнгил ғашликлари, ёзғиришлари" (А.Аъзам) сабаби ҳам шунда.

"Галатепага қайтиш"даги воқеликка муносабатнинг иккиёқлама, киноявий хусусиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: шўро даври ижтимоий муҳитида шахс имкониятларини юзага чиқаришга умидсиз қараш, ҳар қандай – расмий сиёсатга мос ё қарши экани, расман ё норасми тарзда амалга ошишидан қатъи назар – фаолиятнинг натижасизлиги, маънисизлигини англаш бошландики, бир томондан, абсурддан қочишнинг бир кўриниши сифатида ўз мавжудлигини пассив равишда элегиявий тасдиқлаш, иккинчи томондан, элегиявий позициядан қониқмаслик, уни енгиш ва айни пайтда англашнинг абсурд томон оғиши сифатида киноявий муносабатнинг кучайиши кузатилди.

## “Бир қушча сайрайди менинг руҳимда...”

Сўз – Рауф Парфи энг кўп мурожаат қилган сўзлардан бири. Бу, албатта, бадиий Сўз – Адабиёт, хоссатан, шеърият маъносида. Мумтоз шеъриятимизда ҳам сўз баъзан мана шундай маънода ишлатилган. Сўфи Оллоёрнинг қуйидаги байти ҳам сўзга эмас, шеърга берилган таъриф:

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз<sup>1</sup>,  
Ани сўз демагил, эй мажлисафруз.

Рауф Парфи ижодида ҳам сўз мана шундай кенг маънода қўлланилади. У “Шеърият” номли верлибрида: “Сўзлар керак Бош Ҳарфларда яраланган, Бош ҳарфлардан яралган Сўзлар”, – дейди. Бу билан шоир адабиётнинг бош вазифасига урғу беради. Бош ҳарфлардан яралган сўзлар, бу – ЭРК, ИНСОН, ИЙМОН, ВАТАН, МИЛЛАТ, ҲАҚИҚАТ... Ва, айнан, шу тушунчалар йўлидаги кураш – “Бош Ҳарфлар”дир. Рауф Парфи наздида адабиёт мана шундай катта ҳарфлардан яралган тушунчалар йўлидаги курашларга яраши керак. Агар шундай бўлмаса, бундай “овоз” керак эмас, бундай “келбат” ҳам:

Шундай бўлмаса агар,  
Нега керак бу келбат, бу овоз?!  
Шунчаки дарахтдай ўсмоқми,  
Шунчаки дарёдай оқмоқми

дарбадар?!

Рауф Парфи ижодга мана шундай масъулият билан ёндашади. Унинг учун адабиёт кўнгилхушлик эмас, шунингдек, ижодкор ҳам шунчаки дарбадар – бемақсад чопадиган “дарё” эмас...

Ҳар қандай бой тил ҳам инсоннинг руҳий олами, ранг-баранг туйғулари ва кечинмаларини ифодалашга ожизлик қилади. Адабиёт ўша номсиз туйғуларни ўз “тили” воситасида акс эттиради. Туйғулари сержило ижодкор ўз ҳолатини ифодалашга муносиб сўз тополмагач, ўзини зимистон тун қўйнида ҳис қилади, унда гўёки “бўшлиқнинг темир қўллари” кўксини қисади, ҳасратини тўқа олмайди, чунки бунинг учун Сўз керак. Уша сўз йўқ, ўша сўзлар ухлаб ётибди, тўғрироғи, ухлатиб қўйилган. Асрлар давомида боболарни уйғоқ тутган бу сўзлар донг қотган. Уларни уйғотиш керак. Уйғотиш эса шоирдан юрак қонини сўрайди ва бу Сўзлар юрак қонидан яралади. Рауф Парфи, аслида, ўз дарди бўлган ушбу ҳодисани латиш шоири Улдис Берзиншга кўчириб айтади:

Улдис Берзинш сўзларни қаттиқ севар...  
Уйғонмаган сўзларни ҳай-ҳайлар, энди  
Сепмак керак уйқули кўзларига юрагининг қонини.

<sup>1</sup> Ушбу “сўз” — куйдириш, ўрташ маъносида.



**Олим  
ОЛТИНБЕК**

1966 йилда туғилган.  
ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини ўқиган. “Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.  
Шоир Камийнинг “Дилни обод айлангиз” шеърлар тўпламини наирса тайёрлаб, чоп эттирган. Республика матбуотида қатор мақолалари билан шиттирок этиб келмоқда.

Шоирнинг энг катта салтанати – Сўз. Ундан маҳрумлик – йўқлик. Бу Сўз шундай қудратки, у ўз яратувчисини ўзига бўйсундиради. Сўзга қайсарлик қилиб бўлмайди, уни энгиб ҳам бўлмайди. Ҳатто ижодкор айтиш лозим бўлган бу Сўзни айтмаслик ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун ҳам Р. Парфи: "Сўз мени таъқиб қилар, Чирқиратар ўйиб кўксимни, Сен кимнинг божисан, эй, Сўз?!" – дейди. Ташқаридан кирган молга бож тўланади. Шоирнинг қалбига кирган "мол"га тўлайдиган божи унинг Сўзи. У қалбига инган дардни айтиш билан бу "бож"ни тўлайди. Шоир шунга масъул. Бу шоирга Яратганнинг ҳам ҳукми, ҳам имтиёзи. "Нега шеър ёзасиз? – сўради ошнам. Нега шеър ёзмайсиз? – сўрадим мен ҳам". Бошқалар шоирнинг нега шеър ёзишига қанчалар ҳайрон бўлса, шоир бошқаларнинг нега шеър ёзмаганига шунчалар таажубда. Бу сўзларни Сўзнинг чинакам қудратини ҳис қилган шоиргина айтиши мумкин. Шоир эътиқодига кўра Сўзнинг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч йўқ: "Ҳар нега қодирдир соҳир шеърият", – дейди у бир шеърда. Бундай шеъриятни яратиш учун эса "Шоир – Эрк ўғлони, номус сарвари" бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, Рауф Парфи нафақат Сўз, балки унинг яратувчиси ҳақида ҳам бош қотиради. Унинг ижодкор сифатидаги ўзини англашга ҳаракати, шоир ким, шеърият нима деган саволларга жавоб излаши ижоднинг дастлабки йилларидан бошланган. Шоирнинг 1962 йилда ёзилган "Исикава Такубоку хотирасига" шеъри бир қараганда япон шоири хотирасига бағишлангандай. Лекин, шу билан биргаликда, бу шеър Р. Парфи адабий-эстетик қарашларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Келинг, шеър матнига эътиборни қаратайлик:

Ҳасратимнинг  
Суюқ тошларидан  
Даҳма қурмоқчиман  
Ўзимга  
Ичида ўз жасадим бўлсин.

Ижодкор "ҳасратимнинг суюқ тошлари" деганда ҳасратларини ўзига сингдирган шеърларини назарда тутмоқда. Бу "тошлар" воситасида қурмоқчи бўлган "даҳма"си эса ўзидан кейин қолдиражак ижоди. Шоир ушбу "даҳма"да фақат ўзим бўлишим керак, дейди, яъни бу билан Рауф Парфи ўз олдига ҳеч кимга ўхшамаслик талабини қўймоқда. Яна бир шеърда: "Она, куйланмаган бир куй истайман", – деган эди у. Бу шунчаки истак эмас, бу – шоирнинг адабий-эстетик талаби. Йигирма ёш атрофидаги ҳаваскор шоирнинг бундай талаби кишини ҳайратга солади, албатта.

Рауф Парфи ижодидаги қуш образи орқали – унинг руҳиятида камол топаётган Шоирликнинг эволюциясини кузатиш мумкин. Шоирнинг 1955 йилда ёзилган илк шеърларидан бири "Қушлар" деб номланади. Лекин ундаги қуш ҳали поэтик образ даражасига кўтарилмаган. Бир йилдан кейин ёзилган яна бир шеър "Тўрғайга" дейилган. "Мен севаман, сайрагил, тўрғай" – деб бошланади у. Шоир Тўрғай билан дўст бўлишни, унинг нафис қўшиғига жўрвовоз бўлишни истади. Ўзи билан Тўрғай орасида ажиб ўхшашликлар кўради: "Сенга ўхшаб эркин юраман, Сенга ўхшаб юракларим хуш". Шоир уни ўзига банд қилишни хоҳламайди, ўз макони бўлган кўк юзиде эркин, завқли нафас олиб, парвоз этиб юришини тилайди. Лекин лирик қаҳрамоннинг бир илтимоси бор: "Куйларингдан менга ташлаб кет", – дейди. Чунки Тўрғай билан шоир қалбида ҳамоҳанглик ва кайфиятлар муштараклиги бор.

Рауф Парфининг 60-йиллар ижодида эса "қушча" образи пайдо бўлади. Мана, шундай шеърларидан бири:

Бир қушча деразам ёнида,  
Ўлтирар паришон ва ғариб.  
Ўйглайди, кўзлари ёнади,  
Кўзлари иккита марварид.

Бир ажиб навога ўхшайди,  
Шоирга ўхшайди у ҳассос.

Мискин соз чалмоққа у шайдир,  
Дардига бордир-ку бир асос.

Мен унга қарайман оҳиста,  
Мен қушча ҳолига йиглайман.  
Ва лекин билмайман, не истар,  
Билмайман, ҳеч қачон билмайман.

Энди тўрғай билан ушбу қушчани қиёслайдиган бўлсак, биринчи фарқ шоир билан улар орасидаги масофада кўринади: тўрғай осмонда, қушча шоир деразаси ёнида. Иккинчи фарқ уларнинг кайфияти билан боғлиқ: тўрғайнинг куйлари шўх, нафис, "юраклари хуш", шунингдек, у кўк юзида парвоз этиб юрган эркин ва завқли қуш. Қушча-чи? "Ўлтирар паришон ва ғариб, Йиглайди, кўзлари ёнади..." Унинг қалбида бир дард бор. Лирик қаҳрамон қушчанинг дардини билгиси келади, лекин билолмайди, фақат унга ҳамдард бўла олади, унга қўшилиб йиглайди. Ўша 60-йилларда ёзилган шеърларидан бирида Рауф Парфи қушчани яна тилга олади: "Бир қушча сайрайди менинг руҳимда, Мен сенинг исмингни билмайман, Қушчам". Энди қушча дераза олдида эмас, шоирнинг руҳида сайраяпти. Бу – Рауф Парфи руҳиятидаги Шоирлик. Энди Рауф Парфи номли Шахс билан Шоирлик бир вужудда яшаяпти. Лекин шунда ҳам шоир "қушча"ни танимайди: Мен сенинг исмингни билмайман, Қушчам! Чунки инсоний ақл билан уни танишнинг, англашнинг иложи йўқ, у ҳис қилинади, холос. Агар шоир ижодидаги қуш образини тадрижий ўргансангиз, ушбу поэтик образ динамикасини кузатасиз. Бу – Рауф Парфи руҳияти замирида томир отган Шоирликнинг ўсиши. Шоирнинг 1994 йилда ёзилган бир шеърида: "Аччиқ чирқиради номаълум бир қуш", – дейилади. Демак, шунгача ҳам бу қуш "номаълум" лигича қолмоқда. Фарқи, биринчидан, "қушча" энди "қуш"га айланди. Иккинчидан, энди у "йигламайди", балки "чирқирайди", чирқираганда ҳам "аччиқ чирқирайди". Шоир умрининг охирларида ёзилган бир шеърида эса:

Йўқ, мен қушман, чала сўйилган қушман,  
Айтилмаган бир Сўзим бор бўғзимда,

– дейди. Эътибор бераяспсизми, энди шоирнинг ўзи қушга айланиб бўлди, бўлганда ҳам "чала сўйилган қуш"га. У чала бўғизланган. Энди "аччиқ чирқираш"дан ҳам маҳрум. Лекин шу ҳолатда ҳам бўғзида айтадиган Сўзи бор. Ана шу Сўз Рауф Парфини умрининг охиригача ёндириб куйлатди. Бу – Ҳақ Сўз эди. Шоирнинг ихтиёри ўзида эмас эди, уни мана шу Сўз бошқарди. Шунинг учун ҳам Рауф Парфи: "Сўзламайман дейман. Сўзлайман. Сўзларимнинг ортидан эргашаман Қаро гўргача", – дейди. Зеро, чинакам Ижодқорни мана шу Сўз бошқаради.



**Барно  
ҲАСАНОВА**

*1977 йилда туғилган.  
Ҳозирги кунда ҚДПИ  
катта ўқитувчиси.  
“Асқад Мухтор  
насири поэтикаси”  
мавзусида доктор-  
лик диссертацияси  
устида тадқиқот  
олиб бормоқда. Рес-  
публика матбуотида  
30 га яқин илмий  
мақолалари эълон  
қилинган. “Ҳикояда  
суврат ва сийрат”  
номли рисоласи чоп  
этилган.*

## **“Фано ва бақо” ҳикоясида фалсафий-психологик тасвир теранлиги**

XX аср ўзбек адабиётининг йирик адиблари Ойбек, Ғ.Ғулум, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйғун сингари иккинчи адабий авлод вакилларидан сўнг кириб келган учинчи адабий авлод орасида прозаик, шоир, драматург, бадиий-публицист, болалар ижодкори, таржимон Асқад Мухторнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Серқирра адибдан ўзбек адабиёти хазинасига “Пўлат қуювчи”, “Катта йўлда” поэмалари, “Дарёлар туташган жойда”, “Қорақалпоқнома қиссаси”, “Бўронларда бордек ҳаловат”, “Бухоронинг жин кўчалари”, “Кумуш тола” қиссалари, “Опа-сингиллар”, “Туғилиш”, “Давр – менинг тақдиримда”, “Аму”, “Чинор” романлари ва йигирмага яқин катталар ва болаларга атаб ёзилган ҳикоялари, “Уйку қочганда...” мўъжаз эсселари, адабий жараён, бадиий адабиёт, ижод, таржимонлик маҳорати ва унинг захматлари ҳақида ёзилган битиклари мерос бўлиб қолди.

Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш адиб тириклигидаёқ бошланган эди ва бу ишлар адибнинг вафотидан кейин ҳам давом этмоқда. Хусусан, бу илмий изланишлар орасида О.Тоғаев, М.Султонова, Б.Сайимов, С.Ширинов, И.Ҳасанов, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, У.Норматов, Н.Владимирова, Ш.Турдиев, Н.Каримов, Ҳ.Каримов, О.Жўрабоевларнинг ишларини эслаш ўринли.

Истеъдодли адиб ижодининг дастлабки йилларида, асосан, саноат, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган янги совет кишиси образини акс эттиришга бел боғлаган бўлса, 90-йиллардан сўнгги ижод намуналарида кутилмаган шароит, кутилмаган вазият ва ҳолатга тушиб қолган инсоннинг кечинмалари, туйғулари, ўзгарувчан мураккаб характери, руҳий манзаралар талқинига эътиборни қаратди. Булар қаторида Асқад Мухторнинг “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Кўк тош”, “Омон қолган одам”, “Қора домла”, “Атир”, “Фано ва бақо”, “Тақдир кимнинг қўлида”, “Тафт” ҳикояларини эслаш кифоя қилади.

“Фано ва бақо” ҳикоясида танланган воқелик, қаҳрамонларнинг бир-бирига чоқ қазизиши – чуқур психологик кайфият, руҳий коллизиялар асосига қурилгани билан эътиборни тортади. Ҳажм жиҳатдан бироз чўзилган ҳикояда икки асосий қаҳрамон Холхўжа ва Очил иштирок этади. Асарнинг социалистик метод асосида яратилган бадиият намуналарида анъанавий қолип, канон даражасига кўтарилган битта ижобий ва унга антипод сифатида салбий қаҳрамон яратилмаган. Ҳар иккаласи гуноҳкор бандалар. Персонажлардан бирининг ўз сўзи билан айтганда, “одам боласи дунёга соф ҳолда келади ва ҳамма ёмонликни шу дунёда ўрганади, шу ерда орттиради”. Улар шундай деб, гўёки ўзларига ўзлари кўнгиллик беради. Шу тариқа

гуноҳларини юмшатмоқчи, ўзлари тушиб қолган қора ишлардаги айбини ювмоқчи бўлишади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, гуноҳдор бақдалар кунлардан бир куни кучли зилзила пайтида кўпқаватли уйнинг ертўласига қамалиб қолишади. Албатта, икки қаҳрамоннинг ертўлага қамаб қўйилиши – чорасизлик ва йўлсизлик гирдобига ташланиши ёзувчининг аниқ бадиий шартлилик мақсади ўлароқ шундай қилинганлиги аён. Уларни очлик, сувсизлик, чорасизлик, бахтсизлик, ҳар бир сонияда ўлим даҳшати ўз исканжасига олади. Ҳар сонияда ўлимни ҳис қилиб турган икки қаҳрамон бақо остонасида покланмоқ исташади. Холхўжа қандай қилиб, бойвучча, танти бўлиб қолганлиги, айбсиз бир мусулмон кишининг қамалиб кетишига сабабчи бўлганлиги ёлгон гувоҳ берганлигини тасодифий ҳамроҳига гапириб беради. Холхўжадан анча ёш бўлган Очил ҳам ҳамроҳидан баттароқ гуноҳга қўл урган. Яъни хўжайинининг ёшгина аёли билан дон олишган. Очил ҳам, Холхўжа ҳам нафсининг қуллари. Улар омонат дунё (фано) билан абадий дунё (бақо) ўртасидаги ингичка йўлда туришар экан, барча айбларига иқдор бўлишади. Гўёки, Оллоҳ олдида истиғфор айлашади. Ижтимоий иллатлар маънавий бузуқлик, юзсизлик, порохўрлик, алдамчилик, қаллоблик уларнинг қон-қонига синггиб кетган. Адиб Холхўжа ва Очил кирдикорлари мисолида юқорида саналган ижтимоий иллатларни кўрсатиб беради. Табиат ҳодисаси зилзила туфайли ертўлага тушиб қолган тасодифий ҳамдардлар шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган, айта олмайдиган “сирлар”ини, яъни қаллоблиklarини бир-бирига фош этади. Аммо буни қарангки, вазият ўнгилиб, бақо остонасидан тирик қолган икки қаҳрамон ҳаётга қайтгач, “сирлари” туфайли бир-бирига гўр қазий бошлайди. Улар ўртасида даҳшатли даражада ички-руҳоний кураш бошланади. Биттасининг тинч, хотиржам яшаши учун иккинчиси албатта, ўлиши шарт. Назаримизда, адиб инсониятнинг тубан руҳий ҳолати ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Холхўжа билан Очил ташида бир-бирига жуда мулоим, жуда меҳрибон гапиргани ҳолида бир-бирига ўлим ваҳшатини солади. Ҳикояда мазкур ўринлар ниҳоятда таъсирчан, жонли акс эттирилган. Ҳикоя том маънода психологик характерга эга. Чуқур психологизм билан суғорилган ҳикоя ўқувчи қалбини осонгина забт этади, қаҳрамонлар қилмиши нафратимизни кўзитади. Холхўжа, Очил каби ярамас инсонлардан ҳазар қила бошлаймиз. Улар тушиб қолган чоҳ нақадар жирканч, қора эканлигини ҳис этиб, наҳотки, “инсон шу қадар тубан, шу қадар жирканч” – деган мушоҳадалар, муҳокамалар орасида сарсон кезинамиз.

Адабиётшунос У.Норматов мазкур ҳикоя ҳақида шундай қайд этган эди: “... персонажлар бисотидаги, руҳиятидаги туғма хусусиятлар таҳлили олдинги ўринга ўтди. Персонажлар бир эмас, икки бор бу фоний дунё чегарасидан чиқиб, боқий дунё чегарасида кўринади. Худди ўша чегарада улар ўзлигига қайтадилар. Оллоҳни ёд оладилар, бу дунёда қилган гуноҳлари учун пушаймон ейдилар, бир-бирларига юрак розини, сирларини рўй-рост айтидилар”. Олим жуда тўғри зътироф этганидек, қаҳрамонлар бир эмас, икки бора бақо остонасидан тирик қолиб, фоний дунёга қайтишади. Назаримизда, бу қайтиш улар учун берилган энг даҳшатли азоб, энг даҳшатли жазо тариқасида берилгандек.

Ҳикояда воқелик, инсон руҳияти билан табиат ҳодисаси бўлган зилзила ўртасида қандайдир шартли рамз бордек. Зилзила шунчаки табиат ҳодисаси эмас, руҳониятдаги, инсон маънавий оламидаги дарз кетишлар ҳақида эмасмикан? – деб уйлаб қоласиз.

Асқад Мухтор “Фано ва бақо” ҳикоясида халқ эртак ва дostonлари, қолаверса, жаҳон насридаги мавжуд мотивга янгича руҳ берди. Жумладан, ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақларда “бир-бирига сирларини айтиш”, “тасодифан эртак қаҳрамонининг сирга шоҳид бўлиши”, “сирнинг фош бўлиши”, “сирни фош этган қаҳрамон изига тушилиши” мотивлари бор. Адиб халқ эртак ва дostonларидаги мазкур мотивга янгича тўн кийдиради, натижада, оригинал ҳикоя намунаси яралган. Беихтиёр бу мотивлар детектив адабиётининг етук намуналарини яратган Агата Кристи асарларидаги котиллик, жиноят, жиноятчиларнинг бир-бирини ўлдиришга интилишлари сингари аънавий сюжет қурилмасини ҳам эсга солиб юборади.

А.Мухтор ҳикояга Машрабнинг “Бўлмаса васли манго, икки жаҳонни на қилай” мисрасини, америкалик машхур ёзувчи Эдгар Поинг “Ёзганларим бари – ҳаёт ва ўлим ҳақида” ҳикматли сўзини, муқаддас “Қуръони карим”дан эса “Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Дунёи дун сизни ҳаргиз алдаб қўймасин”, деган ҳикматларини эпиграф сифатида танлаган. Асар қаҳрамонлари икки дунё оралиғида қолиб, тириклар дунёсига қайтиб

келишади. Улар жуда оғир синовни бошларидан кечиришган бўлсалар-да, ёлгон дунёнинг ёлгон амалларига, дунёи дунига учиб, бир-бирини ўлдирмоқ учун ҳийлалар ўйлаб топишади. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, Асқад Мухторнинг мазкур асарида ҳаёт ва унинг жирканч тарафлари, ўлим даҳшати олдида покланишга ҳаракат қилган икки нотавон кимса ҳақида захарханда киноя билан ҳикоя этади.

Бадиий асар матнида адиб халқ мақоллари, иборалар, мумтоз Шарқ адабиётининг ҳикматларидан жуда ўринли фойдаланган: "Келса гумон – кетар иймон", "Дунё йиғиб нетарсан – бир кун ташлаб кетарсан", "Ериладиганинг бўлмаса ёмон, ичингда кетади", "Одам одамнинг дардини олади", "Ёвғон ошинг – беғалва бошинг", "Қизилни кўриб, Хизр йўлдан озган экан", "Зўрники тегирмон юрдирар", "Жоним қилнинг учуда турибди", "Бир бошга бир ўлим", "Жон бор жойда – қазо бор", "Ким тирик, ким ўлик – маълум эмас", "Оғзи бўш мақтанчоқ", "Оғзи қулоғида зди найновнинг", "Ҳаёсизга ҳар куни ҳайит", "Отни тепмайди дема, итни қопмайди дема", "Пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг – дўсти кўп", "Чилласи чироқ кўрмаган беғам аравақашда сир ётиши маҳол", "Турма деса, сочининг томиригача музлаб, ҳадиксираб юрган Холхўжа", "Сир совун кўпигидай ер устида омонат учиб юраркан", "Хурмачадан чиққан бу жинни Холхўжа", "Песнинг чекига мохов тушса, шундай бўлади", "Оқбошдан ўтин бўлмас, ўйнашдан – хотин", "Яқин олиб, ўзини ака, эҳкисини така деб...", "Қарзни олиш ҳам, бериш ҳам ...гуноҳ эмас", "Кўча хандон, хона гирён... Холхўжа", "Ҳазилинг ёқангдан олгур", "Шошган ишга шайтон оралайди", "Бостириб бормасанг – босилиб кетасан", "Олмоқнинг бермоғи бор, ёмоқнинг қусмоғи", "Оғриқ тишнинг давоси – омбур", "Илон юз йил яшаса, аждаҳо бўлар экан", "Сақлансанг сақланасан, сақланмасанг ўтга қоқланасан", "Қовоқ ари ғужғон ўйнайди", "Бош кўтариб қарашга юрак бетламади", "Итнинг тилаги қабул бўлганда, осмондан суяк ёғарди", "Ётдан ёруғлик, итдан – чоруглик чиқмас", "Жин кўзачага қайта қамалди", "Ичидаги сир ичида, уни сиртга чиқарадиган аҳмоқ Холхўжа ўлди", "Икки шумшук – ит-мушук", "Иймонни бой берганга иккаласи ҳам ҳаром экан..."

Ҳикоя қаҳрамонларининг руҳий ҳолати, кайфияти, уларнинг ички ва ташқи монолог ва диалоглари, муаллиф баёни мана шундай халқона қочиримли, нозик ибора, мақол ва маталлар билан безатилган. Бундай халқона, қадимий гаплар китобхонни завқлантиради, айна дамда, бадиий воқелиқдан оқилона хулоса-ҳукм чиқариб олишига туртки беради.

Кўриб турганимиздек, Асқад Мухторнинг "Фано ва бақо" номли битта ҳикояси матнида ўнлаб халқ мақоллари, халқона иборалар, қочиримлар ишлатилган. Назаримизда, бугунги кун ёзувчилари насрида айнан шу жиҳат оқсапти. Улар халқ тилидан, халқнинг содда, аммо пурмаъно сўз бойлигидан етарлича фойдалана билмаганлиги учун ҳам улар яратган асарлар куруқ чиқаяпти. Халқ тили, асрлар давомида сайқалланиб ишланиб келинаётган фольклор ижоди бугунги ёзма адабиёт учун бебаҳо хазина, мустаҳкам пойдевор бўлиши даркор, деб ўйлаймиз. Шу маънода устоз адиб Асқад Мухторнинг халқ илҳодининг минг йиллик ҳикматлари, донишмандлиги билан безалган насри янгича таҳлилий методлар асосида жиддий ўрганилиши лозим.



## Бир дарахт новдалари

### Чимбой сўқмоқлари

Туркум

#### Тугилган тупрогим сўқмоғи

Совуқ куз руҳимга санчилар чим-чим,  
Булутлар – кечиккан карвон эмасми?  
Уфқ жсиягида саробдек оҳим  
Кўнглимдаги қат-қат армон эмасми?

Мана, мезон ўтди. Ўрлади ақраб,  
Шимолдан изғирин шимоллар эсди.  
Негадир юрагим ўртанди қақраб,  
Чимбой сўқмоқлари ёдимга туиди.

Бир овчи йўқотган пўлат пичоғин  
Қутилмаган ердан топгани каби.  
Юз йил сув чиқмаган чўлларда тагин  
Оқин сувлар тошиб чопгани каби.

Умр ўтаёттир бир ширин тушидек,  
Кўнглимда орзулар ўсди барқ уриб.  
Хаёлим мисоли безовта қушидек  
Ниманидир излаб, учди чарх уриб.

Кўнгил алғов-далғов, хотира оғир,  
Шу олис йўлларда йўқотдим нени?  
Деди: “Қадамингга босаман бағир”, –  
Чимбой сўқмоқлари чақирди мени.

#### Болалик сўқмоғи

Хушбўйли майсалар, ям-яшил олам –  
Баҳорда тўшалган гул патли гилам,  
Сенга қайтгим келиб, кўмсайман ҳар дам,  
Яланг оёғимга тор бўлган сўқмоқ.

Шод эдик. Кун узун, кўнгил тўқ эди,  
Лойқа ариқларда сувлар кўп эди,  
Юракларда сира губор йўқ эди,  
Ёзда тупроқ, қишида қор бўлган сўқмоқ.

Уйдан сўнг бедазор, полизга довуру,  
Кўз илғамас олис-олисга довуру,  
Какку сайрагандан, то кузга довуру  
Югуриб товоним ёрилган сўқмоқ.



**Кенесбой  
КАРИМОВ**

1948 йилда Чимбой туманида туғилган.

1975 йилда Нукус Давлат педагогика институтини тугатган. “Оралиқлар”, “Вақт минораси”, “Унутилган ой”, “Менинг деразаларим”, “Оролдан келдим”, “Кўнгил мулки” каби шеърлий китоблар муаллифи. Айни дамда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист.

Азиздир тепаши, чуқури, қири,  
Юракка туташган боши-охири,  
Сендан юрган одамзоднинг бари,  
Хар кимга ўзгача ёр бўлган сўқмоқ.

Гоҳ қумлардан ўтиб, гоҳо соядан,  
Гоҳо тут, қоратал бўлиб соябон,  
Дарага тушсанг ҳам, ошсанг ҳам довон,  
Дарё каби меҳри бор бўлган сўқмоқ.

Бориб жўраларнинг уйи қошига,  
Бурилиб мактабга, овул бошига,  
Тўқнашишин билмай тақдир тошига,  
Чорраҳага бориб чор бўлган сўқмоқ.

Тор сўқмоқда тўқшитарган бошларин,  
Соғиниб келганман, қайда дўстларим,  
Кўз ўнгимдан ўтказиб бари-барин,  
Сени кучоқлашга зор бўлдим, сўқмоқ.

### Ёшлик сўқмоғи

Қачон юрган эдим, билмам, изингдан:  
Кўнгил берган душвор кўнгил топмоғи,  
Қанча орзу-армон кўрдим ўзингдан,  
О, мени чорлаган ёшлик сўқмоғи.

Узоқ ўйлашибман сочимни тараб,  
Бир куни негадир ойнага қараб,  
Юрагим ўртанди бир нима сўраб,  
Саробдек порлаган ёшлик сўқмоғи.

Кўрсам қизил гўлдек нозанин қизни,  
Хаёл олиб қочди, унутдим ўзни,  
Гўзаллик маҳлиё айлади бизни,  
Юракка ўрлаган ёшлик сўқмоғи.

Лол айлаб, сўмбул соч, лола яноғлар,  
Қалам қош, хипча бел, гунча дудоғлар,  
Соҳибжамол қизлар – баланд димоғлар  
Ғўр қалбни “хўрлаган” ёшлик сўқмоғи.

Дуч келиб муҳаббат аталмиш тўйғу,  
Дилдан ором қочди, йўқолди уйқу,  
Кўкдан ойни олмоқ – ҳамхаёл қайғу  
Неча йил ўртаган ёшлик сўқмоғи.

Узоқ сирлашувлар, ошиқ-маъишуқлар,  
Кўнгилда очилган олтин эшиклар,  
Мактублар, илк шеърлар, тўнғич кўшиқлар  
Булбулдек зорлаган ёшлик сўқмоғи.

Соғинчу ҳижронни солиб орага,  
Орзуга эргашиб кетган қалъага,  
Қара, танирмисан, қора болага,  
Неча йил кўрмаган ёшлик сўқмоғи.

### Умр сўқмоғи

Мен босиб ўтган йўл, мен юрган кўча,  
Йилларим туялар мисоли кўча,  
Қиссамни сўйласам, неча минг кеча,  
Бадавлат карвоним – умр сўқмоғи.

Бу йўлда кимга ор, кимга от талош,  
Кимга ҳаёт талош, кимга зот талош,  
Неча тулпор талош, неча от талош,  
Қурашим, исёним – умр сўқмоғи.

Сен телба денгизсан, уфурган тўффон,  
Кўз юмиб очгунча бошланган бўрон,  
Эл-юртим кечирган не давру даврон,  
Ҳасратим, армоним – умр сўқмоғи.

Ким отни қамчилаб, дов бошлаб келди,  
Кимдир тўнин ечиб, пўст ташлаб келди,  
Ким йишлаб, ўксиниб, кўз ёшлаб келди,  
Ҳамроҳим, ҳайроним – умр сўқмоғи.

Кимни етакладинг чўққиса томон,  
Кимни манзилига етказдинг омон,  
Ташвишинг, азобинг қўллиги ёмон,  
Мураккаб довоним – умр сўқмоғи.

Азалдан Яратган чизиб берганди,  
Тақдир пешонага ёзиб берганди,  
Кимга тор, кимга кенг – жозиб берганди,  
Макри кўп жононим – умр сўқмоғи?

Зиммамга юк жойлаб турибман ҳозир,  
Сафарга от шайлаб турибман ҳозир,  
Хизматга бел бойлаб турибман ҳозир,  
Давроним, замоним – умр сўқмоғи.

Қорақалтоқ тилидан  
Рустам МУСУРМОН таржимаси



Наср

## КУЗ ЁМФИРИ

Ҳикоя

Шаҳар ғала-ғовуридан ўзини четга олган бу дўконча кўҳнагина мактаб биқинида, кўп қаватли эгизак бинолар ўровида жойлашган эди.

Тўрт фаслга мосланган пойафзаллар билан тўлдирилган дўконнинг доимий ёрдамчилари – сониялар, соатлар, кунлар – бозорга боришга эринадиган, зарурат туғилгандагина оёқ кийим эсига тушиб қоладиган харидорларни тинимсиз етаклаб келарди. Шунга қарамай, дўконча, даромадидан кўра кириб чиқувчиларининг кўплиги билан мақтаниши мумкин эди, холос. Вақтнинг харидор чорлашдан тинкаси қуриб қолган пайтларда сотувчи аёл кўлига китоб оларди. Эскириб, титиғи чиқиб кетган бу китоб билан у анча йиллардан бери суҳбатлашиб келади. Суҳбат-мутолаа ҳар гал поёнига етгач, яна қайта бошидан тушишар, бу эса аёлга бир ҳаётни такрор-такрор яшаётганга ўхшаб туюларди. Лекин у бундан зерикмас, ҳатто кўникиб кетган эди.

Ҳар куни дўкон олдидан бутун орзулари амалга ошишига ишонадиган болакайлар, ҳорғин ва хотиржам юзларига ўтмишлари битилган кексалар, умрдан ўз улушларини олиб қолиш илинжида юрган эркагу аёллар бетиним ўтиб туришар, дўкон ойнаси гўё экрану, аёл худди сўзсиз фильм томоша қилаётгандек бўлар ва ўзининг бу тасаввуридан мийиғида қулиб кўярди.

Аёлга энг завқ бағишлайдиган нарса – ёнгинасидаги мактаб кўнғирогининг жаранги ва дўкон олдидан гоҳ бир-бирини қувлаганча, гоҳ шўх кулгулари билан еру осмонни тўлдирганча ўтиб кетадиган ўқувчиларни томоша қилиш эди. Уларни кўргач, хотира китобидаги қарийб унутилаёзган қайсидир саҳифалар очиларди...

Мана, дўкон ёнидан қирқ ёшлар чамасидаги қотмадан келган бир аёл етти-саккиз ёшлардаги ўглини етаклаганча ўтиб кетяпти. Ногаҳон аёл таққа тўхтади. Нигоҳларини дўкон ичига йўллади. Сўнг яна кўзларини ерга тикканча бир-икки қадам ташлади. Яна тўхтади. Гўёки кимдир уни гоҳ олдинга, гоҳ орқага тортқиларди. Охири оёқлари уни дўкон эшигига бошлаб келди. Аёл бўсағада тураркан, ижозатомуз нигоҳ билан ичкарига қаради. Сотувчининг: "Ассалому алайкум, марҳамат, кириңлар, бемалол ёққанини танлаб олаверинглар", деган лутфидан кейин остона ҳатлади. Болакай эса бундай антиқа жойга келиб қолганига қувониб, онасининг қўлидан юлқинишга уринарди. Аёл кузги пойафзалларни ўзгача бир ҳавас билан кўздан кечира бошлади: мана ялтироқ чармлиси, ён тасмачаларига рангли тошлар ёпиштирилгани, пошнаси баланди, учи қуш тумшугидай чўзилганию гул шаклидаги мато билан безатилгани. У ўзини музейдаги қимматбаҳо экспонатларни томо-



**Биби РОБИЯ**

*1991 йилда туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабаси. Ҳикоя, шеър ва мақолалари Республика матбуотида мунтазам равишда chop этиб келинмоқда.*

ша қилаётгандек тутарди. Дўкон бурчагидаги охириги сафларда турган бир туфлига кўзи тушганда аёл таққа тўхтади ва унга тикилиб қолди. Ҳеч қандай безаксиз, одмигина бу туфлининг ўтган йилги мавсумдан “мерос” бўлиб келаётганиданми, нархи арзонроқ эди. Аёл беихтиёр кўлини туфлига узатди-да, нимадандир истиҳола қилдими, дарҳол тортиб олди ва сўради:

– Бу... қанча туради?

Саволни бердию бутун вужуди кулоққа айланди. Сотувчи айтган баҳо жуда арзон эди. Аммо нархни эшитган аёл бехосдан кафтлари орасидаги жажжигина кўлчани қаттироқ қисиб юборди. Унинг сониялар ичида ўтган бутун изтироблари ана шу тарзда ифодаланган эди. Уғли қутилмаган оғриқдан чинқириб юборди. Она дарҳол жажжи бармоқчаларни силади ва сотувчига хижолатомуз табассум қилганча дўкондан чиқиб кетди. Ана шу дақиқаларда аёлнинг урингангина кўйлаги ва нимдошгина пойафзалига кўзи тушган сотувчининг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

Бугун савдо гилдирагини айлантиришга вақтнинг ҳам қурби етмади. Кичкина қизи шамоллаган, дўконни эртароқ ёпиб уйига жўнаш керак. Шундай қилди ҳам.

“Сахар турсанг, ишларинг юришади, ризқинг кўпаяди”. Бу гапни онасидан кўп эшитганди. Шунинг учун дўконни бугун одатдагидан эрта очди. Сўнгра қора булутлар кузатуви остида дўкони олдиға сув селиб сулурди. Вақт харидор чўрлаш билан овора экан, у ичкарига кириб китобини кўлига олди. Аммо хонага бостириб кирган ернинг нам ҳиди руҳини аллақайларга чорлагандек бўлди. Қишлоғидаги таниш манзаралар кўз олди-дан ўта бошлади. Сотувчи тўйиб-тўйиб, чуқур-чуқур нафас олди-да, кўчада мудраётган ҳаётнинг уйғонишини кутиб кўзини китобга тикди.

Шамол оёғи куйган товукдек у ёқдан бу ёққа югурарди. Кун пешинга яқинлашган. Сахар турмоқ ҳикмати пешма-пеш сотилаётган товарлари тасдиқлаб турарди. Сотувчи дўкондаги икки харидор билан андармон бўлиб турганида баҳайбат қора машина савлатига яраша овоз билан “ғийқ” этиб дўкон олдиға тўхтади. Машинанинг орқа эшигидан ўзгача русумдаги мактаб формаси кийган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қизалоқ ва олд эшикдан бошидаги кепкасини тўғрилаганча башанг кийинган бир киши тушди. Аёл уларни дўкон ичига кириб келгунларига қадар кузатиб турди ва шунча дабдабага ярашмаган ҳисси юзларига қараб, уларнинг суратини чизган “рассом”га истара, қувонч ранглари етишмай қолганига таажубланди. Гўёки бундай одамларнинг юзига сув селиб ўзига келтириш керакдек туюларди. Дўконга кирибоқ ота ҳали танланмаган туфли учун орқа чўнтагидан бир боғлам пулни кўлига олди. Қизча қутилганидай юқориги қаторда, алоҳида мавқе эгаллаган пойафзалларга кўз югуртирди-ю, ҳам нархи, ҳам пошнаси бошқаларига қараганда анчагина баланд бўлган туфлини бармоқ учлари билан кўрсатиб:

– Ана шунинг ўттиз еттисини беринг, – деди.

Сотувчи талабни бажаришдан олдин беихтиёр қизнинг оёқларига назар ташлади. Оёғидаги бежиримгина феруза тошли туфлиси билан кўлидаги сумкасининг ранги бир хил эди. Қиз танлаганини кийиб кўрар экан, юзидан қисқа мuddат ичида табассум югуриб ўтди:

– Буни кеча олиб берган маржонингиз билан ҳам кийсам бўларкан. О, мана бунисини ҳам оламан. Уйимиз ёнидаги дўконда шунга мос шарф ҳам кўргандим.

Ота пойафзалларнинг нархини сўраб, сотувчига пул тутқазди...

Қора булут, ниҳоят, дард ёрди: шаррос ёмғир кўйиб юборди. Сотувчига таниш бўлган мактаб кўнғироғи жанрнлади. Бугун даромад нисбатан мўл бўлганини ўйлаб ўтирар экан, эшикдан боласини етаклаганча ўша таниш аёл кириб келди ва пешонасидан сизаётган ёмғир томчиларини артаркан, оstonадан бир қадам ўтиб тўхтади. Сотувчи она-болани дарҳол таниди ва очиқ чеҳра билан уларни ичкарироққа таклиф қилди. Аёл юзида қотиб қолган ним табассум билан ўғлини етаклаганча қил кўприқдан ўтаётгандек эҳтиётлик билан юриб бурчакка борди ва ўша илгари кўриб кетган туфлисига бир мuddат тикилиб турди. Уғли эса, кўчада ёмғирда қолгани ёқмагани, жимгина турар, ҳеч нарсага қизиқмасди. Онаси кўзини ердан узмаган кўйи туфлининг нархини яна сўради. Бола сотувчи оғзидан яна ўша нарх янграунга қадар бўлган мuddатда онасининг юрак товушини эшитди. Сотувчи ўша рақамларни қайтараркан, нима учундир хижолат тортиди. Шунда фарзанд нигоҳларини онасининг оёқларига қадади. Бола онасининг шунча йиллардан бери кийлавериб орқаси зилиб кетган, олд ва ёнларидидаги баъзи жойларнинг чоклари сўкилган оёқ кийимини кўриб, гоҳ онаси юзига, гоҳ ерга тикиларди, тикилгани сайин кўзларидидаги мунг қуоқлашарди. Ва шу лаҳзаларда боланинг болалиғи ёмғирга ҳам қарамасдан ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб дўкондан чиқиб кетди.

Аёл ўглининг руҳиятида нимадир чил-чил синганини оналик қалби билан сезди-ю, сотувчига миннатдорчилик билдирганча тез-тез қадамлар билан дўконни тарк этди. Сотувчи юрагида эса ноиложлик донларини тортқилаётган саф-саф чумолилар гимирларди.

Дўкон олдига бугун ҳам фаррош булутлар саҳарлаб сув сепган. Ичкарида эса сотувчи аёл кўлидаги китобнинг саҳифасини очган кўйи бир нуқтадан кўзини узмай хаёлга толган.

– Ассалому алайкум, ҳорма энди!

Нохос эшитилган овоздан аёл сесканиб тушди. Қараса, эрининг жанозасидан бери дийдорини кўрмаган, аниқроғи, дийдорини кўрсатмаган тоғаси. Аёл қувонганидан югуриб тоғасига пешвоз чиқди. Тоға эса бутун соғинчини оҳистагина кўл узатиш билан изхор айлади. Анча давом этган салом-алиқдан сўнг тоғаси катта қорнини эҳтиётлаб стулга ўтираркан, муддаога кўчди:

– Яхши!.. Яхши дўконни ижарага оспан деяпман. Балли, аёл бошинг билан эпляяпсанми, қандингни ур. Бунгача қандай қийналганингни эшитиб, роса ачинардим. Кўчиб кетганингдан сўнг, мана, узоқ-яқиндан суриштириб дўконингни топдим. Кўрдингми, бой бўлиш – қариндошларни топишнинг осон йўли, уларнинг ўзи сени излаб келишади. Ана шундай бойишда давом этсанг, бошқа қариндошларингнми кўрасан, – мийиғида кулда тоға. – Хуллас, гап бундоғ: кўриб турганингдай куз серёғим келди. Ана бу жониворни кийиб юганимга эса икки йил бўляпти, – у оёғидаги туфлига ишора қилди. – Шунга-а-а, бир бакуватидан, совуғу ёмғирга чидайдиганидан топиб бер! Пул бегона бўлмасин дейман-да.

Юраги хапқирганча турган жиян тоғасига истаганидан зиёдасини топиб берди. Аммо тоғасининг кўзларидан ўзи истаганини топа олмади. Қаерлардир, кимлардир, нималардир ҳақида сўрагиси, суҳбатлашгиси келар, аммо тили унга буйсунмасди. Тоға анча муддат пойафзалнинг пишиқлигини, лойиқ-лойиқмаслигини синагач, туфли солинган кутини кўлтиқлаганча ўрнидан турди:

– Майли, жиян, ана шундай шижоатни йўқотма. Лекин, онанг раҳматликни ўзи бўлибсан. Раҳмат, эртага ўғлим бор-ку – Тоштемир аканг, пулини ташлаб кетади. Бўпти, яхши қол!

Қуюқсина хайрлашган тоғаси кўлини силкита-силкита тезда дўкондан йироқлашди. Аёл тоғасининг орқасидан кузатар экан, ёмғирга ҳам қарамай шошганча чилп-чилп этиб, эҳтимол қайтмас бўлиб кетаётган оёқларга қараб қолди. Тоғаси чеккароқда кутиб турган кулранг машинага ўтирдию жўнаб кетди. Ёмғир эса боши эгик ҳолда туриб қолган жиянни алланималар деб овута бошлади. Аёл юзидаги ёмғир томчиларими, кўз ёшларими, фарқлай олмаганча дўконга қайтди.

Бугун эрталабдан бери тоғасининг кечаги гапларини ҳазм қилолмай оғриниб юрди. Харидорлар билан ҳам гаплари қовушмади. Кеча берилган ваъда туфайли бу кун дўкон одатдагидан янада эртароқ очилган. Кириб келадиган ҳар бир харидордан танишлик белгисини қидиравериб кўзлари ҳам толиқди. Ана шу чарчоқларни, бир зумга бўлса-да, ҳайдаб соладиган мактаб кўнғироғи чалинди. Мана, эшик олдидан беғам болалик ўтиб-қайтишни бошлади. Сотувчи завқланиб гоҳ уларни кузатар, гоҳ савдосига шўнғирди. Дўконга озгин юзларига кузнинг ранги сингиб кетган бир бола кирди-да, ийманибгина охириг қаторлардан бирида турган пойафзал томон юра бошлади. Сотувчи таниди, ахир бу ўша бола-ку! Фақат ёнида онаси йўқ. Ўзи келибди. Бола биров эшитиб қолишдан чўчигандай оҳистагина:

– Бу неччи пул? – деди.

Ана шу бир оғиз гап сотувчининг шилинган юрагига туз сепди. Сотувчи майин оҳанда ўша арзон ва совуқ рақамни такрорлади. Шунчаки томошага кирган аёллар ўғил боланинг аёл пойафзалини сўраганига эшитилар-эшитилмас кулиб кўйишди. Бола тезда орқасига ўгирилди-да, чиқиб кетди. Сотувчи аёлларга қадалган нафратомуз нигоҳлари билан уларни дўконни тарк этишга мажбур қилди. Китобни кўлига олгиси келмади, харидорлар безовта қилмагунча ўзи билан ўзи суҳбат курди. Кечгача кўзлари тўрт бўлиб тоғаваччасини кутди. Яна адашиб кетмасин дея ҳар замонда ташқарига чиқиб, кўчанинг боши ва охирини кўзи билан кезиб чиқди. Сўнгра ўзини ўзи койиб кўйди: "Ахир тоғам-ку, тавба қилдим, нима хаёлларга боряпман-а. Эҳтимол бугун ишлари чиқиб қолгандир". Уйга қандай этиб боришини ўйламай, бугун дўконни жуда кеч ёпти. Кечаси: "Бугун тушликка иккита сомса олиб келгани бирров чиққандим. Балки ўша пайт келишгандир", деган ўйлар билан ўзини тинчитишга уринди.

Дўкон эртасига кечагидан-да эрта очилди. Баъзан ёмғирнинг шитирлаб ёғиши қадам товушларига ўхшар ва сотувчининг умидвор кўзлари бўсағага югурарди. Пешин яқинлашяптики, дарак йўқ. Кириб келаётган ҳар харидорга "Эҳтимол кўшниларидан бериб юборгандир, эҳтимол набираларидан, эҳтимол..." дея илҳақ термиларди. Тинчланиш учун қўлига китобни ҳам олиб кўрди. Ана, яна қадам товушлари эшитиляпти. Кўзини китобдан олди. Юраги эса дукиллаганча эшикка югурди. Эшикда камзули остидан қават-қават кўйлак кийган, қўлида эски бозорхалта кўтариб олган, кўзлари ўйнаган лўли қиз пайдо бўлди. Сотувчининг ҳафсаласи пир бўлди-ю: "Эҳтимол, тоғаваччамнинг кириши вақти бўлмай шу лўлидан илтимос қилгандир", деб ўйлади ва ўзининг хаёлидан уялиб кетди. Лўли қиз бамайлихотир кириб, оёқ кийимларга кўз югуртириб чиқди. Сўнг камзулининг чўнтагига қўл солди. Сотувчи аёлнинг қувончдан юзи порлади: "Айтдим-ку. Ана, ҳозир пулни чиқаради". Лўли қиз анча кенг тикилган чўнтакни кавлай-кавлай кичкина идишдаги носни олиб, тилининг тагига ташлади. Аёлнинг устига муздай сув сепилгандай бўлди. Лўли яқингинада ота-қиз ҳайбатли машинада келиб олиб кетган туфлини кўрсатиб, мийиғида кулди ва деди:

– Апа, мана буниз чан пул?

– Сотувчи ўша қиммат нархни айтди.

– Эбе, апа, нима деёйсиз? Манга мунай шутка қиманг, хайми? Охи, мандаям ёрилайкон юрак бор. Хэдойз тавба. Ҳа, апа, манга бэр фикр келли. Ман зўр фол очаман. Маники мана буниздана кэммат турсаям, майли, фолэмни алмашаман. Фолэм учун манга нимала беришмаган дейсиз. Зарур бўгане учун розе бўломман. Кафтезни беринг, сизга ким эссик-совуқ қэган, ким эризни бошини айлантирган, ҳаммасини айтаман. Тавба, нэмага кўрқосиз, иби, кўрқманг. Узатинг, ахэ кўлизни!

Аёлнинг кўнглига ҳозир нафақат лўли қизнинг ўзи, ҳатто унинг овози ҳам сиғмасди. Авваламбор, эри автохалокатда вафот этганига салкам беш йил бўлган бўлса, бунинг устига, яқинда тоғасидан оғзи кўйган бўлса. Фол учун яна битта туфлини бериб юборармиш. Одатдаги мулойимлик билан лўли қизга:

– Синглим, ҳеч қандай фол-мол очтирмайман. Уларни эса, хафа бўлманг-у фақат пулга сотаман. Мениям тирикчилигим шу-да, – деди.

Лўли қиз:

– Ба Худо! Бирэнчидан, фолэмни мол дема, хайми, иккэнчидан, очтирмасанг очтэрма. Оғзэмдагиниям захар қиллинг, – дея ташқарига носини туфлади ва: – Шунэям бил – ўйлаб юрган нарсанг бўмайди, хаймэ, ҳали мани айтти дейсан. Молмиш-а?! Хэдо осен, тавба! – деганча жаҳл билан дўконни тарк этди.

Лўлининг охири гапидан сўнг аёлнинг умид торлари бирин-кетин узила бошлади. Энди товар эгасига нима дейди. "Эҳтимол келишар. Йўқ. Лўли бўлмайди деди-ку. Худойим, ўзинг ёрдам бер!" Стулига оҳиста чўкиб, бошини кафтлари орасига олди. Шу пайт, бир бола ичкарига аста мўралади-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, секин кириб келди. Аёл бошини кўтарди. Яна кўксининг қаеридир ачишди. Бола сотувчига салом бериб, ўша туфлининг қаршисига бориб тўхтади. Анчагача тикилиб турдию чиқиб кетди. Икки томчи ёш аёлнинг юзидан из қолдирди.

Бугун қуёш ҳамма жойни бирров назорат қилгач, кўздан ғойиб бўлди. Аёлнинг юзига маъуслик билинар-билинимас соя солган бўлса-да, уйқуси кечагидан яхши бўлганлиги сезилиб турарди. У охири шу қарорга келганди: "Нима бўлганда ҳам ўз тоғам-ку. Пулини берган тақдирда ҳам олмаслигим керак эди. Ахир шунча йиллардан бери кўришмаган бўлсак. Э, пул азиз бўптими". Одатдагидай одамларнинг кир-чиқи билан кун пешиндан оғди. Мана, яна ўша бола. У ҳеч ким йўқ пайтни пойлаб дўконга кирди-да, таниш туфлининг қошига бориб турди. Сотувчи аёл дарҳол тилга кирди:

– Ўғлим, онанг яхшими, кўринмайди? Нега у сени мактабдан олиб кетмаяпти?

– Бола кўзини ердан узмаган кўйи деди:

– Йўлни ўзим топиб бора оладиган бўлдим.

Шу вақт дўконга қотмадан келган, элликлардаги бир эркак кириб келди ва оёқ кийимларни кўздан кечири бошлади. Бола бошқа ҳеч нарса демоқчимасди-ю, беихтиёр яна ўша саволни такрорлади:

– Бу нечики пул?

Бояги эркак бу саволни эшитиб боланинг ёнига аста яқинлашди ва унинг бошига энгилгина уриб қўйиб:

– Ў жўжа, хўроз бўл! Аёлларнинг туфлисини бошинга урасанми, аҳмоқ! – деди.

Бу гапдан сўнг боланинг қўлоғи, кейин бутун юзи тарсаки егандай қизариб, дўкондан отилиб чиқиб кетди. Аёл ғазаб тўла нигоҳларини кишига найзадек қадади:

– Болагаям шундай дейдими? Чиқинг бу ердан, сизга нарса сотмайман!

Эркак ҳайратдан бақрайган кўзлари билан дўконни тарк этди. Аёл кечаги лўли қизнинг айтган охирига гапларини яна бир эслади-да, бугун дўконини эртароқ ёпишга аҳд қилди. Тоғаси билан исзис кетган туфлининг нархини қоплаш учун китоб жавонини сотиш мақсадида уйга йўл олди.

Аёл бугун анча хотиржам кўринади. Қўлида ўша китоб. Сухбат давом этмоқда. Вақт яккам-дуккам харидорларни эринчоқлик билан бошлаб келарди. Она жажжи боласининг "она" дейишига илҳақ бўлгандек, аёл ҳам бугун нимагадир дарслар тугаганидан мужда берувчи мактаб кўнғирогини интизорлик билан кутарди. У бугун болакайнинг кўнглини кўтариш, қўлидаги китобдан ривоятлар айтиб бериш учун астойдил ҳозирлик кўрган. Мана, кутилган кўнғироқ ҳам чалинди, аммо кутилаётган инсондан дарак йўқ. Соатлар кечгача "Ана келар, мана келар" дея сотувчини овутиб ўтиришди. Ниҳоят, ҳеч нарса олмайдиган сўнги харидор – тун дўкон остонасига яқинлаша бошлади.

Яна сахардан дўкон эшиклари очилган. Сотувчи аёл бўсагада туриб, табиатнинг илоҳий ифоридан тўйиб-тўйиб, чуқур-чуқур нафас олди. Кеча шамоллаб ётган қизининг анча тетиклашиб, юзига қизиллик югурганидан севинганди. Ана шу паллада сотувчининг хаёлига бугундан бошлаб даромадларидан оз-моз жамғариб юриш фикри келди. Кўзлари анча-мунча харидорларни кутиб олиб, кузатди. Туш вақти ҳам бўлди. Кутилаётган кўнғироқ ҳам чалинди. Мана, ниҳоят, боланинг аввалига пастакина қораси, кейин ўзи кўринди. Бола ҳеч кимга, ҳеч нарсага қарамасдан дўконга шиддат билан кириб келиб, онаси олдин сўраган ўша пойафзалнинг олдига борди. Уни ҳалиям ўша жойда турганига амин бўлгач, яна ўша шиддат билан дўкондан чиқиб кетди. Сотувчи оғиз жуфтлашга ҳам улгурмади. Бу кун ҳам одатдагидай китобнинг аҳён-аҳёнда кўлга олиниши, олди-сотди билан ўз якунига етди.

Мактаб кўнғирогини яна чалинди. Фақат бугун бола кутилганидан кечроқ дўконга кириб келди. Кечаги вожоҳатини эса кўчага ташлаб келгандай. Сотувчи аёл уни меҳрибонлик билан кутиб олди. Бола ийманибгина яна ўша туфлининг нархини сўради. Бу сафар сотувчи саволга жавоб бермай: "Сенинг онанг дунёдаги энг яхши аёл. Сен катта бўлсанг катта ўқишларда ўқийсан, онангни машинада олиб юрасан, мен ишонаман", деди. Сўнгра ривоятлар айтиб берди. Бола юзидаги маъюслик тумани аста-секин тарқала бошлади. У гоҳ берилиб, гоҳ хаёлга чўмиб жимгина тинглади. Бу ерда узоқ қолиб кетганидан уялибми, хижолат чекибми, сотувчи билан хайрлашди. Эртасига ҳам, унинг эртасига ҳам кунлар боланинг ўша туфлини йўқлашлари ва ана шу зайлдаги сухбатларга гувоҳ бўлиб ўтди. Бола сухбатлар асносида ҳеч нарса демас, аммо юзида кун сайин қуюқлашиб бораётган маъюслик нималардир ҳақида сўзларди.

Бугун ҳаво тунд. Ёмғир энгил сепаламоқда. Сотувчи аёлнинг юраги яна мактаб кўнғирогини эшитишга ҳозирлик кўряпти. Ўша кўнғироқ ҳам чалинди. Мана, ҳозир кириб келади. Сотувчи китоб билан сухбатларини ана шу болакай билан сухбатларга алмаштирганди. Орадан чамаси бир соат вақт ўтди ҳамки, ундан дарак йўқ. Яна бир соат ўтди. Аёл хаёлан минг бир эҳтимоллар кўчасига кириб чиқди. Унинг эртани кутишдан бошқа чораси йўқ эди.

Эртаси ҳам аёлнинг хизматида бўлган соатлар, дақиқалар болани етаклаб келишмади. Бугуннинг келди-кетдилари ниҳоялади. Шом тонгга тақлид қилишни бошлади. Сотувчи аёл рўзгоридан орттириб, йиғиб бораётган пулларини санади. Ҳартугул мўлжалга етибди. Уларни бугунги савдодан тушган барча пулларига қўшиб юборди ва сотилган пойафзаллар рўйхати ёзилган дафтарга бола доим ҳолидан хабар оладиган туфлини ҳам ёзди. Сўнг уни қутисига солиб, эртага ўз эгасига бериб юбориш учун махсус жойга олиб қўйди.

Бугун ҳам, эртаси, индини ҳам боладан дарак бўлмади. Энди сотувчи аёл мактаб кўнғирогини ҳам эшитмасди. Хавотир унга кўрқинчли ҳикоялар айтиб бера бошлади. Ниҳоят сабр қосаси бу ҳикояларга тўлди. Савдонинг қизиган палласи бўлса-да, аёл дўконни ёпишу мактабга қараб йўл олди. У ердаги бошланғич синф ўқитувчиларидан суриштириб боланинг манзилини топди. Дарҳол дўконига қайтдию қутини олиб йўлга тушди. У ёзиб олган манзил сари кетаркан, ихтиёрини бир-биридан ўзишга ҳаракат қилаётган қадамларига ташлади.

Мана, қоғоздаги ёзувга биноан узун кўча бўйлаб узоқ юрди ва чапга қайрилди. Яна озгина юриб, кўп қаватли уйланинг олдидан чиқди. Узини сездирмай турган чеккароқдаги бурилишни кўрди. Ана, кичик йўлакча. Ниҳоят топди. Йўлак охирига қараб юраркан, рақами кўк бўёқ билан ёзилган пастакина эшикка кўзи тушди. Уй эса гўёки жон таслим қилиш арафасида турган бемор ҳолатида эди. Эшик кўнғирогини

тополмаган аёл оҳиста тақиллатди. Ҳар тақиллатганда эшик оғриқдан инграб кўярди. Ёгаётган кучли ёмғир овозидан тақиллашни ичкаридагилар эшитмаганликларига йўйган сотувчи аёл хиёл қаттиқроқ тақиллата бошлади. Садо йўқ. Қўлидаги кутини пастга кўйиб, бошида жикқа хўл бўлган рўмолини олиб бир сиқдию яна бошига ўраб, эшикни боягидан кучлироқ ва кўпроқ тақиллатиб турди. Яна сукунат жавоб қайтарди. Тўсатдан икки қаватли қўшни ҳовлидан дарвозасини кулфлаш учун чиққан киши бу аёлни кўриб:

– Кечирасиз, бу уйда ҳеч ким йўқ. Уларни яқинда олиб кетишди, – деди.

Аёлнинг юраги шув этди.

– Кимни? – деб сўради.

Эркак таажубланган оҳангда деди:

– Шу, бир бола билан ногирон кеннойини айтяпман-да. Уларнинг бирор қариндошимисиз ўзи?


– Ногирон келиноий деганингиз ким? – деди аёл. Унинг катта очилган кўзларида ҳайратомуз савол ва хавотирлар қаторлашиб турарди.

– Шу уйда турадиган кеннойи-да. Яқинда оёқлари ишламай шол бўлиб қолганди. Қўшнилари шунақа пайтда ёрдам бермасак, қачон ёрдам берамиз. Пул йиғиб ногиронлар аравачаси олиб бердик. Майли, Худо йўлига садақа қилиб туриш керак-ку...

– Қаёққа олиб кетишди? – аёлнинг овози зўрға чиқди.

– Бунисини билмадим. Қариндошлари олиб кетди. Уйларигами, ногиронлар уйигами...

Эркак яна алланималарни жавраб-жавраб кетди. Сотувчи аёл ҳеч нарсани, эркакнинг овозини ҳам, изиллаб йиғлаётган ёмғир товушини ҳам эшитмади. Тўсатдан, кўз олди қоронгилашди, оёқлари ихтиёрига бўйсунмай ерга ўтириб қолди. Шу кўйи лой ҳовучлаган қўлларини ерга уриб-уриб йиғлади, болани ўйлаб ўксиниб-ўксиниб йиғлади, аёлни эслаб куйиниб-куйиниб йиғлади. Бу дардга чидолмаган шамол увиллар, сотувчи аёлни турғизмоқчи бўлиб кийимларидан тортқиларди. Эшик остида эса қутидан отилиб кетган бир жуфт янги туфлини ёмғир кўз ёшлари билан юварди...





## "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё"

\*\*\*

*Тўғри сўзда далолат бор,  
Эгри сўзда маломат бор.*

\*\*\*

*Узун арқон – шига ярар,  
Узун тилинг – бошни ёрар.*

\*\*\*

*Ширин сўз шириндир қанду асалдан,  
Одамни қутқарар оғир касалдан.*

\*\*\*

*Ширин жазинг бермасанг ҳам, ширин сўзинг аяма.*

\*\*\*

*Ҳамма аъзо бир вазифа бажарар,  
Тилим қурғур бирда асал, бирда заҳар чиқарар.*

\*\*\*

*Тўғри сўзнинг тиги бор,  
Тиг учида туғи бор.*

\*\*\*

*Кўмирдир ҳам гўштни қабоб қилғувчи,  
Қўпал сўз одамни хароб қилғувчи.*

\*\*\*

*Ҳайвонлар ҳид билан бир-бирин топар,  
Одамлар сўз билан бир-бирин қопар.*

\*\*\*

*Ёғли гўштининг ҳазмидан, доғли сўзнинг ҳазми оғир.*

\*\*\*

*Инсонни гафлат уйқусидан фақат ҳақ сўз уйғота олади.*

\*\*\*

*Қисқа ёзиш она тили камбағаллигидан эмас, боёғлигидан  
нишондир:*

*Пала-партиш гапирмоқ ё фикр тарқоқлигини ё ақл  
айноқлигини билдиради.*

\*\*\*

*Баҳсда бир томоннинг сукути ё нафрат, ё донишмандлик  
белгисидир.*

\*\*\*

*Тилинг қимирласа, олиб қутилдинг,  
Тилинг қимирласа, уққа тутилдинг.*



**Тилаб  
МАҲМУДОВ**

1936 туғилган. Ўрта Осиё Давлат университети филология факультети журналистика бўлимини тамомлаган. Фалсафа фанлари доктори, профессор. Ҳозирда Камолiddин Бехзод номидаги Миллий расомчилик ва дизайн институти тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси профессори. Сўнги 20 йил ичида ўндан ортиқ назарий-методологик тадқиқотлар ва монографиялар, "Оқар дарё, оқмасмиди жимгина", "Омонат дунё" ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

\*\*\*  
 Йўлингда қоқилсанг, мумкин туришинг,  
 Тилингдан қоқилсанг, оғир мушкилинг.

\*\*\*  
 Пичоқ тиги биттадир.  
 Тилинг тиги мингтадир.

\*\*\*  
 Сўзда фикргина эмас, қалб ҳам акс этиб туради.

\*\*\*  
 Тилни тийган тийрақдир, кўп тинглаган зийрақдир.

\*\*\*  
 Юбилейларда айтиладиган сўзлар юракдан эмас, ўпкадан чиққан бўлади.

\*\*\*  
 Яхши гапнинг ўлчови йўқ.

\*\*\*  
 Тилинг билан итингни қутуришига йўл қўйма, акс ҳолда, иккаласи ҳам ўзингни нобуд қилади.

\*\*\*  
 Тоғ ҳам емирилар селдан, жаладан,  
 Заҳар тил одамни қилгай чалажон.

\*\*\*  
 Ақлинг етмас касбга қараб югурма,  
 Тешик жамга сув тўлдирай, деб юрма.

\*\*\*  
 Билимим мисоли сугурт бўлсайди,  
 Одамлар кўнглида чироқ ёқсайди.

\*\*\*  
 Ақли расо ўқийди, ақли расо бўлай, деб,  
 Ақли савз ўқийди ўзни кўз-кўз қилай, деб.

\*\*\*  
 “Ҳимоя” пайтида ким жим ўтирди,  
 Яширин овозда “ишин” битирди.

\*\*\*  
 Илмли одамлар оғир бўлади,  
 Илмсиз одамлар олғир бўлади.

\*\*\*  
 Меваси мўл дарахт ерга эгилар,  
 Билимдон одамлар элга эгилар.

\*\*\*  
 Бировга ёздириб олим бўлганлар,  
 Охири иймонсиз бўлиб ўлганлар.

\*\*\*  
 Тусмоллаб деворга миҳ қоқилмайди,  
 Тажриба орттирган ҳеч қоқилмайди.

\*\*\*  
 Неки билдим – оловландим,  
 Неки билмам – каловландим.

\*\*\*  
 Шогирд устоз танлаганда эмас, устоз шогирд танлаганда ҳақиқий олим во-  
 яга етади. Кўпинча, шогирдлар устоз обрўси, мансабини кўзда тутиб, номи  
 чиққан устоз этагига ётишади. Аслида, билим йўналиши ҳақиқий устоз- шогирд  
 алоқадорлигини белгилаши керак.

\*\*\*

*Илмсизлар илмли одамларни ўз фойдасига шилатишни билади.*

\*\*\*

*Замон илмга тобеъ бўлса – эл яшнайди,  
Илм замонга тобеъ бўлса – қақшайди.*

\*\*\*

*Илмли одам билан бадавлат одам табиатида муштараклик бор – олимнинг илмга,  
бойнинг молу дунёга тўймаслиғидир.*

\*\*\*

*Илмга йўл бермаслик – жаҳолатга қўл беришликдир.  
Олими эҳтирамсиз юртда одам эътиборсиздир.*

\*\*\*

*Илми бўлмай туриб улуг саналган одам қордан ясалган қасрга ўхшайди: унинг  
шухрати қор умридай қисқа бўлади.*

\*\*\*

*Илмсизнинг бировга ақл ўргатиши, кўрнинг табиат рангларидан ваъз ўқишига  
ўхшайди.*

\*\*\*

*Илм шундай юкки, у қанчалик кўпайса, уни кўтариб юрган одамнинг қадам ташла-  
ши шунчалик енгиллашиб боради.*

\*\*\*

*Умр бўйи бир мавзуну чайнаган олим янтоқдан бўлак ўт емайдиған тугага ўхшайди.*

\*\*\*

*Илмда бахиллик олимлар аҳиллигининг кушандасидир.*

\*\*\*

*Олимлари хор мамлакатнинг истиқболи бўлмайди.*

\*\*\*

*Қанча кўп ўқиганим сари билим дарёсига шўнғиб, ундан сузиб чиқиши мушкуллиги-  
дан  
шунчалик азобланаман.*

\*\*\*

*Файласуфлар руҳонийлар билан дунёвийлар орасида минг йиллардан буён совчилик  
қилиб келадилар.*

\*\*\*

*Файласуфлар борлиқ ҳақида қанчалик чуқур хаёлга толсалар, шунчалик борлиқда  
ўзларини йўқотадилар.*

\*\*\*

*Одамзод билим эгаллашда ишни ҳайратдан бошлаб, ҳайратга етиб келган.*

\*\*\*

*Илмли – илдам, илмсиз илмиллагандир.*

\*\*\*

*Илмли элнинг кўйида дон бўлади.  
Илмсиз элнинг кўнглига қон тўлади.*

\*\*\*

*Одамлар ҳаётини кўкда куёш, ерда олимлар ёритади.*

\*\*\*

*Адабий ижодга ихлосманд ўз фаолиятини таржимадан бошлагани маъқул:  
лугатлар титқилайди, сўз бойлиги ошади, яхши асар ёзиши йўл-йўриқлари бўйича  
тасавури кенгаяди, диди шаклланади. Мабодо, мустақил ижод қилолмаган  
тақдирда ҳам, яхши танқидчи бўлиши мумкин.*

\*\*\*

*Театр саҳнаси – инсон ҳаётининг тасвирий макети.*

\*\*\*

*Ҳар кимнинг ўз табиатига монанд фантазияси бўлади.*

\*\*\*

*Виждон билан асар ёзсанг, фикринг сени келажакка узатар,  
Нима ёзсанг ҳақни ёзгин, тўрт кўз бўлиб ҳамма сени кузатар.*

\*\*\*

*Ўз даврида мукофотлар олганлар,  
Вақти келиб унутилиб қолгайлар.*

\*\*\*

*Кўгирчоқлар асли ўйинчоқ эрур,  
Маддоҳларнинг даъвати пўчоқ эрур.*

\*\*\*

*Дарахтлар гулларини аямасдан тўкади, ҳосил учун ярогини олиб қолади. Дарахтчилик фаросати бўлмаган айрим адиблар барча яхши-ёмон сатрларидан “Танланган асарлар” битади. Қатор-қатор китоб ёзиб, сўнгра улардан танлагандан кўра, ўз вақтида танлаб ёзса бўлмасмикин?!*

\*\*\*

*Ҳамма одамларда кўз бор, қулоқ бор. Аммо rassom ва бастакорнинг кўзи ва қулоғи бошқалар қараб, қулоқ тугиб, лекин кўрмаган ва эшитмаган ранг ва оҳанглари идрок этади.*

\*\*\*

*Кўп ёзишни эмас, хўп ёзишни машқ қилмоқ керак.*

\*\*\*

*Дунёга икки юз, уч юзлаб романлар битган ёзувчилар бор, аммо Абдулла Қодирий иккита романи билан улардан устун туради.*

\*\*\*

*Ҳаётини асарнинг умри боқийдир.*

\*\*\*

*Таъма сиёҳи билан қогоз қоралаган мунаққид ўзига мақалатурадани кўйлак тиккан бўлади.*

\*\*\*

*Мен тирик замондошларимдан эмас, илгари ўтиб кетган устозлар нигоҳи, келажак авлод танқидини ўйлаб кўлимга қалам оламан.*

\*\*\*

*Баъзи ижодкорларнинг асарини ўқинг-у, ўзларидан йироқ бўлинг.*

\*\*\*

*Авваллари буюк адибларнинг шоҳ асарлари “Танланган асарлар” шаклида нашр этиларди. Ҳозир адибларнинг ҳамма қораламалари тўпланиб “Танланган асарлар” тарзида нашр этилиши қогоз нархининг кўтарилиб, китоб қадрининг пасайиб кетишига сабаб эмасмикин?*

\*\*\*

*Баъзи олти юз бетлик китобдан икки қатор халқ мақоли афзалдир.*

\*\*\*

*Уруғ ерда унганидай, талант муҳитга боғлиқ бўлади.*

\*\*\*

*Кўймижоз шоирнинг ёзган шеърлари  
“Кўй”ларга маъқул-у, ёқмас шерларга.*

\*\*\*

*Яхши шоир ўқиган шеъри билан эмас, ўқилган шеърлари билан эътибор қозонади.*

\*\*\*

*Кўп ёзиш эмас, хўп ёзиш талант белгиси.*



## Ҳубоб тақдири

Инсон умрини Навоий бир йўл, деб тасаввур этади. Ҳаёти давомиди ҳеч қандай йўлни кўрмай, билмай ўтиб кетадиганлар ҳам бор. Аммо шоирнинг тингловчиси, дил ёрувчиси, ҳамдарди — мазмун бор йўлни мақсад қилган, яъни ҳаётни осон ва чиройли тарзда ўтказиш учун заминлар бор йўлни топишга интиланган “аҳли хирад”, “аҳли ҳуш” ақл эгаларидир.

Шоир тафаккурининг мўъжизаси шундаки, унга кўра, маъно ва ҳикмат истаб йўлга чиққан хирадманд асл маънони топгач, ҳушу хирад унга ортиқча эканини тушунади ва бу юқдан ўзини халос қилади. У маънони ақл билан эмас, покиза туйғу билан ҳис этади. Ақл йўлчини маъно эшигига қадар етаклаб келади. Шунда унга намоён бўлган мукамал моҳиятнинг бир заррасигина уни ошиққа айлантиради. Шундан бошқа ҳамма нарсадан у безор, ҳамма нарса унинг учун безътибор бўлиб қолади. Унинг аҳволи худди қуёш янглиғ ёнишдангина иборат бўлади. Бу ёнишга на ақл, на ҳуш, на фаҳм, на ҳис парда бўла олади, уни пинҳон тутишнинг имкони йўқ.

Меҳрим ўтин ҳушу ақлу фаҳму ҳис ёшурмади,  
Меҳри ломий тўрт бурқаъ кейнидин пинҳон эмас.

Навоий шеъриятида васф этилган барча ошиқлар ҳаётдан чин маъно истаб йулга чиққан солиқлардир. Улар шоир девонларида турли бадиий тимсоллар сифатида намоён бўладилар. Навоийнинг шундай ҳаммаслақларидан бири — ҳубоб экан.

“Бадоеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган бир ғазалда шоир тақдир ҳақида фикр юритади. Чуқур мушоҳадага ундовчи бу ғазал шоир услубида жуда кам кўринадиган ҳодиса — матлаъсиданоқ ўғит билан бошланади.

Тақдир ҳукми ўзгармас, дея сабоқ беради шоир, гарчи фалак ёрқин дур сингари юлдузларини бошингдан тўкиб турса ҳам, эмин бўлмаки, офатлар билан тўйинган бир булут устингдан ғам жалаларини ёғдириши мумкин:

Сочса анжумдин фалак бошингга юз минг дурри ноб,  
Жолайи ғам, билки, ёғдурғай бир офатлиқ саҳоб.

Бало ёғдирувчи булутнинг бундай қилишдан мақсади, албатта, сенинг умринг ниҳолини синдириб, гул хирмани янглиғ танингни хароб қилишдан ўзга нарса эмас:

Не ғараз бу жолани ёғдурса андин ўзгаким,  
Умр нахлин синдуруб, тан гулбунин қилғай хароб.

Кейинги байтда Навоий яна тақдир ҳукми ва Яратгувчи ҳикмати хусусида мушоҳадага берилади. Ризку рўзи ортиқ ёки



**Дилором  
САЛОҲИЙ**

*1959 йилда туғилган.  
Самарқанд Давлат педагогика институти тугатган.  
Унинг “Бадоеъ ул-бидоя” малаҳати”, “Навоийнинг шеъринг услуби масалалари”, “Ҳуррият ҳарорати” номли монографиялари ва бир қатор ўқув-услубий қўлланмалари нашр қилинган. Айни пайтда Самарқанд Давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида фаолият юритмоқда.  
Филология фанлари доктори.*

кам бўлишини ҳар ким тақдирдан кўради. Адашган, гумроҳлар ҳам қилган амалларини Яратгувчи тақдири, деб биладилар. Шу нуқтада шоирнинг жабария ва қадария масалаларига муносабати яққол намоён бўлади. Адабиётшунос олим Еқубжон Исҳоқов Навоийнинг исломий, шаърий дунёқарашда жабария ва қадария ақидаларининг ўрни, намоён бўлиши, ижодидаги талқини хусусида равшан далилланган тадқиқотлар яратиб, аниқ хулосаларини баён этган. Албатта, аҳли сунна вал-жамоа эътиқодидаги шоир қадария тариқида бўлган. Яъни ҳар бир яратилмиш аввалдан белгиланган илоҳий тақдир билан дунёга келади. Жабария аҳли ўзларини тўла маҳкуми ҳукм ҳисоблаб, ҳаёти гузаронликда ҳеч қандай масъулият ҳис этмайдилар. Аҳли сунна эса инсонга берилган идрок, эрк, танлов ҳуқуқи нуқтаи назаридан тақдирга ўзгартириш киритилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Масалан, инсон умрининг қанчалиги тақдир қилинган. Бинобарин, яхшилиқни инсонларга фақат яхшилиқ истовчи Яратгувчидан, ёмонлиқни эса инсоннинг ўз феъли ва амалидан, деб билган шоир биз англашга интилаётган байтда Зол тимсолини ийҳом қилади. Зол – ҳаётда адашганлар, ўзларининг гумроҳликларини Яратгувчи ҳукмидан билиб, унга хитоб қилар эканлар, ҳақиқатан, эътиқодда ҳам адашибдилар, дейди шоир:

Рўзий ортуғ бўлмагин ҳар кимки билгай чарҳдин,  
Зол янглиғдурки розиқ чарҳини қилгай хитоб.

Шоир Яратгувчини денгизга қиёс қилади. Хубоб – ҳар йил кеч сумбулада сув юзида айланиб, сузиб чиқиб кетадиган сув пуфакчалари. Хубобнинг сув юзида бўлгани – у денгиздан устун, дегани эмас. Чунки сув манбаи денгиздир. Қани хубоб бирор кимсага бир қатра сув берсин-чи?

Офариниш баҳридин гардун хубоби пеш эмас,  
Борму имкон кимсага бир қатра сув бермак хубоб?

Хубоб денгиздан ҳосил бўлади. Унинг яратилиши ҳам, инон-ихтиёри ҳам, тақдири ҳам денгизга боғлиқ. У ўзи учун бирор нарса қила олиш қудратига эга бўлмаганлиги сабабидан ўз ҳолига ҳайрон, бошини ҳар тарафга уради. Ана шу ўринда, шоирнинг қўлига қалам олишининг сирини очилади. Шоир ўзини хубоб тимсолида тасаввур қилади. Хубобнинг сув юзида сирғалиб кетишидан мақсади номаълум. Ҳақиқат толибининг эса мақсади маълум, аммо ҳар қанча ғайрат қилмасин, қасд қилганини топмоғи номаълум. Шоир хубоб тақдири васфини давом эттиради:

Бўлса эрди қудратиким, лаҳзае топқай қарор,  
Туну кун тинмай бу навъ этгайму эрди изтироб?

Ул доғи ўз ҳолига ҳайрон эрур андоғки мен  
Анда ҳам саргашталиқ андоқки, менда печу тоб.

Жисми онинг ҳам ҳаводис зарбасидин нилгун,  
Топмайин мақсудини мендек неча айлаб шитоб.

“Нилгун” сўзини ийҳом қилиб, шоир хубобнинг кўкиштоб ранги ва толибининг ҳаёт зарбаларидан кўкариб кетган танига ишора қиляпти. Шоир кейинги байтда ҳам ўзининг тақдирини хубоб тақдири билан солиштиришда давом этади. Тақдир қўлидаги икки саргашта бир-бирини ҳисоб ҳам бермайди, сўрамайди ҳам.

Қудрат илгида бўлуб ул ҳам забун андоқки мен,  
Олмай ул мендин ҳисоб, андоқки мен андин ҳисоб.

Мақтаъда яна шоирнинг тақдир масаласидаги нуқтаи назари аниқ-равшан намоён бўлади. У – солиқ, ўзини қиёслагани хубоб ҳам – солиқ. Хубоб денгиздан ҳосил бўлади, демак, ўз манбаига – денгизга интилмоғи лозим. Навоий эса, фақатгина Ҳақ вужуди мавжуд эканлигини тушунган. Шу вужуддан мавжудлик толган ҳамма нарса – мосиваллоҳ, яъни Ҳаққа кўшилиб кетгувчидир. Солиқ ақл ва илҳом билан Ҳақни таниди, унинг борлигида йўқ бўлиб кетишга интилди ва бу борада ҳам Ҳақ таолонинг ўзига таваккул қилди:

Эй Навоий, солик эрсанг Ҳақ вужудин бил вужуд,  
Мосиваллоҳни адам, валлоҳу аълам бис-савоб.

Шу тариқа, Яратганнинг бениҳоя ожиз, сирли ва яширин мўъжизаси бўлмиш хубоб Навоий шеърятининг бетакрор бадиий тимсолларидан бири сифатида янги маъно касб этади. Ҳақиқатан ҳам, ҳубобни ҳамма ҳам кўравермайди. У йилда бир марта қиш чилласи келишидан олдин, кеч тийрамоҳда денгиз, дарё юзидан кўкиш кўпиклар йиғиндиси шаклида сузиб қаёққадир ўтиб кетади. Уни Яратган истаганларгина кўриб қолади. Худди шундай Яратган яширин одамлар наздида ожиз, сирли, мўъжиза бўлмиш орифини ҳам ўзи танлаганларгагина танитади. Файр, бегоналар кўзидан рашк пардаси билан тўсиб кўяди. Орифни, солиқни, толибни таниганлар, баъзан ҳолини, баъзан сўзларини англаганлар эса, у ва Яратган орасидаги сирни муқаддас, деб билмоқлари, омонат сақламоқлари лозим. Агар, аксинча бўлса, бошларига офат етмоғи эҳтимоли бор. "Лисон ут-тайр"да шоир шу маънода огоҳлантиради:

Шарт буқим, англагон шарҳ этмагай,  
То тилидин бошқа офат етмагай.

Навоий ушбу ғазали орқали Тангри таоло ўзи яратган барча махлуқот ва махлуқот гултожи бўлмиш инсонлар орасидан танлаганлари билангина сирлашади, маърифатидан баҳраманд этади, демоқчи.

Бу — Навоий эътиқод қилган ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Навоий шеърятини мухлиси ҳам шоир дардини тинглаш учун танландими, демак, соҳиби эътибор бўлибди.

*Биздан олдин келиб-кетганларнинг бу дунёда  
излари бор, биздан кейин келадиганларга эса биз из  
қолдирамиз. Тўғри из қолдирган киши қандайин бахтли!*

Муҳаммад Камол



**Содиқжон  
ИНОЯТОВ**

1983 йилда Тошкент Давлат Университети журналистика факультетини тамомлаган. “Омон бўлса дўстларим”, “Ёруғ кунлар”, “Онамни согиниб” шеърый тўпламлари нашр этилган. Бир қатор шеърлари рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган.

## Ўйнагани жўнади коптогини қучоқлаб

### Ғалати бола

– Тушунмадим, бобожон,  
Бу ғалати болага,  
Онамнинг аллалари  
Ўхшар эмиш нолага.

Ўзгача нигоҳлари,  
Менгамайди бировга,  
Отамнинг оқ сочларин  
Қийслайди қировга.

Саҳар уйғониб, баъзан,  
Ўйчан кезар далани,  
Тушунмайман бобожон  
Бу ғалати болани...

– Тушундим, ҳайратингни  
Ичларингга ютавер.  
Бу боладан шеър деган  
Мўъжизани кутавер.

### Кетмон

Сув тарай деб, полизга  
Мақтадан кела солиб,  
Қўини Носир акадан  
Кетмонин сўраб олиб,  
Енг шимариб, жадаллаб,  
Ишга киришиман он,  
Сўраб келди кетмонин  
Кичик ўли – Қаҳрамон.  
– Ўзимизга жудаям,  
Зарур эди шу маҳал.  
Қоратўри юзлари  
Қизиқ, қизарди сал-пал.  
Шумлигим тутдимиз ё  
Матоҳини узатиб,  
Секингина девордан  
Қараб турсам кузатиб,  
У кетмонин амборнинг  
Тўрига кўйиб, жойлаб,  
Ўйнагани жўнади  
Коптогини қучоқлаб.

**Хонадон**

Дадам ишга кетар чоғи  
Таъкидлайди бобамиз:  
– Ишдан сўнг, тез уйга қайт,  
Биз хавотир оламиз.

Мақтабга жўнар бўлсам,  
Таъкидлар отам, онам:  
– Дарсдан кейин, уйга чоп,  
Ҳаяллама сира ҳам.

Опам ҳам тақлидчи-да,  
Доно билиб ўзини,  
Синглимга дер: – Икки қилма,  
Катталарнинг сўзини.

Бувим хурсанд, юзида  
Кулгилари мавж уриб:  
– Яшаи қандай яхши-я,  
Бир-бировга қайғуриб.

**Қовун**

– Пишиқчилик чоғида  
Полизга боринглар, – деб,  
Таклиф этди Муроджон.  
– Кетасизлар қовун еб.

Қовун тишди,  
Авжи ёз,  
Атрофга бўй таратиб.  
Лекин бизни Муроджон  
Кўйди ҳайрон қаратиб.

Чайласига борганда,  
Кўзларини этиб лўқ,  
Деди: – Бекор келибсиз,  
Қовунлар тишгани йўқ!

Шунда ...  
Ёмон уялдик.  
“Дув” қизарди юзимиз.  
...Тушганди-да, сўйилган  
Қовунларга кўзимиз.

**Хоразм**

## Ёдда қолган сиймолар



**Берди РАХМАТ**

1957 йил туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. “Даракчи булутлар”, “Йўл” номли шеърлий тўпламлар муаллифи. Робиндра-натх Тагор, Расул Ҳамзатов, Рафазл Албертилар ижодидан таржималар қилган. Ўзбекистон теле-радиокомпаниясида фаолият кўрсатади.

## Шеърят байрамлари

Бир куни шоир Чоршаъм кўнгирак қилиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. “Берди Раҳмат, устоз ҳақида хотира китоб чиқармоқчимиз. Сиз ҳам Рауф акам билан кўп суҳбатлашгансиз. Шуларни ёзиб берсангиз”. “Хўп”, деганимга ҳам икки йил бўлиб қолди. Яқинда Чоршаъм ака яна кўнгирак қилди: “Тайёр бўлдимиз?” У кишига яна ваъда бераман. “Рауф акамни ҳурмат қилмас экансиз-да”, дейди хафа бўлиб.

Ким ҳурмат қилмайди Рауф Парфини?! Рауф Парфи ҳақида, унинг ижоди, шахсияти ҳақида ёзиш осонми? Рауф Парфи ҳақида ёзиш, изтироб ҳақида, миллат қайғуси ҳақида ёзишдир. Рауф Парфи мана шундай миллат изтироби билан яшаган шоир эди. Шунинг учун у ҳақда хотира ёзиш оғир. Ҳар сафар ёзишни бошласам, шоирнинг “Сўнги видо” китоби юзидаги сурати: “Хўш, қани, нима ёзмоқчисиз? Қандай ёлгонларни дўндирмоқчисиз?” – дея қараб тургандек туюлаверади...

80-йиллар. Адабиётимизнинг, шеърятимизнинг гуллаган бир даври. Миллий университетнинг журналистика факультетида биринчи курсда ўқийман. Шоир Назар Шукурни истаб талабалар шаҳарчасидаги 4-ётоқхонага тез-тез бориб тураман. Тўртинчи қават, 103-хона. Бу – Назар Шукурнинг хонаси эди. Ижодкор ёшлар тез-тез тўпланиб турадиган жой. Навбатма-навбат шеър ўқиймиз. Назар Шукурнинг укаси шоир Ўроз Ҳайдар момосига бағишлаган “Эртақлар йиғлайди, эртақлар етим”, деб бошланувчи шеърини ўқийди. Мирзо Кенжабек:

Ўзбек кўп курраи заминда, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ,

– деган машҳур шеърини ўқийди. Шоир Одил Ҳотам ҳам шеър ўқийди, Асқад Мухтор шеърларининг ўзига хослиги ҳақида сўзлайди. Турли фикрлар, аёвсиз танқидлар, мунозаралар... Мен ҳам шеър ўқийман. Назар ака дўстига “Намоз, сиз жиддий тингланг. Унгача мен чой дамлаб келаман”, деб чиқиб кетади. Шеърларим Намоз акага ёқмайди. Хафа бўламан. Иккаласи кўнглимни кўтармоқчи бўлади. Яхши шоирларнинг шеърларини кўпроқ ўқинг, дейди. “Хўп”, дейман. “Рауф Парфини ўқиганмисиз?” “Йўқ”, дейман. Назар Шукур: “Шеър ёзишни Рауф акадан ўрганиш керак”, – дейди. Рауф Парфи номини энди эшитиб туришим. Қишлоқда яқинда келганман. Назар акадан унинг китобини сўрайман. Опоқ қоғоздан муқова билан қопланган китобчани беради – “Хотирот”. Бу шоирнинг 1975 йил чоп этилган шеърлий тўплами. Уйга қайтиб варақлашга тушаман. Ажойиб шеърлар. Шулардан бири XX аср япон классик шоири Исакава Такубоку тилидан айтилган. Бор-йўғи, беш сатр:

Ҳасратимнинг  
 Суяқ тошларидан  
 Даҳма қурмоқчиман  
 Ҳзимга.  
 Ичида ўз жасадим бўлсин.

Шу шеър сабаб менда япон адабиётига қизиқиш уйғонади. Умуман, мен ва менга тенгдош ижодкорларни жаҳон шоирлари ижодига қизиқтирган инсон Рауф Парфи эди. "Хотирот"дан яна бир шеър:

Яна тонг.  
 Тонгда эриб кетди.  
 Кеча.  
 Уйқусини қувиб кўчанинг  
 Автолар шовқин солиб кечар

Дунё сўрармидим сендан,  
 Дўстим, шу дақиқа.  
 Шунчаки, тонг нафаси янглиг  
 Табассуминг керак  
 фақат.

Ажойиб, бунақа шеърни аввал ўқимаганман. Шеърнинг ёнига кимдир қалам билан чиғиб белги қўйган. Бу яхши шеър эканлигига ишора. Уни ким қўйган? Назар Шукурми ё Одил Ҳотамовми, билмайман. У кўпроқ Назар Шукурнинг ёзувига ўхшайди. Буни Одил Ҳотамовдан сўраб аниқласам бўлади... Рауф Парфининг табассуми шундай табассум эди. Тонг каби беғубор. Тонг каби тоза. Самимий. Шоир умри давомида мана шу табассумини ҳеч кимдан дариг тутмади.

1979 йил, биринчи курсда ўқиймиз. Октябрь ойининг бошларида Сирдарёга пахта теришга олиб кетишди. Оқшомги мушоиралар, ўйин кулгулар... Қалбимизга муҳаббат ташриф буюрган ёшликнинг беғубор онлари... Ажойиб дўст, истеъдодли мунаққид, раҳматли Баҳодир Содиқов билан танишган кезларимиз. Кундузи пахтазорда эгатлардаги адабиёт, шеърят, муҳаббат ҳақидаги суҳбатлар... Мен умримда бундай самимий суҳбатларга қайта дуч келмадим...

Учинчи курсда ўқийдиган навоийлик шоира Маруса Ҳосилова билан ёнма-ён пахта тераяпмиз. Яхши кўрган шоирлар ҳақида сўз кетади. Бир-биримизга уларнинг энг яхши шеърларини ёддан ўқиймиз. Маруса менга: "Рауф Парфининг шундай бир шеъри бор, уни жуда яхши кўраман", – дейди. Ўқий бошлайди:

Автобус деразасида қараб кетсанг,  
 Узоқ-узоқларга,  
 Масофалар сувратини олиб кўзларга.  
 Хусусан, ой булутлар орасига беркиниб турса...

Қувониб кетаман. Маруса чаққон-чаққон пахта териб илгарилаб кетади. Мен ён чўнтагимдан "Хотирот"ни олиб, ўша шеърни излайман. 26-бетда экан. Қайта-қайта ўқийман. Олдин эътибор бермаган эканман. "Бу шеър, бу ҳолат, бу туйғу айнан меники эди". Бу шеър, бу қувонччи ўша кунни Маруса менга ҳада этди. Шоир бу шеърни худди мусаввирдек чизганга ўхшайди.

Хусусан, ой булутлар орасига беркиниб турса...

Шеърни қайта-қайта ўқийман. Китобни сўнг ён чўнтагимга соламан. У доим ёнимда юради. У менинг дўстимга айланган эди. Уни мен Назар Шукурга қайтариб бергим келмайди...

Ноябрнинг охирлари терим тугаб, яна Тошкентга қайтамиз. Яна аудиторияда маъруза тинглаш, ҳазил-хузуллар, баҳслар... 1980 йил, 13-сентябрь. Раҳимжон деган наманганлик дўстимдан "Баҳодир оламдан ўтибди", деган совуқ хабарни эшитдим. Дўстлар билан Хоразмга бордик. Баҳодирни кўрмай қайтдик. Баҳодир ҳақидаги хотиралар эсимга тушади... Баҳодир Содиқ Рауф Парфининг "Кўзлар" шеърый

тўпламига жуда яхши бир тақриз ёзган эди. Уни "Кўзлардаги дунё" деб номлаган...

Хотиралар... 1985 йил баҳори. Назар Шукур Тошкентда автохалокатдан вафот этди. Баҳодир 21 ёшида, Назар Шукур 30 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Бугун орамизда Баҳодир ҳам, Назар Шукур ҳам, Рауф Парфи ҳам йўқ. Улардан фақат хотира қолди. Баҳодирнинг "Хотира уйғонсагина гўзал", деган сатрлари эсимга тушади...

Яна хотиралар... 1980 йил 26-февраль. Ёзувчилар уюшмасида Назар Шукурнинг "Кўкдаги умр" қўлёзмасининг муҳокамаси. Залдагиларнинг таклифи билан Рауф Парфига сўз берилади. Рауф ака: "Мен бу шоирларнинг шеърлари ҳақида бир нарсга дейишим қийин, чунки йиғлаётган одамга, сиз нотўғри йиғлаясиз, деб бўлмайди", деган эди. У пайтлари Ёзувчилар уюшмасида илк китоб муҳокамалари, мушоиралар жуда қизгин кечарди.

Шоир билан илк танишув. Шоир Одил Ҳотамов суҳбатларимизнинг бирида мени хотира дафтар тутишга ундаган. Яхшиям шундай бўлган экан, хотиралар ёзиб борганман... Уларни ўқий бошлабман.

1980 йил, 18-май. Эрталаб, талабалар шаҳарчасига Назар Шукурнинг олдига бордим. Назар ака: "Эй, келганингиз яхши бўлди. Қани кетдик, бир жойга борамиз", – дейди. Қаёққа? – дея сўрайман. Рауф Парфининг уйига, дейди. Қувониб кетаман. Яхши кўрган шоирнинг уйига бориш, у билан танишиш қандай яхши. Рауф аканинг Юнусободдаги уйи томон йўл олдик.

Етиб борганимизда эшикни шоирнинг ўзи очдими ёки Дилором опаи – эсимда йўқ. Рауф ака биздан бироз олдинроқ борган шоир Азим Суюн билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Бироз суҳбатлашдик. Рауф ака мендан шеър ўқишни сўради. Нимани ўқисам экан, ўйланаман... Шунда Назар ака: "Яқинда менга ўқиб берган халқ оҳангида ёзилган шеърингизни ўқинг", дейди. Ҳаяжонда шеър ўқий бошлабман.

"Наҳот, бизни бир-биримиздан жудо қилди бу ҳаёт", деб бошланади у. Шеърни ўқиб тугатаман. Ҳамма жим. Сукунатни Рауф аканинг бир оғизгина "яхши" деган сўзи бузади. Азим Суюн мақтайди. Шундан сўнг суҳбатимиз ёлгон мақтовлар ҳақида, унинг ижодкорга салбий таъсири ҳақида бўлди. Шунда Рауф ака, мақтов ҳақида икки сатр шеър айтади. Мен шоирдан шу икки сатрни ён дафтарчамга ёзиб беришини илтимос қиламан. Розӣ бўлади.

Мақтов кимга ёқмас, кўнглинг тўлдирар,

Мақтов – ширин оғу, ширин ўлдирар.

Рауф Парфи, 18.05.1980 й.

1986 йил январь ёки февраль ойлари бўлса керак. Ёзувчилар уюшмасида қандайдир йиғин бўлди. Адашмасам, у 1985 йил шеърятига бағишланган муҳокама эди. Ўша пайтлар Ёзувчилар уюшмасида бадиий адабиёт бўйича йиллик мукофотлар таъсис этилган эди. Муҳокама сўнггида ўша мукофотларга лойиқ топилган ижодкорларнинг номи эълон қилинди. Шеърят бўйича Ҳамид Олимжон номидаги мукофот Рауф Парфига берилганидан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. У ҳеч қачон мукофотларга интилмади. У халқни эзиб келаётган тузумнинг садақаларидан ҳазар қиларди. Рауф Парфи ҳеч кимнинг устидан кулмас, ҳаммани ўзидай тенг кўрар эди. Унинг дўстлари оддий одамлар эди. У фақат бир нарсдан қулиб ўтди. Босқинчи ёвларга мадҳия битган, қонхўр партияни олқишлаб шеър ёзганлар устидан кулди. У амалга интилмади. Амалдорларга ялтоқланмади. Ялтоқланганларга нафрат билан қаради. Рауф Парфини устоз дея эъзозлаганлар кейинчалик турли амал курсиларини эгалладилар. Шоир эса СЎЗга содиқлигича қолаверди.

Рауф ака биздан икки-уч қатор олдинда, ундан бироз нарироқда Сарвар Азимов ҳам ўтирарди. Муҳокама тугагач, ҳамма зални тарк эта бошлади. Шунда ўрнидан турган Сарвар ака Рауф акага қўл узатиб: "Мукофот муборак бўлсин, шоир!" дея қўтлади. Рауф ака унга жавобан: "Раҳмат", дея синиқ жилмайди. У пайтлар Сарвар Азимов Ёзувчилар уюшмаси раислигидан энди бўшатишган пайтлар эди.

Сарвар Азимов уюшмага раҳбарлик қилган йилларда шоир ва ёзувчиларнинг яшаш шароитини яхшилашга жиддий эътибор берилди. Уюшмада ижодий баҳсларга кенг йўл очилди. Ёш ижодкорлар учун "Ёшлик" журнаliga асос солинди.

"Ўзбекистон маданияти" газетаси "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" деб номланиб, саккиз саҳифада чиқа бошлади.

80-йилларда мана шу газетادا бир йил давомида Рауф Парфи ижоди ҳақида баҳсли мақолалар эълон қилинди. Айрим мунаққидлар шоир ижодига бир томонлама ёндашиб, унинг шеърларини ғамгинлида, "ийғоқи" сатрлар, деб айблагша киришди. Уларнинг бу айбловлари тағида очиқ айтмасалар-да, "Рауф Парфи шўро тузуми сиёсатидан норози", деган гап ётарди. Ушанда кутилмаганда "ЎзАС" газетасида Асқад Мухторнинг "Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони" деган катта бир мақоласи эълон қилинди. Унда Рауф Парфи ижоди чуқур таҳлил қилинди. Бу – шоирнинг бурчини англаёлмаган, ундан замонни мақтаб шеър ёзишини истаган айрим савиясиз кимсаларга жиддий жавоб бўлди. Мақолада шундай сўзлар бор: "Шоирга қатъий қоидалар, рецептлар бериб бўлмайд, бордию бундай қоида ва рецептлар тўплами чиқса, бу зарарли китоб бўларди". Шу мақоладан сўнг шоирнинг "душманлари" жим бўлишга мажбур бўлдилар. Уларнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Асқад Мухтор ўша мақоласида шоир ижодининг моҳиятини шундай очиб берганки, унинг ёзган фикрлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу мақола ўша пайтда адабий давраларнинг асосий мавзусига айланди. Кейинчалик эшитдик, маълум бўлишича, Асқад Мухторни бу мақолани ёзишга Сарвар Азимов даъват этган экан. Сарвар ака у кишига: "Сиз Рауф Парфига оқ йўл тиллагансиз, энди ўзингиз уни ҳимоя қилиб, мақола ёзинг", деган гапларни айтган экан. Бунинг қанчалик рост ё ёлғонлигини билмайман, аммо у ҳақиқатга яқинроқ тулолади менга.

1985-86 йиллар. Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида – мушоира. Уни машҳур шоирларимиздан бири бошқариб борди. Шоирлар бирин-кетин шеър ўқишди. Залда ўтирган мухлисларнинг тақлифи билан Рауф Парфига сўз берилди. У минбарга чиқиб, "Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон" деган шеърини ўқишдан олдин Чўлпоннинг: "Шу ожиз ҳолида шоирманми мен" деган сатрини эпиграф қилиб олганини айтиб кейин шеърни ўқий бошлади. Зал сукут ичида қолди. Ҳамма ҳайрат билан тингламоқда. Чунки шоир юртимизни босиб олган ёвлар ҳақида, Чўлпонни отиб ўлдириган тузумнинг ёлғон сиёсати устидан ўз шеърини хукмини ўқирди. Рауф ака шеър ўқиб бўлгач, жойига келиб ўтирди. Мушоирани бошқариб бораётган машҳур шоир бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг, "бу нима гап, ҳамма, юлдуз бу томонда, деб ўша томонга юрса, бу киши: йўқ, юлдуз бу томонда эмас, деб бошқа томонни кўрсатмоқчи бўлаяпти. Бунинг бир ўйлаб кўриш керак", деган сўзларни айтди. У бу гапларни ўша давр сиёсатидан чўчиб ўзини ҳимоя қилиш учун айтиётганини кўпчилик сезиб турарди. Чунки ўша юлдуз қандай юлдуз эканлигини машҳур шоиримизнинг ўзи ҳам яхши биларди. Бу пайтда Чўлпон ҳақида, миллатнинг қисмати, тақдири ҳақида бундай очиқ сўзлаш мумкин эмас эди. Рауф Парфи шуни билган ҳолда кўркмасдан, у ҳақда шеър ўқиди. Бу шоирнинг жасорати эди.

...1990 йил 14-апрель. Чироқчи туман газетаси қошидаги "Қалдирғоч" адабий тўғараги иштирокчилари ташаббуси билан шоир Назар Шукурнинг хотира куни ўтказиладиган бўлди. Унда иштирок этиш учун бир гуруҳ қалам аҳли автобусда йўлга чиқдик. Ушанда шоирлардан Шукур Қурбон, Носир Мухаммад, Мирзо Кенжабек, Чори Аваз, Мухаммад Ражаб, Музаффар Аҳмад ва яна кўпчилик бўлиб Чироқчига бордик. Туман маданият уйида шоир хотирасига бағишланган анжуман ниҳоятда яхши ўтди. Уни шоир Носир Мухаммад бошқариб борди. Сўзга чиққанлар шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлаб беришди, унинг шеърларидан ўқишди. Шунда қизиқ бир ҳолат рўй берди. Хотирлаш маросими охирлаб қолган эди. Бир пайт кутилмаганда кимдир: "Рауф Парфи келибди!" деган гапни айтди. Ҳамма бирдан эшик томонга қаради. Рауф ака қашқадарёча бир тўнни кийиб олган ҳолда, эшик олдидаги одамлар орасида ичкарига кирмасдан жимгина тинглаб турган экан. У қачон келганини ҳеч ким сезмаган. Рауф ака шундай камтарин инсон эди.

...1992 йил баҳор ойлари эди. Ёзувчилар уюшмасининг Туроб Тўла кўчасида жойлашган янги биносида Шукур Холмирзаев билан учрашиб қолдим. Шукур ака: "Бердивой, бу Рауф акангизнинг хонаси қаерда? Кўрсатсангиз". Юринг, дейман. Бирга Рауф аканинг хонасига киримиз. Ўзёкнинг икки буюк, фидойи фарзанди кучоқ очиб кўришади. Шукур ака, ўша кун қалам ҳақи олган экан. Сумкасини очиб, у-бу нарсани олиб стол устига қўйди. Бир зумда стол усти байрам дастурхонига айланди. Иккаласи узоқ гурунг қилишди. Мен эса жим тингладим. Гурунглари адабиёт, шеърят ҳақида эди. Шунда Шукур ака, "Рауфжон, сизнинг бир шеърингизни жуда яхши кўраман. Бахтиёрлар ва бахтсизлар ҳақида бир шеърингиз бор-ку, ҳозир-ҳозир, мана эсладим".

"Қорлар ёғди. Қиздирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи овора бахтиёрлар бермади жавоб. Қорлар босди. Куйдирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи овора бахтсизлар бермади жавоб".

Қаранг, қандай яхши шеър, деган эди Шукур ака хурсанд бўлиб.

Шоир билан сўнги учрашув. 2005 йил март ойининг ўрталари. Шоир Чоршаъм ака телевиденияда мен ҳақимда кўрсатув тайёрлаш ниятида бир гуруҳ ходимлар билан уйимга келди. Тасвирга олиш ишлари тугагандан сўнг, режиссёр ва оператор хайрлашиб кетди. Чоршаъм ака билан бир пиёла чой баҳонасида бироз суҳбатлашдик. Шунда Чоршаъм ака менга: "Вақтингиз қандай, устозни бир кўриб келмаймизми", деб қолди. Рауф акани оғир бетоб бўлганини эшитган эдим, лекин яшаш жойини билмаганлигим учун хабар олгани бора олмагандим. Йўлга чиқдик. Шоир яшаётган жой кўйлиқ томондаги қандайдир бир ўкув юртининг ётоқхонаси экан. Эшикни ёши 20-21-лар атрофидаги бир йигит очди. У шоирнинг турмуш ўртоғи, шоира ва актриса Сулҳида Ёлғизнинг ўғли экан. Ичкарига кириб, Рауф акани озиб кетган бир ҳолда кўрдик. Устоз яқинда инсулт бўлган экан. Буни билмагандим. Унинг ранги бироз оқарган, ўзини ҳали ўнглай олмаган бир ҳолатда эди. Қисқа бир суҳбат қилдик. "Зерикмаяпсизми, устоз?", дейман. У киши ўйчан бир алфозда: "Дўстларнинг иши кўпайиб қолганми дейман, ҳеч ким келмай кўйди". Сездимки, унинг аҳволдан хабар олувчилар бўлмаган. Хайрлашаётганимизда, устоз ўрнидан турди. Қучоқлашиб хайрлашдик. Нимагадир ўша пайти кўзим ёшга тўлиб кетди. Бу бизнинг энг сўнги учрашувимиз эканлигини билмасдим. Орадан кўп ўтмай, "Рауф ака оламдан ўтибди, Чоршаъм аканинг уйдан чиқарармиш" – деган совуқ хабарни эшитдим. Мен у ерга етиб борганимда анча одам тўпланган экан. Кўпчилиги таниш шоир ва ёзувчилар. Бир пайт кимдир: "Вақт бўлиб қолди, ким Рауф Парфи билан видолашмоқчи бўлса, кириб чиқсин", деб қолди. Ёнимда турганлар бирин-кетин кириб чиқишди. Мен кирмадим. Мен Рауф Парфининг мангу кўз юмган ҳолатини кўришни истамадим. Хотирамда бир умр бундан 10 кунча олдин синиқ жилмайган ҳолда қучоқлашиб хайрлашган чеҳраси қолишини истадим.

Хотирот дарахтзорини кезаман... Сарғайган япроқлар неларнидир шивирлайди менга. Хазонларнинг қўшиғи мунгли. Уларни тинглаш оғир...

Рауф Парфининг армони бормиди? Ҳа, бор эди. Унинг армони Ватанни озод кўриш эди. Бу унга насиб этди. Рауф Парфининг яна бир улкан армони бор эди. Унинг армони Туркистон ҳурлиги, Туркистон бирлиги эди. Бир суҳбатимизда шоир билан шу ҳақда сўзлашдик. Шунда у, биз учун бу катта армон, деганди. "Ҳақиқий шоир умуминсоний дардларни қуйлаши керак", деган эди. У шу армонлар изтиробиде ёниб ўтди...

Мана, Рауф Парфининг оламдан ўтганига ҳам етти йил бўлди. Ҳар сафар китоб дўконига кирсам ёки газеталар муҳарририяга жойлашган бино олдида жойлашган, шоир ҳазил билан номланган "Ҳақимхона" томонга йўлим ташса, у қаршимдан чиқиб келаётгандек туюлаверади. Энди орамизда Рауф Парфи ҳам, Шукур Холмирзаев ҳам йўқ. Улар адабиётимизни, сафимизни тўлдириб турган эди...

Бугун уларни соғинамиз. Улар билан учрашган дамларни ҳаётимнинг энг гўзал онлари, дейман. Улар бизга ҳаётдаги энг гўзал байрамларни ҳада этишган эди. Бу шеърят байрамлари эди.



## Унутмас мени боғим

### Йўлдошга тансану Йўлдошга Жонсан

**Фарғонам**

Айлангансан менинг шаъну шонимга,  
Кўшилиб кетгансан тану жонимга.  
Кучоғингда туриб, ёнапти ичим,  
Чўғ бўлиб боряпти бутун соғинчим.  
Қачонлар бўлгандир, эҳтимол, оҳинг,  
Юлдузларга етган аммо нигоҳинг.  
Ким билмас, ўзинг-ку – Аҳмад Фарғоний,  
Илмдаги кўзинг-ку – Аҳмад Фарғоний.  
Кўйишим, суйишим – энг бахтли оним,  
Нодира, Увайсий, эй, онажоним!  
Паригинамсану гўзалгинамсан,  
Ўзинг диёнату ўзинг иймоним,  
Пушту паноҳиму беминнат номим.  
Чироёнинг – сўзимда, шикинг – кўзимда,  
Ўхшашинг топилмас дошу тўзимда.  
Изҳорим оажизми, ёнишим камми,  
“Боғи Беҳиш” мисан “Боғи Эрам” ми?!  
Йўлдошга тансану йўлдошга жонсан,  
Уйқудан уйғонган оромижонсан.  
Қаерларда кезмай, ширин ўйимсан,  
Согиниб-согиниб қайтган уйимсан.  
Тарриф-тавсифингда йўқдир нигоҳим,  
Фарғонам, волидам, жону жаҳоним!

**Қизгалдоқ**

Хой, қаранг, тоққа қаранг,  
Кимдир ўт ёққан, қаранг.  
Оловни ўзи қўйиб,  
Васлига тўйиб-тўйиб,  
Маҳлиё боққан, қаранг.  
Ўт сувдай оққан, қаранг –  
Чўққидан насларгача:  
Очилдинг, қани, қачон,  
Қизгалдоқ, қизгалдоқжон,  
Сен – тўлқин, сен – ҳаяжон?!  
Сен – баланд тоғ халисан,  
Ёримдай иболисан.



**Йўлдош  
СУЛАЙМОН**

1935 йилда туғилган.  
Фарғона Давлат педагогика институтининг  
тил ва адабиёт факультетини битирган.  
Узоқ йиллар Фарғона вилояти газетасида,  
вилоят Ёзувчилар уюмасида ишлаган.  
Ижодкорнинг “Боболар қалби”, “Сен  
менинг кўёшимсан”,  
“Субҳидам”, “Вафо”,  
“Армон”, “Осмонга  
сизмаган муҳаббат”  
каби турли жанрдаги  
асарлари нашр этилган.  
Йўлдош Сулаймон  
2004 йилда вафот  
этиди.

Ҳам унинг кўзларидай,  
 Ҳаёли юзларидай,  
 Орамли сўзларидай,  
 Гул иси изларидай –  
 Чақнатдинг нигоҳимни,  
 Эшитдинг “оҳ-оҳ” имни!  
 Йўлдош ҳам суйиб борар,  
 Ниқингда куйиб борар –  
 Бағрингга ол, қизгалдоқ,  
 Куйдирдинг эй, қизгалдоқ!

### **Муҳаббатсиз яшай олмасман**

Вужудимда ўт бор, толмасман,  
 Муҳаббатсиз яшай олмасман,  
 Жасоратдан асло қолмасман –  
 Юрагимни ёндирар севги,  
 Ташналикни қондирар севги!

Шайдоликдан нишонадирман,  
 Ярақлаган пемонадирман,  
 Ошиқларга нишонадирман –  
 Юрагимни ёндирар севги,  
 Ташналикни қондирар севги!

Сўрамоқнинг келди хонаси,  
 Не ҳаёдир ҳаёл донаси,  
 Яшамоқнинг недир маъноси –  
 Юрагимни ёндирар севги,  
 Ташналикни қондирар севги!

Ёмонликни қўйиб яшасанг,  
 Йўлдош каби тўйиб яшасанг,  
 Суйганингни суйиб яшасанг –  
 Юрагимни ёндирар севги,  
 Ташналикни қондирар севги!

### **Ёмгир**

Роса эзиб ёғяпти ёмгир,  
 Шаббодаси эсяпти гир-гир.  
 Тегмасин деб юзу танига,  
 Кўплар ўзни олди панана.  
 Ювиб кетди чангу зуборни,  
 Ичга сизмас дилдаги зорни.  
 Ўт-ўлану дарахтга қаранг,  
 Кўзни олар уларадаги ранг.  
 Гуноҳ ортиб боряпти чоги,  
 Кам қоляпти кўнглининг соғи.  
 Гоҳо енгли, гоҳида оғир,  
 Борлиқ узра ёгади ёмгир.  
 Ёғяпти ёмгир...

### **Табассуминг**

Хуснингга хуси қўшар,  
 Очилган гулга ўхшар,  
 Узукка кўздай тушар,  
 Чиройлик табассуминг,  
 Бир бойлик табассуминг!

Шаббода каби шўхдир,  
 Ҳамша ўчмас чўгдир,  
 Нигоҳга ишқий ўқдир –  
 Ёйилган табассуминг,  
 Тўкилган табассуминг!

Тунимни ёритади,  
 Ғамимни аритади,  
 Хушбўйлар таратади,  
 Ғунча лаб табассуминг,  
 Нозик таъб табассуминг!

Шу маънос юзларимга,  
 Армонли кўзларимга,  
 Дилдаги сўзларимга –  
 Нур тарар табассуминг,  
 Мен тараф табассуминг!



Гулқайчи

# ОТА ХУРМАТИ

*Ҳажвия*

Бир кун мени муҳарриримиз хузурига чорлаб, туйқусдан сўраб қолди:

– Сен отасан, а?

– А? – Мен ҳовлиқиб қолдим. – Кимга?

– Масалан, мен – отаман, уч фарзандим бор. Сенам отасан, шундоқмасми!

– Шундай, шундай... Худога шукур, беш фарзандим бор.

– Ана! Шундоқ экан, оталарга ҳурмат қандоқлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Оталар ҳурмати жойига қўйиляптими? Қани менга инсоф билан айт-чи, қайси шоир дунёдаги барча оталар ёдлаб ёки хиргойи қилиб юргудек битта кўшиқ яратди? Ёхуд ота ҳақида роман, қисса қоралаган ёзувчи борми? Йўқ!.. Ҳатто, садағангина кетай, пайғамбаримиз ҳам “отанг билан онанг баравар чақириб қолсалар, уч мартагача олдин онангнинг олдига бор, кейин отангга бор”, дея лутф қилганлар. ...Хўш, биз фақирларнинг ёзугимиз нима?

Ўйлаб кўрсам, айни ҳақиқат.

– Шу боис, – деди муҳаррир охирида, – биз иккалаимиз оталар ҳурматини жойига қўяйлик.

– Қандай қилиб қўямиз?

– Бошлаб мақола ёзасан! Ёзгандаям шунақанги бошлаб ёзасанки, шу пайтгача беҳафсала юрган кимсалар ота фазилатларининг нақадар серқирралигидан воқиф бўлсин. Фарзанднинг отага бўлган ҳурматиникўл етмас чўққиларга кўтар. Сенга бир ой муҳлат!..

Одатдагидек мақола бўлганда-ку, менга озгина муддатнинг ўзиёқ кифоя эди. Аммо, бунақа муаммоли масала учун бир ойлик муддат, менимча, эрта ўтиб, индинга етиб келадигандек туюлди.

Ҳарқалай, топшириқни бажариш керак. Қолаверса, ўзимнинг ҳам оталик ғурурим ғимирлаб қолди, шекилли. Лекин, мия кўруга ҳеч вақо келмади. Тун бўйи тўлғониб чиқдим. Эртасига яна. Учинчи кун ҳамма уйқуга ётгач, миямга бир фикр келгандек бўлди. Шу тахлит бошлайман, дедим хаёлан, ҳамма ҳайрон қолсин:

...Қадимда болалар оталари кексайгач, опичлаб олиб, кимсасиз жойларга ташлаб келар экан. Ҳозир, худога шукур, тўрға ўтказиб, эъозлайди...

Йўқ, бўлмайди! Баъзи ақли ноқислар “эски урф-одатларни қайта тиклайман” деб қолса-чи, оталарини аллақайларга обориб ташлаш пайига тушиб қолса-чи!

Чўчиб туддим. Қайта хаёлга чўмдим. Топдим! Мана, бундоқ бошлайман:



**Муродбой  
НИЗАНОВ**

*1952 йилда туғилган.*

*Нукус Педагогика институтида таҳсил олган. “Текин парвоз”, “Телефон жининиси”, “Қулдиргани учун айбдор” номли ҳажвиялар тўпламлари. “Душман”, “Оҳират уйқуси” романилари, “Ақчагул”, “Икки қонхўр” қиссалари нашир этилган.*

*Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси. Бердақ мукофоти ҳамда “Дустлик” ордени билан тақдирланган.*

...Бир фарзанд ўз отасини опичлаб, Каъбага оборибди... Йўқ, тўхта, тўхта. Афсонага кўра, "ўз онасини" деб айтилади, шекилли... Анигини билмаган нарсага алағда бўлмайд қўяқолай.

Ёки. ...Ҳа бўлди, мана бундай ёзаман:

...Бир чол билан кампирнинг ёлғиз ўғли бор экан. Уни, иттифоқо, шаҳарга катта мансабга таклиф қилишибди. Бироқ, кампир-чолнинг овулдан кетгиси келмабди. Шунда ўғли отасини рози қилиш учун ўтирган ерига икки қаватли муҳташам сарой қурдириб берибди...

Бўлмайти! Ичкарасида неваралари чопқилаб ўйнамайдиган, ўғли ҳар кун эрталаб Тангри саломини бермайдиган, келини саҳарлаб таҳорат сувини илтиб бермайдиган муҳташам саройнинг кимга кераги бор?!

Ёхуд мана бу тарзда ёзсам-чи:

...Бир амалдор фарзанд отасига чақмоқдек ялтиллаган яп-янги "Нексия" олиб, ишхонаси ҳисобидан бир ҳайдовчи тайинлаб қўяди.

Йў-ғе! Бу ғирт жиноят-ку?..

Тўғриси, бирор жўяли гапнинг жиловидан ғиппа ушламасанг, ҳафсаланг пир бўлиб, хаёлинга ҳеч нарса келмай қўярган. Шўйтиб, бу оқшом ҳам бесамар кетди.

Халқнинг "билмагани" сўрашнинг айби йўқ деган нақли бор. Мен ҳам тизгинсиз хаёлларни йиғиштириб, дўст-ёронларимдан мадад сўрадим. Улар ҳам ҳар бири баҳоли қудрат ёрдамга ошиқди:

– Отанг – таянч тоғинг! Отанг – Худодан кейинги улугинг!

– Отанг – Оллоҳ таолодан кейинги ижодкоринг!

Хўш, шу тариқа баландпарвоз сўзлар билан бошларман ҳам дейлик. Кейин-чи? Ҳаётдан олинган мисол бўлмаса, нима қизиғи бор?

Аммо, "чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар" деганлари рост экан. Мисол топилди. Душанба эди ўша кун. Каллаи саҳарлаб, Дўстмирза деган ўртоғим кўнғирок қилди:

– Пайшанба куни Кўнғирот шаҳрига, тоғамнинг уйига борамиз. Тадоригингни кўравер.

– У ёқда нима бор?

– Сен излаб юрган мисол бор.

– Хўш-хўш?

– Тоғамнинг Қутлимурод қалпе (қуш овчиси) деган кўшниси бор. У бир пайтлар куённинг қулоғидан, кирговулнинг оёғидан ушлай оладиган аломат овчи бўлган. Ҳозир устаси фаранг тадбиркор. Савдо-сотик туфайли унинг оёғи етмаган ер йўқ бу оламда. Ҳатто, туғилган кунига Туркиядан меҳмон келади. Кореяга ёки Японияга бориб келиш унга чўт эмас, худди ўзимизнинг Чимбойга бориб келгандек осон.

– Бунақа гаплар менга на ҳожат? Менга отасининг ҳурмати жойига қўйган одам керак.

– Нақ шунинг учун айтялман-да! Ҳозирча одам оёғи етгудек жойда Қутлимурод қалпедек отасининг ҳурмати жойига қўйган одам йўқ. Ибрат олса арзигулик фарзанд. Яқинда отасининг қабри устига шоҳона мақбара қурдирган. Пайшанба куни ўша мақбаранинг очилиш тантанаси бўларкан. Тоғам айтдилар. Икки автобус, еттита ёнги машина сафини туман ДАН машинаси бошлаб бораркан!..

Хулласи калом, дўстим мени кўндирди.

Пайшанба куни эрталаб йўлга чиқдик. Бориб кўрдикки, тумонат одам. Қабристонга боришдан олдин "ёнгилгина чойхўрлик" бўлди. Ростки, шу "ёнгилгина чойхўрлик" дастурхондаги тўкин-сочинлик манзараси менинг ўтган йили ўғлимнинг суннат тўйига ёзилган дастурхондан анча дабдабалироқ эди.

Аммо лекигин, қалпе жаноблари муллалардан кўра журналистларни кўпроқ хўш кўраркан. Дўстмирза иккаламизни биринчи машинага ўтқазди. Ўзи олд ўриндиққа жойлашди.

– Мен шахсан ўзим шўхратпараст эмасман, – деди у машина ўрнидан кўзғалиш биланоқ. – Аммо, журналистлар мени қаёқдан бўлмасин излаб топиб олишади. Бир куни телевидениедан, эртасига радиодан, индинига газетадан. Мана, ҳозир ҳам, ҳатто қабристонга бирга бораётган журналистлар.

Индамадим. Нима дей? Бораётганим рост-ку.

Қабристонга етдик. Ҳамма машинадан тушди, ўзиям катта бир маъраканинг одами жамулжам бўлибди. Гумбаздек салла ўраган имомга эргашиб муҳташам мақбара сари кўтарилдик. Эҳ, мақбарамисан мақбара бўлипти-да. Ҳар бир ғишти ўзгача бир меҳр

билан тарошланиб, ўзгача бир бўёқ ишлатилгандек ялтиллади. Тепасидаги ярим ойга тикка қарай олмайсиз – қуёш нури кўзингизни қамаштириб юборади.

Гумбазнинг теварак-айланасига ҳар хил рангдаги нақшинкор тошлар ётқизилган. Тош тўшалмаларнинг четига қуббали темир панжара ўрнатилган. Гумбаз олдига қўйилган ялтироқ мрамор тошда оппоқ соқолли, сариқ чакмонли, очиқ чехрали бир мўйсафиднинг ҳайкали қўйилган. Ҳайкал олдида бахмал тўшалган стол. Стол устида пиширилган курка гўшти, қази-қарта, олма-узум, сархил мевалар. Столнинг икки томонида елқаларига сочиқ ташланган икки забардаст йигит хизматга шай ҳолда серрайиб турибди.

Йигилганлар гумбаз ёқалаб ўтирдик. Бояги оқ саллали имом қироат билан эзиб-эзиб, қуръон тиловат қилди. Кейин ҳамма кетма-кет тизилишиб, мақбара олдидаги дастурхондан туз тотдик.

Шундан сўнг митинг бошланди.

– Дунёга келган ҳар бир фарзанд, – дея бамайлихотир сўз бошлади имом ҳазратлари, – отага мана шу тахлит ҳурмат бажо келтирмоғи жоиз. Қанийди, менинг ҳам, сенинг ҳам, унинг ҳам ўғил-қизлари Қутлимуроджондек саховатпеша инсон бўлиб, келажақда мақбаралар бунёд қилсалар!..

Гоҳ ҳазратнинг маърузасини тинглайман, гоҳ оғзим очилиб, мақбарага суқланиб қарайман. Гоҳида биз ўтирган жойдан юз қадамча наридаги оддий бир қабр кўриниши диққатимни тартади. Қабр афтодахол, лойсувоқлари кўчиб кетган. Уям гумбазсимон қилиб қурилган. Лекин, Қутлимуроднинг отасига тикланган мақбара гумбази билан таққослаганда... э, таққослаб бўлмайди. Аммо, негадир, бу ерга зиёратга келган киши борки, ҳаммаси ўша қабр томон қайрилиб ўтяпти, девори тупроғини пешонасига суришяпти. Секи-ин суриштириб билдимки, у аллақайси шайхнинг қабри бўлиб, ушбу қабристон унинг номи билан аталаркан.

Мақбара олдидаги митинг марҳум ҳақида эмас, нуқул Қутлимуроднинг шаънига айтилган мақтовлардан иборат тантанага ўхшаб кетди-ёв.

– Қутлимурод дўстимиз, керак бўлса, отаси учун жонини ҳам аямайди, – деди қорин қуйворган биттаси. – Мана, манави отасининг суратини Эрондан расом олдириб чиздирган. Расом бу асарини юз йил асл ҳолида туширишга кафолат берди. Қутлимурод айтганини икки қилмай, унга уч миллион сўмни нақд санаб берди. Мен шахсан ўзим санашдим.

– Оғайнилар! “Ёмон чинини айтаман деб, сирини айтади” деган нақл бор, – деди яна бир галстук таққан арбоб. – Нақлда айтилганидек, менам чинимни айтсам, сўнгги ўн йилдан буён отамнинг қабрига бормаганман. Ҳар йили хотира кунида бола-чақаларим юбораман. Сабаби, вақт ҳам йўқ, қунт ҳам йўқ. Отамнинг қабри ҳали-ҳануз қаровсиз. Тўғри, қабрни таъмирлашга, бирор лавҳа ўрнатишга қурбим етади. Лекин... Энди шу... Мана шу мақбара олдида туриб, қасамёд қиламанки, келгуси йили, албатта, отамнинг қабрига лавҳа ўрнатаман. Чунки, Қутлимурод дўстим бугунги саховатпешалиги билан барчамизга ибрат бўлди, мени мулзам қилди!

Мунозара мусобақага айланди:

– Қутлимуроджон ушбу мақбара учун ўттиз уч миллион сарфлади!

– Йўқ, ўттиз етти миллиондан ошиқроқ. Қурилишнинг бош-қошида ўзим бўлганман!

– Тўғри! Лекин у отаси учун атиги ўттиз сўм сарфлаганчалик ҳам оғринмади.

– Отага сарфланган харажат – ўта савоб ишдур!

– Тақсир, оқилонан нақл қилдингиз. Ота Оллоҳдан кейинги ижодкоримиз, ахир!

Хуллас, “ким ўзарга” нутқлар ирод қилинди. Сўзга чиққанларнинг ҳар бири “мени кўрдимикин” қабилида асосан Қутлимурод қалпега қараб гапирди. У эса ҳар бир гапни берилиб тинглаган сари, бир ўқчадан бир ўқчага миниб, виқор билан гердайиб туради.

Кун оққандан сўнггина қабристондан аранг қайтдик. “Хомталашнинг каттасини туя сўйганда кўринг” деганларидек, дастурхоннинг каттаси кейин бўлди. Боя унчалик эътибор қилмаган эканмизки, бу уй шаҳарнинг тор кўчасига ўхшамаскан. Аслида, атрофидаги тўрт қўшнисининг ер майдонини кўтарага сотиб олиб, ўрнига узундан узоқ сарой қурдирган экан. Саройнинг охирига бири-биридан ҳашамдор уч ўтов тикланган.

Қалпе журналистларни “қадрлаш” ақидасига амал қилди, шекилли, бизни биринчи ўтовга таклиф қилди. Бу ерда казо-казолар, гапирганда оғзининг бир чеккасидан миллионлар чиқиб кетаверадиган бизнесменлар, сўнг катта-кичик мансабдорлар эди. Энг ғариби Дўстмирза иккаламиз бўлдик.

Мени бир нарса қизиқтира бошлади. “Бу кишининг отаси тириклигида ким бўлдийкин? Суратдаги келбатига қараганда, сал мундайроқ дин пешвоси ё кароматли

зшон бўлса кераг-ов". Шу боис, ёнимда "эртага кечкурун Эронга кетаман" деб ўтирган тижоратчи йигитдан аста шивирлаб сўрадим:

– Жўра, Қутлимуроднинг отаси тириклигида ким бўлган?

У, худди орқасидан эргшиб келган серхархаша болага қарагандек, бир олайиб қаради-ю, яна гурунги давом қилаверди.

Бироз ўтириб, яна кўзгалдим. Бу гал тижоратчи йигитнинг нарёғида учинчи бўлиб ўтирган кишининг елкаси оша сўрадим:

– Ёшулли, Қутлимуроднинг отаси ким бўлган?

У менга бақрайиб боқди:

– Нима, ёзмоқчимисан? Сиз журналистларнинг дастидан, ҳатто, ўликларгаям тинчлик йўқ!

Занғарнинг овози қаттиқроқ чиқиб кетди, шекилли, ҳамма менга ёвқараш қилди. Ношудликдан ўнғайсизланиб, бу ўтовни тарк этишга мажбур бўлдим.

Иккинчи ўтовда ҳалиги имом билан мулла гумашталари ўтирган экан. Улар менинг бўсага ёнига келиб ўтирганимга парво ҳам қилишмади.

Бир нарсани билгиси келса, одам тинчини йўқотар экан. Бу гал шивирлашни йиғиштириб, данғалига кўчгим келди. Устига устак, муллалар савол-жавобни ёқтиришади-ку.

– Тақсир! – дедим имомга мурожаат қилиб. – Бир нарса сўрасам майлими?

– Сўранг, бўтам! – деди у виқор билан.

Ҳамма жимиб, менинг оғзимга тикилди.

– Қутлимурод дўстимиз бугун отасининг хурматини жойига қўйди. Офарин. Энди мен бир нарсани билгим келяпти. Шу дўстимизнинг отаси аслида ким бўлган?

Имомнинг юзи тундлашди.

– Бўтам! – деди у бироз тин олиб. – Иккинчи бора уламоларга мурожаат қилишдан олдин обдан ўйлаб ол. Қолаверса, бу оламдан ўтган мўминлар ҳақида ғийбат қовлама!

Пешонамга пайғамбар асоси билан ургандек, қарахт ҳолда ўтовдан чиқиб кетганимни билмай қолдим. Бўсагадан чиқишим биланоқ орқамдан ғовур кўтарилди.

– Тақсирим, кўнглингизга олманг.

– Шаҳарда улғайиб, бефаросат бўп кетган занғар-ку!

– Тўғри, ўзиям савол берганига пушаймон бўлгандир...

Учинчи ўтовга киришням-кирмасликням билмадим. Дўстмирза боя биринчи ўтовда қолганди. Яхшиямки, ўзи келиб қолди:

– Нима қилдинг? Билолдингми? Ким бўлган экан отаси?

– Ҳеч ким айтмади.

Шу пайт кўлида кумғон ушлаган бир қария ўтов ортидан чиқиб келди. Назаримда, ҳар қандай гапдан тап тортмайдиган, дангалчига ўхшайди. Мен яна тавакқал қилишга бел боғладим. "Шу кишидан ҳам сўраб кўрай, нари борса битта сўкинар. Сўкишни-ку эшитавериб..." дедиму қарияга аввал саломимни, кейин саволимни бердим. У жавоб беришдан олдин у ёқ-бу ёғига қараб олди.

– Иним, – деди қария кейин хушламайроқ, – бу атрофга кўчиб келганимга атиги ўн йил бўлди. Нариеғини билмайман.

– Оқсоқол, у киши ўтган йили қазо қилган-ку. Сиз ўн йилдан буён шу атрофда...

– Ахир, мен кўчиб келганда у киши йўқ эди-да! Қариялар уйига обориб ташлаганларига бир йил бўлган экан. Шундан бери... мана, ўтган йили ўлди. Ўша ёқда ўлди. Мурдасини олиб келишганларида, келин уйига киритмай, анави муллалар ўтирган ўртадаги ўтовга қўйишди. Ювғучлар ўша жойда ювишди. Ювишда менам қатнашганман...

Дўстмирза иккаламиз ҳангу манг бўлиб қолдик. Қария таҳорат кумғонини ўтовнинг қапталига суяб қўйиб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Ўшандан буён орадан ўн йил ўтди. Муҳаррир бир ой муҳлат берган мақола ҳамон ёзилгани йўқ. Мен эса, рости, отанинг хурмати қандай бўлиши кераклигини ҳалигача билолмай доғда юрибман.

**Аҳмад ОҚНАЗАРОВ**  
таржимаси



## *Хамза Ҳакимзода Ҳиёзӣ*

\*\*\*

*Ҳақиқат кўзинг оч, боқ олама, не можароси бор,  
Башар, гайрул – башар ҳар қайсининг чуну  
чароси бор.*

*Тилисмедурки, ҳеч ким фатҳ этолмас кўҳна дунёни,  
Вале, тўрт кун тамошо этгудек айшу намоси бор.*

*Нафасни қадрини билсанг, хуш ўтқар, юрма беҳуда,  
Баҳоринг олди ёздур, орқадин қишлоқ ҳавоси бор.*

*Ўзингдин бошқаларни дарди йўқ деб бўлмагил гофил,  
Саҳарлар бир қисим пар андалибнинг бинг  
навоси бор.*

*Бошида посбон йўқ деб, етим аҳлини қақшатма,  
Онинг ҳеч бўлмаса, йўқдин бино қилган Худоси бор...*

*Фақат бир сан эмассан, яхшилардин бир  
масал қолмиш:  
Жаҳонга ким келибдур кўнглида бир муддаоси бор.*

*Ўзингдин ўзгани атворига таън этма, эй нокас,  
Ки ҳар танни табиат исмида бир подшоси бор.*

*Ҳама ушиоқ эли маъиуқасидин комёб ўлса,  
Ниҳонни тонг-ла кун кўрсатмоққа аҳду вафоси бор.*

